



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

SJIF: 3,546 (2020)

2022/№ 6

ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИОН
ТАДҚИҚОТЛАР

ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ

EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



№ 6, 2022
июнь

<p>Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p>Бош муҳаррир: Маъмуров Баҳодир Бахшуллаевич</p> <p>Жамоатчилик кенгаши раиси: Ҳамидов Обиджон Ҳафизович, Бухоро давлат университети ректори</p> <p>Таҳририят кенгаши раиси: Маҳмудов Мэлс Ҳасанович</p> <p>Масъул котиб: Акрамова Гулбахор Ренатовна</p> <p>Техник муҳаррир: Давронов Исмоил Эргашевич</p> <p>Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 16-уй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган</p> <p>Босишга рухсат этилди: 15.06.2022 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Омма- вий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган</p> <p>Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб хар ойда 1 марта ўзбек, рус ва англис тилларида чоп этилади</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-ме- тодик журналдан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p> <p>Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир</p>	07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ	
	Ибрагимов Ф. Ўрта асрларда “Тиб қонунлари”га қисқартмалар ёзиш амалиёти	7
	Beshimov M. K. Munzim zamondoshi Ayniy xotiralarida	14
	Юсупова М. Ў. Бухоро воҳаси маросимларида пишириладиган таомлар ва уларнинг бугунги кундаги аҳамияти хусусида	17
	Абдурахманов А. Ю. 1960-1980-йилларда Сурхондарё вилояти қишлоқлари аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш фаолияти	22
	Nasilloev S. Sh. N. V. Xanikov tadqiqotlarida Buxoro tarixiy-me'moriy yodgorliklari ro'yxatining shakllantirilishi.	30
	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	Бабаева Ш. Б. Основные приёмы формирования метода моделирования синтаксических понятий на уроках родного языка	38
	Шербекова Г. Я. Бухоро никоҳ тўйи олқишлари	44
	Бекназарова Галина Время и пространство в творчестве русских писателей фантастов XX века	49
Эшанкулова А. Х., Тухтарова А. Ф. Эстетические взгляды и поэтика произведений Алексея Варламова	53	
Ishonxanova I. A. O'rta umumta'lim maktablarida Alisher Navoiy epik asarlarini o'rganishga innovatsion yondashuv	57	
Жумаева Ф. Р. История изучения перехода частей речи в трудах узбекских учёных	61	
Khaydarova I. A., Allayarova D. K. Phonetic regulations of the modern russian language	67	
Ибрагимов Х. Ҳ. Бадиий матнда градуонимларнинг ўрни (Тўра Сулаймон ижоди мисолида)	71	
Акрамова С.Р. Жамол Камол ижодида арузни “замонавийлаштириш” тамойили	75	
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ		
Чориев Р. К. Профессional таълим мутахассисларини дуал тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси	78	
Baymuratova I. learning problems of medical informatics	82	
Маҳсудов П.М. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиси ва устасини касбий фаолиятга тайёрловга инновацион ёндашув	86	
Маҳмудов В. В. Ёш футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш	90	

Маматалиева М. И. Махсус фанларни ўқитишда талабаларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш методикаси	93
Хашимова М. К. Организация самостоятельной деятельности студентов профессионального образования	96
Салимова С. Ф. Бўлажак биология ўқитувчилари касбий компетенциялари шаклландириш тарихини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари	105
Норқобилов М. Н. Спортчи талабаларнинг даврида махсус жисмоний тайёргарликларини ошириш	111
Жуманов А. А. Талабаларда интегратив ёндашув асосида технологик компетенцияни ривожлантириш	115
Комилова М. О. Становление и развитие смешанного обучения	119
Каюмов О. А. Интерактив интеллектуал электрон таълим ресурсини яратиш модели	122
Dilova N.G. Uzliksiz ta'lim-tarbiya jarayonida shaxslararo munosabatni shakllantirishning tarixiy taraqqiyoti	128
Amirqulov X. Q. Talabalarning grafik savodxonligini rivojlantirishda animatsion videoroliklarning roli	138
Шуқуров Х. Г. Математика фанини ўқитишда ноанъанавий таълим ёндашувлари	142
Шомуродов Ш. Ш. Масофавий таълим муҳитида бўлажак менежерларда ахборот компетентликни шакллантиришнинг педагогик шароитлари	147
Fatullayeva M. A., Baqoyeva D. B. Voleybolchilarni saralab olish va malakali sportchilarni tayyorlashning o'ziga xos yo'llari	153
Мукумова Д. И., Ярова С. Б. Инновацион ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш муаммолари	159
Исканджанова Ф.К. Методология повышения профессионально-педагогической и информационной компетентности врача-педагога	162
Исмаилова З. К., Маматалиев А. М. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини оширишнинг илмий асослари	166
Химматалиев Д. О., Жўраева Г. А. Талабаларнинг ижодий қобилиятининг такомиллаштиришнинг мавжуд ҳолатлари	170
Рахимов О. Д. Мустақил таълимни рақамли технологиялар асосида ташкил этиш технологияси	174
Холбўтаева Д.У.Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш ижтимоий педагогик зарурият сифатида	181
Маҳмудов Ю. Б. Ўқувчилар орасидаги шахслараро кадрятли муносабатларнинг педагогик тавсифи	185
Олимов С. А. Педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотида методик ишларни ташкил қилиш, бошқариш ва мониторингини юритиш	189
Eliboeva L.S. Boshlang'ich sinf o'qituvchilarining kasbiy mahoratini uzluksiz oshirish	193
Jurayev B. T., G'aybullayeva M. H. O'zaro darslarni tahlil qilish kasbiy mahoratni oshirishning vositasi sifatida	197
Odilova M. Oliy o'quv yurtlarida talabalarning mustaqil ta'lim jarayonini tashkil qilishda gat texnologiyalaridan foydalanish muammolari	201
Ажиева М. Б., Айтмуратова Д. К., Ажиева Б. А. «Галогенлар» мавзусини ўқитишда дидактик материаллардан фойдаланиш	205
Сиддиқов З. Х., Матгазиев Х. М. О знакомления учащихся с методами математического моделирования	209
G'ulomov J. B. Zamonaviy ta'lim sharoitida otm talabalarida mas'uliyat ko'nikmalarini rivojlantirish texnologiyalari o'rni (masofaviy ta'lim misoliida)	217
Nazarov A. A. Turkiston maktablarining tashkil etilishida jadidchilik harakati, xotin-qizlar ta'limi ahamiyati (XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlari)	222
Ширматов С. Т. Шахслараро муносабатни самарали ташкил этишда волонтерлик ҳаракатларининг роли	227

19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Zlyvkov V. L. Integrative possibilities of eclectism in the context of the opposition of scientific and humanistic approaches	231
Усманова М. Н. Роль внимания в регуляции интеллектуальной активности младших школьников	237
Lukomskaya S. A. The phenomenon of integration-disintegration in the dimensions of dialectics of modern psychological science	247
Останов Ш. Ш. Психологияда креативлик масаласининг назарий таҳлили	253
Назаров А. М. Показатели психологической устойчивости личности студента в образовательной среде ВУЗа	257
Ражабов М. Ж., Ражабова Х. Х. Манипуляция турлари ва одамларда репрезентатив тизимнинг ифодаланиши	261
Ганжиев Ф. Ф. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилари касбий компетентлигини тадқиқ қилиш услуби	266
Солиев Ф. С. Репрезентатив тизим ёрдамида суҳбатдош психотипини аниқлашнинг адекват оператив модели	274
Киличев А. А. Концепт «женщина» ва фразеологизмлар узбекского и русского языков в контексте аспектов лингвокультурологии	281
Djalolova M. A., Mamajonova Sh. K. O'smirlar xulqida nomoyishkorlik g'ayratlilik xususiyatlari tadqiq etish metodologiyasi	286
Мелиев Г. О. Бўлажак офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини шакллантириш масалалари тақлиф ва тавсиялар	292
Атабаева Н. Б. Талабаларда альтруизм шаклланишининг психологик хусусиятлари	296
Shermatov F. T. Harbiy rahbarligiga nomzod kadrlarning kasb profессиogrammasini yaratishning ilmiy asoslari	304
Ismatova D. T. O'smirlardagi emotsional zo'riqishlar muammosining nazariy asoslari	310
Садикова Ф. М. Ўқитувчининг ижодий фаолиятини олиб боришда зарурий компетенциялар мазмуни	315
Jumayev N. Z. Talaba yoshlarda agressiv xulq-atvorning namoyon bo'lishining ijtimoiy-psixogik mexanizmlari	319
A'zamova M. A. Masofaviy ta'limda ta'limning integrativ va differensial yondashuvning psixologik ahamiyati	322
Sobirov A. A. Zamonaviy maktab o'quvchilarining ta'lim jarayonida psixologik salomatligi	326
Худойкулова Г. Б. Ўқувчилар гуруҳларида шахслараро фаоллик мотивациясини шакллантиришнинг психологик механизмлари	334
Ro'ziev U. M. Xavotirli bolalar, ijtimoiy fobiya namoyon etilishining o'ziga xos xususiyatlari	340
Ахмадов Н. Р. Ўсмирлар гуруҳида психологик муҳофаза мезонларини тадқиқ қилишнинг амалий -методик асослари	347
Рустамов Ш. Ш. Амалиётчи психологларнинг касбий компетентлик омилларини ўрганишнинг методологик асослари	353
Хақимова Ф. Х. Идентификация факторов семейных разводов и пути их предотвращения	357
Ғайбуллаев А. А. Спортчиларда казусли вазиятларда ҳиссий- иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизмлари	361
Каримжанова Ё. У. ОИВ инфекциясини ривожланиши ва унинг инсонлар эмоционал ҳолатларига таъсири	366
Ходжанов А.Р. Курашчиларни мусобақаларга психологик тайёрлашнинг ўзига хос йўллари ва мусобақага психологик тайёргарлик жараёнининг хусусиятлари	371
Омонов Ш. И. Рекламани идрок қилишда шахс ижтимоий установка компонентларининг таъсири	375
Тожиева Р.Қ. Маҳаллалар билан ишлаш оилаларга психологик хизмат	379
Kurbanov I. Kh. Conflicts of collision of views of the modern state, manifesting in innovative personality	384



ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Джурев Рисбой Хайдарович, педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги
Шамсутдинов Рустамбек Темирович, Андижон давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори
Мажидов Ином Урушев, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети.
Олимов Кахрамон Танзилевич, педагогика фанлари доктори, профессор, А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Тошкент филиали
Таджиходжаев Зокирхўжа Абдусатторович, техника фанлари доктори, профессор
Мусурмонова Ойнисо, педагогика фанлари доктори, профессор
Сафарова Роҳат Ғайбуллоевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти.
Ибрагимов Холбой Ибрагимович, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАХРИРИЯТ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

Артамонова Екатерина Иосифовна, педагогика фанлари доктори, профессор, Москва давлат педагогика университети, Халқаро педагогика фанлари академиясининг президенти
Емельянова Ирина Евгеньевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Жанубий-урал давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия
Кузьменко Галина Анатольевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Москва давлат педагогика университети, Жисмоний тарбия, спорт ва саломатлик институти
Олимов Ширинбой Шарофович, педагогика фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Сафаралиев Бозор Сафаралиевич, педагогика фанлари доктори, профессор, Челябинск давлат академияси
Жўраев Хусниддин Олтинбоевич, педагогика фанлари доктори, доцент, Бухоро давлат университети
Кулишов Владимир Васильевич, педагогика фанлари доктори, профессор, Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина
Лазаренко Ирина Рудольфовна, педагогика фанлари доктори, профессор, Алтай давлат педагогика университети ректори, Россия
Филиппова Оксана Геннадьевна, педагогика фанлари доктори, профессор, Жанубий-урал давлат ижтимоий-педагогика университети, Россия
Христо Кючук, педагогика фанлари доктори, Умумий тилишунослик ва психолингвистика профессори, Берлин Эркин университети, Туркология институти, Халқаро психолингвистика ва Социолингвистика журналы асосчиси ва муҳаррири, Германия
Кумсков Михаил Иванович, физика-математика фанлари доктори, профессор, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети
Тилавова Матлаб Мухаммадовна, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Дилова Наргиза Ғайбуллоевна, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети
Максименко Сергей Дмитриевич, академик, психология фанлари доктори, профессор, Украина Миллий педагогика фанлари академиясининг академиги
Умаров Бахриддин Мингаевич, психология фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат педагогика университети
Козлов Владимир Васильевич, психология фанлари доктори, профессор, Халқаро психология фанлари академияси президенти, П.Г.Демидова номидаги Ярославль давлат университети, Россия
Жабборов Азим Мейликулович, психология фанлари доктори, профессор, Қариш давлат университети
Бафев Мухиддин Мухаммадович, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Падалка Олег Семенович, педагогика фанлари доктори, профессор, М.П. Драгоманова номидаги педагогика миллий университети, Украина
Ражабов Дилиход Зарипович, филология фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Маджидова Раъно Уришевна, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Файзуллаев Мухаммад Бакаевич, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Жамилова Баиорат Сатторовна, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Юсупова Хилола Уктамонова, филология фанлари номзоди, доцент, Бухоро муҳандислик-технология институти
Рўзиева Моҳичехра Ёқубовна, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети
Иноятов Сулаймон Иноятович, тарих фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Ражабов Кахрамон Кенжаевич, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти етакчи илмий ходими
Хазретали Турсун, тарих фанлари доктори, профессор, Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети профессори
Мамедова Ирада, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, Озарбайжон Миллий академияси Тарих институти бўлим бошлиғи
Жумаев Рустам Ғаниевич, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети
Тимур Хўжаюгли, тилишунос ва адабиётшунос олим, Мичиган университети профессори (AKII)
Nurettin Naitoğlu Doç. Dr., Zonguldak Bülent Ecevit Üniversitesi Fen-Edebiyat Fakültesi Tarih Bölümü (Turkiya)
Хайитов Шодмон Ахмадович, тарих фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат университети
Муллоджанов Сайфулло Кучакович, тарих фанлари доктори, профессор, Тожикистон миллий университети
Долгов Вадим Викторович, тарих фанлари доктори, профессор, Удмурт давлат университети, Россия
Аршикова Хафиза Тўймуродовна, биология фанлари доктори, доцент, Бухоро давлат университети
Наврузова Шакар Истамовна, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Бухоро давлат тиббиёт институти
Гушко Сергей Владимирович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Давлат иқтисодиёт ва технология университети проректори, Кривой Рог, Украина
Куралов Кобулжон Қулманович, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази директори
Маманазаров Абдухаким Бозорович, иқтисодиёт фанлари фан номзоди, доцент, Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали
Соҳибов Акрам Рустамович, педагогика фанлари номзоди, доцент, Қариш давлат университети
Умаров Бахшудло Жўраевич, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети
Ҳасанова Гулноз Қосимовна, педагогика фанлари номзоди, доцент, Бухоро давлат университети

ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

ЧЛЕНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО СОВЕТА

- Джусраев Рисбой Хайдарович**, доктор педагогических наук, академик АНРУз
Шамсутдинов Рустамбек Темирович, профессор Андиганского государственного университета, заслуженный работник культуры Узбекистана, доктор исторических наук
Мажидов Ином Урушевич, доктор технических наук, профессор, Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека
Олимов Кахрамон Танзилович, доктор педагогических наук, профессор. Ташкентский филиал Российского государственного педагогического университета имени А.И. Герцена
Таджиходжаев Зокирхужа Абдусатторович, доктор технических наук, профессор
Мусурмонова Ойнисо, доктор педагогических наук, профессор
Сафарова Рохат Гайбуллоевна, доктор педагогических наук, профессор, Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук имени Т. Н. Кори-Ниязи
Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых языков

РЕДАКЦИОННО-ИЗДАТЕЛЬСКИЙ СОВЕТ

- Артамонова Екатерина Иосифовна**, доктор педагогических наук, профессор, Московского государственного педагогического университета. Президент Международной академии педагогических наук
Емельянова Ирина Евгеньевна, доктор педагогических наук, профессор, Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия
Кузьменко Галина Анатольевна, доктор педагогических наук, профессор. Московский государственный педагогический университет, Институт физической культуры, спорта и здоровья
Олимов Ширинбой Шарофович, доктор педагогических наук, профессор. Бухарский государственный университет
Сафаралиев Бозор Сафаралиевич, доктор педагогических наук, профессор кафедры социально-культурной деятельности Челябинской государственной академии
Джусраев Хусниддин Олтинбоевич, доктор педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Кулишов Владимир Васильевич, доктор педагогических наук, профессор. Государственный университет экономики и технологий, Кривой Рог, Украина
Лазаренко Ирина Рудольфовна, доктор педагогических наук, профессор. Ректор Алтайского государственного педагогического университета, Россия
Филиппова Оксана Геннадьевна, доктор педагогических наук, профессор. Южно-уральский государственный гуманитарно-педагогический университет. Россия
Христо Кючуков, доктор педагогических наук. Профессор общего языкознания и психолингвистики. Свободный университет Берлина, Институт тюркологии. Редактор Международного журнала психолингвистики и социолингвистики, Германия
Кумсков Михаил Иванович, доктор физико-математических наук, профессор Московского государственного университета им. М.В. Ломоносова
Тилавова Матлаб Мухаммадовна, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Дилова Наргиза Гайбуллоевна, PhD по педагогическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет
Максименко Сергей Дмитриевич, академик, доктор психологических наук, профессор. Академик Национальной академии педагогических наук Украины
Умаров Бахриддин Мингаевич, доктор психологических наук, профессор. Ташкентский государственный педагогический университет
Козлов Владимир Васильевич, доктор психологических наук, профессор. Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидовой. Президент Международной академии психологических наук, Россия
Жаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор. Каршинский государственный университет
Бафев Мухиддин Мухаммадович, PhD по психологическим наукам. Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами
Падалка Олег Семенович, доктор педагогических наук, профессор, Национального педагогического университета имени М.П. Драгоманова, Украина
Ражабов Дилиод Зарипович, доктор филологических наук, профессор. Бухарский государственный университет
Маджидова Раъно Уришевна, доктор филол. наук, профессор, Узбекский государственный университет мировых языков.
Файзуллаев Мухаммад Бакаевич, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Жамилова Башират Сатторовна, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Юсупова Хилола Уктамовна, кандидат филологических наук, доцент. Бухарский инженерно-технологический институт
Рузиева Мохичехра Якубовна, PhD по филологическим наукам, доцент. Бухарский государственный университет
Иноятов Сулаймон Иноятович, доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет
Ражабов Кахрамон Кенжаевич, доктор исторических наук, профессор, Ведущий научный сотрудник института Истории Академии наук Узбекистана
Хазретали Турсун, доктор исторических наук, профессор Международного казахско-турецкого университета имени Ходжи Ахмади Яссави
Мамедова Ирада, PhD по историческим наукам, доцент, заведующий институтом истории Национальной Академии Азербайджана
Джусраев Рустам Ганиевич, PhD по политологии, доцент. Бухарский государственный университет
Тимур Хужаугли, лингвист и литературовед. Профессор Мичиганского университета (США)
Nurettin Natipoğlu, Assoc. доктор, университет Зонгулдак Бюлент Эджевит, факультет искусств и наук, исторический факультет (Турция)
Хайитов Шодмон Ахмадович, доктор исторических наук, профессор. Бухарский государственный университет
Муллоджанов Сайфулло Кучакович, доктор исторических наук, профессор. Национальный университет Таджикистана
Долгов Вадим Викторович, доктор исторических наук, профессор. Удмуртский Государственный Университет. Россия
Артикова Хафиза Туймуродовна, доктор биологических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Наврузова Шакар Истамовна, доктор медицинских наук, профессор, Бухарский государственный медицинский институт
Гушко Сергей Владимирович, доктор экономических наук, профессор, проректор Государственного экономико-технологического университета, Кривой Рог, Украина
Куролов Кобулжон Кулманович, доктор экономических наук, профессор. Центр переподготовки и переподготовки преподавателей при Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова
Маманазаров Абдурахим Бозорович, кандидат экономических наук, доцент. Ташкентский филиал МГУ им. М.В. Ломоносова
Сохибов Акрам Рустамович, кандидат педагогических наук, доцент. Каршинский государственный университет
Умаров Бахиудullo Джусраевич, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет
Хасанова Гулноз Касимовна, кандидат педагогических наук, доцент. Бухарский государственный университет

EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**MEMBERS OF THE PUBLIC COUNCIL**

Djuraev Risboy Haydarovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Shamsutdinov Rustambek Temirovich, Professor of Andijan State University, Honored Worker of Culture of Uzbekistan, Doctor of Historical Sciences

Majidov Inom Urushevich, Doctor of Technical Sciences, Professor. National University of Uzbekistan.

Olimov Kahramon Tanzilovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Tashkent branch of the Russian State Pedagogical University named after AI Gertsen

Tadjikhodjaev Zokirkhoja Abdusattorovich, Doctor of Technical Sciences, Professor

Musurmonova Oyniso, doctor of pedagogical sciences, professor

Safarova Rohat Gaybulloevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbek Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences named after TN Qori-Niyazi.

Ibragimov Kholboy Ibragimovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, Uzbekistan University of World Languages

MEMBERS OF EDITORIAL COUNCIL

Artamonova Ekaterina Iosifovna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, President of the Moscow State Pedagogical University, International Academy of Pedagogical Sciences

Emelyanova Irina Evgeneevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, South Ural State Humanitarian Pedagogical University, Russia

Kuzmenko Galina Anatolevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Moscow State Pedagogical University, Institute of Physical Culture, Sports and Health

Olimov Shirinboy Sharofovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Bukhara State University

Safaraliev Bozor Safaralievich, doctor of pedagogical sciences, professor. Chelyabinsk State Academy

Juraev Husniddin Oltinboevich, Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Kulishov Vladimir Vasilevich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine

Lazarenko Irina Rudolfovna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. Rector of Altai State Pedagogical University, Russia

Filippova Oksana Gennadevna, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor. South Ural State Humanitarian Pedagogical University, Russia

Christo Kyuchukov, Doctor of Pedagogical Sciences. Professor of General Linguistics Psycholinguistics. Free University of Berlin, Institute of Turkology. Founder and editor of the International Journal of Psycholinguistics and Sociolinguistics, Germany

Kumskov Mikhail Ivanovich, Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor. M.V. Lomonosov Moscow State University

Tilavova Matlab Muhammadovna, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Dilova Nargiza Gaybullaevna, PhD in pedagogical sciences, associate professor. Bukhara State University

Maksimenko Sergey Dmitrievich, academician, doctor of psychological sciences, professor. Academician of the National Academy of Pedagogical Sciences of Ukraine

Umarov Bakhriddin Mingbaevich, Doctor of Psychological Sciences, Professor. Fergana State University

Kozlov Vladimir Vasilevi, Doctor of Psychological Sciences, Professor. President of the International Academy of Psychological Sciences, Yaroslavl State University named after PG Demidova, Russia

Jabborov Azim Meylikulovich, Doctor of Psychological Sciences, Professor. Karshi State University

Bafaev Muhiddin Muhammadovich, Doctor of Philosophy in Psychology PhD. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Padalka Oleg Semenovich, Doctor of Pedagogical Sciences, Professor, National Pedagogical University named after M.P. Dragomanova, Ukraine

Rajabov Dilshod Zaripovich, Doctor of Philology, Professor. Bukhara State University

Madjidova Rano Urishевна, Doctor of Philology Sci., Professor, Uzbek State University of World Languages, Tashkent, Uzbekistan

Fayzullayev Muxammad Bakayevich, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Jamilova Bashorat Sattorovna, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Yusupova Hilola Uktamovna, Candidate of Philological Sciences, Associate Professor. Bukhara Institute of Engineering and Technology

Ruzieva Mohichehra Yakubovna, PhD in Philology, Associate Professor. Bukhara State University

Inoyatov Sulaymon Inoyatovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. Bukhara State University

Rajabov Qahramon Kenjaevich, Doctor of Historical Sciences, Professor, Leading Researcher at the Institute of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan

Hazretili Tursun, Doctor of Historical Sciences, Professor of the International Kazakh-Turkish University named after Khoja Ahmad Yassavi

Mamedova Irada, Doctor of Philosophy PhD, ex. History, Associate Professor, Head of the Institute of History of the National Academy of Azerbaijan

Jumaev Rustam Ganievich, Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science, Associate Professor. Bukhara State University

Timur Khuzhaugli, linguist and literary critic. Professor at the University of Michigan (USA)

Nurettin Hatunoğlu Assoc. Dr., Zonguldak Bulent Ecevit University, Faculty of Arts and Sciences, Department of History (Turkey)

Khayitov Shodmon Akhmadovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. Bukhara State University

Mullojanov Sayfullo Kuchakovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. National University of Tajikistan

Dolgov Vadim Viktorovich, Doctor of Historical Sciences, Professor. Udmurt State University. Russia

Artikova Hafiza Tuymurodovna, Doctor of Biological Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

Navruzova Shakar Istamovna, Doctor of Medical Sciences, Professor. Bukhara State Medical Institute

Gushko Sergey Vladimirovich, Doctor of Economics, Professor, Vice-Rector of the State University of Economics and Technology, Krivoy Rog, Ukraine

Kurolov Kobuljon Kulmanovich, Doctor of Economics, Professor. Director of the center for retraining and retraining of teachers at the tashkent state technical university named after Islam Karimov

Mamanazarov Abdulkhakim Bozorovich, Candidate of Economic Sciences, Associate Professor. Tashkent branch of Lomonosov Moscow State University M.V. Lomonosov

Sohibov Akram Rustamovich, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Karshi State University

Umarov Bakhshullo Djuraevich, candidate of pedagogical sciences, associate professor. Bukhara State University

Hasanova Gulnoz Kasimovna, Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor. Bukhara State University

**ЎРТА АСРЛАРДА “ТИБ ҚОНУНЛАРИ”ГА ҚИСҚАРТМАЛАР
ЎЗИШ АМАЛИЁТИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.024>

Ибрагимов Фахриддин,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний
номидаги Шарқишунослик институти илмий ходими.

Аннотация. Ушбу мақолада “Тиб қонунлари”га ёзилган қисқартмалар ва уларнинг муаллифлари, шарҳлари, таржималари ҳамда уларнинг дунё кутубхоналарида сақланадиган нусхалари ҳақида сўз юритилади. Ибн Сино (980-1037) шогирди Шарафиддин ал-Илоқийнинг (ваф.1068) ал-Фусул ал-Илоқиййа, мисрлик табиб Ибн ан-Нафиснинг (ваф.1288) Муъжаз ал-Қонун ва хоразмлик табиб Маҳмуд Чағминийнинг (XIV аср) Қонунча асарларининг таъбабат тарихида тутган ўрнига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар. Ибн Сино, “Тиб қонунлари”, қисқартмалар, шарҳ, таржима, қисқартмалар, мусулмон Шарқи таъбабати.

**ON THE PRACTICE OF WRITING ABBREVIATIONS TO THE
BOOK “CANON OF MEDICINE” IN THE MIDDLE AGES**

Ibragimov Fakhriddin,

Researcher of the al-Biruni Institute of Oriental Studies
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article discusses the abbreviations in the “Canon of Medicine” and their authors, comments, translations and copies kept in libraries around the world. Ibn Sina’s (980-1037) follower, disciple Sharafiddin al-Ilaqi’s (death. 1068 A.D.) work named al-Fusul al-Ilaqiyya, and the work “Mu’jaz al-Qanun” by an Egyptian Physician Ibn an-Nafis (death. 1288 A.D.), and physician from Khorezm Mahmud Chaghmini’s (14th century) so-called work “Qanuncha” have been studied and have also been highlighted their role in the history of medicine.

Key words: Ibn Sina, “Canon of Medicine”, abbreviations, commentary, translation, Muslim Oriental medicine

**ПРАКТИКА НАПИСАНИЯ В СРЕДНИЕ ВЕКА СОКРАЩЕНИЙ
К «КАНОНУ ВРАЧЕБНОЙ НАУКИ»**

Ибрагимов Фахриддин,

научный сотрудник института Востоковедения имени Абу Райҳана
Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Аннотация. В данной статье идет речь о сокращениях к «Канону врачебной науки» и об их авторах, комментариях, переводах, а также о хранящихся в библиотеках мира их копиях. Отмечена роль произведений в истории медицины ученика Ибн Сины (980–1037) Шарафиддина ал-Илаки (ум. 1068) ал-Фусул ал-Илоқия, египетских целителей Ибн ан-Нафиса (ум. 1288) Мужаза ал-Конунча и хорезмского медика Махмуда Чағмини Канунче (XIV век).

Ключевые слова. Ибн Сина, «Канону врачебной науки», сокращения, комментарий, перевод, медицина мусульманского Востока.

Кириш. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи ва Ғарбда Ибн Сино (980-1037) нинг “Тиб қонунлари” асари жуда машҳур бўлган. Беш китобдан тузилган бу асарнинг ҳажми кундалик фойдаланиш учун катта эди. Шунинг учун ундан фойдаланишни қулайлаштириш мақсадида XI аср ўрталаридан бошлаб унга қисқартмалар тузиш анъанаси бошланди. Бу қисқартмаларнинг қийин

жойларини тушунтириш мақсадида уларга шарҳ ва ҳошиялар ёзилди. Ўрта аср библиографиялари, тибга оид қўлёзмалар ва замонавий библиографлар тузган каталоглар “Тиб қонунлари”га кўплаб қисқартмалар ва бу қисқартмаларга шарҳ ва ҳошиялар ёзилганлигини кўрсатмоқда.

“Тиб қонунлари” асосидаги қисқартмалар тиб илмининг қонунларини ўзида ихчам жамлагани, уларни ўрганиш ва эслаб қолиш осон бўлганлиги учун табиб ва талабалар ўртасида кенг тарқалган. Улар “Тиб қонунлари”нинг айнан қисқартирилган шакли бўлмасдан, уларни тузувчилар томонидан янги фикр ва ғоялар билан тўлдирилган. Қисқартмалар “Тиб қонунлари”нинг тўлиқ ўзига, назария қисми - куллийтини ўз ичига олган биринчи китоби, касаллик аломатлари ва уларни даволашга бағишланган учинчи ҳамда тўртинчи китобига тузилган. Ҳозиргача “Тиб қонунлари”га 10 та қисқартма тузилганлиги аниқланди. Қисқартмаларга эҳтиёжнинг юқорилигидан котиблар томонидан кўп нусхада кўчирилган, тушунилиши қийин жойларига шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Қисқартмалар Марказий Осиёдан тортиб Хуросон, Эрон, Ҳиндистон, Миср ва Суриягача бўлган кенг географик ҳудудда ёзилган.

Ўрта аср манбаларида “Қисқартма” тузган муаллифларнинг айримларининг таржимаи ҳоли ҳақида тўлиқ маълумот учраса, баъзиларининг ҳаёти ва илмий фаолиятлари ҳақида маълумотлар кам ёки деярли йўқ даражада.

“Тиб қонунлари”га қисқартма тузиш анъанаси ўн биринчи аср ўрталаридан то бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Ҳозиргача Ибн Сино “Тиб қонунлари” қисқартмалари тадқиқотчилар томонидан кам ўрганилган. Уларни тизимли ўрганиш орқали “Тиб қонунлари”нинг кейинги давр табобатига трансмиссиясини кузатиш мумкин.

Мазкур мақолада “Қисқартма” ёзган муаллифлар ва уларнинг илмий мероси, шунингдек, ўрта асрларда шуҳрат қозониб, кенг тарқалган ал-Илоқий (ваф.1068)нинг ал-Фусул ал-Илоқийя, Ибн Нафис (ваф.1288)нинг Муъжаз ал-Қонун ва Махмуд Чағминий (IV аср)нинг Қонунча асарлари қўлёзмалари, шарҳлари ва уларнинг тиббий таълимнинг ривожигаги ўрни ҳақида маълумотлар берилди.

Тиб қонунларига “Қисқартма” ёзган муаллифлар ва уларнинг асарлари

Шарафиддин ас-Саййид Муҳаммад ибн ал-Илоқий [12:1266] ҳақида маълумотлар манбаларда кам учрайди. Унинг туғилган йили ва жойи, вафот қилган йили, шунингдек, Ибн Синонинг бевосита шогирди эканлиги тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Илоқий Тошкент яқинидаги Илоқ (ҳозирги Авлук) кишлоғида туғилиб, 1068 йилда вафот этган. Табобат тарихида Абу Убайд ал-Жузжоний “Тиб қонунлари”га ёзган Тафсир мушкилот ал-Қонун (“Қонуннинг қийин жойларига шарҳ”) номли шарҳи билан машҳур бўлган бўлса, ал-Илоқий ўзининг ал-Фусул ал-Илоқийя (“Илоқий фасллари”) билан ном қолдирган [18:36-37]. Ал-Байҳақийга кўра, Илоқий назарий ва амалий илмлар билимдони бўлиб, кўп асарлар ёзиб қолдирган. “Китаб ал-лавахик” (“Кўшимчалар китоби”), Дўст-нома” (“Дўстнома”), Султон-нома” (“Султоннома”), Иъдад ал-вифк” (“Келишувга тайёрлаш”), Китаб ал-хайаван (“Хайвонлар ҳақида китоб”) ва бошқалар [3:81]. “Тиб қонунлари”нинг биринчи китобидан танлаб олинган ал-Фусул ал-Илоқийя фи куллият ат-тибб (“Тиб куллийетидан олинган Илоқий фасллари”) номли асари ҳам мавжуд [12:1266].

Ал-Илоқий “Тиб қонунлари”нинг учинчи ва тўртинчи китобини қисқартирган ва у асар Муоложоот Илоқий (“Илоқий даволари”) номи билан машҳур [18:36-37]. Бу қисқартманинг Алигарх Ислом университетида 1005/1596 санада кўчирилган бир нусхаси, Раза кутубхонасида 894/1489 ва 1156/1743 йилларда кўчирилган иккита нусхаси ҳамда Алигарх Мавлоно Озод кутубхонасида 1268/1851 йилда кўчирилган нусхаси мавжуд [18:38]. У Ибн Синонинг “Қонуни”ни ажойиб тарзда қисқартирган [15:703].

Абу ал-Хайр ибн Масиҳий ал-Арқизияқун (ваф. 1193) Аббосийлар халифаси ан-Носир ад-дин Аллоҳ лақаби билан танилган Абул-Аббос Аҳмад ибн Ҳасан ал-Мустадий (1158-1225) давридаги Дор ул-имомиядаги машҳур табиблардан бўлган. У “Қонун”нинг биринчи китоби - куллиётини қисқартириб, Китоб ал-иктидоб номли асар тузган. Кейинчалик ушбу қисқартмани яна қисқартириб, Мухтасар интиҳоб ал-иктидоб (“Иктидобдан танлаб олинган қисқартма”) номли рисола ёзган [18: 44-45].

Абу ас-Сано Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Шужааъ аш-Шайбоний ал-Ҳаанавий (Ибн Рақиқа) (ваф. 1237). Бу муаллиф Ибн Рақиқа номи билан машҳур. 1169 йил Ҳиний (Диёрбакр, Туркия)да туғилиб, у ердаги Фаҳриддин Муҳаммад ибн Абдуссалом ал-Мардинийдан таълим олган [15: 703]. Ибн Аби Усайбийнинг замондоши. Уюн ал-анбода у ҳақда кўплаб маълумотлар бор [15:703]. Кўз табиби ва жарроҳ сифатида танилган. Сарой табиби сифатида Бимористан ал-кабир да ишлаган. У ўзининг Лутф ус-саил ва туҳаф ал-масаил асарида Ҳунайн ибн Исҳоқ (808-873)нинг Китаб ал-масаил ва Ибн Синонинг Куллиёти қонунининг айрим қисмларини арузнинг ражаз баҳрида назмга солган [13:208]. Ҳиндистоннинг Мадрас кутубхонасида D174 рақам остида бу асарнинг бир нусхаси сақланади.

Рафиъ ал-Дин Абу Ҳомид Абдулазиз ибн Абдулвоҳид ибн Исмоил ибн Абдулҳодий ал-Жилий (ваф.1243). У Эроннинг Жилон шаҳри яқинидаги Ғилман қишлоғида яшаган. Фалсафа, фикҳ, физика, ва табобат фанлари билан шуғулланган. Салоҳиддин Айюбийнинг катта акаси Шаҳаншоҳ ибн Айюбнинг қизи Азра (ваф.1197) асос солган Дамашқдаги Азравийя (al Adhrawiyyah) фикҳ мадрасасида илоҳиётдан дарс берган [15:647]. Фалсафадан Ибн Аби Усайбийнинг устози ҳисобланади. “Қонун”нинг биринчи китобига қисқартма тузиб уни “Ихтисар Куллият ал-Қонун (“Қонуннинг биринчи китоби мухтасари”)” деб номлаган [15:648].

Шамсиддин Абу Абдулло Муҳаммад ибн Абдон ибн Абдулвоҳид ал-Лабудий [15:662] (1210-1271). Файласуф, ҳаким, адиб ва тиб илмининг билимдони ал-Лабудий ҳақида манбаларда маълумотлар кам. У Суриянинг Ҳалаб шаҳрида туғилиб, ўша ерда вафот қилган. Лабудий табобатдаги илк сабоқни отаси ва кейинчалик замонасининг машҳур табиби Муҳаззабиддин ал-Дахвордан олиб, унинг шифохонасида ишлайди. Бир муддат Лабудий Ҳумс Амири Мансур Иброҳим Айюбий саройида вазир этиб тайинланиб, давлат ишларини бошқарган. У томонидан “Тиб қонунлари” нинг биринчи китобига ёзилган қисқартма “Ибн Сино куллиёти қисқартмаси” (Ikhtisār Kulliyāt al-Qānūn) деб номланади. Муаллифнинг автограф нусхаси Париж миллий кутубхонасида №2918 анжом рақамида сақланади. Лабудий Сулаймония кутубхонаси Аясофия коллекциясидаги 2420 анжом рақами остида сақланувчи Ибн Синонинг Мухтасар ал-Ишорот ва-т-танбеҳот (“Ишоратлар ва танбеҳлар қисқартмаси”) шунингдек, Мухтасару ҳикмат ал-айн (“Ҳикмат булоғи қисқартмаси”) ни ҳам қисқартирган.

Алоуддин Абулҳасан Али ибн Абулҳазм ал-Қарший ибн ан-Нафис (ваф.1288). Дамашқда туғилиб, Қоҳирада яшаб ижод қилган Алоуддин Абулҳасан Али ибн Абулҳазм ал-Қарший ибн ан-Нафис (1207-1288) Ибн Сино илмий меросини оммалаштириб, мусулмон Шарқи мамлакатлари мадрасаларига дарслик сифатида олиб кирган [10:371-422]. У табобат тарихидан кичик қон айланишини кашф қилган табиб сифатида жой олган. Унинг араб тилида ёзилган Мужаз ал-қонун (“Қонун қисқартмаси”), Муъжаз фи-т-тибб (“Тибга оид ихчам китоб”) ёки Китаб ал-муъжаз (“Муъжаз китоб”) асари “Тиб қонунлари” нинг анатомиядан ташқари барчи қисмларини ўз ичига олган қисқартма бўлиб, Ибн Нафиснинг машҳур асарларидан ҳисобланади. Мужаз ал-Қонуннинг кўп қўлёзмалари ва унга ёзилган шарҳлари бизгача етиб

келган[19:95-106].

Фахриддин Хўжандий (XIII аср). У Танқиҳ халқ макнун номида “Қонун”ни қисқартирган. Кейинчалик бу қисқартмасига қўшимчалар қилиб, уни ал-Талвиҳ ала асрор ал-танқиҳ (“Танқиҳ сирларига қўшимча”) деб номлаган[15:341]. Бу қисқартманинг нусхалари кўп [18:74].

Шарафиддин Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий XIV асрда яшаган хоразмлик олим ва табиблардан бири Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий бўлиб, у Кўҳна Урганч яқинидаги Чағмин қишлоғида туғилган. У ўзининг ал-Қонунча фи тибб асари билан табобат тарихида маълум. Бу муаллиф ҳақида манбаларда маълумотлар кам сақланиб қолган.

Шайх Довуд ибн Умар Антокий (ваф. 1599). У файласуф, математик, адабиёт ва табобат билимдони ва кўзи ожиз табибдир. У Фуъа да туғилиб, Антокия (Туркия, Антиоч) улғайган. Онадўли, Дамашқ шаҳарларига саёҳат қилиб, охирида Мисрда яшаб қолган. Зоҳирия мадрасасида дарс бериш билан биргаликда Қоҳирадаги ал-Бемористонда табиблик қилган. У “Тиб қонунлари”ни қисқартириб, Мухтасар ал-Қонун асарини ёзган. Шунингдек, “Қонун” ни назмга солиб баён қилган[18:100].

Ҳаким Муҳаммад Содик. Бу муаллиф Ҳаким Муҳаммад Козим Ризвий Шерозийнинг ўғли бўлиб, “Қонун”нинг биринчи китобини қисқартириб, Ийжоз ал-Қонун (“Ихчам Қонун”) номли қисқартма тузган [18:121]. Бу асар кўлёзмаси Калкуттадаги Миллий кутубхонада сақланади.

Замонавий қисқартмалар. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари томонидан 1980 йилда Ибн Сино таваллуд топанлигининг минг йиллиги муносабати билан Тиб қонунларининг тўлиқ беш китоби иккинчи марта нашр қилинди. Натижасида аллома илмий меросига қизиқиш анча ортди. Бу китобга эҳтиёж юқори бўлганлиги иккинчи нашр асосида Тиб қонунларининг беш китобидан қизиқарли бўлимлар танлаб олиниб рус тилида бир жилдли қисқартма тузилди [1:1985]. Бундан ташқари ҳамма учун фойдали бўлиши учун 1992-1993 йилларда “Қонун”дан танлаб олиниб уч жилдли сайланма тошкентда нашр этилди. 1991 ва 2014 йилларда Саломатликни сақлаш ва инсон туғилган кунидан умрининг охиригача амал қилиш лозим бўлган тадбирлар хусусидаги ўғитлар ва ўқувчига тиб илмига тасаввур уйғотиш мақсадида биринчи китобидаги тиб илмининг назарий асосларига бағишланган айрим боблари жамланиб, “Тиббий ўғитлар” номли рисола тошкентда нашр этилди [2:2014].

Анқарадаги Йилдирим Боязид Университети Тиб факультети профессори Умар Анлар “Қонун”нинг барча қисмларини бир китобда қисқартириб, турк тилига таржима қилган. Таржимон замонавий докторларга тушунарли бўлиши учун китоб услубини бугунги кунда ишлатиладиган терминларга мослаштиришга ҳаракат қилган[16:2019].

Тиб қонунларининг машҳур қисқартмалари. Табобат тарихида алоҳида ўрин тутганлиги, уларга кўплаб шарҳ ва ҳошиялар ёзилганлиги, талабалар орасида машҳур бўлганлиги боис, куйида ал-Илоқийнинг ал-Фусул ал-Илоқийя, Ибн ан-Нафиснинг Муъжаз ал-Қонун ва ал-Чағминийнинг “Қонунча” асарларига тўхталиб ўтамиз.

ал-Фусул ал-Илоқийя. “Тиб қонунлари”нинг биринчи китоби - назария қисмининг қисқартмаси бўлган Илоқийнинг бу асари ал-Фусул ал-Илоқийя фи куллиёт ат-тибб [12:1266]. ёки Китаб ал-асбоб ва-л-аломот деб юритилади [11:597, 18:37]. ал-Фусул ал-Илоқийя да тиб илмининг назарий асослари, ҳамда амалий табобатнинг умумий масалалари ҳақида сўз боради. Тиб илмининг таърифи, вазифаси, арконлар, хилтлар, мизожлар, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни даволашнинг умумий усуллари фасл (қисм) ларга ажратилиб баён қилинган. Сурги, қайт қилиш ва қон олиш масалаларига

алоҳида фасл ажратилган. Асар қисқа ва раво услубда ёзилганлиги ўқувчига ёдлаш ва эслаб қолишга қулайлик яратган. Асар 87 фасл, 55 варақ 110 бет дан иборат.

ал-Фусул ал-Илоқийянинг нусхалари. Бу қисқартма табиб ва талабалар орасида жуда машҳур бўлган[12:1267]. Котиблар томонидан у кўп нусхада кўчирилган ва бизгача кўп сонда етиб келган[19:103-105]. Бу қисқартманинг қўлёзмалари асосан Туркия, Эрон, Ҳиндистон, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатлар кутубхоналарида сақланади.

ал-Фусул ал-Илоқийянинг шарҳлари. ал-Илоқий бошқа асарларидан кўра “Тиб қонунлари”га ёзган ушбу қисқартмаси орқали машҳур бўлган. Ушбу фикрни бу қисқартмага ёзилган кўплаб шарҳлар борлиги ҳам тасдиқлайди. Кашф аз-зунун асарининг муаллифи Котиб Чалабий (1609-1657) “Илоқий қисқартмаси”га ёзилган шарҳларнинг рўйхатини келтирган. Биз қуйида бу асарга шарҳ ёзган шориҳлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Қисқартма ва шарҳлар юксак мақомга эга бўлиб, уларни ёзишга подшоҳлар буюртма берган ёки уларга совға қилинган. Илоқийнинг бу қисқартмасига сабзаворлик қози ва табиб Мавлоно Ғиёсиддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин томонидан шарҳ ёзилиб, уни Алишер Навоийга совға қилган[6:103]. Юсуф ал-Илоқийнинг мазкур қисқартмасидан Нажибуддин Самарқандий (XIII аср) Асбоб ва аломат (“Сабаблар ва белгилар”) ва Муҳаммад Аъзамхон Иксири Аъзам асарида унумли фойдаланганлар.

Муъжаз ал-Қонун. Ибн ан-Нафиснинг Муъжаз ал-Қонун асари тўрт қисм (фан) дан тузилган. Биринчиси тиб илмининг назарияси ва амалиёти ҳақида, иккинчиси оақатлар, содда ва мураккаб дорилар ҳақида, учинчиси, маълум бир аъзога тегишли касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, аломатлари ва уларни даволаш ҳақида, тўртинчиси инсон танасининг барча аъзоларига тегишли касалликлар, пайдо бўлиши сабаблари, белгилари ва уларни даволаш ҳақида.

Муъжаз ал-Қонун нинг қўлёзмалари. Муъжаз ал-Қонуннинг дунё кутубхоналарида кўплаб қўлёзмалари ва унга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар мавжуд [11:593, 18:37]. Туркия кутубхоналарида унинг 47 та нусхаси мавжуд [19: 95-98].

Муъжаз ал-Қонун нинг шарҳлари. Бу асар машҳурлигидан унга 10 дан ортиқ шарҳ ва ҳошиялар ёзилган ва бошқа тилларга таржима қилинган, Турк тилига иккита таржимаси мавжуд, бири Муслиҳиддин Мустафо ибн Шаъбон ас-Сурурий (ваф. 869/1464) томонидан амалга оширилган таржима, иккинчиси усмонлилар даври машҳур табиби Аҳмад ибн Камол (XVI аср) томонидан усмонли турк тилига қилинган таржима. Унинг бир нусхаси Сулаймония кутубхонаси Нурусомония коллекциясисининг 3487 анжом рақамида сақланади. Чиройли настаълик хатида ёзилган бу қўлёзма нусха тўлиқ бўлиб, 194 варақдан иборат. Яҳудий тилига қилинган таржимаси ҳам мавжуд. Туркия кутубхоналарида ас-Сурурий томонидан амалга оширилган таржима 14 та, Шунингдек, Султон Сулаймон Қонунийнинг вазирли бўлган Сулаймон Паша учун Аҳмад ибн Камол ат-Табиб томонидан қилинган таржима 2 та нусхада мавжуд.

Бу асарнинг қўлёзмалари энг кўп сақланадиган мамлакат Туркия ҳисобланади. Муъжаз ал-Қонуннинг Туркия кутубхоналаридаги нусхалари 45 тани ташкил этади. Туркия кутубхоналарида, шунингдек, Муъжаз ал-Қонунга ёзилган энг машҳур шарҳлардан Садидиддин Козаруний ас-Садидийнинг Ал-муғни фи шарҳ ал-Муъжази 28 та; Жамолиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Оқсаройининг Ҳалл ул-муъжази 19 та, бу шарҳ талаба ва табиблар орасида машҳур бўлган (Қаранг: Osmanlı tıbbi bilimler literatürü tarihi, I cilt, 7); .Нафис ибн Аваз ал-Кирмонийнинг Шарҳ ал-Муъжаз фи-т-тибби 19 та [19: 99-

103]; Музафариддин Маҳмуд ибн Аҳмад Ибн ул-Амшотийнинг Ал-мунжиз фи шарҳи-л-Муъжаз” асари 4 та; Шамсиддин Муҳаммад ибн Муборакшоҳ ал-Қазвинийнинг Ал-Муводдих фи шарҳи-л-Муъжази 3 та; Шихобиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал- Ийжий ал-Булбулийнинг Шарҳ ал-Муъжази 2та; Бурҳониддин Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ибрийнинг Ҳаваши ала ал-Адвия ал-мураккаба мин Муъжаз ал-Қонун асари 1 та; Муътамад ал-Малик Муҳаммад Ҳошим ибн Муҳаммад Ҳоди Ҳаким Саййид Улвийхоннинг ал-Тухфат ал-Улвийя ва-л-ийзоҳ ал-Алоийя” номли шарҳи 1 та[19:103-105]. Унга араб, форс тилидаги шарҳлар бир неча мартаба Эрон ва Ҳиндистонда ёзилган[4:1396].

Сабзаворлик қози ва табиб Мавлоно Гиёсиддин Муҳаммад ибн Мавлоно Жалолиддин бу асарга шарҳ ёзиб, уни Алишер Навоийга совға қилган [6:103]. Муъжаз ал-Қонун усмонийлар саройи кутубхонасидаги Ибн Сино ва ар-Розий асарларидан кейин мўътабар тиббий асарлар рўйхатига киритилган [17:529]. Ун олтинчи асрда Бурсада тиббий билимларнинг асосини тўртта асар ташкил қилган: Ибн Синонинг Қонуни, Ибн Нафиснинг Муъжаз ал-Қонуни, Ибн Байтарнинг Муфрадоти ва Ҳожи Подшонинг Таҳсил фи-т-тибб китоби [17:532].

“Қонунча” нинг таркибий тuzилиши ҳақида. Асар ўн мақола (бўлим) дан иборат. 1. Табиат ва унсурлар 2. Одам анатомияси. 3. Соғлик ва касаллик жиҳатидан организм ҳолатлари ва уларнинг сабаблари ва аломатлари. 4. Томир уришининг турлари ва пешоб ҳолатлари. 5. Соғлом кишилар ва беморларни даволаш тадбири ҳақида умумий сўз. 6. Бошдаги касалликлар. 7. Кўкрак ва киндик остигача бўлган аъзоларда юз бурувчи касалликлар. 8. Баданнинг бошқа аъзолари касалликлари. 9. Бадан юзасида юз берувчи касалликлар ва иситмалар ҳақида..10. Овқат ва ичимликларнинг хусусиятлари каби бўлимларни ўз ичига олади. Ҳар бир бўлим ўз ўрнида фасларга ажратилган.

“Қонунча”нинг қўлёзмалари

“Қонунча”нинг машхурлигидан унинг кўп қўлёзмалари сақланиб қолган [12:59]. Унга шарҳ ва ҳошиялар ёзилган. Ҳатто шеърга ҳам солинган. Уни ёддан билган табиблар ҳам бўлган.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида “Қонунча”нинг араб тилида 11 та (№3532,10412/2, 3766, 11665/2, 9607/3, 2409/1, 9991/1, 10489/1, 11846/4, 2418/2, 6651/3), ўзбек тилида 1 та (№61083), номаълум киши томонидан арабчадан форсчага ўгирилган 1 та (№9797/1) ва Абу Али ал-Астрабодий томонидан асарга ёзилган шарҳнинг 2 та (№3827 №2556) қўлёзмаси сақланади [14: 25-29]. Шунингдек, Институт фондида Қозон, Лакнав, Деҳли, Калкутта, Конпурда нашр қилинган “Қонунча”нинг 13 та ва ҳинд табиби Муҳаммад Акбар Арзонийнинг 1713 йилда форс тилида ёзган Муфарриҳ ал-қулуб (“Қалблар қувончи”) номли шарҳининг 4 та босма нусхалари мавжуд. Бу шарҳ Саъдуллоҳ ибн Абдуллоҳ томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

“Қонунча” шарҳлари.

Бу асарга кўплаб шарҳлар ёзилган. Броккельман уларнинг муаллифларини қуйидагича келтиради: Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ат-табиб ал- Мисрий, Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Али ал-Астрабодий, Муҳаммад ибн Маҳмуд аш-Шерозий, Мадян ибн Абдурраҳмон ал-Қавсуний, ал-Фадил ал-Бағдодий, Ҳасан ал-Ҳалабий, Абдул Фаттоҳ ибн Саййид Исроил ал-Ҳусайний ал-Лахурий ва бошқалар [11: 28-33].

Шунингдек, “Қонунча”га шарҳ ёзган аммо илмий мероси ҳақида маълумотлар бўлмаган шорихлар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилар: Фозил Бағдодий (шарҳи Берлин кутубхонасида сақланади), Мадин ибн Абдурраҳмон Қасуний (Лейпцигда), Муаллифи номаълум киши томонидан Султон Сулаймон

Қонуний учун ёзилган шарҳ (Кембрижда), номаълум муаллиф томонидан ёзилган ва Ғулом Муийиддин томонидан 1822 Кашмирда кўчирилган қўлёзма (Рампур, Раза кутубхонасида), Ҳасан б. Валий Шифоий Жилийнинг шарҳи (Рампур, Раза ва Лейденда).

Бу асар Марказий Осиёда қизиш юқори бўлганлигидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. Уни тошкентлик олим, таржимон ва мударрис Муҳаммад Шоҳ Хўжа Тошкандий ибн Шайх Хованд Тоҳурий (XIX аср) амалга оширган [7: № 61083].

Эронлик олим Исмоил Нозим “Қонунча”нинг тўртта тошбосма нусхасини танлаб олиб, унинг тузатилган, танқидий матнини тузиб, форс тилига илмий-изоҳли таржимасини амалга оширган (Қаранг:Қанунче, Баргардон ба забони форси Исмоил Нозим, Техрон, 2012 й.).

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”га қисқартмалар ёзилиши, уларни катта ададларда қайта-қайта кўчирилиши, шунингдек, уларнинг кўп ҳудудларга тарқалиши – тарихда қисқартмаларга эътибор юқори бўлганлигини кўрсатади. “Тиб қонунлари” фақат аслиятда эмас, балки унга турли табиблар томонидан ёзилган қисқартмалар орқали ҳам ўрганилган; ал-Фусул ал-Илоқийя, Муъжаз ал-Қонун ва Қонунчалар “Тиб қонунлари”нинг асосий мазмунини сақлаб, табиб ва китобхонлар орасига кенг тарқалган.

Адабиётлар рўйхати

1988-1989- йилларга келиб вилоят аҳолисига хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат ва хўжалик моллари магазинларида кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотлар топилиши қийинлашди. Одамлар зарур маҳсулотлар сотиб олиш учун бир неча соатлар давомида навбатга турар, шунда ҳам кўпинча маҳсулот етмай қолар эди. Шакар, кир ювиш порошоги, совун, колбаса, сариёғ каби маҳсулотлар ўз нархидан 4-5 баравар ошиб кетди. Бу республика пойтахти Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда ҳам одатий ҳолга айланди. Бундан қишлоқ худудларида яшовчи аҳоли кўпроқ зарар кўрди. Чунки узок худудларга бу маҳсулотнинг етиб бориши қийин эди. 1988-йил октябрида вилоятнинг масъул ваколатли органлари томонидан жойларда олиб борилган текширишларда шу нарса маълум бўлдики, вилоятга йил давомида аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар фонд бўйича олиб келинган бўлса-да, савдо базаси раҳбарлари бу маҳсулотларни ўз нархидан қиммат нархларда чайқовчиларга улгуржи сотиб юборишган. Шунинг учун аҳоли учун кундалик зарур озиқ-овқат ва хўжалик моллари магазин пештахталарида эмас, “қора бозор” орқали чайқовчилар томонидан бир неча баравар қиммат нархда сотилган [9.2]. 1980-йиллар охирида мактаб ўқув қуроллари ҳам ноёб молга айланган эди. 1988-1989-ўқув йилида Денов ва Сариосиё туманлари аҳолиси мактаб ўқувчиларининг ёзув дафтарлари савдо тармоқларидан тополмай чайқовчилардан қиммат нархда олишар эди. [36.259]. Хуллас 1980-йиллар охирида вилоятга давлат фонди бўйича олиб келинадиган кундалик эҳтиёж молларини тақсимлаш, аҳолига сотишни тартибга солиш тизими издан чиқиб кетган эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Акбаров Ж, Жўраев А, Раҳматуллаев М. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини кўтариш. –Тошкент 1988, Б.23.

2. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш ишини яхшилалик. Ленин байроғи. 1966 й. 8-май.

3. Аллаёров Ч. Кооперация: ижозат ва чеклашлар. Ленин байроғи. 1989 й.28 март.

4. Бекнозов Н, Ёдгоров М, Олимхонова М. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси



- турмуш даражасининг яқинлашуви. – Тошкент. 1975, Б.80
5. Бекнозов Н. Аҳоли турмуш даражасининг ўсиши. –Тошкент 1985.Б.73.
 6. Мажидов Х. Муносабат шуми. Ленин байроғи. 1967 й. 30-апрель. 86 (9376)-сон, Б.3.
 7. Отарбоев Д. Савдо-сотик ишларини юқори босқичга кўтарайлик. Ленин байроғи. 1962 й.8 июнь.
 8. Олтинов М. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш масалалари. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.Тошкент.1979. 2-сон - Б.15.
 9. Омборларда бору, лекин тақчил. Ленин байроғи. 1989 й. 27 октябрь.
 10. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 532-иш, 1-варақ.
 11. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 709-иш, 1-варақ.
 12. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 532-иш, 75-варақ.
 13. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 1015-иш, 119-варақ.
 14. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 1242-иш, 2-варақ.
 15. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 2123-иш, 93-варақ.
 16. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд,1-рўйхат, 2472-иш, 222-варақ.
 17. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд,1-рўйхат, 3172-иш, 259-варақ.
 18. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 476-иш, 31-варақ.
 19. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 532-иш, 40-варақ.
 20. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 779-иш, 3-варақ.
 21. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд,1-рўйхат, 547-иш, 134-варақ.
 22. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 843-иш, 13-варақ.
 23. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 779-иш, 40-варақ.
 24. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд,1-рўйхат, 547-иш, 124-варақ.
 25. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд,1-рўйхат, 2472-иш, 224-варақ.
 26. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд,1-рўйхат, 2662-иш, 178-варақ.
 27. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд,1-рўйхат, 2215-иш, 64-варақ.
 28. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 613-иш, 25-варақ.
 29. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 688-иш, 3-варақ.
 30. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 532-иш, 3-варақ.
 31. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 532-иш, 52-варақ.
 32. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 325-фонд,1-рўйхат, 1581-иш, 205-варақ.
 33. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 45-фонд, 3-рўйхат,3172-иш, 260-варақ.
 34. Ўзбекистон миллий архиви, 217-фонд, 11-рўйхат, 462-хужжат, 19-варақ.
 35. Ўзбекистон миллий архиви, 93-фонд, 15-рўйхат, 52-хужжат, 19-варақ.
 36. Ўзбекистон миллий архиви, 2806-фонд, 1-рўйхат, 147-хужжат, 259-варақ.
 37. Холиқов Э. Савдо маданиятини юксалтирайлик. Ленин байроғи. 1979 й. 20 январь.

N. V. XANIKOV TADQIQOTLARIDA BUXORO TARIXIY-ME'MORIY YODGORLIKLARI RO'YXATINING SHAKLLANTIRILISHI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.028>

*Nasilloev Sunnat Shavkat o'g'li,
Buxoro tarixi kafedrası o'qituvchisi, Buxoro davlat universiteti*

Annotatsiya. Ushbu maqolada rus geografi, sharqshunosi hamda diplomati N.V.Xanikovning Buxoro amirligiga qilgan elchilik missiyasi davomida olib borgan faoliyati, xususan uning Buxoro shahri me'moriy yodgorliklari haqida keltirgan faoliyati tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar. Kaluga, diplomat, Chernishev, beklik, Masjidi Kalon, topografiya, burj, shinak, tanob.

ФОРМИРОВАНИЕ ПЕРЕЧНЯ ИСТОРИКО-АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ БУХАРЫ В ИССЛЕДОВАНИЯХ Н. В. ХАНИКОВА

*Насиллоев Суннат Шавкат угли,
преподаватель кафедры истории Бухары, Бухарский государственный университет*

Аннотация. В статье анализируется деятельность русского географа, востоковеда и дипломата Н. В. Ханикова во время его посольской миссии в Бухарском эмирате, в частности его работа над архитектурными памятниками Бухары.

Ключевые слова. Калуга, дипломат, Чернышев, княжество, мечеть Калон, топография, знак зодиака, шинак, таноб.

FORMATION OF THE LIST OF BUKHARA HISTORICAL AND ARCHITECTURAL MONUMENTS IN THE RESEARCH OF N. V. KHANIKOV

*Nasilloev Sunnat Shavkat o'gli,
teacher of Bukhara history department, Bukhara State University*

Annotation. This article analyzes the activities of the Russian geographer, orientalist and diplomat N.V. Khanikov during his embassy mission to the Emirate of Bukhara, in particular, his work on the architectural monuments of Bukhara.

Keywords. Kaluga, diplomat, Chernishev, principality, Kalon Mosque, topography, zodiac sign, shinak, tanob.

Kirish. Xanikov Nikolay Vladimirovich 1819-yil 24-oktyabrda Kaluga guberniyasining Lixvinsk uyezdida tug'ilgan. 1878-yil 3-noyabrda Parij yaqinidagi Rambulye viloyatida vafot etgan. Maxsus topshiriq bilan Buxoro amirligiga yuborilgan rus geografi, sharqshunosi va diplomati. Sarskoye Selodagi litseyini 1836-yilda tugatib, sharq tillari, asosan, arab va fors tillarini mustaqil o'rgangan. Kelib chiqishi turk-mo'g'ul elatlaridan bo'lgan Xanikov Nikolay Vladimirovich sharq tillari va adabiyotini chuqur anglash va tahlil qilish darajasiga erishdi. Uning ilmiy qiziqishlari asosan sharq mamlakatlariga, me'moriy obidalar hamda fors yozuvi asosidagi osori-atiqalarni tahlil qilishga qaratildi. Xanikov N.V keyingi ilmiy faoliyatida fors filologiyasini o'rganishga asosiy e'tiborini qaratib, bu sohada dunyo miqyosidagi atoqli olim darajasiga erishdi. Keyinroq arabistika faniga ham salmoqli hissa qo'shadi. Universitetni tugatgan N. Xanikov tirikchilik o'tkazish uchun tashqi ishlar vazirligining fransuz bo'limiga ishga olishlariga ko'maklashishi uchun harbiy ministr A.I. Chernishevga murojaat qiladi. Harbiy ministr N.Xanikov faoliyatini o'rganib chiqib, tashqi ishlar vaziri K.V. Nesselrodga,

N.Xanikovga ko'maklashishni so'rab xat jo'natadi. 1938-yil 22-fevralda bo'jak olim vazirlikning ichki aloqalar departamentiga tarjimon sifatida ishga qabul qilinadi. 1938-yil 15-noyabrda N.V. Xanikov, Chernigov General gubernatorning alohida topshiriqlar bo'yicha xodimi vazifasiga o'tkaziladi. 1839 yil 17-martda Orenburg general-gubernatorining alohida topshiriqlari bo'yicha xodimi vazifasiga ishlashga yuboriladi. Shu paytdan boshlab ilmiy faoliyatining asosiy qismini tashkil etadi. 1840-1841-yillarda, Rossiyada Buxoro amirligiga maxsus missiya yuborish tayyorgarligi ko'ri boshlandi. Butenev boshchiligidagi missiyaga Naturalist – (tabiatshunos) A.A.Leman, tog' ofisteri Bogoslovskiy, topograf (topografiya – joylarni geografik va geometrik usullardan foydalanib o'rganish va shu asosda joylar xaritasini tuzish) lar, Chalpanov va Petrov, sharq tillarini biladigan Xorunjiy Petrov va ularning yordamchilari kiritilgan edilar.

K.F.Butenev boshchiligidagi missiya tarkibi Orenburg general-gubernatori V.A. Perovskiyni to'liq qanoatlantirmadi.

1841-yil 21-aprelda Perovskiy tashqi ishlar vaziri Nesselrodga xat jo'natdi. Xatda "Butenev Buxoro xonligiga faqat tog' injineri emas balki, diplomatik agent sifatida ham borayotganligini e'tiborga olib, uning Buxoro xonligidagi munosabatlar to'g'risidagi bilimlari yetarli emasligini hisobga olib, unga yordamchi sifatida amirlikdagi ahvolni, tilni biladigan, Rossiyaning O'rta Osiyodagi manfaatlarini yaxshi biladigan amaldor (N.V.Xannikov)ni missiya tarkibiga kiritayotganligini ma'lum qildi"

N.V.Xannikovning tadqiqotlari bo'yicha to'plangan ma'lumotlari asosida biz XIX asrning 40-yillaridagi Buxoro topografiyasiga oid qimmatli ma'lumotlarni o'rganishimiz mumkin.

Natijalar. N.V.Xannikovning ma'lumotlariga ko'ra Buxoro amirligi asosiy shaharlar bo'yicha okrug - beklıklardan iborat. Bekliklar tumanlarga bo'lingan. Buxoroda 8 ta, Samarqandda 7 ta tuman bor. Har bir beklilik amir tayinlagan amaldorlar tomonidan idora qilinadi. Amaldor boshqaruvida qancha qishloq borligi yorliqda aks etgan.

Shahar bilan qishloq o'rtasidagi tafovut katta emas, lekin farqi ham bor. Bu farqlar ma'muriy boshqaruv va ma'naviy, diniy sifatlarda namoyon bo'ladi.

Har bir shahar o'z o'rniga ega, atrofi devor bilan o'ralgan, shahar maqomi berilishi uchun unda kamida 3 ta masjid bo'lishi, bu masjidning bittasida Juma namozi o'qilganda butun shahar namozxonlari sig'dishi lozim bo'lgan. Minglab odamlar joylashadigan Juma masjidi (Masjidi Kalon) - masjidning eng ulug'i bo'lib hisoblangan. Bu yerda ular juma kunlari katta ibodatga to'planishgan.

Amirlikdagi asosiy shaharlar soni

Bular:

1. Buxoro
2. Karmana
3. Ziyovuddin
4. Kattaqo'rg'on
5. Panjikent
6. Xatirchi
7. Nurato
8. Panjshambi
9. Samarqand
10. Chelak

19 tani tashkil etagan.

11. Yangi Qo'rg'on
12. Jizzax
13. O'ratepa
14. Romitan
15. Poykent
16. Qorako'l
17. Chorjo'y
18. Qarshi
19. G'uzor

N.V.Xannikovning fikriga ko'ra Buxoro shahri balandligi 7 metr, poydevor kengligi 3 metr bo'lgan loydan qilingan devor bilan o'rab olingan. Devor ustiga shinaklar qo'yilgan. Ular Burjlar deb ataladi. Shaharga 11 ta darvoza orqali kirib - chiqish mumkin bo'lgan. Bular:

1. Darvozai Mozor
2. Darvozai Qarshi
3. Darvozai Sallaxona

7. Darvozai O'g'lon
8. Darvozai Shergiron
9. Darvozai Talipoch

4. Darvozai Namoziga
5. Darvozai Shayxi Jalol
6. Darvozai Qorako'l

10. Darvozai Imom
11. Darvozai Samarqand

N.V.Xannikovning ma'lumotlarida faqat ijobiy fikrlar bayon etilgan deyish mumkin emas. "Darvozalar tashqi tomondan ta'mirlab turiladi, lekin ichki tomondan to'kilib ketgan". Shahar maydoni 1.564.875 sajen yoki 1739 tanobga teng. Gektarga aylantirsak, 1 tanob – 0.35 ga tengligini inobatga olib, 1739 tanob x 0.35 ga = 608.65 gektarni tashkil etadi.

Uy-joy, binolar tig'iz qurilganiga qaramay, shaharning ayrim joylarida bo'sh yotgan yerlar uchraydi.

Muallif esdaligidagi ma'lumotga ko'ra shaharda 13 ta mozor mavjud bo'lgan. Bular:

- | | |
|-------------------------|-----------------------------|
| 1. Imom Qozixon | 8. Jo'ybor |
| 2. Xo'ja Tobon | 9. Hazrati Eshoni Imlo |
| 3. Xo'ja Nurobod | 10. Hazrati Eshon Habibulla |
| 4. Xo'ja Bulg'or | 11. Xo'ja Ro'shnoi |
| 5. Xo'ja Turki Jandi | 12. Xo'ja Aspgardon |
| 6. Mirakan | 13. Kimsangiron |
| 7. Xo'ja Xudoydod Eshon | |

Shahar Shoxrud arig'idan suv ichgan. Uning uzunligi - 4 km ga teng bo'lgam. Shoxrud arig'i ustiga 12 ta tosh va bir nechta yo'g'och ko'priklar qurilgan. Shaharni doimiy suv bilan ta'minlash uchun 83 ta hovuz qurilgan. (Manbalarda qayd etilishicha Buxoro shahrida 104 ta hovuz bo'lgan) Barcha kanallar bo'yida tut daraxtlarini uchratish mumkin edi. Ularning eng kattalari:

- | | |
|--------------------------------|----------------------------|
| 1. Denovbegi hovuzi | 18. Jugutlar hovuzi |
| 2. Lisak hovuzi | 19. Xo'ja Zayniddin hovuzi |
| 3. Bolohovuz | 20. Otaliq hovuzi |
| 4. Mirdo'stim hovuzi | 21. Qutluq hovuzi |
| 5. Podshoxo'ja hovuzi | 22. Gavkushon hovuzi |
| 6. Nou hovuzi | 23. Mirza G'afur hovuzi |
| 7. Jo'ybor hovuzi | 24. Kimsangiron hovuzi |
| 8. Xo'ja Ismoil Somoniy hovuzi | 25. Xo'ja Kalon hovuzi |
| 9. Baland hovuzi | 26. Karxona Labi hovuzi |
| 10. Istemurbiy hovuzi | 27. Mullalar hovuzi |
| 11. Mulla Ashur hovuzi | 28. Oybinin hovuzi |
| 12. Kallabod hovuzi | 29. Xo'jatobon hovuzi |
| 14. Kunjak Hammom hovuzi | 30. Mir Oqon hovuzi |
| 15. G'oziyon hovuzi | 31. Bibi Xalifa hovuzi |
| 16. Kashuki labi hovuz | 32. Qozikalon hovuzi |
| 17. Xo'ja Bulg'or hovuzi | |

N.V.Xannikovning ma'lumotlariga ko'ra shaharda 36 ta ko'cha va tor ko'chalar mavjud. Ularning kengligi 1 metrdan 3 metrgacha bo'lib, juda kam ko'chalarga tosh yotqizilgan. Aksariyat ko'chalar yozda chang qishda loyga botib yotadi.

Shaharning eng katta binolari: 1. Amir saroyi (ark). Baland tepalik ustiga qurilgan qal'a. Devori balandligi 10-12 metr atrofida. Aylana uzunligi 1,5 km atrofida to'rtburchak shaklda qurilgan. Maydoni 22 tanob x 0.35 ga = 7.7 gektarni tashkil etgan.

Ana shu maydonda amir, vazir (qo'shbegi), shig'alul, to'pchiboshi (Harbiy qo'shin qo'mondoni), daftardor mirzo va sanab o'tilgan mansabdorlarning xizmatdagilarining yotoqxonalari, 3 ta machit, obxona, qamoqxona, bir qator qo'shimcha xonalar majud bo'lgan. Saroy obxonasida asosan fors qullari suv tashish bilan shug'ullanagan.

N.V.Xannikov, "Amir qabulxonasining kirish yo'lagining o'ng tomonida Kanaxona degan kichikroq zindon bo'lib, bu zindonda maxsus ko'paytirilgan

kanalar qo'yib yuborilgan. Bu kanalar bandilarga azob berishi kerak edi" deya o'z esdaligida qayd etadi.

2. Qamoqxona - Zindon. Arkning sharq tomonida joylashgan. 2 bo'limdan iborat :

1. Zindoni bolo (yuqori)

2. Zindoni poin (quyi).

Muallifning qayd etishicha Zindoni Bolo bir nechta xonalardan iborat bo'lib, chuqurligi 6 metrdan ziyodroq. Bu o'raga jinoyatchilar arqon bilan tushirilgan. Xuddi shu tarzda ularga yemish uzatilgan.

Oyida 2 marta zindonband etilgan jinoyatchilar zanjirband holda Registon maydoniga chiqarilib, o'ziga xos tarzda sud qilingan. Amir tomonidan kimga o'lim jazosi berish, kimni ozod qilish qarori e'lon qilingan. Chora qo'llanilmagan mahbuslarning sochi qirilib, yana zindonga tashlangan. Mahbuslar qish - yoz bo'lsin, har qanday ob-havoda yalangayoq tarzda maydonga chiqargan.

Xanikovning qayd etishicha Buxoro shahrida machitlar soni 360 tani tashkil etadi. (P.I. Demezov ma'lumotlarida esa masjidlar soni 366 tani tashkil etgan) Juma namozida odamlar eng ko'p yig'iladigan machitlar soni 8 ta bo'lib, ular:

1. Machiti baland

5. Gavkushon machiti

2. Usta Ruxi machiti

6. Shaxshana machiti

3. Mir Akan machiti

7. Husayn xalifa machiti

4. Jo'bor machiti.

8. Poyonda otaliq machiti

Baland (Kalon) machit sahniga 10 000 tagacha namozxon barovariga namoz o'qishi mumkin bo'lgan. (I.V. Vitkevichning ma'lumotiga ko'ra - Masjid, buxoroliklarning fikricha ko'ra, 20 minggacha namozni sig'dira oladi.)

Juma namozining boshqa kungi namozlarning farqi Juma namozida 4 rakat farz 2 rakat, 6 ta sunna rakati o'rniga 10 sunna rakati o'qilgan.

Madrasalar - oliy o'quv yurtlari hosoblangan to'rt burchak yoki kvadrat shaklda qurilgan, devor bilan o'ralgan hovlisi bo'lgan. Yuqori qavat talabalar uchun yotoqxona vazifasini o'tagan, pastgi qavatda dars o'tilgan. Ular orasida eng mashhuri Mir Arab madrasasi hisoblanadi. Ushbu tarixiy me'moriy inshoot Buxoro xoni Ubaydullaxon (1487-1540) in'om etgan mablag' hisobiga Shayx Abdulla tomonidan 1530-1536-yillarda bunyod etilgan.

N.V.Xannikovning ma'lumotiga ko'ra, Amir daftarida 103 ta madrasa bo'lib, ularga tegishli vaqf mulki berilgan. Lekin eng asosiy madrasalar soni 60 tani tashkil etgan

Bular:

1. Ko'kaldosh madrasasi. 150 ta xonadan iborat. Mudarrisga 360 tillo ham berilgan. Talabalar 3 toifaga bo'linganlar.

a) past qadam: yiliga 3 tillo olganlar.

b) o'rta qadam o'rganuvchilar 3.5 tillo olganlar.

v) peshqadam: Ularga yiliga 5 tillo to'langanlar .

2. Miri G'arib madrasasi: 110 ta xonasi bo'lgan, talabalarga yiliga 5 tillo to'langan.

3. Mirzo Ulug'bek madrasasi: 80 ta xonasi bo'lib, talabalarga 3.5 tillo to'langan.

4. Zariyeron madrasasi: 93 ta xonasi bo'lib, talabalarga 5.5 tillo to'langan.

5. Tursunjon madrasasi: 94 ta xonasi bo'lib, talabalarga 5 tillo to'langan.

6. Muhammad Sharif savdogar madrasasi: 92 ta xonasi bo'lib, talabalarga 3.5 tillo to'langan. Mudarrisga 199 tilla to'langan.

7. Abdullaxon qo'shmadrasasi: xonalar soni aniq emas , talabalarga 3.5 tillo to'langan.

8. Xiyobon madrasasi: 93 ta xonasi bo'lib, mudarris 180 tillo, talabalar 4.5 tillo olganlar.

9. Go'sfand madrasasi

13. Prinezar madrasasi.

10. Mir akan xonaqohi
 11. Sherdor madrasasi
 12. Fathulla Qushbegi madrasasi
 13. Dorul Shifo madrasasi. 2 ta mudarris bo'lib, har biri 700 tillodan olgan.
- Xonalar soni 40 ta.
14. Misikin madrasasi
 15. Kalabod
 16. Xo'ja nihol
 17. Xo'ja Jo'yborikalon : Mudarris 500 tillo olgan, talabalar 20 tillodan olgan.
 18. Jo'ybori – madrasasi Mudarris 100 tillo olgan.
 19. Naqib madrasasi
 20. Eshon Xudoydod
 21. Xalifa Husayn xonaqohi
 22. Xalifa Niyozquli madrasasi
 23. Gavkushon madrasasi Mudarris 700 tillo , talabalar 9 tillodan haq olganlar.
 24. Bolohouz madrasasi
 25. G'aribiya madrasasi
 26. Rahmonquli madrasasi
 27. Qushbegi madrasasi.
 28. Amir Jannatmakon madrasasi
 29. Suchukoy madrasasi.
 30. To'pchiboshi vadrasasi
 31. Yoshuzoq madrasasi
 32. Shayx Jalol madrasasi
 33. G'oziyon madeasasi
 34. A'lam madrasasi.
 35. G'ani madrasasi
 36. Badalbek madrasasi
 37. Bibixalifa madrasasi
 38. Dahmullasher madrasasi
 39. Xo'ja Davlat madrasasi
 40. Hofiz Qo'ng'riot madrasasi
 41. So'fiyon madrasasi
 42. Muhammad Porso madrasasi
 43. Ja'farxo'ja madrasasi
 44. Qozi Latif madrasasi
 45. Hazrati imom madrasasi
 46. G'oziyoni xo'rd madrasasi
 47. Tursunjon xonaqohi
 48. Ismoil Dunyo madrasasi
 49. Hakimjon madrasasi
 50. Saroytam madrasasi
 51. Dumbajo'shan madrasasi
 52. Giribongak madrasasi.
 53. Suchukanxo'rd madrasasi
 54. Qoplon madrasasi
 55. Giyohvand madrasasi
 56. Mavlioni Sharif madrasasi
 57. Chuqur madrasasi.
 58. 1840- yilda zakotning bir qismi Amir tomonidan madrasalarga hadya qilingan.
- Pul tarqatilgan talabalar soni 10.000 tani tashkil etadi.
- Karvonsaroylar. Karvonsaroylar ham xuddi madrasalarga o'xshatib qurilgan.
- Karvonsaroyning 1- qavatida ombor va do'konlar bo'lgan. Ayni vaqtda Buxoroda 38 ta mavjud bo'lib ,ularning 24 tasi g'ishtin,14 tasi – cho'pkori bo'lgan. Karvonsaroylarning bir qismi xususiy bo'lgan. Qolgan qismi esa davlatga qashli bo'lib , to'lov hisobi ijaradolarga berilgan.
- Toshdan qurilgan karvonsaroylar.
- 1,2.Urganji saroyi.
 - 3.Abdullaxon
 - 4.Qushbegi
 - 5.Hazati Amir
 - 6.Hakimjon
 - 7.Ayoz saroyi
 - 8.Tambaku.
 - 9.10.11 .Xo'ja Jo'ybor saroylari.
 - 12.No'g'ay
 - 13.Pirxona
 14. Kalota
 15. Rajabbek devonbegi
 16. Payaston
 17. Qozikalon
 18. Badriddin
 19. Amir Said
 20. Barra
 - 21, 22, 23 Choysaroy
 24. Ismoilxo'ja saroyi
- Yog'ochdan qurilgan Karvonsaroylar.
- 1.Urganji saroyi . Bu yerda tovarlar sotish yo'lga qo'yilgan
 - 2.Birinj, guruch.saroy .
 - 3.Bug'unch saroy. Bu yerda ildizidan bo'yoq olinadigan ro'yan sotilgan.
 - 4.Sarg'oz chit – chit sotilgan
 - 5.Jomai zarkatta - parcha sotilgan .
 - 6,7,8 .Tamaki saroy. Tamaki sotilgan.

9,10,11 .Mayizsaroy

12.Olacha saroy

13.Kovushsaroy

14.Jugutsaroy. Rangdor ipaklar sotilgan.

Buxoro hammomlari turli davrlarda Buxoro shahrida bunyod etilgan bo'lib, tadqiqotchilar ko'p hollarda ularni XVI asrga oid deb hisoblaydilar. N.V.Xannikovning ma'lumotiga (Описание Бухарского ханства) ko'ra, Buxoro hammomlari 4 qismdan iborat bo'lgan.

1-qism. Kiyimxona. Mazkur xonada yerga palos tashlanib, devorga oyna osilgan. Ushbu qismda tashqi kiyimlar yechilgan.

2-qism. Ichki kiyimlar yechiladigan xona. Bu yerda barcha ichki kiyimlar yechilib bog'lanadi.

3-xona. Eng issiq xona. Mazkur xonada esa terlaguncha o'tiriladi.

4-xona. Obdon terlagan kishi o'zini massajist (uqalovchi)larga topshiradi. Massaj qiluvchi obdon ezg'ilib, kirni chiqaradi va keyin sovuq suv sepadi. Yaxshilab yuvingan kishi 1-xonaga chiqib, yengil kiyinib choyxona'lik qilgan. Hammomlar quduq suvi bilan ta'minlangan va alohida tazar (sopol quvurlar sistemasi) orqali chiqindi suvlar oqizilgan.

Hammom uchun to'lovlar: Kiyimni saqlagani uchun 1 pul, cho'milish uchun 5 pul, massaj uchun 7 dan 30 pulgacha to'langan. Jami xarajatlar esa 1 tangadan oshmagan.

Shaharda 16 ta hammom bor:

- | | |
|-----------------|--------------------|
| 1. Bozorxo'ja | 9. Dobiyon |
| 2. Nau | 10. Bozori Nou |
| 3. Misgaron | 11. Sarrofon |
| 4. Abdullaxo'ja | 12. Chashmai Ayyub |
| 5. Shishaxona | 13. Obi otash |
| 6. Jo'ybor | 14. Poypeton |
| 7. To'qimdo'z | 15. Zargaron |
| 8. Gavkushon | 16. Kunjak hammom |

Timlar

Bular uzunchoq shakldagi yopiq saroylar bo'lib, ularda har xil zeb-ziynat, buyumlar peshtaxtalarda yoyib qo'yilib sotilgan.

Buxoroda 9 ta tim bo'lib, ularning 5 tasi g'ishtin, 4 tasi yog'ochdan qurilgan.

G'ishtin timlar:

1. Abdullaxon timi. Unda adras, beqasam, baxmal va movutlar sotilgan.

2. Abdullaxoni timi. Unda doka, parcha, atlas matolar va ulardan tikilgan kiyimlar sotilgan.

3, 4, 5, Tanninga ularda ipak matolar sotilgan.

Yog'och timlar:

1. Hassa Biyor .

2. Daroi. Hindistondan keltirilgan buyumlar va ayollar oyoq kiyimi sotilgan.

3. Daroi. Ayollar kovushi sotilgan.

4. Kalapo'sh timi. Har xil do'ppilar sotilgan.

Xususiy uy joylar.

Shaharda uylar bir ko'rinishda qurilgan. Ular bir nechta to'rtburchak hovlilardan iborat bo'lib, hovlilar ko'pincha bir qavatli qilib, g'ishtdan qurilgan. Xonalar bilan o'ralgan, xonalarning ichki devorlari ayrim hollarda ganchlangan bo'ladi. Derazalar oynasiz, lekin eshiklari bor yog'ochdan yoki ganchdan panjara qilingan. Ichkari hovlining shimoliy qismida zimistoni – qishki pastqamroq xonalar, hamda, uning qarama-qarshisida "tobistoni", ya'ni yozgi xonalar joylashgan. Boy xonadonlarning hovlisida qo'shimcha tarzda ayvonlar ham qurilgan. Boy xonadonlarda xonalari ganchkor naqshlar bilan bezatilgan.

Xonalarning shiftida ko'ndalang bololar qo'yiladi. Bololar orasida ishlov

berilgan har xil rangga bo'yalgan vassalar terilgan. Pollarga tosh teriladi yoki quruq yer bo'ladi. Kambag'al odamlarning uylarida yashash deyarli xavfli, kamdan-kam hollarda polidan nam uradi, bahor oylarida tomidan chakka o'tadi.

O'zimizning kuzatuvlarimizga asoslanib, Buxoroda 2500 atrofida xususiy uylar bo'lsa kerak deb taxmin qildik.

Chorsu bozori bilan Registon bozorida yeb-ichish uchun kerakli mahsulotlar ertalab va kechqurun sotiladi.

Bozorlarni asosan ikki turga, shahar ichidagi hamda Buxoro shahri atrofidagi bozorlarga bo'lishimiz mumkin. (XIX-XX asrlarda Buxoro bozorlarining soni qariyb 500 ta bo'lgan va ushbu bozorlarda 12 ming nafar savdogar faoliyat yuritgan)

Katta bozorlar:

- | | |
|--------------------------------|----------------------------------|
| 1. Mahsibozorlar - 3 ta | 13. Kepak bozori – 1 ta |
| 2. Non bozor - 3 ta | 14. Meva-cheva bozori – 2 ta |
| 3. Baliq bozor – 1 ta | 15. Dorivorlar bozori – 1 ta |
| 4. Sham bozori – 3 ta | 16. Qovun – tarvuz bozori – 2 ta |
| 5. O'tin bozori – 1 ta | 17. Anor, nok bozori – 2 ta |
| 6. Un bozori – 1 ta | 18. Tuxum bozori – 2 ta |
| 7. Tuz bozori – 1 ta | 19. Sut bozori – 6 |
| 8. Ko'mir bozori – 3 ta | 20. Egar-jabdug' – 1 ta |
| 9. Bo'z bozori – 1 ta | 21. Pichoq bozori – 2 ta |
| 10. Mis buyumlar bozori – 1 ta | 22. Yog'-moy bozori – 2ta |
| 11. Charm bozori – 1 ta | 23. Arqon bozori – 1 ta |
| 12. Etik bozori – 2 ta | 24. Qul bozori – 1 ta |
25. Bundan tashqari shahar tashqarisida Samarqand darvozadan 1.5 km shimol tomonda ot bozori joylashgan.

Buxoro shahri atrofidagi bozorlar:

- | | |
|---|------------------------|
| 1. Bahovuddin mozori bozor chorshanbada | 12. Saidato |
| 2. Hazrati Mirikulol bozor Yakshanbada | 13. Xo'ja Orif |
| 3. Kogon bozor Seshanbada | 14. Vardonze |
| 4. Quyuq mozor | 15. Saripul |
| 5. Adizoobod | 16. Galaosiyo |
| 6. Vang'ozi | 17. Laklaqa |
| 7. Bo'ston | 18. Xayrobod |
| 8. Shanbi tentak | 19. Chorshanbe Romitan |
| 9. Kumushkent | 20. Jondor Yakshanba |
| 10. Xargo'sh | 21. Vobkent |
| 11. G'ijduvon | 22. Pirmast bozorlari. |

Yelizaveta Nekrasova ma'lumotlariga qaraganda Buxoro shahri ichki savdo ko'chasi Toqi Telpakfurushon va Toqi Zargaron savdo gumbazlari o'rtasida joylashgan, uning uzunligi 200-225 m, eni esa 5-5.5 metrdan oshmagan. Umumiy yo'nalishi – janubdan shimolga tomon, biroq yuqori uzun qismi g'arbga tomon siljigan. Savdo yo'li janubdan, XVIII-XIX asrlarda shahristonning Ohanin darvozasi o'rnida qurilgan Toqi Telpakfurushonning old tomonidan boshlanadi. Bu yerda bozorlarning diniy-ijtimoiy markazi joylashgan. XVI asrning birinchi yarmida qurilgan Miskaron hammomi, XIX asrning boshlarida eskisining qoldiqlari ustiga qurilgan Zabuda masjidi shular jumlasidandir. Savdo yo'li bo'yida ikkita otxona bo'lgan: So'xta karvonsaroyi qoshida tuyalar uchun, ikkinchisi – eshaklar uchun Markabxona. Markabxona XVI asrga oid buzib tashlangan karvonsaroy o'rnida, Miskin madrasasining (har yilgi vaqfdan daromadi – 60 ming tanga) shimoliy fasad qismiga yondosh qurilgan. Savdo gumbazlariga, asosiy savdo yo'liga bog'liq bo'lmagan kapponlar tutashib ketgan. Ulardan biri – tamaki kapponi Toqi Telpakfurushon qatorida bo'lib, Mag'oki attori hududidagi bozorlarga qaragan. Yana biri guruch savdosi yo'lga qo'yilgan kappon Toqi Zargarondan g'arbga olib boradigan savdo ko'chasiga qaragan.

Xulosa. Elchining sayohati davomida to'plagan ma'lumotlari O'rta Osiyo, xususan Buxoro amirligining tarixiy topografiyasini tasavvur qilish imkonini yaratadi. Uning qaydlarida muallifning me'moriy obidalarga qanchalik batafsil to'xtalganini kuzatish mumkin. Uning kuzatuvlari natijasida yig'ilgan ushbu ma'lumotlar me'morchilik tarixini o'rganishda ham muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Н.А. Халфин. Е.Ф. Рассадина қаламига мансуб “Хаников – востоковед и дипломат”. Москва, 1977
2. Записки о Бухарском ханстве (Отчёты П.И.Демезона и Виткевича). – М., Гл. редакция восточной литературы. Из-во «Наука».-1983 С-102
3. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843. стр. 79
4. Записки о Бухарском ханстве (Отчёты П.И.Демезона и Виткевича). – М., Гл. редакция восточной литературы. Из-во «Наука».-1983. С-56
5. Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Предисл. Н. А. Халфина, М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1975. С 95
6. Қиличев Р.Э. Қиличева М.Р. Марказий Осиёнинг тарихий-меъморий ва археологик ёдгорликлари, «Дурдона» нашриёти. 2018. 45-б.
7. Бернс А. Путешествие в Бухару. Второй част. 1848 г. Москва. С- 423
8. А. Татаринова. Семимесячный плен в Бухарии. Издание Маврикия Осиповича Вольфа. Санкт-Петербург Москва 1867. С-28
9. Yelizaveta Nekrasova. Qadimiy Buxoro bozorlari, “Moziydan sado” Toshkent. 2.(86).2020-y. 16-b.
10. Nasilloev S.Sh., Sirocheva F.Z. E.K MEYENDORFNING “ORENBURGDAN BUXOROGA SAYOHAT” ASARIDA BUXORO TARIXIY-ME’MORIY OBIDALARINING TADQIQ ETILISHI MASALALARI. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences Vol 1, Issue 5, 2021, 24-30
11. Nasilloev S.Sh., Sirocheva F.Z. A. VAMBERINING “O’RTA OSIYOGA SAYOHAT” ASARIDA BUXORO VA SAMARQAND SHAHRI TARIXIYME’MORIY BINOLARI, HAMDA, ZIYORATGOHLARINING TADQIQ ETILISHI. Academic research in educational sciences VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021, 652-662
12. Nasilloev S.S., Choriyeva M.R. Rus harbiy zobiti I.Vitkevich esdaliklarida Buxoro karvonsaroylari tavsifi (XIX asrning 1-yarmi manzaralari). // Интернаука: электрон. научн. журн. 2021. № 63(189)
13. Nasilloev S.Sh. P.I. DEMEZON ESDALIKLARIDA BUXORO SHAHRI HAMDA KARVONSAROYLARI TAVSIFI Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 2022. VOLUME 2 | ISSUE 4 ISSN 2181-1784. P- 737-746.

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

ОСНОВНЫЕ ПРИЁМЫ ФОРМИРОВАНИЯ МЕТОДА МОДЕЛИРОВАНИЯ СИНТАКСИЧЕСКИХ ПОНЯТИЙ НА УРОКАХ РОДНОГО ЯЗЫКА

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.029>

Бабаева Шоира Баймуратовна,
доцент, Бухарский государственный университет

Аннотация: В данной статье раскрываются синтаксические понятия на уроках родного языка путем моделирования. Основные приёмы формирования метода моделирования синтаксических понятий, может быть построены в различных видах, например, в виде учебной карты, где схематически перечислены все операции, которые надо выполнить для осуществления данного умственного действия. Своеобразным учебным средством является моделирование материала родного языка, в частности синтаксических понятий для лучшего его запоминания.

Ключевые слова: моделирование, синтаксическое понятие, родной язык, учебный процесс, компетентность, метод

ONA TILI DARSLARIDA SINTAKTIK TUSHUNCHALARNI MODELLASHTIRISH METODLARINI SHAKLLANTIRISHNING ASOSIY USULLARI

Babayeva Shoira Baymuradovna,
Dotsent, Buxoro davlat universiteti

Annotasiya: Ushbu maqola ona tili darslarida sintaktik tushunchalarni modellashtirish orqali ochib beradi. Sintaktik tushunchalar usuli turli shakllarda, masalan, berilgan aqliy harakatni amalga oshirish uchun bajarilishi kerak bo'lgan barcha operatsiyalar sxematik sanab o'tilgan o'quv kartasi shaklida tuzilishi mumkin. O'quv qurolining bir turi - bu ona tilidagi materialni, xususan, sintaktik tushunchalarni yaxshiroq yodlash uchun modellashtirish.

Kalit so'zlar: modellashtirish, sintaktik tushuncha, ona tili, o'quv jarayoni, kompetentsiya, metod

THE MAIN TECHNIQUES OF FORMING THE METHOD OF MODELING SYNTACTIC CONCEPTS IN THE LESSONS OF THE NATIVE LANGUAGE

Babayeva Shoira Baymuradovna,
Associate Professor, Bukhara State University

Annotation: This article reveals syntactic concepts in the lessons of the native language by modeling. The method of syntactic concepts can be built in various forms, for example, in the form of a training card, which schematically lists all the operations that must be performed to carry out a given mental action. A kind of educational tool is the modeling of the material of the native language, in particular, syntactic concepts for better memorization.

Key words: modeling, syntactic concept, native language, educational process, competence, method

Моделирование как общенаучный метод является одним из исследовательской деятельности учащихся. Сегодня моделирование из специального метода научного исследования превратилось в важнейший

общий метод познания. Возрастающая роль метода моделирования как способа познания объясняется тем, что он позволяет получать данные о явлениях и процессах, недоступных непосредственному изучению.

Метод синтаксических понятий на уроках родного языка может быть построена в различных видах, например, в виде учебной карты, где схематически перечислены все операции, которые надо выполнить для осуществления данного умственного действия. Учебная карта может представлять собой оперативную схему, где операции изображаются условными знаками, а их последовательность – стрелками. В ряде случаев удобнее моделировать синтаксических понятий на уроках родного языка в виде схемы тех указаний и ориентиров, которых надо придерживаться при выполнении данного умственного действия.

Модели изучаемых объектов вроде модели синтаксических понятий на уроках родного языка, могут выполнять в процессе обучения несколько функций:

а) они могут служить средством обобщения наблюдаемых и изучаемых фактов и явлений в соответствующей области учебного материала;

б) с их помощью можно решать познавательные задачи на исследование изучаемого понятия;

в) они дают возможность учащимся спланировать свою работу по изучению соответствующего понятия в его конкретных проявлениях и проконтролировать эту работу.

Своеобразным учебным средством является моделирование учебного материала для лучшего его запоминания. При этом возможны два способа моделирования:

а) логическое упорядочение учебного материала и представление его в легко обозримой, наглядной форме;

б) представление учебного материала с помощью мимических средств, в расчёте на образные ассоциации.

Модели первого типа могут служить не только для запоминания учебного материала, но и для его обобщения и систематизации. Работа учащихся по построению подобных моделей в конце изучения темы представляет собой эффективный способ закрепления пройденного.

Таким образом, моделирование синтаксических понятий на уроках родного языка – это исследование объекта, при котором изучается не сам объект, а вспомогательная искусственная или естественная система, находящаяся в некотором объективном соответствии с этим объектом, способная замещать его в определённом отношении и дающая информацию о самом моделируемом объекте. Между исследователем и объектом познания стоит модель. Ребёнок действует с моделями сначала под руководством и с помощью учителя, а затем строит модели самостоятельно.

Было обнаружено, что существенные признаки и связи, зафиксированные в модели, становятся наглядными для учащихся тогда, когда эти признаки, связи были выделены самими детьми в их собственном действии, т.е. когда они сами участвовали в создании модели. Подлинное назначение модели – быть объектом действия, посредством которого получают новую информацию об оригинале. Если наглядность позволяет представить только внешние стороны объекта, то моделирование служит средством целостного отражения отдельного и общего, чувственного и логического, внешнего и внутреннего. Обучение моделированию учащихся приводит к повышению эффективности обучения и общеразвивающему эффекту.

Понятие является важнейшим инструментом познания человеком окружающего мира и себя самого. Владеть понятием – значит, и осознать слово,

которое его обозначает, и уяснить содержащийся в нем смысл. Характеризируя понятие, необходимо строго различать называемое гносеологическое понятие и понятие психологическое. Синтаксическое понятие – одна из высших форм отражения действительности, которая раскрывает не только сущность предметов, явлений, но и их определяющие свойства. Термином «понятие» обозначается обобщенное, отражающее существенные свойства предметов и явлений. Под данное определение подойдут и грамматические понятия, так как они обладают общими свойствами, характеризующими понятия в других дисциплинах. Говоря о сознательном восприятии системы понятий в процессе обеспечения в других дисциплинах. Говоря о сознательном восприятии системы понятий в процессе обеспечения усвоения учащимися знаний о родном языке, необходимо установить, что такое понятие с точки зрения логики, психологии и методики языка.

Понятие - одна из высших форм отражения действительности, которая раскрывает не только сущность предметов и явлений, но и их определяющие свойства.

Логика определяет понятие как одну из форм абстрактного мышления, в которой отражаются существенные признаки одноэлементного класса или класса однородных предметов. Языковыми формами выражения понятий являются слова или словосочетания. При этом слова-синонимы выражают одно и то же понятие, но различаются звучанием или оттенками значения. Слова омонимы, звучащие одинаково, но определяющие разные понятия.

Основными логическими приёмами формирования понятий является анализ как мысленное расчленение предметов на их составляющие и мысленное выделение в них существенных признаков; синтез как мысленное соединение в единое целое частей предмета или его признаков, полученных в процессе анализа; сравнение как мыслительное установление сходства или различия между предметами или явлениями на основе существенных или несущественных признаков; абстрагирование как мысленное выделение одних признаков предметов в отвлечении от других; обобщение как мысленное объединение отдельных предметов в одном понятии. Данные логические приёмы используются при формировании понятий как в научной деятельности, так и в процессе обучения.

В логике рассматриваются три варианта образования понятия

1. Процесс конструирования понятий - поиск всех достаточных условий для однозначного определения изучаемого класса объектов.

2. Понятие - логическая функция, заданная на множестве суждений, принимающая значение «истинно» или «ложно». Единицей содержания понятия выступает отдельное необходимое условие, поэтому содержание понятия не совпадает с его определением.

3. Содержание понятия – сообщаемая этим понятием информация.

Логика устанавливает правила определения понятия:

- 1) соразмерность определения;
- 2) родовой признак указывает на ближайшее высшее понятие;
- 3) видовым отличием является признак, свойственный только данному понятию;
- 4) определение не должно быть отрицательным;
- 5) в определении не должно быть тавтологии.

Формирование синтаксических понятий не вписывается в чистом виде ни в одну из данных логических концепций, а логические концепции не исчерпывают всех составляющих процесса формирования понятий. Вопросы формирования понятий, а также анализ умственных действий, поэтапность этих действий рассматривается в психологии, где происходит чёткое

деление понятий на научные и ненаучные. Это деление впервые ввёл Л.С. Выготский. Он выделяет в формировании научных понятий три основных психологических момента:

- 1) установление зависимости между понятиями, образующими систему;
- 2) осознание собственной мыслительной деятельности, то есть момент рефлексии;
- 3) формирование особого отношения к объекту, фиксирование в научном понятие того, что недоступно обыденным житейским понятиям (Выготский, 1996, 112).

Понятие вообще – это форма мышления, отражающая существенные свойства и связи явлений, это единица мышления. Познание осуществляется людьми как формирование понятий и их связей. Основные понятия служат опорой, фундаментом и в то же время показателем уровня развития любой науки.

Усвоение ребёнком системы понятий происходит с помощью взрослых.

Однако первоначальные понятия ребёнок усваивает методом проб и ошибок. В школе начинается целенаправленный процесс формирования понятий. Выготский Л.С. видел успешное формирование научных понятий через осознанность существенных признаков и говорил о необходимости в процессе обучения создавать «зону ближайшего развития учащегося». Путь формирования понятия – «сверху - вниз» - от определения к реальным предметам – это путь, который даёт возможность ребёнку в дальнейшем произвольно и сознательно оперировать понятием.

Однако исследования показывают, что при определении понятий учащиеся опираются на несущественные признаки предмета или явления, существенные же признаки осознаются и воспроизводятся только при ответах на вопросы, которые требуют чёткого определения понятий, то есть при ответе на уроке. Зная определение понятия, они не могут применить его при решении конкретных задач. То есть знание словесного определения понятия не меняет по существу процесса его усвоения.

По мнению Л.С. Выготского, психологический механизм понятий составляют действия и операции. При этом действия – это средство формирования понятий и способ их существования, следовательно, понятия нельзя определить без обращения к деятельности, продуктом которой они являются.

К компонентам умственных действий по формированию понятий Л.С. Выготский относит:

- 1) перечисление необходимых и достаточных свойств объекта данного класса;
- 2) установление того, обладает ли данный объект выделенными свойствами;
- 3) заключение о принадлежности объекта к данному классу;
- 4) выделение следствий;
- 5) классификация;
- 6) конструирование объектов с учётом варьирования отношений.

Таким образом, принципиальными положениями процесса формирования понятий являются следующие:

- 1) рассмотрение этого процесса со стороны деятельности, действий, связанных с формированием и функционированием понятий;
- 2) становление действий, связанных с понятием, прослеживается в условиях стихийного всестороннего управления ходом их формирования.

Новое понятие может быть получено человеком только через контакты с теми предметами, понятие о которых формируется.

Автор психологической концепции «о поэтапном формировании умственных действий» П.Я. Гальперин говорит «о необходимости в действии усваивать и знание объекта, и действия с ним»

Основными положениями этой концепции являются следующие:

1) действие есть составной элемент всей деятельности. Процесс усвоения знаний должен управляться как процесс поэтапного превращения внешних предметных действий во внутренние;

2) внешние действия должны быть организованы так, чтобы сам ученик или учитель могли поэтапно отслеживать эти процессы;

3) цель обучения – научить определённой деятельности, а знания – средство достижения цели;

4) учебная деятельность есть подготовка к практике, являющейся исполнительной частью деятельности.

Деятельностный подход к обучению лежит в основе концепции М.В. Львова. В работе «Виды обобщения в обучении» он указывает на то, что основной путь осознания понятий у школьников – это обобщение, а наиболее эффективный процесс развития учащихся в обучении – от общего, абстрактного, к частному, конкретному. По мнению учёного, формировать понятия надо уже с младшего школьного возраста, а для успешного формирования понятий надо построить для ребёнка адекватную деятельность. Содержание обучения должно разворачиваться так, чтобы учащиеся посредством определённых предметных воспроизводили, фиксировали в моделях такое отношение, которое является всеобщим основанием частных проявлений изучаемой системы, а затем же конкретизировали исходное положение, прослеживая связи между частным и общим. Эти положения нашли отражение в теории развивающего обучения, в которой М.В. Львов, а затем Д.Б. Эльконин выделили следующие условия:

-достаточную самостоятельность и сознательность учащихся в овладении знаниями;

-научно обоснованную и хорошо воспринимаемую учащимися системность знаний;

-практическую направленность процесса овладения знаниями;

-насыщенность учебных занятий аналитико-синтетической обобщающей деятельностью учащихся;

-введение в учебный процесс проблемных ситуаций

По мнению М.В. Львова, в деятельности, которую будут совершать учащиеся, в сжатой, свёрнутой форме они воспроизведут те действия, которые приводят к построению понятий.

Следуя из вышеизложенного, я считаю, что применение методики моделирования синтаксических понятий на уроках родного языка не только активизирует, анализирует и синтезирует знания, навыки и умения учащихся, но и стимулирует их к дальнейшему использованию именно так этого метода на уроках.

Использованная литература:

1. Выготский Л.С. Мышление и речь /Л.С. Выготский //Избранные психологические исследования. – М., 1996. – С.112 – 281.

2. Ш.Б.Бабаева «Новаторские подходы к моделированию процесса обучения родному языку». «современные тренды в науке и образовании» Материалы международной научно-практической онлайн-конференции Страницы.199-201 Издательство– Алматы: «Қыздар университеті» баспасы

3. The effect of Studying Morphology in Modeling Syntactic concepts in the lessons of the native Language in Primary Grades BS Babaeva Middle European



Scientific Bulletin 5 (10), 84-90

4. Babaeva S. MODELING NATIVE LANGUAGE LEARNING BY DESIGNING EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (10), Part II, 1-9.

5. Ш.Б.Бабаева, А.Н.Алимова «Международное исследование PIRLS способствует развитию речи и навыка чтения у младших школьников». scientific progress volume 2 | issue 6 | 2021 issn: 2181-1601

6. «Методика работы над словарем на уроках русского языка в младших классах» Ш.Б.Бабаева., Н.С.Фазылова. Uzbekistan www.scientificprogress.uz Page 1052 scientific progress volume 2 | issue 6 | 2021 issn: 2181-1601

6. The development of the Speech of Primary School Students in the process of studying a work of Art in Primary School BS Babaeva, AB Uzakova, ZI Rohatova, AN Alimova, NS Fazilova Middle European Scientific Bulletin 10 (1)

БУХОРО НИКОҲ ТҶИИ ОЛҚИШЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.030>

Шербекова Гавҳар Яхшибаевна,

Бухоро давлат университети таянч докторанти

<https://orcid.org/0000-0002-1367-3920>

Аннотация. Мазкур мақолада никоҳ тўйига хос бўлган фольклор жанрлари тизимида олқиш жанри, унинг Бухоро никоҳ тўйларига мос локаль хусусиятлари ҳамда ўзига хосликлари хусусида сўз юритилган. Қадимдан келин ва кўёвдан иборат янги оила олқиш айтиши зарурий шарт сифатида қаралган ва бунга жиддий муносабатда бўлинган. Шу каби тушунчалар асосида Бухоро никоҳ тўйида ҳам келин-кўёвларга, улар орқали икки қуда томон аъзоларига олқиш айтиши анъанаси тўй жанрлари ижро композициясида мустақил зарурий узв сифатида сақланиб келмоқда.

Калит сўзлар: никоҳ тўйи, олқиш, ёр-ёр жанри, мотив, айтувчи ва тингловчи, кўёвга бағшланган олқишлар, келинга бағишланган олқишлар.

БЛАГОПОЖЕЛАНИЕ НА БУХАРСКОЙ СВАДЬБЕ

Шербекова Гавҳар Яхшибаевна,

PhD докторант Бухарского государственного университета

Аннотация. В данной статье рассматривается жанр благопожелание в системе фольклорных жанров, типичных для свадьбы, его локальные особенности, характерные для Бухарских свадьбы. С незапамятных времен благопожелание для новой семьи, состоящей из жениха и невесты, считались необходимым условием и относились к ним серьезно. На основе сходных представлений традиция аплодировать жениху и невесте на бухарской свадьбе, а через них и представителям двух сторон, сохраняется как самостоятельный необходимый член в составе свадебных жанров.

Ключевые слова: свадьба, аплодисменты, жанр, мотив, рассказчик и слушатель, благопожелание жениху, благопожелание невесте.

BUKHARA WEDDING GOOD WISHES

Sherbekova Gavkhar Yakhshibaevna,

PhD student of Bukhara state university

Abstract. This article discusses the genre of applause in the system of folklore genres typical of weddings, its local features and peculiarities typical of Bukhara weddings. From time immemorial, applause for a new family consisting of a bride and groom has been considered a necessary condition and has been taken seriously. On the basis of similar notions, the tradition of applauding the bride and groom at the Bukhara wedding, and through them to the members of the two parties, is preserved as an independent necessary member in the composition of wedding genres.

Key words: wedding, applause, genre, motif, narrator and listener, applause for the groom, applause for the bride.

КИРИШ. Олқишлар – Бухоро никоҳ тўйи фольклори жанрлари орасида ўз ўрнига эга. Мазмунига кўра, оила кураётган жуфтликка бахт-саодат, кўша қариш, ўзидан кўпайиш, фаровон яшашдек эзгу истакни бадий ифодалашга қаратилган никоҳ тўйи олқишлари, одатда, унга оид удумлар таркибида ижро қилинади.

Олқишларнинг келиб чиқишига қадимги одамларнинг сўзининг сеҳр

кудратига, [1, 63-67] нариги дунё, ўликлар мамлакати ҳамда абадий ҳаёт ҳақидаги асотирий қарашларга ишончи асос бўлгани айтилади [2, 11]. Шунинг учун қадимдан ўзга хонадонга турмушга узатилаётган қизларга ҳам олқишу дуолар айтилиб, уларнинг бошқа муҳитдаги ҳаётига омад тиланган. Қизнинг ёки йигитнинг янги хонадонга кириб бориши учун “сеҳрли сўз” – олқиш айтиш зарурий шарт сифатида қаралган ва бунга жиддий муносабатда бўлинган. Шу каби тушунчалар асосида Бухоро никоҳ тўйида ҳам келин-куёвларга, улар орқали икки қуда томон аъзоларига олқиш айтиш анъанаси тўй жанрлари ижро композициясида мустақил зарурий узв сифатида сақланиб келмоқда.

Натижа ва муҳокамалар. Бухоро никоҳ тўйи олқишлари алоҳида жанр сифатида ёки унга алоқадор ёр-ёр жанри таркибида учрайди. Масалан, бунга “Оппоқ уннинг урвоғи” (Қоракўл воҳаси халқ кўшиқлари) тўпламида “Дуо билан эл кўқарар” (олқишлар) қисмида “Тўй олқишлари” деб келтирилган фольклор намуналарини мисол қилиш мумкин [3, 100-102]

Омин деб кўтаринг қўлларингизни,
Худойим оқ қилсин йўлларингизни,
Омин деганлар доимо омон бўлсин,
Яна тўкин сочин-у, хур замон бўлсин.

Дарҳақиқат, олқиш айтаётганда, уни айтувчи ҳам, бошқа тингловчилар ҳам икки қўлини кўкрагидан баланд, юраги баробарида кўтариб, “омин” сўзини айтганча, олқишга кўшилади. Бундай олқишларда Худодан, азиз авлиёлардан, Хизрдан, эранлардан мадад сўраш мотиви алоҳида ўринга эга. Бу ҳақда уларда шундай дейилади:

Хизр бобо назар қилсин,
Гойибларни ҳозир қилсин,
Ҳар банданинг мушқулини,
Худонинг ўзи осон қилсин.

Никоҳ тўйи олқишларини йўналтирилган объектига қараб, мазмунан бешга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Келинга бағишланган олқишлар. Уларда, асосан, келинчакнинг қадами кутлуғ келиши, ўзидан кўпайиши, серфарзанд бўлиши, қатор ўғиллар туғиб, халқ ичида тили узун бўлиб юриши истаги изҳор қилинади:

Бешта-ўнта паҳлавон
Ўғлинг бўлсин, ёр-ёр.
Халқ ичида тилларинг
Узун бўлсин, ёр-ёр.

Ёки яна:

Узумдек мева берсин,
Гужумдек соя берсин,
Буккани барак бўлсин,
Тукқани бувак бўлсин.
Бошлари ошоқ бўлсин,
Тиллари юмшоқ бўлсин.

2. Куёвга бағишланган олқишлар. Уларда куёв боланинг бой-бадавлат, сахий, йигит боши ҳамиша омон бўлиши, кўп ўғиллар кўриши, ўғиллари ризқли, довли, ҳовлили бўлиши ният қилинади. Масалан:

Куёв йигит бой бўлсин
Кўролмаган вой бўлсин.
Меҳмонларга қўй берсин,
Изидан кўк чой берсин.
Худонинг ўзи асрасин,
Йигит боши омон бўлсин.

Ун тўққиз ўғлинг бўлсин,
Ичинда бири хон бўлсин,
Тепган ери нон бўлсин.
Этган иши довли бўлсин,
Уй-жойи кенг ҳовли бўлсин.
Ола кўзли паризод,
Ҳаммадан қолсин яхши зот,
Омин, оллоҳу ақбар!

3. Келин-куёвга баравар айтиладиган олқишлар. Бундай олқишларда уларнинг бешик тўйига тезроқ етиб, элга тўй беришлари, қизларининг юзи оқ, ўғиллари кўшоқ, бешиклари тилладан, ёпинчиғи қулладан, ризқи бутун, боши тош бўлиши тилак қилинади:

Ризқингиз ошдан бўлсин,
Бошингиз тошдан бўлсин,
Танангиз дард кўрмасин,
Обрўйингизга гард кўнмасин,
Кўрганингиз тўй бўлсин,
Сўйганингиз кўй бўлсин,
Юрагингиз ғам кўрмасин,
Кипригингиз нам кўрмасин.

4. Тўйга йиғилган элга қаратилган олқишлар. Уларда асосий эътибор эл хотиржамлиги, фаровонлигини тилашга қаратилади.

Илоҳи омин!
Тўй-томоша, соғлик-тинчлик бўлсин,
5. Жамол Камол. Булбулнома. Сайланма. VI жилд. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. – 478 б.
6. Жуманазарова Г., Болтаева Б., Кулбоева Д. Фраземаларнинг нутқда қўлланилиши. Монография. – Т.: “Турон-замин-зиё”. 2017. –126 б.
7. Бобур Тўхтабоевнинг Жамол Камол билан олиб борган суҳбатидан. “Ёш ленинчи” газетаси, 1989 йил, 19 август
8. Иброҳим Ҳаққул. Ҳаёт Адабиёт ва Абадият. – Тошкент: Тафаккур, 2019. –Б. 144.
9. Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожда тасаввуфнинг ўрни // Бадий тимсоллар ва тасаввуф

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУТАХАССИСЛАРИНИ ДУАЛ ТИЗИМИ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.037>

Чориев Рузимурат Кунгратович,

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети профессори*

Аннотация. Мақолада касб таълими назарияси ва амалиёти тенденциясини янада ривожлантиришида инновацион касбий салоҳият элементларининг уйғунлиги ва узвийлигини таъминлаш асосида таълимнинг интегратив таъкилий функциясини янада кенгайтириши, таълим шакллари ва методларини модернизациялаш, шахсий ва касбий сифатларни шакллантириши каби интеграцион жараёнлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: интеграция, дуал таълим, инновацион касбий салоҳият, узлуксиз таълим, касб таълими.

МЕТОДИКА ПОДГОТОВКИ СПЕЦИАЛИСТОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ДУАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ

Чориев Рузимурат Кунгратович,

*Национальный исследовательский университет «Ташкентский
институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»,
профессор*

Аннотация. В статье представлена информация об интеграционных процессах, таких как дальнейшее расширение интегрированной организационной функции образования, модернизация форм и методов обучения, формирование личностных и профессиональных качеств на основе гармонии и преемственности элементов инновационного профессионального потенциала в дальнейшем развитии теории и практики профессионального образования.

Ключевые слова: интеграция, дуальное образование, инновационный профессиональный потенциал, непрерывное образование, профессиональное образование.

METHODOLOGY OF PROFESSIONAL EDUCATION SPECIALISTS TRAINING BASED ON THE DUAL SYSTEM

Choriev Ruzimurat Kungratovich,

*National Research University «Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Engineering», professor*

Annotation. The article presents information about integration processes, such as further expansion of the integrated organizational function of education, modernization of forms and methods of teaching, formation of personal and professional qualities based on harmony and continuity of elements of innovative professional potential in the further development of the theory and practice of vocational education.

Keywords: integration, dual education, innovative professional potential, continuing education, vocational education.

Жаҳонда инсон цивилизациясининг ривожланиши жуда мураккаб ва зиддиятли жараёнлар ҳамда тенденциялар билан тавсифланади. Илм-фан, техника ва технологиялардаги ютуқлар инсонларнинг ҳаёт сифатини тубдан яхшилаш учун хизмат қилади, шу билан бирга ижтимоий, иқтисодий, маданий, моддий-техника ва ҳаётий фаолияти учун бошқа шарт-шароитларни яратиши билан бирга шахсий эҳтиёжлари ва манфаатларини рўёбга чиқаради. Мобил алоқа, шахсий компьютерлар, шахсий техникалар ва барча турдаги хизмат кўрсатиш ускуналари, замонавий ахборот-коммуникация тамоқлараро инсониятнинг илмий ва технологик тараққиётга асосланган бўлиб, бугунги кунда техник ўзгаришлар маконида сунъий яшаш муҳити табиий муҳитга қараганда анча самарали бўлиб бормоқда.

Халқаро тажрибаларга кўра умумқасбий ва ихтисослик фанлари билан ишлаб чиқариш тузилмаларининг узвий алоқадорлигини чуқурлаштириш таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, касб таълими назарияси ва амалиёти тенденциясини янада ривожлантиришда инновацион касбий салоҳият элементларининг уйғунлиги ва узвийлигини таъминлаш асосида таълимнинг интегратив ташкилий функциясини янада кенгайтириш, таълим шакллари ва методларини модернизациялаш, шахсий ва касбий сифатларни шакллантириш каби интеграцион жараёнлар муҳим ўрин тутди. Бу эса дуал таълим тизими асосида касб таълими мутахассисларини ва ишлаб чиқариш корхоналари ходимларини узвийлик ва ўзаро алоқадорлик тамойилларини инobatга олган ҳолда касбий фаолиятга тайёрлаш натижаларини педагогик диагностик усуллар билан текшириш ва аниқланган муаммолар бўйича тегишли методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва таълим интеграциясининг ахборий дидактик имкониятларини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Олийтаълиммуассасаларида касб таълими жараёнида фанлараро боғланиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш, ривожлантириш ва ривожланиш қонуниятлари ва тенденциялари, касб таълими ўқитувчиларини дуал таълим тизими асосида касбий, педагогик ва ишлаб чиқариш фаолиятга тайёрлаш муаммолари, касбий тайёргарликнинг педагогик диагностикаси назарий, концептуал ва технологик асослари муайян даража ўрганилган бўлса-да, касб таълими мутахассисларини тайёрлашда умумқасбий ва ихтисослик фанлари интеграциясининг дидактик имкониятлари, интегратив ёндашув асосида ўқитишнинг ўқув-услугий таъминоти ҳамда илмий-услугий асосларини ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш зарурати ҳозирги куннинг долзарблигини белгилайди.

Узлуксизлик омилини касбий таълим нуқтаи назаридан ўрганишда мазкур ёндашувнинг тарафдорлари инсоннинг узлуксиз таълим маконида эҳтимолли ҳаракатланишининг учта йўналишини алоҳида келтириб ўтади. Улар: 1. Касбий таълим савиясини ўзгартирмаган ҳолда касбий малака ва касбий маҳоратни такомиллаштириш касбий таълимнинг босқичлари ва даражалари бўйича; 2. Юқорига аста-секин кўтарилиш, шахснинг эҳтиёжлари ва имкониятларини, шу билан бирга жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари; 3. Ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишини ўзгартириш билан боғлиқ касбий малакани такомиллаштиришдан иборат.

Касбий таълимнинг асосий мақсади юқори малакали, меҳнат бозорида рақобатбардош, билимдон, масъулиятли, ўз касбини яхши биладиган ва ўзаро боғлиқ соҳаларда фаолият юритишга қодир, ўз ихтисослиги бўйича жаҳон стандарт талаблари даражасида самарали ишлай оладиган, доимий касбий ўсиш, ижтимоий ва касбий ҳаракатчанлик қобилиятига эга тегишли савия ва ихтисосликдаги ишчиларни тайёрлаш, шунингдек тегишли таълим олишда

шахс эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Ҳозирги кунда илмий техник тараққиётнинг инновацион ривожланиши, билимларнинг тезлик билан янгиланиши бўлажак мутахассисларнинг замонавий шароитларга тез мослашиши ҳамда ўқув-билиш мотивларини эгаллашларига интилишини талаб этади. Бу эса бўлажак мутахассисларни мустақил изланишга, касбий муаммоларни мустақил ечиш, унга ижодий ёндашишга ўргатиш, шу билан бирга назария ва амалиёт бирлиги асосида ишлаб чиқариш жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш ларидаги фаолликни заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда фаол, изланувчан, интеллектуал, бошқарувчанлик қобилиятига эга, касбий маданиятли, рақобатбардош, креатив фикрловчи мутахассисларни тайёрлаш жараёни узлуксиз таълим тизимининг энг асосий вазифаларидан бўлиб, бунда олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими мутахассисларини ва ишлаб чиқариш ходимларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

олий таълим муассасаларида касбий таълим мутахассисларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг дуал тизимини куришнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда бир қанча талабларга асосланганлиги келтириб ўтилган. Улар:

- таълим мақсадларининг ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига асосланиш;

- таълим фаолиятининг ижтимоий-фалсафий, илмий дунёқараш асосларига ташкилий ёндашув;

- касбий таълим методологик хусусиятининг дидактик асосларига таяниш.

Мазкур талабларга жавоб берувчи асосий, концептуал аҳамиятга эга ғояларга ойдинлик киритиш касбий таълимнинг махсус интегратив соҳаси сифатида касбий таълим ривожланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказувчи “ички”, феноменологик ва методологик, шунингдек ижтимоий педагогик хусусиятга эга тамойиллар асосида амалга оширилган.

Олий таълим муассасаларида касбий таълимнинг дуал тизимини куриш учун узлуксиз касбий таълим гуманистик тамойилларни ишлаб чиқариш соҳаси ва жамият эҳтиёжлари билан оптимал тарзда мужассамлаштиришга имкон беради деган қоида концептуал аҳамиятга эга бўлади.

Дарҳақиқат, олий таълимнинг методологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда касбий таълимнинг дуал тизимини куришнинг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи концептуал аҳамиятга эга учинчи ғоясини қуйидагича изоҳлаш мумкин: муҳандис-педагог кадрларни касбий тайёрлаш жараёнида таълим тизимини дуал қайта куриш унинг тизимли яхлитлигини ифодалаган ҳолда касбий таълимнинг интегративлигини таъминлайди.

Хулоса қилиш мумкинки, мазкур ажратиб кўрсатилган концептуал аҳамиятга эга ғоялар касбий таълимнинг дуал тизимини яратишнинг қадриятли-мақсадли (аксиологик), мазмунли-ташкилий (онтологик) ва технологик асосларини методологик яхлитлигини таъминлагани боис, улар таълимни концептуал моделлаштиришнинг назарий-методологик асоси бўлиб, унинг натижаси сифатида касбий таълимнинг дуал тизими концептуал модели ишлаб чиқилган.

Биз касбий таълим дуал тизимини ифода этишнинг учта даражасини ажратдик: методологик даража, фаолиятли-технологик даража ва шахсий натижали даража.

1. Методологик даража – аниқроғи касбий таълим тизимини куриш ва амал қилишининг асосида ўз аксини топган методологик тамойиллар ва уларга мос методологик қуроллар: ҳар қандай таълим тизимини шаклланиш хусусиятларини акс эттирувчи, уларнинг таркибий ва функционал яхлитлиги, уларни ташкил қилувчи компонентлар орасидаги ўзаро таъсир ва алоқадорликни

таъминловчи умумметодологик тамойиллар ва воситалар; ўзига хос таълим соҳаси сифатида касбий таълимни тизимли ташкил қилишнинг мазмун моҳиятини акс эттирувчи хусусий методологик тамойиллар; алоҳида турга эга таълим соҳаси сифатида касбий таълимни қуриш ва амалга ошириш тамойиллари.

2. Фаолиятли технологик даража - унда касбий таълим жараёнида муҳандислик фаолиятининг педагогик фаолиятга технологик асосда дуал ўзгариши амалга оширилиб, таълимнинг тизимли-процессуал жиҳатини акс эттиради. У иккиламчи таркибли қурилишга эга: таълим соҳасида у ўқитувчилар ва талабаларнинг шахсий-касбий компетентлигини узлуксиз тарзда ошириб бориш; ишлаб чиқариш соҳасида - мутахассисларнинг шахсий-касбий компетентлигини узлуксиз тарзда ривожлантириш.

Мазкур дуал тизимни ташкил қилувчи тизимда касбий тайёргарлик бўйича таълим жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари, ташкилий шакллари ва дидактик шарт-шароитлари турличадир.

3. Шахсий натижавий даражаси - таълимнинг субъектив натижавий жиҳатини акс эттирган бўлиб, иккала таркибий тизим учун умумий ва мутахассиснинг таълим жараёнида шаклланган шахсий касбий компетентлигини акс эттиради.

Касбий таълимнинг дуал тизими - бу касбий таълимни ташкил қилишнинг инновацион тури бўлиб, мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро ҳамкорликдаги алоқадор ривожланишини назарда тутди ҳамда у мазкур учта методологик асосларга таянган ҳолда қурилади: аксиологик (гуманистик ва техник жиҳатларнинг паритетлиги), онтологик (компетентли ёндашув), технологик (касбий фаолиятдаги ижтимоий-касбий муносабатларни ривожланишини ташкил қилиш).

Олий таълим муассасаларида касбий таълимнинг дуал тизими дидактик шарт-шароитларни аниқлашда концептуал моделни амалий жиҳатдан ишлаб чиқишни талаб қилади, бу эса олий таълимда муҳандис-педагог кадрларни тайёрлашнинг дуал тизимининг концептуал-назарий асосларини қуришни ҳамда таълим жараёнининг тизимли-компонент хусусиятларини ва ўзаро боғлиқлигини ва алоқадорлигини акс эттиради.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, замонавий тизимли-педагогик ғояларга қўра, таълим жараёни тизимли равишда бир-бирига боғлиқ бўлган ва қуйидаги таркибий қисмлар билан ўзаро таъсир ўтказиш мақсадга мувофиқ: фаолият мақсадлари, ўқитувчи, талаба, фаолият мазмуни, фаолият шакллари, фаолият воситалари ва усуллари, фаолият натижасидир. Таълим жараёнида ижтимоий-профессионал муносабатларни технологик ташкил этиш (ўқув гуруҳида, ишлаб чиқариш амалиётида ва ҳоказо). Касбий таълимнинг дуал тизими олий таълим муассасасида концептуал - назарий ва дидактик асосларга мувофиқ касбий тайёргарлигининг таркиби ва мазмунини ишлаб чиқишни амалий ташкил этиш билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс... док.пед.наук. –Т.: 1995. – 43 с.

2. Ismailova, Z., Choriev, R., Ibragimova, G., Abdurakhmanova, S., & Abdiev, N. (2020). Competent model of Practice-oriented education of students of the construction profile. *Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd.* <https://doi.org/10.31838/jcr.07.04.85>

3. Ismailova, Z., Choriev, R., Musurmanova, A., & Aripjanova, M. (2020). Methods of training of teachers of university on advanced training courses. *Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd.* <https://doi.org/10.31838/jcr.07.05.85>

LEARNING PROBLEMS OF MEDICAL INFORMATICS

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.038>

Baymuratova Irina,

Master of information technology educator Tashkent State Technical University named after Islam Karimov,

Project member of the Institute of Nuclear Physics AN RUz

Bozorov Erkin,

Doctor of technical sciences, professor of the National University of Uzbekistan

Doctor of technical sciences, professor of the Institute of Nuclear Physics AN RUz.

TIBBIY INFORMATIKA FANINING O'RGANISH MUAMMOLARI

Irina Baymuratova,

Islom Karimov nomidagi Toshkent davlat texnika universiteti axborot texnologiyalari fani o'qituvchisi, O'zR AN Yadro fizikasi instituti loyiha a'zosi

Bozorov Erkin,

Texnika fanlari doktori, O'zbekiston Milliy universiteti professori texnika fanlari doktori, O'zR AN Yadro fizikasi instituti professori,

ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ МЕДИЦИНСКОЙ ИНФОРМАТИКЕ

Ирина Баймуратова,

*Магистр, педагог информационных технологий
Ташкентского государственного технического университета
имени Ислама Каримова, Участник проекта Института ядерной
физики АН РУз*

Бозоров Эркин,

*Доктор технических наук,
профессор Национального университета Узбекистана
Доктор технических наук, профессор Института ядерной физики АН
РУз.*

Abstract. The article deals with the problem of studying the subject «Medical Informatics» in higher educational institutions. The specifics of this subject, and opportunities to improve the quality of knowledge in this subject. A brief history of the emergence of this subject in Uzbekistan and the development of the subject «Medical Informatics» as a separate direction is also given. There are also studies of preparing schoolchildren and students for the study of this subject and improving the quality of education.

Maqolada oliy o'quv yurtlarida «Tibbiy informatika» fanini o'rganish muammosi ko'rib chiqiladi. Ushbu fanning o'ziga xos xususiyatlari, bu fan bo'yicha bilim sifatini oshirish imkoniyatlari. Bu fanning O'zbekistonda paydo bo'lishi va "Tibbiy informatika" fanining alohida yo'nalish sifatida rivojlanishining qisqacha tarixi ham berilgan. Maktab o'quvchilari va talabalarini ushbu fanni o'rganishga tayyorlash, ta'lim sifatini oshirish borasida ham ishlar olib borilmoqda.

Аннотация. В статье рассматривается проблема изучения предмета «Медицинская информатика» в высших учебных заведениях. Специфика данного предмета и возможности повышения качества знаний по данному предмету. Также дается краткая история возникновения данного предмета в Узбекистане и развития предмета «Медицинская информатика» как



отдельного направления. Также проводятся исследования подготовки школьников и студентов к изучению данного предмета и повышения качества образования.

Key words. medical informatics, problems of medical informatics, programs, research

Ключевые слова. медицинская информатика, проблемы медицинской информатики, программы, исследования

Kalit so'zlar. tibbiy informatika, tibbiy informatika muammolari, dasturlar, tadqiqotlar

Introduction. The transformation of society from simple to informational began in the middle of the 20th century. This affected not only the adult population, but also children in general. If we consider the information sciences as teaching, then they develop more rapidly against the background of other sciences, and mastering them today is a guarantee of a person's success in modern society. One feature of these sciences is that for a person working in this area there is no limit to perfection. Therefore, this science was introduced into the main set of sciences that students should master at school, colleges, higher educational institutions, and then develop their skills throughout their lives. Since this science permeates all sciences at the present time, it is the fundamental science of the modern individual. [2]

One of the areas of information technology is a specialized area - medical informatics. This scientific discipline is engaged in the study of the processes of obtaining, transmitting, processing, storing, distributing, presenting information using information technology and technology in medicine and healthcare.

With the advent of this new direction, there were also problems of training. Competent correlation of knowledge of computer science and medicine. Assessment of the degree of complementarity of these sciences.[3]

Research Methodology. Uzbekistan, as a developing state, also took part in the information boom. The State Program for the implementation of the "Action Strategy for the Five Priority Areas of Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021" outlines the introduction of the concepts of "Smart Medicine" (Smart Medicine) and the "Center for Unified Medical Information", which should ensure early detection and remote prevention of diseases, as well as the creation of additional conditions for the growth of life expectancy and the reduction of morbidity and mortality rates using modern technologies for remote consultation of patients and early diagnosis of diseases in remote areas of the Republic. Measures for the development of technical requirements and the development of a draft regulatory document for the implementation of «Smart Medicine» and the «Center for Unified Medical Information» were approved in paragraph 2 of the roadmap for the execution of the appeal of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev to the OliyMajlis of the Republic of Uzbekistan dated December 22nd 2017. Medical informatics has become an indispensable element in the education and subsequent activities of a doctor, which led to the creation of specialized departments and courses in higher medical schools. [1]

When did the direction «medical informatics» originate in Uzbekistan?

Since the mid-60s of the XX century, the main conceptual provisions have been formulated, which formed the basis for the development of the process of introducing information technologies (informatization) in healthcare, the first projects for all levels of industry management have been implemented. In particular, in 1966, the Institute of Cybernetics of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR was established, headed by Academician V. Kabulov, which served as an impetus for the development of «Medical Informatics in Uzbekistan.» The period from 1975 to 1985 can be characterized as the time of the creation of the state system for organizing and coordinating work on the introduction of computer science methods and computer technology in practical medicine, the creation of territorial medical

information and computing centers in the regions (currently - medical information and analytical centers) subordinate to the regional health authorities. In the mid-80s, for a clearer coordination of the development of computer technologies in healthcare at the regional level, the Board of Directors of Information Computing Centers (ICC) was created, which for a long time was successfully headed by Professor G.I. Chechenin. By the mid-90s, the need for informatization of the industry was no longer in doubt at all levels of healthcare management. As this science developed, new terms were born, such as:

- medical computer science, computing medicine, medico-electronic data processing, medico-automated data processing, medical information processing, medical information science, medicine and engineering equipment and medical computer technology, telemedicine.

At a conference on the history of Medical Informatics held in Prague in April 2013, George Michalas outlined the following stages of development:

a) Medical information at an early stage before 1975:

pioneering work of scientists, extensive work on analog information signals, laboratory applications, first attempt at solution support, databases, modeling and simulation of biological processes, biostatistics;

b) Development of MI (1975 -1990): creation of international and national organizations, allows to systematize the main areas of MI, first specializing in the development of methods, medical history, health information systems (HIS), support for advanced solutions port-Expert systems;

c) Consolidation of MI (1990-2000): Singling out this science as an independent discipline. It becomes clear that the object of research is medicine; technical information; introduction of hospital information systems (HIS) and new technologies such as telemedicine.

d) Establishment of MI (2000-2010): a clearer definition of e-health an opportunity to solve the main problems of modern health care, the impact of the Internet on medicine; involvement of politicians, expansion of regional, national projects, e-health as a business, MI patient center, the emergence of sub-disciplines: bioinformatics, neuroinformatics, Virtual Physiological Human.

e) Full integration of MI in Medicine and Healthcare (2010-2020):

continuous empowerment, visible steps towards «personalized medicine», improved patient safety, preventive medicine, use of desktop devices, home monitoring system.

This gave impetus to the study of this subject and the introduction of new elements in the education of medical students in higher educational institutions. In accordance with this, it is necessary to change educational programs, starting with the school article. For education to be continuous, that is, there were no omissions and training was carried out according to the algorithm from simple to complex.

The problem of learning lies in the quality of training programs. This issue should be dealt with directly by the teacher of information technologies together with the teachers of medical departments. Working on this problem, studies were conducted on the basis of the secondary school No. 21 of the Tashkent region on the introduction of the study of information technology in the context of the direction of students in grades 10-11. Since a specialized class for the study of information technology was formed at this school. But even in this class, students are divided into small groups according to the interests of studying this subject.

1. Group - students who are preparing for admission to higher educational institutions in the technical direction.

2. Group - students who chose the economic direction.

3. A group of students - entering higher educational institutions of the medical direction.

If we consider the first group of students, then the training program for this group is based mainly on the study of programming languages and related technical means.

Basically, in my study, the emphasis was on students of the third group, since the main idea of the study is a new direction in information sciences, such as medical informatics.

When working with these students, the training program was adapted taking into account the specifics of the chosen direction.

This program is aimed at studying Internet opportunities, studying network building, building sites, and also studying information search engines.

It also included training in the creation of conferences, chats, televised debates. Work to ensure the protection of information in hyperspace.

Structural possibilities of databases are studied. Working with databases, building spreadsheets.

A comparative analysis of the development of skills of students in a specialized class was introduced with monitoring of the general education class.


During the study, the following results were revealed:

1. Upon admission to higher medical educational institutions, students show a higher level of knowledge in the subject of medical informatics.

2. Students have better development of computer skills and information systems.

3. They try to apply their skills more in direct profile work.

Diagram of the application of information technology in their work.



Conclusion/Recommendations: The results of these studies show that the study of the subject in medical informatics is an important aspect of the training of highly qualified specialists. Therefore, training programs should interact with each other, which gives a higher learning outcome. The bachelor's program in the context of this subject should be at a higher level, since students in grades 10 and 11 of general education schools must and can master the initial concepts already at school. That will lead to the improvement of the qualifications of graduates of higher medical institutions.

References:

1.E.H. Bozorov, Kh.S. Daliev, Sh.B. Utamuradova, D.A. Karshiev, D.A. Kalandarova, Sh.Kh. Daliev, A.Kh. Ramazanov, Z.Kh. Bozorov «Medical informatics» Publishing house «Fan vatexnologiya», 2019, page 6 [1]

2. «Informatization of the Society»(<https://www.sites.google.com/site/efremovajtezuravleva/home/tema-issledovania>) [2]

3. Internet Encyclopedia / ed. L. V. Melikhova.

- St. Petersburg, 2001.

4. Computer science. Book 2. Fundamentals of Medical Informatics: Textbook / Chernov V.P., Esaulenko I.E., Frolov M.V. and others - M.: Drofa, 2009. - 205 p.

5. Informatics: textbook / ed. Makarova N.V. -M., 2001.

6. Information technology of the territorial management. Specialized issue «Telemedicine».- M.: VNII problems of computer technology and informatization. - T. 40. - 2003.

7. Leontiev V.P. The latest personal computer encyclopedia 2013. - M.: OLMA-PRESS, 2013.

8. Medical informatics (<https://postnauka.ru/video/83456>) [3]

БЎЛАЖАК ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИ ВА УСТАСИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛОВГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.039>

Махсудов Пулат Махсудович,

*«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети докторанти,
доцент*

Аннотация: Профессional таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касблари бўйича етарли билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари professional таълим ўқитувчиси ва устасининг professional педагогик тайёрлов даражасига бевосита боғлиқдир. Мақолада professional таълим ўқитувчиси ва устасининг касбий педагогик фаолияти ва уни ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: professional таълим, касб ҳунар мактаби, коллеж, техникум, professional таълим ўқитувчиси, professional таълим устаси.

ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД К ПОДГОТОВКЕ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Махсудов Пулат Махсудович,

*Доцент Национального исследовательского университета
«Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского
хозяйства»*

Аннотация: Приобретение достаточных знаний, умений и навыков обучающимися в учреждениях профессионального образования по избранным им профессиям напрямую зависит от уровня профессионально-педагогической подготовки педагогов и мастеров профессионального образования. В статье отражена профессионально-педагогическая деятельность педагога и педагога профессионального образования и ее особенности.

Ключевые слова: профессиональное образование, профессионально-техническое училище, колледж, техникум, педагог профессионального образования, мастер профессионального образования.

INNOVATIVE APPROACH TO PREPARING A FUTURE TEACHER OF VOCATIONAL EDUCATION FOR PROFESSIONAL ACTIVITY

Makhsudov Pulat Makhsudovich,

*Associate Professor of the National Research University «Tashkent Institute of
Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers»*

Abstract: The acquisition of sufficient knowledge, skills and abilities of students in vocational education institutions in their chosen professions directly depends on the level of professional pedagogical training of teachers and masters of vocational education. The article reflects on the professional pedagogical activity of a teacher and a teacher of professional education and its peculiarities.

Keywords: vocational education, vocational school, college, technical school, teacher of vocational education, master of vocational education

Республикамиз халқ хўжалигида рўй бераётган ҳозирги таркибий ўзгаришлар professional таълим муассасаларида бозор талабларига мос юқори малакали кичик мутахассислар тайёрлаш вазифасини долзарб қилиб



кўймоқда. Бугунги кун ишчиларидан ўз касби бўйича чуқур билимли, юқори малакали, юксак маҳоратли, замон талабларининг ўзгаришига мослашувчан, ўз малакасини оширишга интилувчан бўлишлик талаб этилади.

Профессионал таълим – бу таълим олувчиларда маълум бир мутахассислик ва касблар бўйича касбий компетенцияларни шакллантирадиган ва ривожлантирадиган узлуксиз таълим тизими ҳисобланади. Профессионал таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг улар танлаган касблар бўйича етарли билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши профессионал таълим ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқдир. Профессионал таълимнинг ҳозирги энг муҳим муаммоси битирувчиларни кўп функцияли адекват касбий фаолиятга тайёрлашдан иборат.

Олий таълим муассасаларининг Профессионал таълим (соҳалар бўйича) йўналишини битирган ўқитувчиларгина шундай инсонларнинг етишиб чиқишини таъминлайдиларки, улар касбий фаолиятда шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги ўз ўринларини топишда ижодан изланадилар.

Профессионал таълим ўқитувчиси умумкасбий ва соҳага оид техник-технологик билим ва кўникмаларнинг шундай комплексига эгаки, у ўзининг тузилиши, структураси ва тақдим этиш шаклига кўра ўрта умумтаълим мактаб фан ўқитувчисининг худди шундай компетенциялари комплексидан бир мунча фарқ қилади.

Профессионал таълим ўқитувчиларининг профессионал фикр юритиши ҳар хил белгилар билан фарқланади. Бундай белгилар орасида ҳозирги пайтда соҳага оид ва ижтимоий-педагогик фикр юритиш орасида кечадиган интеграция самардорлигининг охиригача ўрганилмагани билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар кузатилади. Профессионал таълим ўқитувчиси фаолиятининг ўзига хос белгиларини ўрганишда ҳис қилиш жараёни (ранг, товуш, вақт, ҳид ва б.), диққати (биологик, табиий ва ижтимоий, техник-технологик жараён лар ва бошқаларни кузатиши), нутқи – профессионал йўналтирилган лекикаси ва бошқалар қатта аҳамият касб этади.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим тизимида Республика бўйича жами 725 та таълим муассасаси, шундан 339 та касб-ҳунар мактаби, 200 та коллеж ва 186 та техникум фаолият кўрсатиши белгилаб ўтилди. Профессионал таълимнинг сифат ва самардорлигини таъминлаш мақсадида ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бевосита кундалик ҳаётида қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндашувга асосланган таълим дастурлари яратилди ва янги ўқув йилидан тадбиқ этиш бошланди.

Янги ўқув режалари аввалгиларига қараганда бирмунча такомиллаштирилган. Масалан, 2020-2021 ўқув йилигача касб-ҳунар коллежларидаги 343123-қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналишлари ўқув режасида умумкасбий, махсус фанлар ва ўқув амалиётларига ажратилган ўқув соатларидан янги турдаги касб ҳунар мактаблари ўқув режаларидаги умумкасбий, махсус фанлар ва ўқув амалиётларига ажратилган соатлар ҳажми мос равишда ортган.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларининг Профессионал таълим (соҳалар бўйича) бакалаврлар тайёрлаш бўйича амалдаги ўқув режалари касб ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлардаги ўқув режаларида кўрсатиб ўтилган талаблар бажарилишини етарлича таъминлай олмайди. Уларда асосан профессионал таълим муассасаларида йўналишлар бўйича умумкасбий ва махсус фанларидан назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб боровчи профессионал таълим ўқитувчиларининг методик фаолиятигагина мос келадиган касбий педагогик фаолият эътиборга олинган.

Масалан, 6111000 – Профессионал таълим (6530100 – қишлоқ хўжалигини механизациялаш) йўналишини тамомлаган профессионал таълим

Ўқитувчиларининг касб ҳунар мактабларида 0.62.01.00 – қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш тайёрлов йўналишининг ўқув режасидан ўрин олган умумкасбий ва махсус фанлардан машғулоти олиб бориши кўзда тутилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган умумкасбий ва махсус фанларидан ўқув машғулоти асосан назарий, амалий ва тажриба машғулоти шаклида олиб борилади. Бунда профессионал таълим ўқитувчиси фаолиятида асосан назарий фан ўқитувчиси каби ўқувчиларга улар ўзлаштириши лозим бўлган касбий билим, кўникмаларни етказиб, тушунтириб бериш бўйича методик қобилиятлар талаб этилади.

Олий таълим муассасаларининг Профессионал таълим (соҳалар бўйича) йўналишини тугатган педагоглар профессионал таълим муассасаларида профессионал таълим устаси лавозимида ҳам фаолият олиб борадилар. Масалан, Профессионал таълим (қишлоқ хўжалигини механизациялаш) йўналишини тугатган педагоглар касб ҳунар мактабларида профессионал таълим устаси сифатида “Трактор ва қишлоқ хўжалиги агрегатларини тузилиши”, “Қишлоқ хўжалиги машиналари ва ускуналарини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш” каби ўқув амалиётларидан машғулотларни олиб борадилар. Ушбу ўқув амалиётлари асосан бирор иш турини бажаришга оид амалий характерга боғлиқ бўлади. Бунда профессионал таълим устаси фаолиятида ўқувчиларга улар эгаллаши лозим бўлган касбга хос хатти-ҳаракатлар, усулларни энг қулай йўллар билан ўргатиш бўйича методик қобилиятлар талаб этилади.

Ўқувчиларнинг ўз касбларини ҳар тамонлама чуқур эгаллашга эришишлари профессионал таълим муассасаларидаги профессионал таълим ўқитувчилари айниқса, профессионал таълим усталарининг аввало касбий маҳоратларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айнан профессионал таълим устаси ўқувчиларга уларнинг бўлажак касблари сир-асрори бўйича амалий кўникма ва малакаларни эгаллашларида бевосита ёрдам беради. Шу сабабли профессионал таълим устасига касбга ўргатувчи ўқитувчи сифатида у ўргатаётган соҳанинг моҳир устаси бўлишлиги катта аҳамиятга эга. Профессионал таълим устаси фаолияти ўқувчиларнинг ундан ўзлари эгаллаётган ҳунарларига оид ҳақиқий билимларни олаётганларикларини қалбдан ҳис қилганларидагина самарали бўлади. Бундай ҳақиқий билимларни фақат шу ҳунарни юксак касбий маҳорат даражасида эгаллаган, ишлаб чиқариш ва ҳаётий тажрибаларга эга бўлган профессионал таълим устаси бера олади.

Бугунги кундаги касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумларда профессионал таълим устаси лавозимида асосан олий таълим муассасаларининг Профессионал таълим йўналишлари битирувчилари ишламоқдалар. Тасаввур қилайлик: ўргатаётган ҳунари бўйича ҳали ўзи етарлича амалий кўникмаларга эга бўлмасдан, унда бажариладиган хатти-ҳаракатлар, усулларнинг моҳир устаси бўлмасдан туриб, ўқувчиларга у нимани ва қандай қилиб ўргата олиши мумкин? Балки айни шу ҳол аввалги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари касбий тайёргарлигининг етарлича бўлмаётганлиги, уларнинг ўз касбларига қизиқмаётганликларига таъсир этаётгандир?

Демак, профессионал таълим усталари умумкасбий ва махсус фанлар бўйича назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари, педагогик-психологик билимларни эгаллаган бўлишлари билан бирга ўзлари ўргатаётган ҳунарнинг моҳир усталари бўлишлиги талаб этилади. Устанинг профессионал маҳорати фақатгина ўқув дастурлари доирасида чегараланиб қолишлиги мумкин эмас, унинг профессионал билим, кўникмалари жуда ҳам кенг ва чуқур бўлишлиги лозим.

Россияда профессионал таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона Россия давлат профессионал педагогика университетида ўрта (коллеж) ва бошланғич (ҳунар техника билим юрти)



таълим муассасаларига алоҳида ўқув режа орқали тайёрлов амалга оширилади йўлга қўйилган. Бунда бошланғич профессионал таълим муассасаларида ишлаб чиқариш таълими усталари сифатида фаолият олиб борадиган кадрлар сиртки таълим шаклида 3 йил ўқиш муддатида ўқитилади. Фақат бунга профессионал таълим муассасаларида айна шу йўналишни тамомлаган махсус шахслар имтиҳон асосида қабул қилинади. Коллеж ўқитувчиларига Профessional таълим (соҳалар бўйича) бакалаврлар тайёрловчи йўналишда 4 йил муддатда ўқитилади.

Профessional таълим муассасаларида ўқувчилар касбий тайёргарлиги сифатини яхшилаш, ўқув амалиётлари самарадорлигини ошириш, эгаллаётган хунарларига ўқувчиларнинг қизиқишларини ривожлантириш учун қуйидаги амалий таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ хисобланади:

ОТМларнинг профессионал таълим йўналишларининг ўқув режаларини ҳозирги кундаги профессионал таълим муассасаларидаги ўзгаришларга мос равишда такомиллаштириш;

ўқув амалиётлари бўйича машғулотларни олиб боришга ишлаб чиқариш корхоналаридан айна шу соҳанинг моҳир мутахассисларини таълим жараёнига танлов асосида ишга қабул қилишни ривожлантириш;

ўқув амалиётларини илғор ишлаб чиқариш корхоналаридаги етакчи мутахассислар раҳбарлигида олиб борилишини ташкил этиш;

ОТМларда профессионал таълим устаси лавозимига тайёрловчи профессионал таълим муассасаларини ўз йўналиши бўйича тамомлаган битирувчиларни махсус сиртки гуруҳга қабул қилиш орқали йўлга қўйиш.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, бугунги кунда профессионал таълим тизими учун профессионал таълим ўқитувчи ва усталар тайёрлаш мазмунини қайтадан кўриб чиқиш долзарблигича қолмоқда. Профessional таълим тизими учун педагогларларнинг янги авлодини тайёрлашда ўқув мазмунини ва ўқув методикасини такомиллаштириш масаласига янгича инновацион ёндошувларни талаб қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Махсудов П.М. Касбий педагогик фаолиятнинг назарий асослари. Журнал “Муғаллимлик ҳам узликсиз билимлендириў” Қорақолпоғистон Республикаси, Нукус, №2, 2020 й. 30 – 34 б.

2. Ismoilova Z.K., Dorozhkin E.M., Mahsudov P.M., Utkina S.U. Practice of training discipline “Methodology of professional training in the universities of the republic of Uzbekistan”. Journal “Sustainable Agriculture” Tashkent – №2(3) – 2019. P.16-21

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.040>

Махмудов Воҳиджон Валижонович,

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ассистенти

Аннотация: Ушбу мақолада ёш футболчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлигини оширишда қўлланиладиган восита ва усуллар, тажрибадан кейин олинган натижалар, уларнинг самарадорлиги хақида ёритилган.

Калит сўзлар: футбол, тўп, узоқ, тезлик, машғулот, спорт, база, техник.

РАЗВИТИЕ ФИЗИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ ЮНЫХ ИГРОКОВ

Воҳиджон Махмудов Валижанович,

Национальный исследовательский университет «Ташкентский
институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»
ассистент

Аннотация: В данной статье описаны средства и методы, используемые для улучшения общей и специальной физической подготовленности юных футболистов, результаты, полученные после проведения эксперимента, их эффективность.

Ключевые слова: футбол, мяч, длина, скорость, тренировка, спорт, база, техничность.

DEVELOPMENT OF PHYSICAL TRAINING OF YOUNG PLAYERS

Makhmudov Vohijon Valijanovich,

National Research University «Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Engineering» assistant

Annotation: This article describes the means and methods used to improve the general and special physical fitness of young football players, the results obtained after the experiment, their effectiveness.

Key words: football, ball, length, speed, training, sport, base, technicality.

Миллий Олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига саралаб олинган спортчиларнинг яқин ойларда ўтказиладиган халқаро мусобақаларда юқори ўрин эгаллаб, Олимпиадага лицензияни қўлга киритишлари учун янада кенг шарт-шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Албатта, моддий-техник база муҳим. Лекин натижани истеъдодли спортчи таъминлайди. Бундай ёшларни топиш учун эса кучли селекция тизими зарур.

Аммо жойларда ташкил этилаётган мусобақалар сони ва савияси ҳозирча талабга жавоб бермайди. Мисол учун, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Хоразм, Фарғона ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги 131 та шаҳар ва туманда жорий йилги мусобақаларни молиялаштиришга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилмаган. Ёки республика миқёсида ўтказилган 230 та мусобақада айрим шаҳар ва вилоят жамоалари умуман иштирок этмаган. Бу миллий терма жамоалар таркибига маҳоратли спортчиларни саралаб олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис йиғилишда ҳудудлардаги ҳар бир спорт муассасасини хатловдан ўтказиб, спорт захирасини шакллантириш, селекция ва истеъдодли

спортчиларни танлаб олиш тизимини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, спортчиларнинг тез тикланиб олишлари учун фармакологик кўмак зарур. Лекин юртимизда спорт фармакологияси бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, янги дори воситаларини яратиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмаган. Бу соҳада малакали мутахассислар ҳам йўқ. Кўпчилик атлетлар допинг бўлмаган қандай моддалардан фойдаланиш мумкинлигини билмайди.

Спорт федерацияларининг бирортасида ҳам терма жамоа аъзоларининг мусобақага тайёргарлиги ва тикланиш жараёнини мониторинг қилиш бўйича комплекс лаборатория мавжуд эмас. Шулардан келиб чиқиб, тегишли вазирликларга спорт фармакологиясини ривожлантириш, спорт федерацияларида илмий-комплекс лабораториялар ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Хорижий давлатлар тажрибаси асосида Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш бўйича ягона марказ барпо этиш таклифи илгари сурилди.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда Республика спорт тиббиёти маркази фаолиятини такомиллаштириш, бу борадаги ўқув дастурлари ва методологияни янгилаш, спортчиларнинг тайёргарлик жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда, аввало, умумтаълим мактабларидаги шароит, муҳит катта ўрин тутди. Лекин мактабларда ўқувчилар жамоавий спорт ўйинларига тўлиқ жалб этилмаяпти. 2 мингдан зиёд мактабда спорт зали йўқ, 3 мингдан ортиги эса таъмирталаб.

Болалар ва ўсмирлар, Олимпия захиралари ва олий спорт маҳорати мактаблари тренерларининг ойлик иш ҳақи умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларига нисбатан деярли 2 баробар паст. Ўз навбатида, тренерларнинг 51 фоизи ўрта махсус маълумотга эга, 2 мингдан ортиқ олий маълумотли мураббийларга эҳтиёж мавжуд.

Олий таълим муассасаларидаги спорт иншоотлари талабаларнинг қарийб 50 фоизини қамраб олиш имкониятига эга бўлса-да, амалда 21 фоиз талаба-ёшлар спорт тадбирларига қатнашмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича 12 мингдан ортиқ спорт иншооти мавжуд бўлиб, уларнинг бир кунлик қуввати қарийб 1,5 миллион кишини ташкил этади. Яъни, аҳолига нисбатан спорт иншоотлари билан таъминланиш даражаси 4,5 фоиздан ошмайди. Хусусан, бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 3,4 фоиз, Сурхондарё вилоятида 3,5, Андижон вилоятида 3,7 фоиздир.

Биз ёш футболчиларимизнинг жисмоний тайёргарликларини билиш мақсадида Тошкент шаҳридаги бир неча футбол спорт мактаблари, интернатларида ишлар олиб бордик. Тадқиқот давомида Локомотив, БЎСМ-2, Пахтакор, Чилонзор футбол мактаби тарбияланувчиларининг жисмоний сифатлари махсус тестларда текширилиб машғулотларнинг матор зичликлари аниқлаштирилди. Бизнинг текширишларимиздан маълум бўлдики, спорт мактабларининг 10-11 ёшли (дастлабки тайёргарлик) футболчиларнинг жисмоний тайёргарликлари бўйича ўтказилган тест талабларида олинган натижаларга ҳеч қандай фарқ сезилмайди. Юртимизда футбол спорт тури билан жуда кўп йиллардан бери шуғулланиб келишади. Футболнинг оммабоп ўйин эканлиги, ҳаракатларнинг жозибардорлиги, болаларнинг жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ўргатиш билан бу спорт тури бошқа спорт турларидан ажралиб туради. Болада жамоадошларини тушуниш, унинг ҳаракатлари

жамоа тақдирини ҳал қилишини тушуниши унинг ўз позициясида ҳимоя, ҳужум, ярим ҳимоя, дарвозада маъсулият билан ҳаракат қилишга ундайди. Ёш футболчиларнинг жисмоний ҳолатини бошқаришда нималарга эътибор беришимиз керак: Биринчидан, болаларнинг футбол машғулотида келган куниданоқ мураббий унинг жисмоний ҳолати билан танишиши зарур; Иккинчидан, боланинг жисмоний ҳолатини текширгандан сўнг унда қайси жисмоний сифатлар ривожланиши суёт бўлса (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлик, эгилувчанлик) унга айнан шу йўналиш бўйича меъёрланган машқлар бериш ва уларнинг бир текисда ривожланишини назорат қилиш; Учинчидан, боланинг техник маҳоратини шакллантириш, унда индивидуал хусусиятлар яъни дриблинг, алдамчи ҳаракатларни бажариш, қутилмаган вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш маҳоратини шакллантириш; Тўртинчидан, жамоадошлари билан чиқишиб кетиши, ўйин вақти бир-бирини тушуна олиши, жамоа тактикасига мослашиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ёш футболчилар билан ишлашда мураббийдан жуда катта маҳорат талаб қилинади. Ҳар бир шуғулланувчи билан алоҳида ишлаган ҳолда унинг психологиясини яхши билиши, жамоага мослашиб кетишини амалга ошириши ва жисмоний сифатларини кетма-кет ривожлантириши керак. Ёш футболчига жамоа тушунчасини сингдириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ўйин тақдирини ҳал қилишини тушунтириши керак. Ҳаракат сифатларини тарбиялаш ягона тренировка жараёнининг бир қисмидир. Футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш услубиятини қараб чиқар эканмиз, бунда биз аввало, жисмоний фазилатларни тарбиялаш услубларини назарда тутамиз. Ёш футболчиларнинг жисмоний ҳолатини бошқариш жараёни эса жуда муҳим жараён ҳисобланади. Футбол спорт турида бешта сифат ҳам бир хилда ривожланган бўлиши керак. Аммо ёш футболчиларга юкламалар беришда уларнинг ҳолатини ҳисобга олиш зарур.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т.: Ўзбекистон, 1992.-44 б.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизими тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси президенти фармони № ПФ-5368 05.03.2018 й.

Мирзиёев Ш.М.Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалликда барпо этамиз Т.: Ўзбекистон, 2016 й.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз Т.: Ўзбекистон, 2017 й.

Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон маънафатларини таъминлаш-юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови Т.: Ўзбекистон, 2016 й.

**МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.041>

Маматалиева Мохинур Илхом қизи,

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети таянч
докторанти.*

Аннотация. Махсус фанларни ўқитишда талабаларнинг креативлик сифатларини ривожлантириши босқичлари, омиллари, имкониятлари ва қисмларини ўрганиши муҳим ўрин тутди.

Таянч сўзлар: интеллектуал салоҳият, креатив педагогика, ахборот-коммуникация технологиялари, илмий педагог.

**МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ
УЧАЩИХСЯ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ СПЕЦИАЛЬНЫХ ПРЕДМЕТОВ**

Маматалиева Мохинур Илхом қизи,

*Национальный исследовательский университет «Ташкентский
институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»
докторант*

Аннотация. В преподавании специальных предметов важно изучение этапов, факторов, возможностей и звеньев развития творческих качеств учащихся.

Ключевые слова: интеллектуальная компетентность, креативная педагогика, информационно-коммуникационные технологии, научный педагог.

**METHODS OF DEVELOPING STUDENTS' CREATIVE ABILITIES
WHEN TEACHING SPECIAL SUBJECTS**

Mamatalieva Mokhinur Ilkhom qizi,

*National Research University «Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Engineering» doctoral student*

Annotation. In the teaching of special subjects, it is important to study the stages, factors, opportunities and parts of the development of students' creative qualities.

Keywords: intellectual competence, creative pedagogy, information and communication technologies, scientific pedagogy.

Бугунги глобаллашув жараёнида замонавий ўқитиш методларининг ривожланиши асосий навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига ҳамда таълим соҳасининг ривожланишига боғлиқ. Мамлакатимизда таълим соҳасини такомиллаштириш бўйича асосий ҳужжатлардан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрловчи таълим муассасаларида ўқув жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари, интернет ва компютер тармоқлари орқали ташкил этиш муҳимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Хозирги кунда замонавий педагогика фанида “креатив педагогика” тушунчаси қўлланилиб келинмоқда. Ўқитиш жараёнига инноватсион ҳамда ижодкорлик ёндашувларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж “Креатив педагогика”нинг педагогик туркум фанлар орасида мустақил предмет

Annotatsiya: Maqolada uzluksiz ta'lim-tarbiya jarayonida shaxslararo munosabatlarni shakllantirishning tarixiy taraqqiyoti, sharq mutafakkirlarining ta'lim-tarbiya haqidagi qarashlari, zamonaviy ta'lim-tarbiya jarayoni muhitida shaxslararo munosabatlar, hozirgi zamon o'qituvchisidan talab qilinadigan sifatlar hamda uning ta'lim-tarbiya jarayonida sog'lom raqobatli muhitni yarata olishdagi asosiy tashkilotchi ekanligi haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: uzluksiz ta'lim-tarbiya, innovatsion ta'lim, zamonaviy yondashuvlar, shaxslararo munosabatlar, sharq mutafakkirlari, zamonaviy ta'lim, shaxslararo munosabatlar, sog'lom raqobat, sifatli ta'lim.

Аннотация: В статье рассматриваются историческое развитие формирования межличностных отношений в процессе непрерывного образования, взгляды восточных мыслителей на образование, межличностные отношения в современном образовательном процессе, качества, необходимые современному педагогу и его образованию. организатор в создании здоровой конкурентной среды в процессе.

Ключевые слова: непрерывное образование, инновационное образование, современные подходы, межличностные отношения, восточные мыслители, современное образование, межличностные отношения, здоровая конкуренция, качественное образование.

Resume: The article discusses the historical development of the formation of interpersonal relations in the process of continuous education, the views of Eastern thinkers on education, interpersonal relations in the modern educational process, the qualities necessary for a modern teacher and his education. organizer in creating a healthy competitive environment in the process.

Key words: continuous education, innovative education, modern approaches, interpersonal relations, Eastern thinkers, modern education, interpersonal relations, healthy competition, quality education.

Innovatsion jamiyatning o'ziga xos xususiyati o'zida har xil yosh kategoriyasidagi insonlar bilimni doimiy tizimli ravishda to'ldirib borish va kengaytirishni ta'minlaydigan hayot davomida va bosqichma-bosqich jarayondan iborat bo'lgan uzluksiz ta'lim – tarbiya hisoblanadi. Uzluksiz ta'lim - tarbiyaning maqsadi bilimlar iqtisodiyotining innovatsion rivojlanish bo'g'ini sifatida insonning o'zgarishlarga va iqtisodiyotni modernizatsiyalashga, kasbiy hayot, madaniyat, jamiyat va hokazolarga moslashish qobiliyatini mustahkamlash sifatida namoyon bo'ladi. Uzluksiz ta'lim – tarbiya ijodkor, ijtimoiy faol, kreativ, ma'naviy boy shaxsni shakllantiruvchi va yuqori malakali raqobatbardosh kadrlar tayyorlashda oldinda borishlik uchun zarur sharoitlar yaratadi va shu bilan birga bugungi global

iqtisodiy sharoitda har bir insonning butun hayoti davomida rivojlanib borishining asosini namoyon etuvchi sifatidagi innovatsion ta'lim modelining eng muhim konsepsiyasidan biri hisoblanadi.

Shaxsning butun hayoti davomida samarali rivojlanib borishini sifatli ta'minlash va uni kafolatlashda innovatsion ta'lim modelining eng muhim konsepsiyalaridan biri bu – ta'lim-tarbiya jarayonidagi shaxslararo munosabat g'oyasining muhim ahamiyatga ega ekanligi bilan baholanadi.

Uzluksiz ta'lim-tarbiya jarayonidagi shaxslararo munosabatlar bu o'qituvchi va o'quvchilar orasida yuzaga keladigan samarali muloqot munosabatlari bo'lib, u ta'lim oluvchi va ta'lim beruvchining psixologik moslik darajasiga to'g'ri kelgan holda ularning o'zaro ta'sirida shakllanib, mustahkamlanib boradi. Uzluksiz ta'lim – tarbiya jarayonida yo'lga qo'yiladigan ikki tomonlama ongli aloqalar, munosib tajribali munosabatlar, o'zaro birgalikda faoliyat va aloqa jarayonida ular tomonidan ko'rsatilayotgan o'zaro ta'sir va o'zaro ta'sirning bog'liqligini xolisona namoyon yetilishi o'zining uzoq tarixiy taraqqiyotiga egadir.

Har bir ijtimoiy tuzumda insonning ma'naviy yuksalishini ta'minlovchi ta'lim-tarbiya, ma'naviyat va ma'rifat kabi tushunchalar mavjud bo'lib, ular psixologiya, pedagogika sohasidagi o'zgarishlarni jamiyat taraqqiyoti bilan bog'liq holda o'rganishni talab etadi.

O'rta Osiyo mutafakkirlarining ta'lim – tarbiya jarayonida shaxslararo munosabatlarni o'rnatishning ahamiyati haqidagi qarashlari xozirgi kungacha bo'lgan turli tarixiy davrlarda tarbiya, maktab va pedagogik-psixologik nazariyalarining taraqqiyotini davrlar talabi asosida o'rganib kelinmoqda. Har bir ijtimoiy tuzum, uning kelajagi, insoniyat istiqboli, kishilarning xayot va turmush darajasi fan va madaniyat taraqqiyoti bilan bevosita bog'liqlir.

Binobarin, Yangi O'zbekiston strategiyasida ham aynan, milliy qadriyatlar, ajdodlar merosidan unumli foydalanish, uni qayta o'rganish va ilmiy izlanishlar asosida ulardan Uchinchi renesansning poydevori sifatida foydalanish bugungi dolzarb masalalardan biri ekanligi ta'kidlab o'tilgan.

Ajdodlar merosiga yangicha tafakkur asosida yondoshish, o'tmishdagi pedagogik tafakkur daholarining shuhratini tiklash, ularning g'oyalarini xalq xayotiga tatbiq etish kabi ulug' ishlar amalga oshirilmoqda.

Tarixdan ma'lumki, VII-XII asrlar davomida Markaziy Osiyoda madaniyat, ilm-fan beqiyos rivojlana bordi. O'sha tarixiy davrda al – Xorazmiy, Forobiy, al – Farg'oniy, al – Beruniy, ibn Sino, az – Zamaxshariy singari qomusiy olimlar dunyoga keldi. Ular bilan yonma-yon dunyoviy ilmlar tug'ildi. Sharq mutafakkirlari inson ma'naviy va tafakkur dunyosini boyitishda, insoniyat ongini, madaniy – ma'rifiy qarashlarni o'stirishda o'z davrida va keyinchalik ham asosiy rol o'ynadilar, inson kamolotiga doir beqiyos ta'limotni yaratdilar. XV – XVI asrlarga kelib qadimiy Turkiston jahonga Qozizoda Rumi, Ulug'bek, Ali Qushchi, Haydar Xorazmiy, Hofiz Xorazmiy, Lutfiy, A.Navoiy, Bobur, Abulg'oziy Baxodirxon singari allomalarni voyaga yetkazdi. Bu davrda Markaziy Osiyo shaharlarida qator madaniy va ilmiy markazlar vujudga keldi. Demak, Markaziy Osiyo xalqlari, xususan o'zbek xalqi va uning madaniy – ma'rifiy taraqqiyoti asrlar davomida misli ko'rilmagan darajada rivojlangan. Qolaversa, uning axloq-odobga oid qarashlari, ta'lim – tarbiya jarayonidagi shaxslararo munosabatlarni o'rnatishning muhimligi haqidagi qarashlari, pedagogika fanlari bo'yicha ta'limoti butun jahonga o'rnak bo'larli ma'no va mazmun kasb etgan.

Bugungi kunda O'rta Osiyo mutafakkirlarining ta'lim – tarbiya jarayonidagi shaxslararo munosabatlar to'g'risidagi qarashlari jamiyat taraqqiyoti qonunlariga suyangan holda turli nazariyalarni, ta'lim-tarbiyaning mazmuni va metodlarini samarali o'rganib, ilg'or va progressiv fikrlarning hammasidan ijodiy foydalanish imkoniyati yaratilmoqda.

Sharq mutafakkirlarining ta'lim – tarbiya jarayonidagi shaxslararo munosabatlar haqidagi qarashlari ijtimoiy hodisa sifatida ta'lim - tarbiya nazariyasi va amaliyotini turli bosqichlarda xilma-xil bo'lganligini ochib beradi, ilg'or qarashlarning taraqqiyot yo'lini ko'rsatib beradi.

Biz O'rta Osiyo mutafakkirlarining ta'lim – tarbiya jarayonidagi shaxslararo munosabatlar haqidagi qarashlarini o'rganish va tahlil qilishda: ularning ilmiy – ma'naviy me'rosi, xalq og'zaki ijodi, muqaddas kitoblar, pandnoma va asarlariga asoslanamiz.

O'rta Osiyo mutafakkirlarining ta'lim – tarbiya jarayonidagi shaxslararo munosabatlar haqidagi qarashlarini o'rganish o'qituvchilarning faqatgina pedagogik madaniyatini oshiribgina qolmay, balki, shu bilan birga, ularning pedagogik mahoratlarini yuqori cho'qqiga ko'tarishga yordam beradi. Shuningdek, o'tmishning ta'lim – tarbiya sohasidagi eng yaxshi tajribalarini, ularning ta'lim va tarbiya haqidagi, odob axloq haqidagi qarashlarini o'rganadi, bu esa ularning kundalik faoliyatlarida yordam beradi, ularni bevosita amaliy faoliyatga tayyorlaydi.

Ta'lim – tarbiya jarayonidagi shaxslararo munosabatlar to'g'risidagi qarashlari Abu Rayhon Beruniy, Abu Nasr Farobiy, Yusuf Xos Hojib, Amir Temur, Ibn Sino, Alisher Navoiy va boshqalar asarlarida o'z ifodasini topgan. Ushbu allomalarning asarlarida ta'lim-tarbiya va axloq-odobga oid fikrlar, ijtimoiy taraqqiyot uchun muhim bo'lgan insonparvarlik, bilimga e'tiqod, xalq manfaatini himoya qilish, ma'naviyatini ulug'lash, komil insonni tarbiyalash singari masalalar yoritildi.

Imom Ismoil al-Buxoriy - IX asrda islom olamida mashhur hadisshunos bo'lib tanildi. U musulmon Sharqida hadis to'plash, ularni tartibga solish bilan mashhur bo'ldi. Uvint, «ususan, «Saxih al-Buxoriy» acapi jahonga mashhur va ma'lumdur. U islomshunoslikning eng yirik ustunlaridan biri sifatida o'z ijodida dinning tarbiyaviy tomonlarini rivojlantirishga intildi, (shu bilan islom tarixida bitmas-tuganmas xazina qoldirdi.

Abu Nasr Forobiy - ilmning turli sohalari, ayniqsa, falsafa va mantiq, ijtimoiy masalalarga oid bir yuz oltmishdan ortiq asarlar yozib qoldirdi. U qadimgi falsafiy qarashlarini o'z davri talablari asosida rivojlantirib, bir butun ta'limot yaratdi. Uz asarlarida komil inson, yetuk jamoa va ularga erishish yo'llari haqida g'oyalarni ilgari surdi. U «birinchi muallim» hisoblangan. Aristotel ta'limoti va falsafasini juda mukammal bilgani uchun Sharqda «Muallimi soniy»—«Ikkinchi muallim» nomi bilan shuhrat qozondi. Farobiy insonni dunyo taraqqiyotining eng mukammal va yetuk yakuni deb biladi. Shunga ko'ra, u o'z asarlarida insonga ta'lim-tarbiya berish zarurligini aytadi. Bunda ta'lim-tarbiya usullaridan kutilgan maqsad masalalari→(natija) asosiy o'rin egallashini qayd etadi. Uning ko'rsatmalari hozirgi ta'lim va tarbiya texnolo- giyasining tarkibiy tuzilmasiga juda yaqin:

1. Ta'lim-tarbiya maqsadi → ijtimoiy ehtiyoj
2. Ta'lim-tarbiya mazmuni → ta'lim jarayoni
3. Natija → ta'lim-tarbiya oluvchi va ta'lim-tarbiya beruvchidir

Abu Abdulloh Muhammad Xorazmiy - X asrdan bizgacha yetib kelgan «Mafotiq al-ulum» - «Ilmlar kaliti» asarida o'z davridagi barcha ilmlar va ularning vazifalari haqida ma'lumot berdi, muayyan fanlarni turkumlarga ajratib, ularga xos xususiyatlarni ko'rsatdi. U barcha ilmlarni shariat ilmlari va noarab (arablarda bo'lmagan) ilmlar nomi bilan ikki katta guruhga bo'ldi. Huquqshunoslik, mantiq ilmlarining aqliy, axloqiy, ijtimoiy-siyosiy tarbiya uchun muhim ahamiyatga molik ekanligini ko'p marta ta'kid etdi.

Bola o'zining birinchi o'qituvchisiga ishonadi, o'zining butun muhabbatini unga bag'ishlab, undan ham shuni kutadi. Shunday ekan, tarbiyada hamma narsa tarbiyachining shaxsiga asoslangan bo'ladi. Lekin hozirgacha o'qituvchi va o'quvchi munosabatlarida muammolar bor. Bu mavzu orqali mazkur muammo qanday yechimga ega bo'lishi kerakligi haqidagi masalani ko'rib chiqamiz.

Bu va boshqa masalalar ko'pgina o'rta asr sharq allomalarining asarlarida ham yoritilgan. Forobiyning ta'kidlashicha, o'qituvchining faoliyati yoshlarda san'atni egallash uchun axloqiy me'yor va amaliy ko'nikma hosil qilishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak. Bu faoliyatning maqsadi - o'quvchilarni baxt yo'llarini izlashga tayyorlashdan iborat. O'z majburiyatiga sovuqqon bo'lgan o'qituvchilar Forobiy fikricha, hurmatga sazovor emaslar. «Sharq Arastusi»ning ta'kidlashicha, o'qituvchining vazifasi mohir davlat rahbariniki kabidir. O'qituvchi ham rahbar kabi ko'rgan va eshitganlarini yaxshi esda saqlab qolishi; idrokli va farosatli bo'lishi, ma'noli nutqqa ega bo'lishi va o'quvchilarga o'z fikrini aniq bayon eta olishi, ilmni faqatgina sevmay, balki o'z bilimini o'quvchilariga ham berishi, spirtli ichimliklar ichmasligi, adolatparvar, yolg'ondan xazar qilishi, mag'rur va nomusli, o'quvchilariga nisbatan adolatli; belgilangan maqsadiga erishish uchun qat'iyatli bo'lishi kerak. «Bunday inson barkamollikning oliy darajasiga yetib, baxt cho'qqisiga erishadi. Bu inson baxtga erishish yo'llarini biladigan insondir», - deb yozgan edi Forobiy.

Ibn Sino - tasavvurida o'qituvchi mard, adolatparvar va dilkash, bola tarbiyasi usullari hamda axloq qoidalarini yaxshi biladigan insondir.

O'qituvchi o'quvchi tabiatini o'rganib, aql tuzilishiga kirishi kerak. Ibn Sinoning fikricha o'quvchiga qarata aytilgan har bir so'zida o'qituvchi imo-ishoradan foydalanishi kerak. Ibn Sinoning fikri shu jihatdan muhimki, o'qitish jarayonida o'qituvchi turli usullardan foydalanishi kerak. Faqat shu sharoitda o'qituvchi o'quvchining mayli va qobiliyatini aniqlab, kasb tanlashda unga yordam bera oladi.

Tusiy - o'zining «O'rganish yo'lidagiga qo'llanma»sida boshqalar kabi o'qituvchi va o'quvchi munosabati masalasida to'xtalib o'tdi. O'quvchi o'qituvchiga suyanmog'i kerak, chunki o'qituvchi va otaning-birgalikdagi harakati zarur. O'quvchi o'qituvchi bergan axborotni o'zlashtirib, uni mustahkamlashi, xotirasida saqlashi kerak. O'rganayotgan mavzuni aniq tushunishi kerak. Boshidan bu ko'nikma hosil qilinmasa, ularda oxirigacha past bilim va yomon odatlar saqlanib qoladi. «O'quvchi harakatchan, yoqimli va talabchan, vazifalarni bajarishda tirishqoq, bilag'on va tarbiyali inson bo'lib yetishish uchun harakat qilishi kerak», -degan edi Tusiy. O'qituvchi o'quvchilar ongiga ta'sir etish uchun javobgarlikni o'z zimmasiga oladi. Asosiy vazifa - o'quvchilar muhabbati va ishonchiga sazovor bo'lish. Bunda, ta'kidlaydi Tusiy, o'qituvchi shifokor bo'lishi kerak, chunki kasalning tuzalishi shifokorga bo'lgan ishonchga bog'liq. Tusiy o'qituvchilarga quyidagi talabni qo'yadi: rad etib bo'lmaydigan dalillar asosida bahs yurita olish, gapirgan gaplariga chuqur ishonch, nutq, mantiqiy bayon eta olish.

Abu Rayhon Beruniy - O'rta Osiyo fanini dunyo miqyosiga olib chiqqanlardan biri, mashhur qomusiy olim sifatida tarix, astronomiya, matematika, geografiya (dori-darmonlar haqidagi) ilmlarga oid 150 ga yaqin asarlar yozdi. Abu Rayhon Beruniy asarlarida ta'lim-tarbiyaning muhim metodologik asoslari:

-darsda o'quvchilarni zeriktirmaslik (motivatsion va shaxsni rivojlantirish vaziyatlari- ni ishlab chiqish, o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyati tarkibiy tuzilmasini aniqlash)

-ta'limdagi uzviylik va izchillik (darsning ta'limiy, tarbiyaviy va shaxsni rivojlanti ruvchilik vazifalarining birligi va uzviyligi);

-yangi mavzuni qiziqarli, asosan ko'rgazmali bayon etish (ta'lim metodlarini tanlash, ta'lim vositalaridan foydalanish uslubini aniqlash)

-olib borilayotgan mashqlarning bolalar yoshiga mos bo'lishi (o'quvchilarning o'zlashti rish darajasini ma'lum bosqichdan yuqoriroq bosqichga ko'tarish ketma-ketligini ta'min lash)

- har bir ta'lim jarayonini yengildan og'irga qarab murakkablashtirib borish (ta'limning texnologik vositalarlarini o'quvchining yoshiga mos qilib tanlash)

- bolaga bilim berishda majburan zo'riqishga yo'l qo'ymaslik (ped texnologiyadan majburan foydalanmaslik)

Burxoniddin az-Zarnujiy - «Ta'lim oluvchiga ta'lim berish va ta'lim berish yullari» risolasida ilm va kasb-xunar o'rganishning asosiy shartlari sifatida o'quvchida jiddiy istak, kat'iyat va non bo'lishi lozimligini, shundan keyin yaxshi muallim xamda yetarlicha vakt zarurligini yozgan.

Abu Ali ibn Sino - yaratgan asarlarining soni 400 dan ortiq bo'lib, u ilmning turli sohaları — falsafa, mantiq, tibbiyot, adabiyotshunoslik, axloqshunoslik va musiqaga oid asarlardir. Chunonchi, birdaniga darslik bilan band kilib kuymaslik, yengildan og'irga borish, jamoa bo'lib o'qitishga e'tibor berish, bilim berishda bolalarning mayli, qiziqishi, qobiliyatini hisobga olish va hokazolar haqida o'z fikrini yozib qoldirgan

Abul Kosim Mahmud az-Zamaxshariy - Sharqda islom dunyosida serqirra olim, xususan tilshunoslik, dinshunoslik, mantiq kabi ilmlarni chuqur bilish bilan yaxshi tanildi. Olim Zamahshariyning arab tili grammatikasiga bagishlangan «Al-mufassal fi san'at al-i'rabi» («Fleksiya san'ati haqida mufassal kitob»), «Navobig'ul-qalim» («Nozik iboralar»), «Al-mu'jam al-arabiy al-forsiy» («Arabcha-forscha qomus»), «Nuzxat ul-mastaanis» («Do'stlar farog'ati»), «Muqaddima ul-adab» («Adabiyotga kirish»), «Al-Kashshof» kabi Qur'onni tafsir etgan asarlari Sharqda mashhurdir. Uning asarlarida axloq, ta'lim-tarbiya va ilm o'qitishga oid psixologik fikrlar va ta'lim – tarbiya jarayonidagi shaxslararo munosabatlar keng yoritilgan.

Buyuk mutafakkir shoir Alisher Navoiyning yaqin do'sti Kamoliddin Xusayn Voiz Koshifiy bola tarbiyasida maktab va muallimning alohida o'rni borligi haqida gapirib, muallimlar dono, bilimli, shirinsuxan, adolatli bo'lishi zarur, deb hisoblaydi. Alloma murabbiylar to'g'risida «Axloqi Muhsiniy» asarida shunday yozadi: «Murabbiy (bolaga) nasihat va ta'lim berishda lutf va odob qoidalariga rioya qilishi darkor. Jamoatchilik joylarida o'quvchiga pand berish yaramaydi, balki xilvat joyda bolaga nasihat qilish zarur. Agar (murabbiy) nasihat berishning fursati kelganini bilsa, unga muloyimlik bilan murojaat qilishi lozim, chunki bizning zamonamizda muloyim va xushfe'l bo'lish maqsadga muvofiqdir».

Buyuk allomalardan Abdurahmon Jomiy tarbiyachi – muallim foaliyatiga quyidagicha ta'rif beradi: «muallim bilimli, aqlli, adolatli, o'zida butun yuksak fazilatlarni mujassamlashtirgan bo'lishi kerak. O'zini nomunosib tutgan odam hech vaqt bolalarga bilim va odob bera olmaydi».

Hozirgi zamon o'qituvchisi qanday ijobiy sifatlarga ega bo'lishi lozim. Avvalo zamonaviy bilimlar, ilg'or tajribalar hamda pedagogik mahoratni yuqori darajada egallaganligi, pedagogik izlanish vazifasiga Demak, pedagogik mahorat egasi bo'lish uchun o'qituvchi o'zida ham ilg'orlikni, ham novatorlikni (yangilikka intilish), ham ijodkorlikni tarbiyalaiga lozim. O'qituvchi pedagogik mahoratini «O'qituvchining axloqiy shakllanishi» yo'nalishida o'rgangan professor Malla Ochilov pedagogik mahoratni egallashning muhim manbasi axloq deb ta'kidlab, kasbga oid axloq normalarini shunday ta'rifiyaydi».

Pedagogik mahoratning o'ziga xos xususiyatlaridan yana biri, uning o'qituvchi shaxsi va kasbi to'g'risida mukammal ma'lumot va tushunchalarga ega ekanligidadir. O'qituvchi inson sifatida shaxsiy fazilatlarga ega bo'lishi bilan birga, kasbiy, ya'ni ixtisoslik fazilatlariga ham ega bo'lishi lozimligini tajriba ko'rsatmoqda. Buni yuqorida kasb axloqi to'g'risida bildirilgan fikrlar misolida ham ko'rdik.

Shaxsiy sifatlarni tizimida: milliy mafkuraviy ongliklik, milliy odoblilik, farosat, nozik didlik, o'z kasbiga sadoqat va vijdoniylik, tashabbuskorlik, bolajonlik, talabchanlik, adolatparvarlik, pedagogik odob, tadbirkorlik, qat'iylilik, har qanday vaziyatda o'zini idora qila olish, millatlararo muloqot madaniyati, kuzatuvchanlik, samimiylik, topqirlik, kelajakka ishonch, xushmuomalalilik kabi fazilatlarga ega bo'lishi kerak.



«Muallimning yuksak sifati uning aqli, ilmi, fikri, soʻzi, axloqu-odobidadir, - degan edi taniqli murabbiy, maktabshunos olim Hikmatulla Abdullaev oʻzining «Yashil daftar hikmati» asarida - Oʻqituvchining yuz qarashlari ham, gapirishlari ham, qalbi ham, koʻrinishi ham, yurish-turishi ham, kiyinishi ham chiroyli va ibrat namunasi boʻlsin. Ayniqsa, uning nutqi tushunarli, ravon, taʼsirli boʻlishi darkor. U muloqotda bamisoli soʻz zargari ekanligini koʻrsata olishi muhimdir. Shunga erishish kerakki, odamlar, ayniqsa, ota-onalar va oʻqituvchilar uni rostgoʻy, halol, pokiza, sogʻlom fikrli, shafqatli va muruvvatli, insonparvar kishi sifatida eʼtirof etsinlar».

Taʼlim va tarbiya jarayoni har bir oʻqituvchidan ulkan aql-zakovat, sabrmatonat, oʻquvchilarga va oʻz kasbiga yuksak mehr-muhabbatli boʻlishni talab etadi. Oʻqituvchining doimo izlanuvchan, bilim va tajribasini orttirib borishi, oʻquvchilarni chuqur tushunish, ularning ichki dunyosini payqay olish, oʻsish va rivojlanish darajalarini nazorat qilib borishi va zarur paytda soʻz, ish yoki amaliy harakat bilan yordam bera olish qobiliyati taʼlim va tarbiya jarayonining muvaffaqiyatini taʼminlovchi omillardir.

Pedagogik kasb - bu komil inson sifatida xarakterlanuvchi ijtimoiy ahamiyatga molik fazilatlarining barqaror tizimidir. Oʻqituvchi oʻz kasbiga ixlos qoʻyishi va uning ijtimoiy ahamiyatini tushunib yetishi, bolalarga taʼsir oʻtkazishi va ular bilan hamdardligini namoyon qila olishi shunday fazilatlar majmuasidirki, ular oʻqituvchi faoliyati va muloqoti bilan uygʻunlashganda oʻqituvchi mehnatining bir butunligiga erishiladi.

Oʻqitish va tarbiyalash - bular bir-biridan ancha farqli tushunchalardir. Oʻqituvchi oʻz kasbining toʻla maʼnodagi egasi boʻlishi uchun uni atrofidagi odamlar hurmat qilishlari kerak. Oʻqituvchi hamma joyda madaniyatli murabbiy, ezgu fazilatlar egasi sifatida namuna boʻlishi zarur.

Oʻqituvchilik faoliyati shu kasbni tanlagan kishilardagi qobiliyat va isteʼdodning barcha qirralarini ishga solishga majbur qiladi.

A.S.Makarenko, «jamoada 40 ta qobiliyatli oʻqituvchi oʻrniga 4 ta qobiliyatli tarbiyachi-oʻqituvchi boʻlgani maʼqul»ligi haqida gapirgan edi.

Bu bilan u qobiliyatsiz kishilar taʼlim-tarbiya ishiga katta zarar yetkazishi mumkinligini alohida uqtiradi.

Avvalo, oʻqituvchi — maktabdagi taʼlim-tarbiya jarayonining asosiy tashkilotchisidir. Yigit va qizlarning maʼlumot jihatidan umumiy tayyorgarlik darajasi hamda mustaqil ijodiy tafakkur taraqqiyoti, tarbiyalanganlik darajasi dastur va darsliklargagina emas, balki oʻqituvchiga, uning mahorati hamda fuqarolik xislatlariga ham taallukdi boʻladi.

Taʼlim va tarbiya tarixini oʻrganar ekanmiz, uning rivojlanishi, yillar davomida shakllanib borishi ustoz va shogird faoliyatiga bogʻliqligining guvohi boʻlamiz. Eng qadimgi davrlardayoq mudarrislar (oʻqituvchilar) taʼlim va tarbiyaning samarali taʼsir usullarini qidirib topib, hayotga tatbiq eta boshlaganlar. Buning natijasida eramizdan oldingi davrlardayoq taʼlim-tarbiyaning samaradorligiga erishilishi uchun oʻqituvchiga boʻlgan talablar kuchayib bordi. Oʻqituvchi mahoratini takomillashtirish yuzasidan turli gʻoyalar, nazariya va tavsiyalar paydo boʻla boshladi.

Miloddan avvalgi VII - VI asrlarda Oʻrta Osiyoda ishlab chiqarish kuchlarining ortib borishi bilan ijtimoiy hayotda ham ijobiy oʻzgarishlar roʻy berdi. Turk va fors tilida soʻzlashuvchi xalqlar oʻrtasida oʻzaro madaniy aloqalar yuzaga keldi. Yosh avlodni mustaqil hayotga tayyorlashda asrlar davomida qoʻllanib kelingan, yerli millatning oʻziga xos urf - odati va anʼanalariga mos ravishda tatbiq etilgan taʼlim va tarbiyaning noyob usul va vositalari, tadbir va shakllari vujudga kela boshladi. Hali maktab boʻlmagan, pedagogik fikr tarkib topmagan davrdayoq qabila aʼzolarining bolalarda mehnatsevarlik, axloq-odob, nafosat, doʻstlik, mehr-

shafqat, insonparvarlik sifatlarini tarkib toptirish sohasidagi aql idroki va usullari yillar davomida hayot tajribasi va sinovlaridan o'tib, sayqallanib o'sha davrning olijanob mevasi sifatida bizning davrimizgacha yetib keldi.

VII asrlarga kelib O'rta Osiyoda ilm-fan va madaniyat sohasidagi rivojlanish bevosita ta'lim va tarbiya beruvchi mudarrislarining qizgin faoliyati hamda ularga qo'yiladigan talablarning nihoyatda rang-barangligi va xilma-hilligi bilan diqqatga sazovordir. Ilk ibtidoiy jamoa va quldorlik davrlaridan boshlab, bolalarning ta'lim va tarbiyasiga javobgar ulamolar hamda mudarrislar nasihat, tushuntirish, rag'batlantirish, maqtash, namuna ko'rsatish, tanbeh berish, ta'qiqlash, majbur ilish, po'pisa qilish, qo'rqitish kabi usullardan foydalanganlar. Biroq mudarrislarining o'zi bolaga ta'lim-tarbiya berish uchun mukammal amaliy va nazariy bilimga ega bo'lishi kerak edi. Shu sababli mudarrislar savodli madrasa toliblari orasidan tanlangan va ma'lum muddat tayyorgarlikdan o'tishgan.

Buyuk allomalimiz o'z asarlarida mudarrislar kasbining nozikligini, mas'uliyatli ekanligini va murakkabligini, shu bilan birga sharafligini, yoritib, muallimning mahorati, ularga qo'yilgan talablar, fazilatlariga oid qarashlar, shogirdlar bilan munosabatga kirishish mahorati, muomalasi to'grisida o'z mulohazalarini bildirganlar. Uyg'onish davrining yetuk namoyandalari Abu Nasr Forobiy, Shayx Sa'diy Sheroziy, Al Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali Ibn Sino, Alisher Navoiy, Abdurahmon Jomiy, Davoniy kabilarning ijodiy merosi pedagogik tafakkurni shakllantirishda bo'lajak murabbiylarga muhim manba bo'lib hisoblanadi. Ular avlodlardan avlodlarga o'tib, o'z qimmatini yo'qotmagan mudarrislarini, tarbiyachilarni tayyorlash tajribalarini umumlashtirib, boyitib borishgan. Zero, insoniyat kelajagi va kurrai zaminning gullab yashnashi faqat ta'lim va tarbiyaga bog'liq ekanligini buyuk mutafakkirlar chuqur his qilishgan. Shuning uchun muallimlar kuchi va g'ayrati bilan barkamol avlodni tarbiyalash ularning eng yorqin orzusi bo'lib kelgan. O'zbekiston deb atalmish muazzam zaminimizda yashab o'tgan allomalarning bu borada o'z o'rni va hurmati bor. Barkamol avlodni tarbiyalash, bunda muallimning o'rni to'grisida allomalimiz ijodiy merosidan juda ko'p misollar keltirishimiz mumkin.

Abu Nasr Forobiy - O'rta Osiyo xalqlari madaniyatini rivojlantirishga katta hissa qo'shgan olimdir. Forobiy o'rta asrda fanni birinchi bo'lib klassifikatsiya qilib chiqqan. U arifmetika, geometriya, astronomiya va musiqani muhim tarbiyaviy fanlar deb atadi. Ushbu fanlarni o'rgatuvchi o'qituvchini har tomonlama mukammal bilimga va tajribaga ega bo'lishi lozimligini ta'kidlaydi. Chunonchi, o'z asarlarida "...ustoz shogirdlariga qatgiq zulm ham, haddan tashqari ko'ngilchanlik ham qilmasligi lozim. Chunki ortiqcha zulm, shogird dilida ustozga nisbatan nafrat uyg'otadi, bordiyu ustoz juda ham yumshoq ko'ngilli bo'lsa shogird uni mensimay qo'yadi va u beradigan bilimdan sovib qoladi. Shuning uchun o'qituvchi bolalarning fe'l-atvoriga qarab ta'lim-tarbiyaning "qattiq" yoki "yumshoq" usullaridan foydalanishi mumkin" deydi. Bunda ustoz mudarrisga quyidagi talablarni qo'yadi: tarbiyalanuvchilar o'qish va o'rganishga ishtiyoqmand bo'lsalar ta'lim-tarbiya jarayonida yumshoq usullar qo'llaniladi; tarbiyalanuvchilar o'zboshimcha, itoatsiz bo'lsalar, qattiq, ya'ni majburlovchi usullar qo'llaniladi.

Unsurul Ma'aliy Kaykovusning «Qobusnoma» asarida ilk bor notiqlik san'ati maktablarining Sharq mamlakatlarida rivojlanishi tarixi bayon etilgan hamda o'sha davr notiqchilari haqida ma'lumotlar berilgan. Ushbu asar hozirgi global o'zgarishlar davrida insonni ma'naviy jihatdan kamolotga yetkazishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mazkur noyob asar ko'plab Sharq va G'arb tillariga tarjima qilinib shuhrat qozongan.

Kaykovus asarda har bir yoshni aqliy, axloqiy, jismoniy tarbiyasida turmush tajribasi muhim ahamiyat kasb etishini aytadi. Bolalarni faqat yaxshi mudarris

tarbiyani hayot bilan bog'lagan holda kamolotga yetkazishi mumkin deb, uning yo'llarini va usullarini bayon etgan. Kitobda, javonmardlar egallashi zarur bo'lgan quyidagi yo'nalishlarda ta'lim-tarbiya berish nazariyasi ko'zda tutilgan:

Kaykovus bilim haqida.

Hunar va turli kasb egalari haqida.

Turmush va xulq-odob koidalari haqida.

Jismoniy yetuklik haqida.

Shayx Muslihiddin Sa'diy Sheroziy XIII asrda Eronda yashab ijod qilgan yirik shoir va mutafakkirdir. U faylasuf-shoir bo'lishi bilan birga tajribali murabbiy ham bo'lgan. Shoir "Guliston" asarida o'z davri mudarrislarini turli toifaga bo'lib, ularni ta'riflaydi. Qattiqqo'l o'qituvchilarni "...basharasi tirishgan, tili zahar, yomon xulqli, odamlarni ranjitadigan, gadoy tabiatlik, ochko'z, uni ko'rishi bilan shogirdlarining kayfiyati uchar" shogirdlar undan bilim va tarbiya ololmaydilar. Yana bir toifadagi o'qituvchilar "...sodda, yaxshi va yumshoq ko'ngilli odam. Unar-unmasga so'zlamas edi va bolalarni ranjitadigan so'zlar ogzidan chiqmas edi. Uning farishtadek axloqliligi va mehribonligini ko'rgan bolalar murabbiyini mensimay qo'ydilar. Uning yumshoq tabiatlik ekanligini bilishib, ilmni ham o'rganmadilar. Alqissa bolalar o'yin va to'polonga berilib vaqni bekorga o'tkazdilar".

Bu holatga Shayx Sa'diy ikki xil ta'rif beradi. Birinchidan, Sa'diy yashagan davrda ham, undan keyingi davrlarda ham maktabda o'quvchilarni qattiqqo'llik bilan o'qitganlar. Ikkinchidan, Shayx Sa'diy bu holni o'z ko'zi bilan ko'rgan va qatgaqqo'l o'qituvchiga nisbatan norozilik bildirmagan, ilm va tarbiya berishda qattiqqo'llikni afzal ko'rgan: "jabr ustod boz mehr padar" deb ta'kidlaydi, ya'ni o'qituvchining jabri va jazosi ota mehridan ham afzalligini aytadi.

Abu Ali ibi Sino - o'z asarlarida inson kamolotida uch narsa - irsiyat, muhit, tarbiya muhim rol o'ynashini ta'kidlab, bunda mudarrislar bolalarga ta'lim berishdek mas'uliyatli burchni bajarib, shu uch holatga javobgarlik hissi bilan yondashishini uqgiradi va mudarrisarga faoliyatda muvaffaqiyatga erishish garovi bo'lgan quyidagi tavsiyalarni beradi:

Bolalar bilan muomalada bosiq va jiddiy bo'lish.

Berilayotgan bilimning o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilishiga e'tiborini qaratish.

Ta'limda turli shakl va metodlardan foydalanish. Uquvchining xotirasi, bilimlarni egallash qobiliyati, shaxsiy xususiyatlarini nazorat qilish.

Bolalarni fanga qiziqтира olish.

Berilayotgan bilimlarning eng muhimini ajratib bera olish.

Bilimlarni o'quvchilarning yoshi, aqpiy darajasiga mos ravishda tushunarli olib borish.

Har bir so'zning bolalar hissiyotini uygotish darajasida bo'lishiga erishish.

Buyuk allomalardan Abu Nosir Tusiy o'zining «O'qituvchilarni tarbiyalash to'g'risida» nomli asarida quyidagilarni yozadi: «Murabbiy munozaralarini to'g'ri olib borish, rad etib bo'lmaydigan darajada isbot qilishi, o'z fikrlarini to'g'riligiga ishonishi, nutqi mutlaqo sof va ravon bo'lishi lozim. Murabbiy nutqi hech qachon zaharxandali, qo'pol va qattiq bo'lishi mumkin emas. Dars paytida o'zini tuta olmasligi darsni buzadi».

Buyuk mutafakkir Abdurahmon Jomiyning «Iskandar xirodnomasi» asarida muallimlar haqida quyidagi fikrlar bildirilgan: "muallim aqlli, adolatli, o'zida barcha yuksak fazilatlarini mujassamlashtirgan bo'lishi kerak. O'zini nomunosib tutgan murabbiy hech vaqt bolalarga bilim bera olmaydi" deb ta'kidlaydi.

Alisher Navoiy - ijodida muallimlarga munosabat alohida berilgan. Uning fikricha, har bir inson o'ziga ta'lim va tarbiya bergan ustozini, o'qituvchisini umrbod xurmat qilishi va uni e'zozlashi kerak. O'qituvchi mehnatini har qanday xazina bilan o'lchab bo'lmaydi:

Alisher Navoiy yosh avlod tarbiyasini har qanday tasodifiy murabbiyga ishonib topshirib bo'lmagligini aytib, o'qituvchiga yuksak talablarni ko'yadi. Bolani tarbiyalash va unga bilim berish, uning qobiliyatini o'stirish uchun nihoyatda savodli o'qituvchi va mahoratli tarbiyachi bo'lish kerak. Alisher Navoiy o'qituvchini faqat dars beruvchi, bilim beruvchi deb bilmaydi, boshqa mahoratli tarbiyachi bo'lishi lozim deb ilm va odobni birga olib borilishini, bu ikki jarayon hech qachon ajralmasligini ta'kidlab o'tadi.

Buyuk alloma o'zining "Mahbub-ul qulub" didaktik asarida o'qituvchi xalq oldida obro'ga, hurmat va izzatga sazovor bo'lishi kerakligini, u xalq g'ami bilan yashashini, xalqqa yordam beruvchi, xalq bilan birga bo'lishi lozimligini aytadi. Nodon, mutaasib, johil mudarrisni tanqid qilib, mudarris olimlar orasidagi eng sara "malak qiyofali" kishi bo'lishi, ya'ni sof ko'ngilli, pok qalbli, insofli, karam-muruvvatli, odobli, vafoli, kishilikning eng yaxshi va olijanob xislatlarini o'zida aks ettiruvchi bo'lishi kerak deydi. Ayniqsa, madrasalarda ta'lim-tarbiya bilan shugullanuvchi mudarrislariga jiddiy talablarni qo'yadi: «Mudarris kerakki, garazi mansab bo'lmasa va bilmas ilmni aytishga urinmasa, manmanlik uchun dars berishga havas ko'rgazmasa va olg'irlik uchun gap-so'z va gavg'o yurgizmasa, nodonlikdan sallasiz katta va pechi uzun bo'lmasa, gerdayish uchun madrasa ayvoni unga bosh o'rin bo'lmasa, yaramasliklardan qo'rqsiz va nopoklikdan qochsiz... nainki, o'zini olim bilib, necha nodonga turli xil fisq ishlarni qilish mumkin, balki halol desa, qilmas ishlarni qilmoq undan sodir bo'lsa va qilar ishlarni kilmaslik unga qoida va odat bo'lib qolsa, bu mudarris emas, yomon odatni tarqatguvchidir». Demak, mudarris bilimli, fozil va donishmand bo'lishi, kishilikning eng yaxshi fazilatlarini o'zida mujassamlashggirgan olijanob va kamtarin bo'lishi, har qanday yaramas ishlardan xoli va pok bo'lishi, o'z xulqi va odobi bilan boshqalarga namuna bo'lishi lozim. Ayni o'rinda o'qituvchi mehnatini eng murakkab va mashaqqatli ish ekanligini xolisona baholaydi: "Uning ishi odam qo'lidan kelmas, odam emas, balki dev ham qila bilmas. Bir kuchli kishi bir yosh bolani saqlashdan o'zlik qilardi. U esa bir to'da bolaga ilm va adab o'rgatadi, ko'rkim bunga nima yetsin. Shunisi ham borkim, u to'dada fahm-farosati ozlar ham bo'ladi, unday kishiga yuzlarcha mashaqqat qilsa qanday bo'ladi.

Har qanday bo'lsa ham, yosh bolalarda uning haqqi ko'pdir. Agar shogird podshoxdikka erishsa unga (muallimga) qulluq qilsa arziydir". Kamoliddin Husayn Voiz Koshifiy - "Futuvvatnomai Sultoniy yoxud javonmardlik tariqati" asarida ustoz-shogird munosabatlariga keng to'xtalgan. U muallimlarning shogirdlariga beradigan har bir o'gitini kadrlaydi. "Maraka joylarida" (dars—ma'ruza o'qiladigan joy) shogirdlar muallimning har bir so'zini e'tibor bilan tinglashini va unga amal qilishini ta'kidlaydi. Jumladan, alloma

shunday yozadi: "Agar shogirdlikning binosi nimaning ustiga quriladi, deb so'rasalar, ibodat ustiga, deb javob bergin. Agar ibodat nima deb so'rasalar, samo va toatdir, deb aytgin. Agar samo (eshitish) va toat nimadir deb so'rasalar nimani ustoz aytsa, uni jon kulog'i bilan eshitish, chin ko'ngli bilan qabul qilish va vujud a'zolari orqali amalda ado etishdir deb ayt".

Koshifiy asarida shogirdlikning 8 ta odobini ko'rsatib o'tadi:

- birinchi bo'lib salom berish;
- ustozning oldida kam gapirish;
- boshni oldinga egib turish;
- ko'zni har tomonga yugurtirmaslik;
- gap so'ramoqchi bo'lsa, avval ustozdan ijozat so'rash;
- ustoz javobiga e'tiroz bildirmaslik;
- ustoz oldida boshqalarni g'iybat qilmaslik;
- o'tirib turishda hurmat saqlash.

Koshifiy ustozlik shartlarini ham bayon qiladi: "Bilgilkim hech bir ish ustozsiz

amalgam oshmaydi va kimki ustozsiz bir ishni qilur ersa, ul ishning asosi mustahkam bo'lmaydi. Kimki, ustozsiz ish boshlagan bo'lsa, ishi va amali samara qozonmaydi, ustozning etagini tutib shod bo'l, bir muddat ustozga xizmat qilginda, so'ngra o'zing ustoz bo'l. ...Agar ustoz tarbiyasini olgan komil inson kim deb so'rasalar, u pok mazhabli o'z aybini ko'radigan, dono va tamizli kishidir deb aytgil. Unda hasad, gina va baxillikdan asar bo'lmaydi".

Koshifiy bola tarbiyasida maktab va muallimniig alohida roli borligi haqida gapirib, muallimlar dono, bilimli, shirinsuxan, adolatli bo'lishi zarur, deb hisoblaydi. Alloma murabbiylar to'g'risida yana bir asari «Axloqi Muhsiniy»da shunday yozadi: «Murabbiy (bolaga) nasihat va ta'lim berishda lutf va odob qoidalariga rioya qilishi darkor. Jamoatchilik joylarida unga pand berish yaramaydi, balki xilvat joyda bolaga gapirish zarur. Agar (murabbiy) nasihat berishning fursati kelganini bilsa, unga muloyimlik bilan murojaat qilishi lozim, chunki bizning zamonamizda muloyim vaxushfe'l bo'lish maqsadga muvofiqdir».

Az Zamaxshariy deydi: "murabbiy o'qib tursagina murabbiy bo'la oladi, agar o'qishni to'xtatib qo'yar ekan, unda murabbiylik o'ladi". Bu dono fikrga yoshidan, pedagogik mahoratidan, qanday dars berishidan qat'iy nazar barcha o'qituvchilar rioya qilishlari maqsadga muvofiqdir.

Uzluksiz ta'lim – tarbiya jarayonini insonparvarlashtirish, unda shaxslararo munosabatlar tamoyillari va asosiy qoidalarini hayotga tatbiq etish uchun bugungi kunda barcha ta'lim muassasalarida har jihatdan qulay va mustahkam poydevor sifatida sog'lom, raqobatbardosh, ijodiy innovatsion muhit yaratish vazifalari birinchi o'ringa qo'yilmoqda. Bunda sharq mutafakkirlarining boy ijodiy merosidan foydalanish zaruratini davr taqozo etmoqda. O'quv jarayonlaridagi shaxslararo munosabatlarga asoslangan o'zaro do'stona munosabat, ta'lim olish va ta'lim berishdagi hamkorlikdagi sog'lom, raqobatbardosh gumanitar muhitning – ijtimoiy - tarixiy hodisa sifatida bosqichma – bosqich shakllanib, rivojlanib borish mutafakkirlarimiz asarlarida e'tirof etilgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, tarixiy ildizlari uch ming yildan chuqurroq qadimiyatga borib taqaluvchi o'zbek davlatchiligi ko'p marotaba yuksalishlarni boshidan kechirgan O'zbekiston insoniyat sivilizatsiyasi qaror topgan davlatlardan biri sifatida o'z o'rnini va salohiyatiga ega hudud sanaladi. Sharq Uyg'onish davri – birinchi Renessansi deb nom olgan o'rta asrlar va bugungi kunga qadar yetishib chiqqan buyuk alloma va mutafakkirlarning jahon ilm-fani va madaniyati, rivojiga qo'shgan bebaho hissasi dunyo ilmiy jamoatchiligi tomonidan haqli ravishda tan olingan. Buyuk ajdodlarimiz o'z ilmiy merosi bilan insoniyat sivilizatsiyasiga munosib hissa qo'shganlar. Zero, buyuk alloma va mutafakkirlarining boy ilmiy merosi, undagi ta'lim - tarbiyaga oid qarashlar asrlar osha sayqal topib, zamonaviy jamiyat rivoji, uning taraqqiyoti uchun dasturulamal bo'lib xizmat qilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdullaev H. Yashil daftar hikmati. -T.: O'qituvchi, 2000.
2. Ibrohim Haqqul. Navoiyga qaytish. - T.: FAN, 2007, 223 b.
3. Kaykovus. Qobusnoma (Forschadan Muhammad- Rizo Ogahiy tarjimai):. S.Dolimov. - T.: O'qituvchi, 2006, 208 b.
4. Nishonova S. Komil inson tarbiyasi. - T.: Istiqlol, 2003. -
5. Ochilov M. Muallim qalb me'mori: Saylanma. -T.: O'qituvchi,
6. Sodiqova T. Murabbiy kim?...-T.:Toshkent islom universiteti, 2006, 83 b.
7. Forobiy Abu Nasr. Fozil odamlar shahri - T.: A. Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 1993. - 187 b.
8. Axmedov A.E., Smolyaninova I.V., Shatalov M.A. Sistema nepreryvnogo obrazovaniya kak drayver sovershenstvovaniya professionalnykh kompetensiy// Professionalnoe obrazovanie i rymka truda. 2016. №3. S.26-28.
9. Kizin M.M. Vokalnoe iskusstvo v prostranstve sifrovnykh texnologiy// V sbornike: Muzykalnoe iskusstvo v kontekste sovremennykh problem kultury i obrazovaniya. Moskva, 2016. S.215-220.
10. Nikitenko L.I. Samostoyatelnaya rabota v sisteme individualnogo obrazovatel'nogo marshruta studenta// Ustoychivoe razvitie nauki i obrazovaniya. 2016. №3. S.39-43.
11. Tixomirova O.B., Kobeleva Ye.M. Organizatsiya natsionalno orientirovannoy deyatel'nosti detey starshego doshkol'nogo vozrasta v usloviyax DOO kak sredstvo polikulturnogo obrazovaniya// Sinergiya 2016.№4. s.14-18.
12. N.G. Dilova Uzluksiz ta'lim jarayoni subektlarining kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish: muammolar va yechimlar mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. "Boshlang'ich sinf o'quvchilari bilimini baholashda pirls tadqiqotlaridan foydalanish imkoniyatlari" nomli tezisi 26.1.0.2020 y.

TALABALARNING GRAFIK SAVODXONLIGINI RIVOJLANTIRISHDA ANIMATSION VIDEOROLIKLARNING ROLI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.049>

Amirkulov Xayriddin Qoplon o'g'li,

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети таянч
докторант*

Anotatsiya. Mazkur maqolada maxsus sirtqi bo'lim talabalarining chizma geometriya fanidan sessiya oralig'i vazifalarida belgilangan bilimlarni egallashi va grafik topshiriqlarini bajarishi davomida animatsion videoroliklarning ahamiyati va undan foydalanish imkoniyatlari yoritilgan.

Kalit so'zlar. Animatsiya, videorolik, tushuncha, ko'maklashuvchi, vazifa, tasavvur.

РОЛЬ АНИМАЦИОННЫХ ВИДЕОРОЛИКОВ В РАЗВИТИИ ГРАФИЧЕСКОЙ ГРАМОТНОСТИ УЧАЩИХСЯ

Амиркулов Хайридин Коплон угли,

*Национальный исследовательский университет «Ташкентский
институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»*

Аннотация. В данной статье освещено значение и возможности использования анимационных видеороликов в ходе выполнения графических заданий и приобретения студентами специального заочного отделения знаний по начертательной геометрии в задачах межсессионного интервала.

Ключевые слова. Анимация, видео, понимание, помощник, задача, воображение.

THE ROLE OF ANIMATION VIDEO IN THE DEVELOPMENT OF GRAPHIC LITERACY OF STUDENTS

Amirkulov Khayriddin Koplun ugli,

*National Research University «Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Engineering» doctoral student*

Annotation. This article highlights the importance and possibilities of using animated videos in the course of performing graphic tasks and acquiring students of a special correspondence Department knowledge of descriptive geometry in the tasks of the inter-session interval.

Keywords. animation, video, understanding, assistant, task, imagination.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Toshkent viloyatida sanoat ishlab chiqarish sohasi uchun muhandis-texnik kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida” 2017-yil 27-iyuldagi PQ-3153-son qarori ijrosini ta'minlash maqsadida Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 21-noyabrdagi 930-sonli qarori qabul qilindi .

Qarorining qabul qilinishi ishlab chiqarishning barcha sohalaridagi, ta'lim sohasidagi yuqori malakali pedagog kadrlarga bo'lgan ehtiyojini ta'minlash bilan bir qatorda pedagogik va ishlab chiqarishda faoliyat olib borayotgan o'rta maxsus ma'lumotli yoshlarning oliy ma'lumot olish imkoniyatlarini kengaytirmoqda. Bu, o'z navbatida, oliy ma'lumotli va yuqori malakali kadrlarning jamiyatdagi o'rni va unga bo'lgan talabning mo'tadilligini ta'minlashga, yoshlarni tizimli asosda o'z sohasining yuqori malakali kadri bo'lishi uchun xizmat qilmoqda.

Sirtqi bo'limda tahsil olayotgan talabalarning o'ziga xos tomoni ular fan bo'yicha

materiallarni asosan masofadan turib mustaqil ravishda o'zlashtiradi. Ularning fanni qay darajada o'zlashtirganini bilish, baholash va bilimni mustahkamlash maqsadida talabalar uchun har bir fandan sessiya oralig'i vazifalari to'plami va adabiyotlar manbai ishlab chiqilgan.

Chizma geometriya fani sirtqi bo'limlarning yo'nalishlariga qarab turli vaqtlarda turlicha hajmda o'qitiladi. Masalan; mutaxassislik yo'nalishlarida 4-5 semestr yoki, undan ko'proq, mutaxassislik fani sifatida o'tilmaydigan, o'quv rejasidagi fanlar blokining ikkinchi blokidan o'rin olgan yo'nalishlarda 1 semestr mobaynida o'qitiladi. Fanning asosiy yoki asosiy fan emasligiga qarab talabalar fan bo'yicha o'rtacha 5-10 tagacha grafik ish bajaradi.

Talabalar grafik topshiriqlarni bajarish jarayonida adabiyotlar bilan ishlash hamda undagi ba'zi muammolar, ayrim talabanning fazoviy tasavvuri zaifligi hamda o'qituvchining jonli va maliy tartibda tushuntirishlarining yetarli bo'lmasligi talabalarning grafik topshiriqlarni muammolarsiz bajarishiga to'sqinlik qilmoqda. O'rganishlarimiz natijasi shuni ko'rishimiz mumkinki, talabalarning sessiya oralig'i vazifalarini bajarishda faqatgina elektron adabiyotlardan foydalanishning o'zi kamlik qilmoqda. Bundan tashqari internet sahifalarida chizma geometriya fani bo'yicha yetarlicha ma'lumotlar va vositalar mavjud emas.

Mazkur tadqiqotda animatsion videoroliklar mazkur masalani biroz bo'lsada bartaraf etishi mumkinligini inobatga olib ulardan qanday va qay tartibda foydalanish mumkinligiga hamda animatsion videoroliklarning klassifikatsiyasiga to'xtalib o'tdik.


Animatsion videoroliklarni dastlab quyidagi toifalarga ajratib olishni tavsiya qilamiz:

1. Fazoviy tasavvurni shakllantiruvchi (tushuncha hosil qiluvchi).


Mazkur toifani ham ikkiga ajratish mumkin:

ovozli animatsion roliklar;

ovozsiz animatsion roliklar.



a)



b)

1-rasm

Mazkur tushuncha hosil qiluvchi ovozli animatsion roliklar sodir bo'layotgan jarayon haqida ovozli tushuncha berib boradi ya'ni uni tushuntirish shart emas. Tushuncha hosil qiluvchi ovozsiz rolikda esa undagi jarayonga izoh talab etiladi. Masalan: Tekislikning bosh chizig'ini tasvirlagan rolikni olsak. (1-rasm a va b) Ushbu rolik ovozli bo'lsa tekislikning bosh chizig'i va uning xossasidan kelib chiqqan holda fazoviy holatda va undan epyur ya'ni tekis chizma holatiga aylanish jaratonini tasvirlaydi va ma'lumot beradi. Talaba buning ortidan berilgan ma'lumotlar haqida kerakli tushunchalar hosil qiladi. Ushbu animatsion rolik fan bo'yicha endigina bilimlarni o'zlashtirishni boshlagan talabalar uchun va undan biroz yuqori bilimga ega bo'lgan talabalarga qo'l kelishu shubhasiz.

Animatsion roligimizning ovozsiz shakli Chizma geometriya fan ibo'yicha birmuncha ma'lumotga ega ammo grafik vazifalarni bajarishda qiyinchiliklarga duch keladigan, fanning terminlarini biladigan, tekislik va tekislikning bosh chizig'i xossalarini biladigan ammo amalda qo'llashga qiynaladigan talabalar

uchun mo'ljallangan. Bunda talaba jarayonni ko'rib turadi va unga ovozli sharhsiz ham jarayon tanish bo'ladi.

Sirtqi bo'lim talabalari yuqorida ko'rilgan ovozli rolikdan foydalanishlari samarali chunki, ularning mustaqil o'zlashtirish jarayonida sharhlab beruvchi o'qituvchi bo'lmasligi ehtimoli yuqori.

Yuqoridagi har ikkala roliklardan kunduzgi bo'limning ma'ruza va amaliy mashg'ulotlarida, talabalar mustaqil ishlarida yordamchi va qo'shimcha materil sifatida foydalanish mumkin.

Biz ko'rib o'tgan toifadagi animatsion roliklar talabalarda fazoviy tasavvur va tekislik va uning bosh chiziqlari haqida tushuncha hosil qiladi ammo uning amaliy ya'ni, chizmada qanday tartibda bajarilishi haqidagi tushunchalar yetarli bo'lmasligi mumkin. Shu bois biz quyida yana bir turdagi animatsion rolikni tavsiya etamiz.


2. Grafik savodxonlikni oshiruvchi (ko'maklashuvchi):

Ushbu toifadagi animatsion roliklarni yuqoridagi kabi ikkiga ajratish o'rinli;

Ovozli animatsion roliklar

Ovozsiz animatsion roliklar

Fazoviy tasavvur va tushuncha hosil qiluvchi animatsion roliklardan farqli ularoq mazkur rolikda fazoviy holat keltirilmaydi aksincha, uning chizmada qanday tartibda hosil qilinishi ko'rsatiladi.



a)

b)

2-rasm

2-rasm (a,b)da ko'maklashuvchi ovozli animatsion rolikdan namuna keltirilgan bo'lib undagi sodir bo'layotgan jarayonni ovoz orqali bayon etilib boriladi va talaba uni xuddi kunduzgi bo'limning amaliy mashg'ulotida chizma bajarayotgandek bajaradi.

Ko'maklashuvchi ovozsiz animatsion roliklar ham ayni yuqoridagi kabi sharhlashni talab etadi. Ammo tushunchaga ega talaba jarayonni sharhsiz tushuna olishi mumkin.

Yuqorida ko'rib chiqilgan animatsion roliklarni barcha toifa va turlaridan kunduzgi bo'lim talabalari bemalol foydalana olishlari mumkin. Sirtqi bo'lim talabalari uchun esa asosan ovozli animatsion roliklardan foydalanishlari tavsiya etiladi.

Chizma geometriya fanidan sessiya oralig'i davomida talaba tomonidan bajariladigan har bir grafik ishning animatsion videoroligi, eng kamida animatsiyaning o'zini tayyorlash kerak. Biz bu vazifani o'z oldimizga asosiy maqsaq qilib olganmiz. Ushbu animatsiya sirtqi bo'lim uchun ajratilgan maxsus platformaga va internetga joylashtirilishi lozim. Har bir talaba o'z vazifasini bajarish jarayonida undan samarali foydalanishi mumkin. Bundan tashqari biz fanni masofadan o'zlashtirishga ko'makchi sifatida adabiyotlar, turli video va elektron manbaalar bilan boyitilgan telegram botni ham tavsiya etamiz. Ayni paytda ushbu telegram



botni resurslar bilan boyitish va ishlash avtomatikasini ishlab chiqmoqdamiz.

Yuqoridagi say harakatlar nafaqat sirtqi bo‘lim talabalarining balki kunduzgi shaklda o‘qiydigan talabalarining grafik savodxonligini oshirishga yordam beradi.

Sirtqi bo‘lim talabalarining sessiya oralig‘i vazifalaridagi grafik topshiriqlarni bajarishlari uchun biz tomondan tavsiya etilayotgan yondashuvlar amaliyotda o‘zining ijobiy samarasini bermoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017- yil 9- avgustdagi “Oliy ta’lim muassasalarida pedagogika yo‘nalishida maxsus sirtqi bo‘limlarni tashkil etish to‘g‘risida”gi PQ-3183-sonli qarori.

Murodov Sh.K. va boshqalar. Chizma geometriya. –T.: “TDPU” fanning ishchi dasturi, 2020

Valiyev A., Ashirboyev A., Tashimov N. Chizma geometriya fanidan talabalarining mustaqil ishini tashkil etish, nazorat qilish va baholash me‘zonlari. TDPU, 2018.

Valiyev A.N., Amirqulov X.Q., Valiyeva B.N. Maxsus sirtqi bo‘lim talabalarini o‘qitishda darajali testlardan foydalanish. –T.: «Fizika va zamonaviy astronomiya: innovatsion o‘qitishning yangi modellarini yaratish» mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. 2019 y. 245-247 betlar.

5110800 – Tasviriy san’at va muhandislik grafikasi ta’lim yo‘nalishining kunduzgi va maxsus sirtqi bo‘limlar uchun 2018- yilda tasdiqlangan ishchi o‘quv rejasi va fan ishchi dasturlari.

Valiyev A.N., Amirqulov X.Q. “Sirtqi (maxsus sirtqi) bo‘lim talabalarining grafik savodxonligini rivojlantirishda animatsion videoroliklarning o‘rni” –A.: «Tasviriy san’at va muhandislik grafikasi fanlarini boshqa fanlar bilan integratsiyalarining muammolari va yechimlari» mavzusidagi Xalqaro miqyosda ilmiy-texnik anjimanining ma’ruzalar to‘plami. 2020 y. 107-109 betlar

<https://www.lex.uz/docs/-3420313>

МАТЕМАТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ ЁНДАШУВЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.050>

Шукуров Хурсан Гадоёевич,

Бухоро муҳандислик технологиялар институти академик лицейи,
математика фани ўқитувчиси

Аннотация: Бугунги кунда таълим тизими олдида турган таълим тарбия самарадорлигини ошириши жаҳон таълим стандартлари даражасида билим бериши ҳамда таълим инновацияларини жорий этиши орқали ҳар томонлама етук ижодкор маънавий бой, касб-ҳунарли, миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол зояси руҳида тарбияланган, ўз мустақил фикрига эга баркамол шахсни камолга етказиши каби вазифаларни ҳал этишида таълим муассасаларининг педагогик жамоаси хусусан ҳар бир фан ўқитувчиси ўз педагогик фаолиятини тубдан ўзгартириши лозим. Ҳар бир дарс ўқитувчидан ўзига хос инновацияларни, яъни ижодий ёндашувни талаб қилади. Мақола дарсларни шундай талаблар асосида ташкил этишида ёрдам берадиган ноанъанавий таълим ёндашувларига бағишланган.

Таянч сўзлар: ноанъанавий, инновация, ёндашув, ҳамкорлик, дарс.

НЕТРАДИЦИОННЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ В ОБУЧЕНИИ МАТЕМАТИКЕ

Шукуров Хурсан Гадоёевич,

преподаватель математики академического лицея, Бухарского
инженерно технологического института

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.053>

*Мукумова Дилрабо Инатовна,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети доценти*

*Ярова Севара Баходир кизи,
“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети таянч
докторанти*

Аннотация. Професионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиши муаммоларида - илмий адабиётларда ва педагогик амалиётда ўрганилаётган муаммонинг қиёсий таҳлили утказилиб, «професионал педагогик фаолият», «професионал фаолиятга тайёрлик» тушунчаларининг моҳияти ва тузилиши компетенция парадигмаси контекстида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар. Инновацион ҳамкорлик, професионал креативлик, методик таъминот, индивидуал таълим траекториялари, эҳтиёжлар, компетенция, бошқарув, ҳалқаро тажриба, концепция.

**ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО
ИННОВАЦИОННОМУ СОТРУДНИЧЕСТВУ**

*Мукумова Дилрабо Инатовна,
Национальный исследовательский университет «Ташкентский
институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»,
доцент*

*Ярова Севара Баходир кизи,
Национальный исследовательский университет «Ташкентский
институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»
докторант*

Аннотация. В проблематике организации инновационной совместной деятельности при подготовке педагогов профессионального образования - проведен сравнительный анализ проблемы, изученной в научной литературе и педагогической практике, проанализированы сущность и структура понятий «профессиональная педагогическая деятельность», «подготовка к профессиональной деятельности» в контексте парадигмы компетентности.

Ключевые слова. Инновационное сотрудничество, профессиональное творчество, методическое обеспечение, обучение личности, ресурсы, компетентность, менеджмент, международный опыт, концепция.

**PROBLEMS OF ORGANIZING INNOVATIVE COOPERATION
ACTIVITIES**

*Mukumova Dilrabo Inatovna
National Research University «Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Mechanization Engineers», Associate Professor*

*Yarova Sevara Bahodir kizi National
Research University «Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural
Mechanization Engineers» doctoral student*

Annotation. In the problems of the organization of innovative joint activities in the training of teachers of vocational education, a comparative analysis of the problem studied in the scientific literature and pedagogical practice is carried out, the essence and structure of the concepts of «professional pedagogical activity», «preparation for professional activity» in the context of the competence paradigm



are analyzed.

Keywords. Innovative cooperation, professional creativity, methodological support, personal training, resources, competence, management, international experience, concept.

Ўзбекистонда халқаро таълим стандартлари асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш” каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ошириш билан бир қаторда, олий профессионал таълим соҳасида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг инновацион ҳамкорлик фаолиятини ривожлантириш заруратини юзага келтиради.

- бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион ҳамкорликни ташкил этишнинг методик таъминотини яратишда таълим муассасаси Низомида кўзда тутилган барча зарурий шароитларни ўрганган ҳолда ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш;

- кадрларни тасдиқланган ўқув режа ва дастурларига мувофиқ давлат таълим стандартлари талаблари даражасида хомий ташкилотлар тавсияларини эътиборга олган ҳолда бўлажак касб таълим ўқитувчилари учун йўриқнома яратиш;

- бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион таълим методикасини яратиш мақсадида йўналтирилган намунавий истиқболли режалар ишлаб чиқиш;

- бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион ҳамкорликни ташкил этиш мақсадида корхоналарнинг илмий – техник ва технологик муаммолари асосида портал шакллантириш;

- бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион ҳамкорликни ташкил этишнинг методик таъминотини ташкил этишда талабаларга ўқув дастурларига қўшимча равишда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва унинг тасарруфидаги таълим муассасалари етук мутахассислари томонидан соҳада олиб борилаётган ислохатлар, мавжуд муаммолар, эришилаётган ютуқлар, илғор техника ва технологиялар ҳамда стратегик йўналишларга бағишлаб ўқиладиган маъруза ва давра суҳбатларини ташкил этиш режасини ишлаб чиқиш;

- бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион ҳамкорликни ташкил этишда соҳасига фидойий ва юқори сифат даражасида дарс бераётган ҳамда тадқиқотлар бажараётган профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли ҳамда жамоат ишларида фаол бўлган талабалар билан ишлаш ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш;

- бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион ҳамкорликни ташкил этишнинг методик таъминотини ташкил этишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш ва такомиллаштиришда “Устоз шогирд тизими” фаолиятини ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишлари доирасида иқтидорли талабаларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш бўйича ишланмалар яратиш;

Ҳозирги замон шароитида кўп босқичли профессионал таълими тизими мутахассисларни тайёрлашни, шахс ва жамиятнинг таълимий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш, касбий тайёрлашни дифференциялаштиришни оптималлаштиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Узлуксиз касбга тайёрлашнинг энг асосий ўзига хослиги изчиллик тамойилига амал қилиш, таълим мақсадларига эришишда анъаналарга таяниш ҳисобланади.

Айни пайтда илмий техник тараққиётнинг инновацион ривожланиши,

билимларнинг тезлик билан янгиланиши бўлажак профессионал таълим мутахассисларнинг замонавий шароитларга тез мослашиши ҳамда ўқув-билиш мотивларини эгаллашларига интилишини талаб этади. Бу эса бўлажак мутахассисларни мустақил изланишга, касбий муаммоларни мустақил ечиш, унга ижодий ёндошишга ўргатиш, шу билан бирга назария ва амалиёт бирлиги асосида ишлаб чиқариш жараёнидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш ларидаги фаолликни заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда фаол, изланувчан, интеллектуал, бошқарувчанлик қобилиятига эга, касбий маданиятли, рақобатбардош, креатив фикрловчи мутахассисларни тайёрлаш жараёни узлуксиз таълим тизимининг энг асосий вазифаларидан бўлиб, бунда олий таълим муассасаларида бўлажак профессионал таълим мутахассисларини ва ишлаб чиқариш ходимларини дуал таълим тизими асосида касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Шу жумладан, мамлакатимизда таълим тизимини модернизациялашга, жумладан, олий таълимни модернизациялашга қаратилган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида кўрсатилган вазифаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди. Кадрлар бунортмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилди.

2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди. Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Республиканинг 16 та олий таълим муассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биофизика ва биокимё институти, Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Сўнгги 3 йилда олий таълим муассасаларининг 1 611 нафар профессор-ўқитувчиси хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўташи ва малака ошириши таъминланди. Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий олий таълим ва илмий муассасалар магистратура мутахассислигига 112 нафар, докторантурасига 51 нафар ёшлар таълим олишга қабул қилинди.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали 46 нафар профессор-ўқитувчининг Канада, Буюк Британия ва Италия давлатларида стажировка ўташи таъминланди.

2017 - 2019 йилларда таълим жараёнига 1 154 нафар хорижлик юкори малакали педагог ходим ва олим жалб этилди (АҚШдан 94 нафар, Европа мамлакатларидан 445 нафар, Осиё мамлакатларидан 299 нафар, МДХ мамлакатларидан 316 нафар).

Амалга оширилган ва амалга оширишни режалаштирилган барча ишлар қаторида профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш муаммоларини ўрганиб чиқиб чора-тадбирлар режасини яратиш - ҳозирги вақтда бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган таълим мазмуни ва технологиясида инновациялар кенг жорий этишни талаб қилади.

Бунга муштарак равишда, профессионал таълим тизимида тегишли таълим дастурлари жорий этилган касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлардан иборат профессионал таълим муассасалари тармоғи яратилди.

Унга биноан, касб-хунар мактабларида:

- мактабларнинг 9-синф битирувчиларига 2 йиллик кундузги таълим берилиши, ўқувчилар Давлат бюджети ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ойлик стипендия ҳамда уч маҳал овқат билан таъминланиши;

коллежларда:

- камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахсларга касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида таълим берилиши;

техникумларда:

-умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахсларга касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асо-сида таълим берилиши, битирувчилар ўз соҳасига мос бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилди.

Пировардида мазкур йўналишларда таҳсил олаётганлар нафақат зарур билимларни ўзлаштиришяпти, муносиб касб эгаси бўлишга интилмоқда, балки улар бошқаларга ҳам ўрнак бўлган ҳолда, жамиятга ўзларидаги кўникма ва тажрибани уйғунлаштирган интеллектуал капитал билан кириб боришлари учун мустақкам замин яратилди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, профессионал таълим соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнига инновацион ҳамкорликни жадал суръатларда татбиқ этишни назарда тутати.

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион ҳамкорликни ташкил этишнинг методик таъминотини такомиллаштириш масаласининг яна бир долзарблиги шундаки, Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида манфаатли ҳамкорликнинг ривожланмаганлиги туфайли, олий таълим муассасаларида мутахассисликлар бўйича тайёрланаётган айрим битирувчилар ўзларига иш ўрни топа олмай бутунлай бошқа соҳаларда ишлаши ва жойларда ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналарида, замонавий касбий билим, кўникма ва малакага эга бўлган мутахассислар камчиликни ташкил этиши ва уларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб боришидир. Бу каби муаммоларни ҳал этишда олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларни янада фаоллаштиришни талаб этади. Бундай муносабатлар олий таълим муассасалари билан корхоналар, иш берувчилар ва меҳнат органлари ўртасида (яъни таълим муассасалари маҳсулотининг барча истеъмолчилари билан) ўрнатилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

Зайниддин Худойбердиев “Халқ сўзи” газетаси.14 Декабрь 2020 й.

А.Набиев. Янги авлод дарсликларини яратишда таълим методларини уйғунлаштиришнинг долзарблиги (“Материаллар қаршилиги” ва “Техник механика” фанлари мисолида). Kasb-hunar ta’limi No1, 2020.

МЕТОДОЛОГИЯ ПОВЫШЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ И ИНФОРМАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧА-ПЕДАГОГА

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.054>

Исканджанова Феруза Камолдиновна,
Преподаватель кафедры «Педагогика и психология»
Ташкентская медицинская академия

Аннотация: Профессиональная компетентность - это способность человека выполнять профессиональные обязанности. Профессионализм складывается из множества профессиональных компетенций. Компетенция включает в себя способность использовать эти навыки на основе своих знаний, навыков и способностей. Залогом успеха любого врача-педагога в сфере профессиональной деятельности в контексте углубления содержания педагогических и информационных технологий является подход к методическому совершенствованию своей профессиональной, педагогической и информационной компетентности.

Ключевые слова: информационная компетентность, совершенствование, педагогическая технология, профессиональная деятельность.

ШИФОКОР-ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Исканджанова Феруза Камолдиновна,
Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси
Тошкент Тиббиёт Академияси

Аннотация: Касбий компетенция - бу шахсининг касбий вазифаларни бажариши қобилияти. Касбийлик кўплаб professional компетенциялардан иборат. Компетенция ўз билим, кўникма ва малакаларига қараб ушбу кўникмалардан фойдаланиши қобилиятини ўз ичига олади. Педагогик ва ахборот технологиялари мазмунини чуқурлаштириши шароитида ҳар қандай шифокор-ўқитувчининг касбий фаолият соҳасидаги муваффақиятининг калити унинг касбий, педагогик ва ахборот компетенциясини услубий жиҳатдан такомиллаштиришига ёндашувдир.

Калит сўзлар: ахборот компетенцияси, такомиллаштириши, педагогик технология, касбий фаолият.

METHODOLOGY FOR IMPROVING THE PROFESSIONAL-PEDAGOGICAL AND INFORMATIONAL COMPETENCE OF A DOCTOR-TEACHER

Iskandjanova Feruza Kamoldinovna,
Teacher of the Department of Pedagogy and Psychology
Tashkent Medical Academy

Abstract. Professional competence is a person's ability to perform professional duties. Professionalism is made up of many professional competencies. Competence includes the ability to use these skills depending on their knowledge, skills and abilities. In the context of deepening the content of pedagogical and information technologies, the key to the success of any doctor-teacher in the field of professional activity is an approach to the methodological improvement of his professional, pedagogical and information competence.

Key words: competence, professional competence, information competence,

classification, concepts.

В мировой системе медицинского образования внедрены эффективные механизмы повышения профессиональной, педагогической и информационной компетентности врачей в образовательный процесс. Проводятся исследования по развитию базовых и научных компетенций медицинских учебных заведений мира, по совершенствованию методики совмещения содержания медицинского образования с научными достижениями, по овладению педагогическими навыками врачей, по оценке уровня медицинского образования.

В медицине особое значение имеет исследование модели повышения профессионально-педагогической и информационной компетентности врачей, диагностика методологического совершенствования компетенций, ориентация медицинских педагогов на деятельность по алгоритмическому информационному обмену.

Реализуется Концепция, включающая комплексные меры по совершенствованию системы медицинского образования в стране до 2030 года, учебные планы основаны на государственных образовательных стандартах на основе подхода профессионально-педагогической и информационной компетентности медицинского образования, основы повышения качества медицинского образования. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи повышения качества общего среднего образования, углубленного изучения других важных и востребованных предметов, таких как химия и биология. Методическое обеспечение будущего процесса медицинского образования, необходимые педагогам-медикам, расширяет возможности поиска и реализации оптимальных решений для их овладения.

Исходя из требований сегодняшнего дня, можно сказать что, в существующей литературе полным образом не раскрывается профессионально-педагогическая и информационная компетентность врача в профессиональном образовании. Данная проблема свидетельствует о методологической необходимости уделять особое внимание повышению профессиональной, педагогической и информационной компетентности врачей.

Компетентный подход к процессу медицинского образования реализован в разных странах, в частности, в Узбекистане на основе компетентностного подхода разработаны и реализованы меры по совершенствованию государственных образовательных стандартов высшего медицинского образования, созданы учебники, учебные пособия.

Профессиональная компетентность - это способность человека выполнять профессиональные обязанности. Профессионализм складывается из множества профессиональных компетенций. Компетенция включает способность использовать эти навыки в зависимости от знаний, умений и способностей.

Различают несколько видов профессиональной компетентности - компетентность в профессиональной деятельности, компетентность в профессиональном общении, компетентность в способности специалиста выражать свою личность.

Компетенции в профессиональной деятельности и ее виды:

особая компетентность (знание своего дела); технологическая компетентность; субъективная компетентность; профессиональная компетентность (знание профессий); правовая дееспособность; экономическая компетентность и др.

Компетентность в профессиональном общении и ее виды:

коммуникативная компетентность (способность к сотрудничеству);

социально-перцептивная компетентность (способность понимать других людей); дифференциально-психологическая компетентность; диагностическая компетентность (способность изучать других); моральная компетентность; эмпатическая компетентность; межкультурная, социокультурная компетентность (толерантность к другим культурам); компетентность в конфликтных ситуациях и др.

Компетентность в формировании личности специалиста и ее типы:

психологическая компетентность (способность учиться у других); индивидуальная, аутопсихологическая компетентность (способность к самообучению); культурная компетентность (принятие культурных норм, принятых в обществе, и ассимиляция как стандарт для себя); рефлексивная компетентность и др.

При повышении профессионально-педагогической компетентности будущих учителей-медиков мы сосредоточимся на следующих компетенциях:

1) социально-личностные компетенции: компетенции, относящиеся к студентам как личности, деятельности; социальные компетенции, определяющие отношения с другими людьми, коллегами; компетенции, связанные с медицинским образованием, умение самостоятельно укреплять свои знания, стремиться к саморазвитию;

2) профессионально-педагогические компетенции:

- информационные компетенции, связанные с получением и обработкой необходимой информации в постоянно меняющемся обществе;

- Будущий учитель-медик играет важную роль не только в существующих социокультурных условиях, но и в образовательном, научном развитии, основанном на факторах медицинской культуры, которые полезны при выполнении профессиональных и педагогических задач в данной области. независимого медицинского образования.

Общекультурные компетенции:

- Педагогические компетенции (организационные, управленческие, диагностические, дидактические, математические, методические, психологические, педагогические, конструктивные и др.), позволяющие будущим учителям-медикам эффективно организовать учебный процесс педагогической и дидактической компетенции. Следует отметить, что в области научной компетенции, на наш взгляд, важную роль играют медико-методологические компетенции, в том числе стимулирующие, содержательные, процессные, информационные, исследовательские компетенции. В частности, исследовательская компетенция позволяет вести исследовательскую деятельность в духе товарищества, формировать у будущих студентов-медиков склонность к педагогическим навыкам;

3) специальные компетенции (или профессионально-функциональные компетенции) профессионально-педагогические компетенции определены и стабилизированы. В их число входят компетенции, позволяющие регулировать учебный процесс и вносить в него коррективы. Эти компетенции составляют основу интегративной компетенции.

Во-первых, усовершенствовать методику работы с медико-педагогической и информационной компетентностью врачей в медицине;

во-вторых, определить этапы повышения педагогического потенциала медицинских работников образования по работе с информацией на основе интерпретации информации в виде текста, изображений, звуков и чисел;

в-третьих, повышение дидактического потенциала преподавания в медицинском образовании на основе постепенной ориентации врачей на активную и алгоритмическую деятельность по обмену информацией;

в-четвертых, разработка методологической модели компетенции врачей

по работе с информацией;

В-пятых, важно улучшить подготовку врачей по медицинскому образованию на основе аналитической и синтетической обработки учебной информации, создания имитаций, интерпретации учебных материалов.

В заключение следует отметить уровень профессионально-педагогического и методического совершенствования врачей в области базовой медицины и механизмы повышения компетентности по работе с информацией. Определены дидактические возможности методического совершенствования профессионально-педагогической и информационной компетентности, улучшенные на основе поэтапной направленности медико-педагогической и алгоритмической деятельности по обмену информацией, модели методического совершенствования профессионально-педагогической и информационной компетентности врачей медицины, аналитико-синтетической обработки учебной информации; на основе интерпретации материалов.

Использованная литература

1. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: пед.ф. доктори даражасини олиш учун диссертация. – Тошкент, 2007. – 337 бет.

2. Сайидахмедов Н.С. Теория и практика подготовки студентов педвуза к руководству общественно полезным производительным школьников: Дисс. докт.пед.наук. –Т.:1992. – 406 с.

3. Сериков В.В. Образование и личность: Теория и практика проектирования педагогических систем. – Москва: Логос, 1999. – 271 с. 91.

4. Смирнова Е.Э. Формирование модели специалиста высшим образованием. –Томск, 1984.-132 с. 92.

5. Iskandjanova F. K., Allaberdieva S. THE ROLE OF GROUP INTERPERSONAL RELATIONS IN SOCIAL PERSONALITY //Ученый XXI века. – 2016. – №. 6-3. – С. 56-58.

6. Исканджанова Ф.К., Абдуллаева Д. ЗНАЧЕНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ОБЩЕНИЯ В СТАНОВЛЕНИИ ЛИЧНОСТИ ПРОФЕССИОНАЛА //Ученый XXI века. – 2016. – С. 51.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.055>

Исмаилова Зухра Карабаевна,

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети, профессори,
п.ф.д

Маматалиев Абдакаим Маматалиевич,
Ангрен шаҳар 1- сонли Касб-хунар мактаби директори

Аннотация. Халқаро меҳнат бозори талаблари, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви, рақамлаштириши, саноатдаги технологик инқилоблар даврида замон талабларига мос кўникма ва малакаларга эга рақобатбардош ўрта бўгин мутахассисларини тайёрлашни, касб-хунар таълими соҳасида янги тизимни – халқаро андозаларга мос профессионал таълим тизимини талаб қилди. Айниқса олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини янада ошириши ҳамда нутқ маданияти, ижодий саводхонликка катта эътибор берилиши лозим.

Калит сўзлар: таълим траекториялари, саводхонлик, педагогик маҳорат, креативлик, педагогик қобилият

НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО МАСТЕРСТВА УЧИТЕЛЕЙ

Исмаилова Зухра Карабаевна,

профессор Национального исследовательского университета
«Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского
хозяйства», доктор педагогических наук

Маматалиев Абдакаим Маматалиевич,
директор 1-й Профессиональной школы города Ангрен

Аннотация. Требования международного рынка труда, интенсификация интеграционных процессов, цифровизация, подготовка конкурентоспособных специалистов среднего класса с современными навыками и квалификацией в эпоху технологических революций в отрасли, новая система в области профессионального образования - система профессионального образования, соответствующая международным стандартам. В частности, необходимо и дальше повышать педагогическое мастерство преподавателей профессорско-преподавательского состава, работающих в высших учебных заведениях, и уделять большое внимание культуре речи, творческой грамотности.

Ключевые слова: образовательные тренинги, грамотность, педагогические навыки, креативность, педагогические способности

SCIENTIFIC FOUNDATIONS FOR IMPROVING THE PEDAGOGICAL SKILLS OF TEACHERS

Ismailova Zukhra Karabaevna

Professor of the National Research University «Tashkent Institute of
Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers», Doctor of Pedagogical
Sciences

Mamataliev Abdakim Mamatalievich
Director of the 1st Professional School of the city of Angren

Abstract. Requirements of the international labor market, intensification of integration processes, digitalization, training of competitive middle-class specialists with modern skills and qualifications in the era of technological revolutions in the



industry, a new system in the field of vocational education - a system of vocational education that meets international standards. In particular, it is necessary to further improve the pedagogical skills of teachers of the teaching staff working in higher educational institutions, and pay great attention to the culture of speech, creative literacy.

Keywords: educational trainings, literacy, pedagogical skills, creativity, pedagogical abilities.

Президентимиз томонидан соҳада туб ислохотларни амалга ошириш ва замонавий профессионал таълим тизимини барпо этишнинг мақсад ва устувор вазифалари, бир сўз билан айтганда, соҳанинг янги миссияси белгилаб берилди. Шу маънода 2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги” Қарорида бир қанча масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, шулардан:

- индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш;

- талабалар билिमини баҳолаш тизим технологияларини такомиллаштириб бориш ва ҳолсоналигини таъминлаш, жумладан баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шакллари ривожлантириб бориш, шунингдек профессор ўқитувчиларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги педагогик маҳорат кўникмалари ва нутқ саводхонлигини ошириш масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

«Маҳорат» сўзи арабча бўлиб, ўзаги моҳир деган сўздан. У эса эпчиллик, моҳирлик, уздабуронлик деган маъноларни аңлатади. Буни барча соҳа ва жабҳа кишиларига нисбатан қўллаш мумкин. Ўз ишининг устаси бирикмаси ҳам айнан шундан. Ҳар бир соҳанинг маҳоратли ходимлари бўлиб, уларда касбий маҳорат нуктаи назаридан яратувчанлик, илмий термин билан айтганда, креативлик, инноваторлик хусусиятлари устун туради. Бундай инсонлар мамлакат тараққиётига ўз соҳаси нуктаи назаридан муносиб ҳисса қўша оладилар. Турли соҳа, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият юритадиган инноватор инсонлар ўз касбининг устасидирлар. Шунинг учун ҳам касбий маҳорат тушунчаси кенг қамровлидир. Ҳунарманд, меъмор, рассом, ҳайкалтарош, дурадгор, наққош кўйингки, барча касбларнинг усталари ўз соҳаси ривожига ҳисса қўша оладилар. Касбий маҳоратнинг узвий бир бўлаги, қайси соҳа ёки қайси йўналиш бўлмасин, барчасини умумлаштирадиган ўзига боғлаб турадиган жамиятнинг ўзаги ва ўзани бу педагогик маҳоратдир. Давлат ва жамият ривожланишининг асосини таъминловчи таълим ва тарбияга бевосита дахлдор педагогларга нисбатан олинганда эса, бу улкан аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам таълим тизимида алоҳида фан сифатида эътироф этиладигани бу педагогик маҳоратдир.» Педагогик маҳорат» тушунчаси ўтган асрнинг 80-90-йилларида илмий-назарий ва педагогик жиҳатдан асосланиб, олий таълим муассасаларида мустақил фан сифатида ўқитила бошлаган. Кейинчалик, «Педагогик технология» фани таркибига сингдириб юборилган.

Худди шу йўсинда профессор Б.Скиннернинг «Таълим технологияси – бу педагогик тажрибада психология ютуқларини қўллашдир» деган мулоҳазаси келтирилади. Булар бир-бирини инкор этмайди, балки ўзаро тўлдиришга, бойитишга хизмат қилади. Буларнинг асосида когнитивлик, эффе́ктивлик, когнитив мақсад ётишини изоҳлашади ва қуйидаги олтига хусусиятни таркибий қисм сифатида кўрсатишади.

1. Билим.

2. Тушуниш.
3. Илова.
4. Анализ.
5. Синтез.
6. Баҳолаш.

Эътибор қилинадиган бўлса, булар педагогик фаолиятнинг моҳиятини белгиловчи босқичлардир. Муҳими, фаолиятда, доимий изланишда бўлган педагогнинг тажрибаси, кўникмаси тобора ошиб боради. Фаолиятнинг икки қаноти бор бўлиб булар ташаббускорлик ва ташкилотчиликдир. Бу ҳаракат эса педагогнинг креатив жиҳатларини, ижодкорлик маҳоратини тобора ошиб боришига хизмат қилади. Фаолият – тараққиёт таъминоти.

1. Дарс бериш маҳорати. 2. Тарбиялаш маҳорати.

Ана шу ҳар иккала асос педагогнинг маҳоратини белгиловчи муҳим омиллардандир. Тўғри, бу ўринда ўқувчи билимини холис ва аниқ баҳолай олиш иқтидорини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак.

«Педагогик маҳорат» фанининг вазифалари «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларида ҳам муфассал белгилаб берилган. Педагогнинг замон билан ҳамнафаслиги, янги ғоя ва ташаббуслар билан ҳамқадам бўлиши, ижодий интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши, ҳар дамда ўз устида ишлаши талаб этилади. Маълумки, илғор жамият фуқаросининг, хусусан ўқитувчининг маънавий бойлиги унинг кенг дунёқарashi, теран фикрлаш лаёқати, саводхонлиги, юксак инсоний фазилатларга бойлиги билан баҳоланади. «Барча иллатларнинг илдизи илмсизликдандир». Юнон файласуфи Сукротнинг бу фикри ёш авлоднинг юксак билим ва тафаккур соҳиби бўлиши учун барчамизнинг масъулигимизни англади.

Дарс бериш маҳорати ўқувчи диққатини жалб этиш ва эътибори ҳамда эҳтиромини қозониш билан белгиланаркан, у ушбу жиҳатларда намоён бўлади: Касбий лаёқат ва эрудитсия, психологик-педагогик тайёргарлик, таълим олувчиларни мустақил фикрлаш ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаганлик, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар, фанлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати, риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш. Билимдонлик – педагог учун шарт бўлган фазилат. Унинг вазифаси ўсиб келаётган авлодга инсоният томонидан тўпланган илм хазиналарини очиб беришдир.

Фанга тегишли мавзу ва маълумотларнинг қабул қилинишида, ўқувчининг тез ва соз ўзлаштиришидаги муҳим омил бу педагогнинг нутқидир. Мутахассислар берган маълумотга қараганда ўқувчилар томонидан 1/2 фоиз ўқув материални тафаккур орқали идрок қилиш ва ўзлаштириш ўқитувчининг аниқ нутқи ва тиниқ талаффузига боғлиқ экан. Педагог товуш диапазони, тембри билан боғлаб қўлласа, сўзлари мафтункор, гаплари ёқимли ва чиройли бўлиш асносида ўқувчи, талабаларни бир зумда ўзига ром этади, бу эса мавзу мазмунини теранроқ идрок этилишига имкон яратади. Талаффузи, нутқи аниқ бўлган педагогнинг тафаккури ҳам тиниқ бўлади. Маълумки, ифодали гапиришда тил, лаб, кичик тилча, пастки жағ иштирок этади. Ўқитувчи шуларга асосланиб нутқ темпи, диққатси, товуш оҳанглари баланд, ўрта, паст қила олиш, овоз кучи, ритмикаси, диапазони устида тинимсиз машқ қилиш керак. Бу бадантарбия сингари доимий тарзда бўлиши шарт. Нутқ кўникмалари малака ҳосил қилингунга қадар мунтазам равишда машқий машғулотлар билан бўлса, машаққатли довондан ошиш мумкин. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг тафаккур тарзига, мушоада юритиш қобилиятига, касбий йўналишига, бошқача айтганда, касбий устахонасига эга бўлиши керак.

Демак, педагогик техника ўқитувчининг фаолиятидаги касбий ва шахсий малакаларининг йиғиндисидир. Педагогик техника услубларини

ҳамда воситаларини тўла билиб фаолиятида тўғри қўллай оладиган педагог маҳоратлидир. Моҳият эътибори билан педагогик техника воситалари нутқ ва оғзаки бўлмаган мулоқот жараёнида ишлатиладиган воситалардир. Буларни вербал ва новербал воситалар ҳам дейиш мумкин.

Ёш ўқитувчиларнинг педагогик техникага амал қилишдаги энг катта нуқсонлари ҳам нутқни раван ифода эта олмаслик, ўқувчи, талабанинг ўзи ёхуд ота-оналари билан самимий, сидқидилдан гаплаша олмаслик, дарс жараёнларида жуда тез гапириш, монотон, яъни бир хил оҳангда сўзлаш, нутқнинг зерикарли бўлиши, сўзларни аниқ талаффуз қилолмаслик, товушларни ямлаш каби ҳолатларда кўзга ташланади.

Педагогнинг таълим-тарбия жараёнида, мулоқот пайтларида тил воситаларини истифода этиши ўқитувчи нутқи дейилади. Нутқнинг асосан учта шакли бўлиб, улардан ўз ўрни билан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Булар монолог, диалог ва полилог шакллари дир. Монолог педагогнинг ўзига ёки ўқувчиларга қаратилган бўлади. Унинг ички ва ташқи монолог тарзида бўлиши кузатилади. Овоз чиқармасдан хаёлий тарзда лаб пичирлатиш орқали бўлиши ички монолог, ўзи ва ўзгаларнинг эшитиши орқали бўлса, бу ташқи монологдир.

Мухими, ўқитувчи педагогик таъсир жараёнида қай бири қулай бўлса ўша нутқ шаклидан фойдаланиши мумкин. Педагогик жараёнда ўқувчининг диққат-эътиборини тортадиган ва унга таъсир ўтказадиган муҳим омил ўқитувчининг овозидир. Овоз жозибаси товуш ва сўзларни аниқ ва тиниқ талаффуз қилиш билан белгиланади. Ўткир нафас ва ўктам овоз соҳиблари тингловчини бефарқ қолдирмайди. Ўқитувчи овозининг кучли, ёқимли ва ширадор бўлиши маълумотни ўқувчи томонидан тез ва таъсирли қабул қилинишига замин ҳозирлайди.

Илмий манбаларда педагог овозига хос хусусиятлар, талаблар қайд этилан. Жумладан, товушнинг софлиги ва тембрнинг ёрқинлигига хос бўлган жарангдорлик, овознинг энг пастликдан энг юқорисигача бўлган даражаси, кенг диапазонлик, эркин гапирганда қулоққа яхши эшитувчанлик, яъни ҳаводорлик, узоқ ишлаш қобилиятига эга – чидамлилиқ, динамика, тембр, оҳангдорликнинг турли шароитга мослашувчанлиги сингари жиҳатлар овозга хос талаблардир. Тафаккурдаги аниқлик каби талаффуздаги тиниқлик ҳам аҳамиятли. Кўпгина таълим муассасаларида дарс берувчи ўқитувчи ва мураббийлар турли вилоят вакиллари бўлгани боис шевада гапиришади. Бу уларнинг қўллайдиган шева сўзларидагина эмас, балки айрим товушларнинг талаффузида ҳам яққол сезилади. Бундай ҳолатлар ўқувчи ёки талаба қулоғига ғалати эшитилади, уларда англашилмовчиликни пайдо қилиб қулги кўзгатади. Бу адабий тил меъёрларини чуқур билиш ва амал қилиш заруратини билдиради. Товушларнинг аниқ талаффуз қилинишини шакллантириш ва такомиллаштириш артикулятсия гимнастикаси орқали амалга оширилади.

Демак, сўз билан оғзаки таъсир қилишда ўқитувчи нутқи ниҳоятда мухтасар, раван ва мулойим бўлиши, интонатсиялар ўз ўрнида ишлатилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

N.Mahmudov. O'qituvchi nutqi madaniyati. T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2009.

R.Qo'ng'urov va b. Nutq madaniyati va uslubiyot asoslari. T., "O'qituvchi", 1992.

A.G'ulomov, B.Qobilova. Nutq o'stirish mashg'ulotlari. T., "O'qituvchi", 1995.



устида олиб борилаётган тадбирлар асносида илм, фан, маърифат ва таълим соҳасини янада ривожлантириш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Айни кунда, улардан айримлари таълим соҳасининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги 637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонунини таълим тизимининг таянчи бўлиб хизмат қилмоқда десак муболаға бўлмайди.

Технологик таълим йўналишида эса компетенциявий ёндашиш талабаларнинг ижодий қобилиятларини такомиллаштириш жараёнида бир қатор компонентцияларни (гностик, конструктив, лойихавий, ишлаб чиқариш технологик) ривожлантиришда замонавий дидактик воситалардан фойдаланиш, касбий сифатларини ривожлантиришнинг интенсив технологияларини самарадорлигини ошириш, касбий йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб боришга имкон яратади. Шу ўринда, республикада компетенция асосида таълим олувчиларнинг касбий фаолият ва сифатларини шакллантиришга қаратилган ахборот-таълим муҳити жорий этилмоқда, касбий фаолиятни ривожлантиришни таъминловчи моддий-техник база, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бу бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда компетенциявий ёндашув асосида уларнинг ижодий қобилиятларини такомиллаштириш ва шакллантириш методларини ҳамда воситаларини ривожлантиришга, жорий этишга шароит яратади.

Шунга қарамадан, замонавий талабаларга жавоб берадиган техника олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетенцияларни фанлараро интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш, талабаларда олий таълим муассасасида психологик-педагогик ва муҳандислик тайёргарлик жараёнида олинган назарий билимлар ўртасидаги фарқ ва уларни амалиётда қўллаш тажрибаси асносида шубҳасиз касбий фаолият самарадорлигига таъсир қилади. Бизнинг фикримизча, компетенциявий таълимнинг яширин муаммолари ДТСдаги компетенцияларнинг кўплиги ва бўлинишини ўз ичига олади.

Юқорида таъкидланганидек, педагогик ва муҳандислик таълим соҳасидаги таълимнинг турли соҳаларида ДТСнинг компетенциялари рўйхатини таҳлил қилиш ҳар бир стандартда касбий фаолият ва касбий мулоқот соҳаларига тегишли бўлиши мумкин бўлган бир нечта компетенция сифатларини белгилаб олишга имкон берди. Биз ушбу аниқлаштирилган сифатлардан компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш орқали бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашга қаратамиз. Бу эса талабалар ўқув жараёнида касбий компетенциялардан мустақил фойдаланиб, ижодий ёндашиш орқали фанлараро интегратив, такомиллаштирилган ва тегишли компетенция асосидаги методларни самарали қўллаб, ўқув жараёнида талаба эришиш керак бўлган яхлит натижаларни беради.

Кўрсатилган тенденциялар асосида компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг ижодий қобилиятларини такомиллаштириш орқали бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммосини ўрганишда олий таълим тизимини модернизациялаштиришнинг мазмуни, таркибий-функционал ва технологик жиҳатлари бўйича янги даражадаги илмий тадқиқотларини таъминлайдиган илмий-амалий позициялар, ёндашув ва қарашларни бирлаштирувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда талабаларнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилар эканмиз, биз, юқорида келтириб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847

сонли ҳамда 29.10.2020 йилдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097 сонли фармонларини олсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу фармонда бутун таълим тизимида ислоҳ қилинаётган жараёнларга асосан талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятида янги томонга бурилишлар назарда тутилган ҳамда бугунги кунда босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Мисол тариқасида ушбу Концепциядан қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш каби бир қатор амалга оширилиши лозим бўлган жараёнларни санаб ўтиш жоиздир. Зеро, ушбу Концепция ҳозирги кунда таълим тизимидаги таъсил олаётган ёшларга яратилаётган имкониятлар бисёрдир.

хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, талаба-ёшларнинг академик фаолияти, муаммолари ва турмуш тарзи, ўқув жараёни ҳамда яратилган шароитлар бўйича талабалар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида улар ўртасида ҳар йили республика миқёсида миллий сўров

ўтказиш;

олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, юрт ривожига ҳисса қўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузилмага оид қулайликлар яратиб бериш;

юқори малакали профессор-ўқитувчилар, олимларни таълим жараёнига жалб қилишнинг самарали механизмларини яратиш, муайян кўрсаткичлар асосида уларнинг фаолиятини баҳолаш тизимини ривожлантириш;

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси талабанинг ўз устида ишлашга, таълим жараёнида таълимдан ажралмаган ҳолда ижодий ёки касбий маҳоратини оширишга қаратилган имкоғиятлар келтириб ўтилган. Айти вақтда олиб бораётган тадқиқотимиз муҳандисларни етиштириб чиқаришга қаратилган экан, уларга бириктирилган ўқув фанлари блокига асосан мутахассислик фанларини ўзлаштиришда янги тизимдан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Бундан кўринадики, талабага ижодий фаолиятини, касбий кўникмасини олий таълим тизимидан ажралмаган ҳолда кенгайтириши, янгилик яратиши, қўшимча турдош соҳаларни ҳам дунё миқёсида қамраб олиши мумкин бўлади.

Демак, юртимизда олиб борилаётган таълим тизимидаши чора-тадбирлар натижасидаги ислохотлар талабаларнинг ижодий қобилиятининг такомиллаштиришнинг мавжуд ҳолати таҳлил қилишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг 23.09.2020 йилдаги 637-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. www.lex.uz.

Ш.М.Мирзиёев. Қонун устворлилиги ва манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.-Т.:Ўзбекистон, 2017.-48 бет..

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.03.2020 йилдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта уствор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.02.2020 йилдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623 сонли қарори;Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.09.2019 йилдаги “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5812 сонли фармони;Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2020 йилдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-6097 сонли фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2829 сонли қарори;

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.057>

*Рахимов Октябрь Дусткабилович,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Экология ва меҳнат
муҳофазаси” кафедраси профессори*

*Эшмухамедов Латиф Махмаюсуфович,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Экология ва меҳнат
муҳофазаси” кафедраси ассистенти*

*Ашурова Лайло,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти “Экология ва меҳнат
муҳофазаси” кафедраси ассистенти*

Аннотация: Мақолада олий таълим тизимида рақамли технологиялардан фойдаланишининг аҳамияти ва зарурияти асосланган, кредит-модуль тизимида мустақил таълимни ташкил этишининг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган. Мустақил таълимни ташкил этишида телекоммуникация ўқув лойиҳаларидан фойдаланиш бўйича лойиҳа мазмуни ёритилган. Телекоммуникация ўқув лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, унинг турлари, телекоммуникация лойиҳаларини самарали ташкил этиш йўллари ва босқичлари ҳамда ташқи баҳолашни ташкил этиш методикаси очиб берилган. Ўзбекистон олий таълим тизими учун яратилиши лойиҳаланаётган телекоммуникация ўқув лойиҳасининг хорижий аналоглардан фарқ қиладиган мезонлари ва лойиҳани амалда қўллаш натижасида эришиладиган натижалар келтирилган.

Таянч сўзлар ва иборалар: рақамли технология, кредит тизими, мустақил таълим, телекоммуникация, баҳолаш, халқаро, индикатор.

**ТЕХНОЛОГИЯ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

*Рахимов Октябрь Дусткабилович,
Қаршинский инженерно-экономический институт,
профессор кафедры экологии и охраны труда*

*Эшмухамедов Латиф Махмаюсуфович,
Қаршинский инженерно-экономический институт,
ассистент кафедры экологии и охраны труда*

*Ашурова Лайло,
Қаршинский инженерно-экономический институт,
ассистент кафедры экологии и охраны труда*

Аннотация: В статье обосновывается важность и необходимость использования цифровых технологий в высшем образовании, анализируется современное состояние организации самостоятельного образования в кредитной системе, освещено содержание разработанного телекоммуникационного учебного проекта, используемого при организации самостоятельного образования. Раскрыта сущность телекоммуникационных образовательных проектов, их виды, способы, этапы эффективной организации и внешней оценки, приведены отличительные критерии проектируемого телекоммуникационного образовательного проекта для системы высшего образования Узбекистана от зарубежных аналогов. Также

представлены результаты, достигнутые в результате реализации проекта.
Ключевые слова и фразы: цифровые технологии, кредитная система, самостоятельное обучение, телекоммуникации, оценка, международный индикатор.

TECHNOLOGY OF ORGANIZATION OF INDEPENDENT EDUCATION BASED ON DIGITAL TECHNOLOGIES

*Rakhimov Oktyabr Dustkabilovich,
Karshi Engineering and Economic Institute,
professor of the Department of Ecology and Labor Protection*

*Eshmukhamedov Latif Mahmayusufovich,
Karshi Engineering and Economic Institute,
associate Professor of the Department of Ecology and Labor Protection*

*Ashurova Laylo,
Karshi Engineering and Economic Institute,
associate Professor of the Department of Ecology and Labor Protection*

Abstract: The article substantiates the importance and necessity of using digital technologies in higher education, analyzes the current state of the organization of independent education in the credit system, and highlights the content of the developed telecommunications educational project used in the organization of independent education. The essence of telecommunications educational projects, their types, methods, stages of effective organization, and external evaluation is disclosed, and the distinctive criteria of the projected telecommunications educational project for the higher education system of Uzbekistan from foreign analogs are given. The results achieved as a result of the project implementation are also presented.

Keywords and phrases: digital technologies, credit system, independent learning, telecommunications, evaluation, international, indicator

КИРИШ. XXI асрда инсоният цивилизациясида янги ривожланиш даври- ахборотлашган жамият даври бошланди. Бу рақамли технологиянинг жадал ривожланиши, ахборот технологияларни тезкор тарқалиши, жамият ривожланиш жараёнларининг глобаллашуви, халқаро коммуникацион ҳаёт муҳити, таълим, мулоқат ва ишлаб чиқаришни шаклланиши ҳамда инфосферанинг ривожланиши билан характерланади. Ахборотлашган жамиятнинг ташкилий-технологик асосини глобал информацион тармоқ-Интернет ташкил этади [1].

COVID-19 пандемиясининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши ва кескин карантин чораларини тадбиқ этилиши барча давлатларда таълим тизимида рақамли технологиялар асосида масофавий ўқитишни йўлга қўйилишини талаб этди. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам узлуксиз таълим тизимининг барча соҳаларида масофавий ўқитиш йўлга қўйилди. Карантин даврида ўрта таълим учун телевидение орқали махсус дастурлар асосида ўқув машғулотлар ташкил этилди, олий таълимда эса Moodle, Zoom дастурий тизимлари ҳамда конференция-алоқа орқали машғулотлар ҳамда талабалар билими назорати ўрнатилди. Бу бир томондан таълим тизимида рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасининг қай ҳолатда эканлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан рақамли технологиялардан ўқув жараёнида фойдланиш суръатини оширди ҳамда рақамли технологиялар олий таълимда келажак технологияси эканлигини яна бир бор исботлади.

Ўзбекистон олий таълим тизимида 2019-2020 ўқув йилидан кредит-модуль тизимининг жорий этилиши, таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларини тубдан қайта ишлаб чиқишни тақоза этди. Ҳозирги кредит-модуль тизими асосидаги бакалавр таълим йўналишлари ўқув режасида мутахассислик фанларига ажратилган умумий ўқув юкларининг 50-60 фоизи, магистратура мутахассисликларида эса 70 фоизга яқини мустақил таълимга ажратилган. Лекин, мустақил таълим асосан мавзу бўйича рефератлар тайёрлаш ёки мавзунини конспеклаштириш топшириқлари бериш орқали бажарилмоқда. Бунга мавзу бўйича аннотация ёки тақриз ёзишни ҳам қўшса бўлади ва бу оз бўлсада талабаларни мустақил ижодий фикрлашга йўналтиради. Ушбу анъанавий методлар анча эскирганлиги сабабли инновацион таълим муҳитида яхши самара бермаяпти. Шу сабабли, олий таълимда фанлардан мустақил таълимни рақамли технологиялар, жумладан “Телекоммуникация ўқув лойиҳалари” технологиясидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш тавсия этилади.

Телекоммуникация лойиҳалари ривожланган хорижий давлатларда ўтган асрнинг 80-йилларида юзага келган ва фан ҳамда ўқув соҳаларида алоқанинг қулай ва тезкор усули сифатида фойдаланила бошланган [2]. Халқаро тажрибаларнинг кўрсатишича, оддий ёзишма асосидаги телекоммуникацион лойиҳаларга нисбатан махсус ташкил этилган ва аниқ мақсадга қаратилган лойиҳалар катта педагогик натижага олиб келади. Турли шаҳарлар, минтақалар ва давлатлар талабаларининг тармоқдаги биргаликдаги ўқув фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакли ўқув телекоммуникация лойиҳалари ҳисобланади.

Телекоммуникация ўқув лойиҳалари бу телевидение орқали бериладиган машғулотлар эмас. Телекоммуникация ўқув лойиҳалари Интернет тармоқлари орқали компьютер асосида ташкил этиладиган, умумий муаммо, мақсад, келишилган услублар ва фаолият усулларига эга, фаолиятнинг биргаликдаги натижасига эришишга йўналтирилган талабаларнинг ҳамкорликдаги ўқув, тадқиқий, ижодий, илмий ва ўйинли фаолияти тушунилади [3]. Ушбу ўқув лойиҳаси лойиҳавий методнинг бир тури ҳисобланади. Ўқитишда лойиҳавий методдан фойдаланишнинг мақсади талабаларни олий таълимда ўқиш даврининг дастлабки босқичларидаёқ ижодий, илмий-тадқиқот фаолиятга жалб этишдан иборатдир [4].

Телекоммуникация ўқув лойиҳалари рақамли технологиялардан ҳисобланиб, инновацион таълим муҳитида муҳим ўрин эгаллайди. Телекоммуникация ўқув лойиҳаларида ахборот алмашилиш ёзма вариантда олиб борилади. Бу талабаларга ўз фикри устида яхши ўйлаш, уни таҳрир қилиш имконини ҳам беради ва унинг билиш фаолиятида, муомала маданиятини шаклланишида ижобий рол ўйнайди. Телекоммуникация лойиҳаларини олий таълим муассасаси ёки давлат доирасида ҳамда ҳамкор хорижий олий таълим муассасалари билан халқаро лойиҳа шаклида ташкил этиш мумкин.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ. Тадқиқот жараёнида илмий ва ўқув-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМАЛАР. Мутахассислик фанларини рақамли технология асосида ўқитишни ташкил этиш бўлажак мутахассисларда касбий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш моделини яратишни тақоза этади. Ушбу модель асосан қўйидаги 2 та блокдан иборат бўлиши тавсия этилади:

Ахборотлашган таълим муҳитида, яъни олий таълимда ўқиш даврида меҳнат муҳофазаси бўйича касбий компетентликни шакллантириш блоки;

Ахборотлашган жамият муҳитида касбий компетентликни

ривожлантириш блоки.

Ушбу моделнинг олий таълимда ўқиш даврида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш блокиннинг асосий компонентларидан бири ўқув жараёнини ташкил этиш тизими билан белгиланади. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон олий таълими ўқув жараёнида кредит-модуль тизимининг қўлланилиши ҳамда бу тизимда талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантириш тамойили асосида мустақил таълимга алоҳида эътибор қаратилиши мустақил таълимни рақамли технологиялар асосида ташкил этишни тақоза этади. Шу сабабли, мазкур тадқиқотда олий таълимда фанлардан мустақил таълимни рақамли технологияларга асосланган телекоммуникация ўқув лойиҳалари асосида ташкил этиш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳа ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, нафақат таълим, балки тарбиявий соҳада ҳам ўз ўрнига эга, яъни лойиҳада фаолият юритаётган талабалар бир-бирини тушунишга, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга, ўз фикрини эркин баён қилишга ва биргаликда муаммоларни ҳал этишга ўрганишади. Айниқса, лойиҳалар Ўзбекистон олий таълим тизимидаги ҳамкор олий ўқув юртлари билан ташкил этилганда миллий ва этник, ижтимоий-маданий кадрларни ҳисобга олиш, уларга ҳурмат юзасидан қараш шарти сақланишига эътибор бериш лозим. Мазкур лойиҳанинг ўқув жараёнига тадбиқ этилиши, биринчидан мустақил таълим сифатини оширсан, иккинчидан лойиҳа орқали халқаро таълим соҳасига кириб боришга, хорижий талабалар билан ҳамкорликда ишлашга шароит яратади.

Телекоммуникация ўқув лойиҳаларида муаммо ечими интеграциялашган билимни талаб этади [5]. Айниқса халқаро лойиҳаларда анча чуқурлашган билимлар интеграциясини, нафақат тадқиқ қилинаётган муаммо юзасидан фан билимлари соҳасини, балки ҳамкорнинг миллий маданияти хусусиятларини, унинг фалсафий дунёқараши ва тушунишларини билишга ҳам олиб келади, бу эса талабаларда диалог маданиятини шаклланишига олиб келади. Ҳозирги кунда АҚШ Огайо штати Иллинойск университети профессори В.Гезергуд кўп йиллардан буён тармоқ лойиҳасини олиб боради ва унда 40 га яқин давлатлардан ёшлар иштирок этишади. Ўзбекистон талабаларининг халқаро телекоммуникация ўқув лойиҳаларида кенг қатнашишлари учун асосий тўсик чет тилини билиш даражаси ҳисобланади.

Телекоммуникация ўқув лойиҳаларини самарали ташкил этишда куйидагилар тавсия этилади:

қўйилган муаммони ечиш учун табиий, физик, ижтимоий ва бошқа ҳодисалар устидан кўп, тизимли, бир марталик ёки узок давомли кузатиш, турли минтақалардан маълумотлар тўплаш;

турли жойларда юзага келадиган ҳодисалар, далиллар, воқеаларнинг аниқ тенденциясини аниқлаш учун таққослаб ўрганиш, қарорлар қабул қилиш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

лойиҳа қатнашчиларининг маданий, этник, географик шартлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда бир муаммо ёки масала ечими йўллари (альтернатив ёки турли усуллари) самарадорлигини таққослаб ўрганиш;

ўзига хос маданий, анъанавий, диний хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий ва маданий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш;

биргаликда маълум бир муаммони ҳамкорликда тадқиқ қилиш шарти билан бирор бир (амалий, ижодий, илмий ва б.) ижодий ғояни ишлаб чиқиш;

қизиқарли, саргузаштли компьютер ўйинлари ва мусобақаларини ўтказиш ва бунда юзага келадиган муаммоли вазиятларни маданий, таълимдаги анъаналар, спорт соҳаси билан боғлиқ бўлишига қаратиш.

Телекоммуникацион лойиҳаларни ташкил этишда қўйидаги тайёргарлик ишларини олиб бориш талаб этади. Бунда, масалан, аниқ бир муаммони

Ўрганиш бўйича ҳамкорларни қандай топиш мумкин? - деган савол туғилади. Бунинг учун юқорида келтирилган IEARN (<http://www.iearn.org>) ва KIDLINK (<http://www.kidlink.org>) дастурларига мурожаат этиб, чет давлатлардан ҳамкорлар топиш мумкин. Ёки, ўқитувчиларнинг профессионал ҳамкорлик сайтлари: Европа ҳамкорлиги (<http://www.eun.org>) ёки Россия ((<http://www.ioso.ru/dis-tant/commmuniity>) сайтларига кириб лойиҳани уларга таклиф этиш мумкин. Албатта, ҳар қандай ҳолатда ҳам талабалар фаолиятини ҳар иккала томондан ўқитувчилар томонидан мувофиқлаштириш талаб этилади. Бу ерда ҳамкорларни таништириш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунинг учун лойиҳа иштирокчилари ўзлари тўғрисидаги қисқа маълумотларни расмлари билан биргаликда сайтдаги ҳамкорлар танишишлари учун юборишлари мумкин. Чунки бундай мулоқотда ҳамкорларнинг қизиқишларини, умуман ким билан ишлаётганларини билиш ҳам муҳим рол ўйнайди [6].

Халқаро телекоммуникация ўқув лойиҳаларида чет эллик ҳамкорлар билан ишлашда уларнинг ўзига хос маданий ва анъанавий кадриятларини билиш, унга ҳурмат билан қараш талаб этилади. Шунинг учун дастлаб off-line режимида (электрон почта ёки форум орқали) ёки on-line режимида (чат) мулоқот тилига эътибор бериб, ўта саводли тилда, ҳамкорга ҳурмат нуқтаи назардан қараб ёзишмалар ташкил этиш зарур. Айниқса, мулоқот тили (чет тили) бўйича ҳамкор давлат вакиллариининг ижтимоий-маданий хусусиятларини ва нутқ маданиятини ҳисобга олган ҳолда жиддий дастлабки тайёргарликни ташкил этиш талаб этилади ва бунда координатор маслаҳати жуда зарур бўлади.

Телекоммуникация лойиҳаларни нафақат халқаро, балки минтақавий ёки бир давлат доирасида ташкил этиш анча кенг ри-вожланган. Чунки бунда лойиҳани ташкил этишдаги тил бўйича тўсиқ бўлмайди, лекин миллий ва этник, ижтимоий-маданий кадриятларни ҳисобга олиш, уларга ҳурмат юзасидан қараш шартли сақланиб қолади.

Лойиҳанинг ҳимояси дастлаб машғулот вақтида ҳар бир ҳамкор ўқув муассасасида, кейин эса форумда ёки таълим муассасасидан би-рининг веб сайтга ўз тақдимот материалларини жойлаштириш орқали ташкил этилади. Ҳамкорлар тақдим этилган материаллар бўйича форумда саволлар беришлари ва тегишли жавоблар олишлари мумкин.

Ижодий лойиҳаларда кўпинча оралик натижаларни баҳолаш имконияти бўлмайди. Лекин, барибир ишни назорат қилиб бориш зарур ва талаб этилган тақдирда ёрдам ва кўрсатмалар берилиши керак (албатта тайёр ечим сифатида эмас, балки маслаҳат сифатида). Ташқи баҳолаш оралик ёки якуний ташқи баҳолаш шаклида ва кўп омилларга боғлиқ ҳолда зарур ҳисобланади. Ўқитувчи ҳамкорликдаги лойиҳа жараёнининг доимий мониторингини олиб бориши керак. Лойиҳа ҳимояси вақтида унинг натижаларини баҳолаш мақсадида ушбу соҳа бўйича энг иқтидорли талаба ёки бошқа ўқитувчи ташқи эксперт сифатида танлаб олинади. Ёки, лойиҳа бошида ушбу лойиҳа бўйича фаолият олиб бораётган турли гуруҳлар ишини баҳолаш ҳамда мониторингини олиб бориш учун махсус экспертлар гуруҳи шакллантирилади.

Телекоммуникация ўқув лойиҳаларини ўқув жараёнида тадбиқ этилиши ўқувчиларда энг муҳим малака: ахборотларни режалаштириш, олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ёзма ҳисобот ёзиш қобилиятларини ривожлантиришга олиб келади. Шунингдек, ўз ишига ижобий ёндошиш, ишни ўз вақтида бажариш, жавобгарликни сезиш, ҳамкорликда ҳамда гуруҳда ишлаш малакаларини шакллантиради [7].

Ўқув телекоммуникация лойиҳаларини ташқи баҳолашни ташкил этиш. Телекоммуникация лойиҳаларини ташқи баҳолашни ўз вақтида, тўғри ташкил этиш лойиҳа самарадорлиги ва олинган натижаларнинг амалийлигига таъсир

этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки бу билан иш жараёнида ва лойиҳа ҳимояси вақтида керакли тузатишлар киритиш имконияти яратилади. Ташқи баҳолаш характери лойиҳа турига, мавзусига, унинг мазмунига ҳамда ўтказиш шароитларига боғлиқ. Агар телекоммуникация лойиҳаси тадқиқий лойиҳа бўлса ва у турли босқичларда ўтказилса, лойиҳа умумий натижасининг самарадорлиги босқичларни қай даврада тўғри ташкил этилганлик даражасига боғлиқ бўлади. Бунда баҳолаш аниқ баҳо ёки балл орқали қўйилиши шарт эмас. Агар лойиҳа машғулот вақтида ташкил этилаётган бўлса, турли рағбат усуллари ёки йўналтирувчи кўрсатмалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Масалан, «Ҳаммаси тўғри, давом этинг», «Бу ерда тўхтаб, ўйлаб кўриш керак», «Негадир мос келмаяпти, маслаҳатлашиб, муҳокама қилиб кўринг» ва бошқа шу каби кўринишларда.

Лойиҳани ташқи баҳолашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

илгари сурилган муаммонинг долзарблиги ва аҳамияти,

ўрганилаётган мавзуларнинг бир-бирига мослиги;

фойдаланиладиган тадқиқот услублари ва олинган натижаларни қайта ишлаш усуллариининг мослиги;

ҳар бир лойиҳа иштирокчисининг шахсий имкониятларига мос ҳолда фаоллиги;

қабул қилинадиган қарорнинг жамоавий характерда бўлиши;

муаммога етарлича ва чуқур кириб борилганлиги, бошқа фан соҳаси билимларидан фойдаланиш имконияти;

лоyiҳа қатнашчиларини муомала ва ўзаро ёрдам ҳамда ўзаро тўлдириш ва тузатишлари;

қабул қилинган қарорларнинг исботланиши, ўз хулосалари ва натижаларини далиллар билан асослай олиши;

лоyiҳа натижаларини тақдим этиш ва баён этиш этикаси;

қатнашчиларни оппонентларнинг саволларига жавоб бериш қобилиятлари, жавобларнинг асосланганлиги ва далиллар асосида исботланиши;

қабул қилинган қарорлар оқибатларини тасаввур қила олиш қобилиятлари.

Ўзбекистон олий таълим тизими учун тақлим этилаётган телекоммуникация ўқув лойиҳалари модели ва технологияси хорижий аналоглардан қуйидаги индикаторлар билан фарқ қилади:

Ўзбекистон ОТМ доирасидаги телекоммуникация ўқув лойиҳасида барча амаллар давлат тилида амалга оширилади;

платформага халқаро телекоммуникация ўқув лойиҳаларига боғланиш учун ўзбекча-русча-инглизча лугат ўрнатилади;

телекоммуникация ўқув лойиҳалари Ўзбекистон олий таълим давлат стандарти ва малака талаблари ҳамда фан дастурлари талабларидан келиб чиқиб яратилади;

талабалар фаоллигини кўрсатувчи индикатор ўрнатилади;

чет тилида ташкил этиладиган халқаро телекоммуникация лойиҳалар учун платформага оғзаки нутқ ва ўқишни ривожлантиришга мўлжалланган онлайн мустақил ўрганиш саҳифаси яратилади.

ХУЛОСАЛАР. Кредит тизимида талабалар мустақил таълими учун Ўзбекистон ОТМлари доирасида фаолият юритувчи телекоммуникация ўқув лойиҳаларининг модели ва технологияси асосланади, унинг платформаси яратилади ҳамда телекоммуникация ўқув лойиҳаларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиянома ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон олий таълим тизми учун яратилган телекоммуникация ўқув лойиҳаси халқаро телекоммуникация ўқув лойиҳалари платформасига уланади. Мустақил таълимда телекоммуникация ўқув лойиҳаларини тадқиқ этиш орқали талабаларда бир-бирини тушуниш, ўзгалар фикрини ҳурмат

қилиш, ўз фикрини эркин баён қилиш ва биргаликда муаммоларни ҳал этиш компетентликлари шаклланади.

Халқаро телекоммуникацион лойиҳанинг мустақил таълимда қўлланилиши ўрганилаётган фан ва муаммо юзасидан интеграциялашган билимга эга бўлишга олиб келади. Хорижлик талабалар билан яқиндан танишиш, уларнинг ўзига хос маданий ва анъанавий қадриятларини билиш, унга ҳурмат билан қараш маданиятини шакллантиради ҳамда чет тилларни билиш даражасини оширади. Чет тилида ташкил этиладиган халқаро телекоммуникация лойиҳалар учун лойиҳа мазмуни ва таркибига мос ҳолда чет тиллар бўйича оғзаки нутқ ва ўқишни ривожлантириш курслари ташкил этилади. Ўзбекистон талабаларини ягона халқаро таълим соҳасига кириб боришларига шароит яратилади.

АДАБИЁТЛАР

Rakhimov O. D., Rakhimova D. O. (2021). Educational quality in the era of globalization //Проблемы науки. № 1. – С. 36-39.

2. Телекоммуникационные проекты: организация и проведение. [Электрон ресурс].

URL:https://studbooks.net/1872436/pedagogika/telekommunikatsionnye_proekty_organizatsiya_provedenie

3. Полат, Е.С. (2000). Педагогические технологии XXI века / Е.С.Полат // Современные проблемы образования. - Тула, - 324 с.

4. Касаткина Н. Э., Градусова Т. К., Жукова Т. А. (2011). Современные образовательные технологии в учебном процессе вуза. – Кемерово: ГОУ «КРИПО», – 237 с.

5. Полат, Е.С. (2000). Типология телекоммуникационных проектов / Е.С.Полат // Наука и школа. № 4. - 13-25.

6.Рахимов О.Д., Рўзиев Х.Ж., Муродов М.О. (2016). Таълим сифати ва инновацион технологиялар. /Тошкент: “Фан ва технологиялар”нашриёти, - 208б.

7.Телекоммуникационные проекты. [Электрон ресурс].

URL: https://ozlib.com/818364/informatika/telekommunikatsionnye_proekty



**РЕФЛЕКСИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК
ЎҚИТУВЧИЛАРДА МАДАНИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.058>

Холбўтаева Дилфуза Усмон қизи,

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти таянч
докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари, омиллари, методлари, механизмлари ҳақида маълумотлар берилган. Рефлексия ва рефлексив ёндашувнинг тавсифи келтирилган. Рефлексия ва рефлексив ёндашув муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борган олимларнинг ишлари таҳлил қилинган. Ушбу мақоладан илмий талабалар, илмий тадқиқотчилар, профессор ўқитувчилар методик манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

Калит сўз: Рефлексив ёндашув, бўлажак ўқитувчи, маданий дунёқараши, талаба, кўникма.

**ФОРМИРОВАНИЕ КУЛЬТУРНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ У
БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НА ОСНОВЕ РЕФЛЕКСИВНОГО ПОДХОДА
КАК СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ**

Халботоева Дильфуза Усман кизи,

Базовый докторант научно-исследовательского института
педагогических наук Узбекистана

Аннотация: в данной статье представлена информация о педагогических основах, факторах, методах, механизмах формирования культурного мировоззрения у будущих учителей на основе рефлексивного подхода. Дается описание рефлексивного и рефлексивного подхода. Была проанализирована работа ученых, проводивших научные исследования по проблемам рефлексивного и рефлексивного подхода. Из этой статьи студенты-ученые, академические исследователи, преподаватели-профессора могут использовать ее в качестве методического ресурса.

Ключевые слова: рефлексивный подход, будущий учитель, культурное мировоззрение, ученик, навык.

**FORMATION OF A CULTURAL WORLDVIEW AMONG FUTURE
TEACHERS BASED ON A REFLEXIVE APPROACH AS A SOCIO-
PEDAGOGICAL NECESSITY**

Halbotaeva Dilfuza Usman kizi,

Basic doctoral student of the Scientific Research Institute of Pedagogical
Sciences of Uzbekistan

Abstract: this article presents information about the pedagogical foundations, factors, methods, mechanisms of the formation of a cultural worldview of future teachers based on a reflexive approach. A description of the reflexive and reflexive approach is given. The work of scientists who conducted scientific research on the problems of reflexive and reflexive approach was analyzed. From this article, students-scientists, academic researchers, teachers-professors can use it as a methodological resource.

Keywords: reflexive approach, future teacher, cultural outlook, student, skill.

Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнини ташкил этиш бугунги кунда педагогик зарурият даражасига кўтарилмоқда. Чунки бўлажак ўқитувчининг маданий дунёқарашини шакллантириш давлатнинг олий педагогик таълим олдига қўяётган муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Педагогика энциклопедиясида “Рефлексия” – (лот. reflexio - ортга қайтиш, акс этиш) педагогик жараён субъектларининг ўз хатти-ҳаракатлари ва уларнинг асосларини тушуниб етиши, англашига қаратилган назарий фаолияти; билишнинг алоҳида бир шакли деб таъриф берилган. .

Рефлексия ўқув жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг ўз-ўзини маданий жиҳатдан англашига кўмаклашади. Бундай маданий жиҳатдан ўз-ўзини англаш аниқ педагогик вазиятларда вужудга келади. Рефлексив ёндашув асосида махсус ташкил этилган педагогик вазиятлар бўлажак ўқитувчиларнинг маданий ривожланиш имкониятлари, шарт-шароитлари, бунинг учун зарур бўлган маданий муҳитни мужассамлаштиради.

Рефлексив ёндашув бўлажак ўқитувчининг касбий ривожланиши ва ўз-ўзини маданий жиҳатдан намоён қилишига имконият яратади. Педагогик рефлексия ёрдамида бўлажак ўқитувчилар ўқувчилар ва ҳамкасбларай уларни маданий жиҳатдан қай даражада англашини ҳис қилишларига шароит ва имконият яратади. Рефлексив ёндашув маданий ривожланиш жараёнида бўлажак ўқитувчилар аجدодларимиз томонидан яратилган тарихий-маданий мерос билан муносабатга киришадилар. Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчилар ўқувчилар ва таълим жараёнининг бошқа субъектларига қандай муносабатда бўлишлари лозимлигини тушуниб етишга муваффақ бўладилар. Бўлажак ўқитувчи ўз педагогик фаолиятини қайси маданий меъёрлар асосида амалга ошириши лозимлигини тасаввур қилади. Бунинг учун зарур бўлган билимлар ва маданий меъёрларни ўзлаштиради.

Бўлажак ўқитувчиларнинг рефлексив лаёқатларини ривожлантириш асосида уларни касбий, маданий муносабатга тайёрлаш учун дастлаб талабаларнинг маданий дунёқарашини ривожлантириш талаб қилинмоқда. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига рефлексив ёндашувни тадбиқ этиш масаласи билан педагоглар, психологлар ва маданиятшунослар шуғулланмоқда. Тадқиқотмуаммосининг назарий таҳлилишуниқўрсатмоқдаки рефлексив ёндашув доирасида амалга оширилган тадқиқотларнинг аксарияти ўқувчиларнинг рефлексив кўникмаларини шакллантирилишига бағишланган. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига рефлексив ёндашувни тадбиқ этиш масаласига жуда кам мурожаат этилган.

Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни ривожлантириш масаласи деярли тадқиқ этилмаган. Ушбу муаммога айрим мақолалар доирасида мурожаат қилинган. Масалан Р.Г.Сафарова, Б.Б.Маъмуров, Х.Тожибоева кабиларнинг ишлари бунга мисол бўла олади. Бўлажак ўқитувчиларда рефлексив кўникмаларни ривожлантириш асосида уларда маданий дунёқарашни ривожлантириш жараёни ўзига хос педагогик ва психологик хусусиятларга эга. Бўлажак ўқитувчиларнинг рефлексив кўникмалари ёрдамида аجدодларимиз мероси, глобал маданий ходисаларни таҳлил қилишлари учун шароит яратилади. Бўлажак ўқитувчилар рефлексия ёрдамида мустақил қарорлар қабул қилиш, маданий жараёнларни баҳолаш имкониятига эга бўладилар. шунинг учун ҳам олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларда рефлексив кўникмаларни шакллантиришга алоҳида ёндашиш ва қўшимча имкониятларни сафарбар қилиш талаб этилади.

Бўлажак ўқитувчи учун зарур бўлган кўникмалардан бири ўз фаолиятини мустақил таҳлил қила олиш кўникмасидир. Бунда талабалар ўзларининг дунёқарашлари доирасида эгаллаган касбий кўникма ва малакаларини

мустақил таҳлил қиладилар. Бунинг учун талабаларга аждодламит мероси ва инновацион усуллар ёрдамида турлича маданий таъсирлар кўрсатилади. Ўқув жараёнида тақдим этиладиган дидактик воситалар талабаларда рефлексив кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда маданий дунёқарашни ривожлантиришга ҳам хизмат қилиши назарда тутилади.

Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни шакллантиришда тарихий мерос билан бир қаторда касбий педагогик риволаниш муаммоларига бағишланган манбалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Талабалар мустақил билим олиш вазиятларида маданий ҳодисалар, жараёнларни рефлексиялаш асосида ўзларининг касбий-маданий дунёқарашларини ривожлантиришга муваффақ бўладилар. Бунинг учун маданиятга оид билимларни ўзлаштириш ва улардан конструктив тарзда фойдаланиш тажрибасига эга бўлишлари керак. Бу эса ўз навбатида бўлажак ўқитувчиларнинг маданий дунёқарашларини ривожлантириш ва касбий компетенцияларини шакллантиришга кўмаклашади.

Замонавий педагогикада касбий-маданий, рефлексив кўникмалар шахсни ҳар томонлама ривожлантириш воситаси сифатида талқин этилади. Шахс ўз-ўзини маданий ривожлантириш натижасида ўқув-билув ҳаракатларини такомиллаштиради. Бундай кўникмаларни бўлажак ўқитувчилар пухта ўзлаштиришлари ва касбий ривожланиш билан боғлиқ муаммоларни ечишда улардан самарали фойдалана оlishлари назарда тутилади. Таниқли мутахассис А.С.Обухов рефлексив ёндашув ҳақида ўз қарашларини баён қилиб, қуйидаги фикрларни илгари сурган: “Рефлексия шахснинг ривожланиш мақсади билан боғлиқ ҳолда ўз ҳатти-ҳаракатларини ангалш имконини беради”. У ўз фикрини давом эттириб - рефлексия мутахассиснинг касбий-шахсий ривожланиш усули эканлигини таъкидлайди. Т.Ф.Ушева эса рефлексив кўникмаларни ўзига хос тарзда тавсифлаб, рефлексив кўникмалар таълим олувчиларнинг рефлексив ҳаракатларини амалга оширишлари натижасида номоён бўлиб, у шахснинг муайян фаолиятни амалга ошириш усули ҳисобланади деб кўрсатган. В.В.Давыдовнинг таъбирича - рефлексив кўникмалар ўқув ҳаракатларининг ички таянч асоси ҳисобланади. Мазкур кўникмалар шахснинг эҳтиёжларини, майлларини ўзаро мувофиқлаштиради. Рефлексив кўникмалар ўқув-билув ҳаракатлари маҳсули сифатида номоён бўлади.

Рефлексив фаолият бўлажак ўқитувчининг мустақил билим олиши, изланиши натижасида ривожланади ва маданий дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлади. маданиятшунослик, педагогика, психология, фалсафа фанларида рефлексия тушунчасининг талқини ушбу соҳалар нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолда баён қилинган. Рефлексия педагогикада қуйидаги йўналишларда талқин этилган:

Рефлексия муайян ҳодисалар, шарт-шароитлар, жараёнларни таҳлилий жиҳатдан ўрганишни ифодалайди.

Рефлексиянинг объектлари шахснинг таълим-тарбияси, маданий-касбий ривожланишига муайян даражада таъсир кўрсатади.

Рефлексия жараёнлари бўлажак мутахассиснинг касбий-маданий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва коррекциялаш имконини беради.

Рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни ривожлантириш шарт-шароитлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

- олий педагогик таълим жараёнида тарихий-инновацион ёндашувлар асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни ривожлантириш шарт-шароитларини яратиш;

- бўлажак ўқитувчиларнинг билиш имкониятларини кенгайтириш

мақсадида маданий-тарихий характердаги дидактик воситалар ва оммавий ахборот материалларидан ифойдаланган ҳолда талабаларга маданиятшуносликка оид билимларни тақдим этиш;

- бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил билим олиш имкониятларини кенгайтириш орқали уларда маданий дунёқарашни ривожлантиришга хизмат қиладиган дидактик воситаларни саралаў, тизимлаштириш ва улардан фойдаланиш методларини тавсия этиш;

- рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашнинг шакллангалик даражасини аниқлаш ва форматив баҳолаш методидан фойдаланиш;

- рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни ривожлантириш мазмунини белгилашга қўйиладиган талаблар ва уни танлаш принципларни ишлаб чиқиш;

- рефлексив ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда маданий дунёқарашни ривожлантириш жараёнининг педагогик-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, талабаларнинг маданий ривожланишлари учун қулай педагогик-психологик муҳит яратиш;

- бўлажак ўқитувчиларнинг маданий ривожланиш мотивациясини ҳосил қилиш, уларнинг маданий дунёқарашини шаклланишига хизмат қиладиган топшириқларни ишлаб чиқиш ва вазиятларни лойиҳалаштиришда рефлексив ёндашувдан фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Давыдов, В.В. Теория развивающего обучения / В.В. Давыдов. — М.: ИНТОР, 1996. — 544 с.

Обухов, А.С. Рефлексия в проектной и исследовательской деятельности / А.С. Обухов // Исследовательская работа школьников. — 2005. - № 3.

Педагогика. Энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.- 400 б.

Сафарова Р.Г, Джураев Р.Х ва бошқ. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари. Монография. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти -2017

Сафарова Р.Г. Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари// FarDU. ILMIY XABARLAR. 2021 йил 2-сон. Б.120-123.

ЎҚУВЧИЛАР ОРАСИДАГИ ШАХСЛАРАРО ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ТАВСИФИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.059>

Махмудов Юнусбек Базарбоевич,

Ўзбекистон педагогика фанлар илмий тадқиқот институти таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада ўқувчилар орасида шакллантириладиган шахслараро муносабатларнинг ижтимоий-педагогик аҳамияти, характери, турлари, йўналишлари очиб берилган. Уни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги асосланган. Ўқувчилар орасида шахслараро қадриятли муносабатларни шакллантириш ўзига хос принциплар ва воситаларга эга эканлиги таъкидланган. Ушбу мақоладан педагогика соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахасислар, ходимлар, докторантлар фойдаланишлари мумкин.

Калит сўз: қадриятли муносабат, ўқувчи, шахслараро муносабат, ҳамкорлик, мулоқот.

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ ЛИЧНОСТНО- ЦЕННОСТНЫХ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ УЧАЩИМИСЯ

Махмудов Юнусбек Базарбоевич,

Базовый докторант научно-исследовательского института педагогических наук Узбекистана

Аннотация: в данной статье описывается социально-педагогическое значение, характер, типы, направления личностных отношений, которые должны формироваться у студентов. Она основана на том, что ее формирование является социально-педагогической необходимостью. Было отмечено, что формирование личностно-значимых отношений среди студентов имеет свои уникальные принципы и инструменты. Из этой статьи можно использовать специалистов, сотрудников, докторантов, работающих в области педагогики.

Ключевые слова: ценностное отношение, читатель, личностное отношение, сотрудничество, коммуникация.

PEDAGOGICAL DESCRIPTION OF PERSONAL-VALUE RELATIONS BETWEEN STUDENTS

Makhmudov Yunusbek Bazarboevich,

Basic doctoral student of the Scientific Research Institute of Pedagogical Sciences of Uzbekistan

Abstract: this article describes the socio-pedagogical significance, nature, types, directions of personal relationships that should be formed among students. It is based on the fact that its formation is a socio-pedagogical necessity. It was noted that the formation of personally significant relationships among students has its own unique principles and tools. From this article, you can use specialists, employees, doctoral students working in the field of pedagogy.

Keywords: value attitude, reader, personal attitude, cooperation, communication.

Инсон ҳар доим шахслараро муносабатларга эҳтиёж сезади. Инсон ўз онгли ҳаёти давомида аторофдагилар, оила аъзолари, ҳамкасблари билан онгли мулоқотга киришади. Инсонлар бир-бирлари билан куундалиқ

ижтимоий муносабатлар жараёнида юзма-юз мулоқотга киришадилар. Бугунги кунда шахслараро муносабатларнинг янги шакллари вужудга келган. Бу муносабатлар биринчи навбатда бевосита ва билвосита муносабатларга бўлинади. Бевосита муносабатларга юзма-юз амалга ошириладиган суҳбатлар, ўзаро фикр алмашиш жараёнлари кирса, билвосита муносабатларга интернет орқали ижтимоий тармоқлар ва электрон почталардаги ўзаро ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, хат орқали хабарлашувлар киради.

Шахслараро муносабатларнинг шаклланиши ва мазкур тушунчанинг ўзига хос жиҳатлари мутахассислар томонидан илмий талқин этилган. Шахслараро муносабатлар тушунча доирасида ўзаро ҳаракатлар мажмуи тушунилади. Мазкур ҳаракатлар алоҳида шахслар орасида вужудга келади. Шахслараро муносабатлар аксарият ҳолларда инсон ҳиссий оламини намоён қилиб, инсон ҳиссий олами, кечинмаларин ифодалаб, унинг ички ҳолати ҳақида маълумот беради.

Шахслараро муносабатлар мулоқотнинг турли шакллари таянган ҳолда амалга оширилади. У ўзида новербаль алоқаларни мужассамлаштириб, муайян ташқи кўринишга эга бўлади. Шахслараро муносабатлар учун гавда ҳаракатлари, имо-ишоралари, ҳиссийлари, оғзаки нутқи муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда шахслараро муносабатлар ўзида ҳиссий, когнитив ҳолатлар ҳамда хулқ-атвор компонентларини уйғунлаштиради. Шахслараро муносабатнинг когнитив компоненти қуйидагилар билан фарқланади: билишнинг турли шаклларида намоён бўлиши, тасаввур қилиш, идрок қилиш, қабул қилиш, хотирада сақлаш, тафаккур қила олиш. Булар ўз навбатида шахснинг индивидуаль-психологик хусусиятларини фарқлаш, англаш ва баҳолаш имконини беради. Шахснинг руҳий имкониятларини чуқур англаш асосида шахслараро муносабатларнинг характерини белгилаш мумкин. Ҳар бир шахс ўзи билан суҳбатдоши орасидаги муносабатларнинг ўзаро мувофиқ келиши қадриятлар негизида амалга ошириши, ўзаро бир-бирини англаш имконини бера олишини психологик ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаши мумкин. Шахслараро қадриятли муносабатларнинг ҳиссий компоненти мулоқот жараёнида суҳбатдошлар ҳис қиладиган кечинмаларни англаш имконини беради. Мазкур муносабатлар ўзаро ижобий ҳамда салбий характерга эга бўлиши мумкин. Суҳбатдошлар ўзаро муносабатлар жараёнида бир-бирларига нисбатан ижобий ёки салбий муносабатда бўлишлари мумкин. Ўқувчиларда шахслараро қадриятли муносабатлар тажрибасини шакллантиришдан мақсад, улар орасидаги турли қарама-қаршилиқлар, босимларни бартараф этган ҳолда ўзаро ижобий муносабатларни таркиб топтиришдан иборат. Шахслараро қадриятли муносабатлар масаласи ўзбек халқи онгли ҳаёти муҳим аҳамият касб этиб, аждодларимиз бундай муносабат тажрибасини ҳосил қилиш соҳасида катта тажриба тўплаганлар, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Баҳоваддин Нақшбанд, Азизиддин Насафий, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад Насафийлар бу соҳада қимматли фикрларни баён қилганлар. Жумладан Нажмиддин ан-Насафий “Манзуматун Насафия фил-хилофиюти” (“Келишмовчиликлар борасида Насафийнинг назмий асари”)да инсонларнинг дунёқараши, муомала маданияти, рухияти, ички олами ҳақида қарашлари баён қилинган. Мазкур асарда жамият аъзолари ўртасидаги шахслараро муносабатларнинг ижтимоий-педагогик ва психологик хусусиятлари акс эттирилган.

Аждодларимизнинг шахслараро ижобий муносабатларни шакллантириш орқали жамиятда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш соҳасидаги педагогик таълимотларини бугунги кунда амалиётга тадбиқ этиш, уни инновацион ёндашувлар ва методлар билан бойитиш эҳтиёжи кучаймоқда.

Шахслараро қадриятли муносабатлар натижасида суҳбатдошлар бир-

бирларига нисбатан илиқлик, мулоқотдан қониқиш, ҳамкорликка рағбат сезишга мойил бўладилар. Натижада улар бир-бирларига нисбатан ижобий туйғуларга эга бўладилар. Шахслараро қадриятли муносабатлар туфайли айти бир синф ўқувчилари орасида ҳамкорликка асосланган дўстона кайфият вужудга келади. Мазкур муносабат синфдошларнинг кечинмаларида ўз ифодасини топади. Улар биргаликдаги фаолиятда иштирок этадилар ва бир-бирларини тушунишга муваффақ бўладилар.

Шахслараро қадриятли муносабатларнинг хулқ-атворга асосланган компоненти суҳбатдошларнинг ҳатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Булар имо-ишоралар, турли ифодали ҳаракатлар, мимкалар, пантомимика, нутқда акс этади. Улар гуруҳ аъзолари ёки суҳбатдошларнинг бир-бирига бўлган муносабатини ифодалайди. Шахслараро қадриятли муносабатларнинг айнан хулқ-атворга асосланган компоненти мазкур муносабатларни бошқарувчи механизм сифатида намоён бўлади.

Ўқувчиларда шахслараро муносабатларни шакллантириш жараёни ўзига хос, мураккабликларга эга. Ўқувчиларда шахслараро муносабатларни шакллантириш муайян шароитда амалга ошади. Бунинг учун ўқувчи ўз атрофидаги одамлар, синфдошлари, ўқитувчилари билан ижобий қадриятларга асосланган ҳолда алоқа ва мулоқотга кириша олса мазкур жараён самарали кечади. Чунки мазкур вазиятда у ўз атрофидагилари билан умумий ҳолда мулоқот ўрната олади. Бу эса ўз навбатида улар орасидаги муносабат ва алоқаларни мустаҳкамлайди. Субъектлар орасида ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, ҳиссий боғлиқлик, фикрларини ўзаро қабул қилиш муҳитит вужудга келади. Бу эса ўз навбатида синфдаги ўқувчилар орасидаги турли босимлар, ётсираш ва манипуляцияни бартарф этади.

Шахслараро қадриятли муносабатга киришган субъектлар орасида ягона мақсад ва ишонч қарор топади. Бу эса бир-бирини қўллаб қувватлаш ва ўзао ишончни таъминлайди. Ўзаро қадриятли муносабатда бўлган ўқувчилар слбий муносабатлар, алдов мавжуд бўлмайди. Ишончга асосланган шахслараро муносабатлар жараёнида мулоқот чуқур қадриятли муносабатлар негизида кечади. Бу эса ўзаро руҳий яқинликни таъминлайди. Улар орасидаги ишонч мустаҳкамланиб боради. Ўқувчиларнинг қадриятли муносабатлари, бир-бирларига бўлган ишончлари сўзлар воситасида ифодаланади.

Шахслараро қадриятли муносабатларнинг муайян кўринишлари мавжуд. Шахслараро муносабатларнинг характерли хусусиятларини аниқлашнинг бир қатор мезонлари ҳам ишлаб чиқилган. Уларнинг мазмунини ўқувчилар орасидаги руҳий яқинлик белгилайди. Ўзаро қадриятли муносабатларнинг баҳоси, етакчилик мавқеъи, боғлиқлик ёки тенглик, танишлик даражаси билан белгиланади. Мақсад нуқтаи назаридан олиб қараганда ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатнинг шакллари биринчи даражали ва иккинчи даражали бўлиши мумкин. Биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган шахслараро муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари ўқувчилар орасидла зарур алоқаларнинг шаклланганлиги билан боғлиқ. Ўқувчилар орасидаги иккинчи даражали муносабатлар бирининг иккинчисига нисбатан қандай функцияни бажариши ёки ёрдам кўрсата олиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Шахслараро қадриятли муносабатлар ўзининг характерига кўра расмий ҳамданорасмий кўринишларга эга. Шахслараро расмий муносабатлар ўқитувчи ва ўқувчи орасида кечади. Норасмий муносабатлар эса ўқувчилар билар ўқувчилар орасида кечади. Шахслараро расмий муносабатлар белгиланган қонун қоидалар, педагогик талаблар, мулоқот маданияти асосида амалга ошади. Норасмий яъни ўқувчилар билан ўқувчилар орасидаги муносабатлар шахсий характер касб этиб, муайян мезонлар асосида чегараланмайди.

Ҳамкорликдаги фаолият нуқтаи назаридан ёндошганда шахслараро

муносабатлар шахсий ҳамда ишга оид муносабатларга бўлинади. Иш фаолиятига оид муносабатларнинг мазмун моҳиятини жараён субъектлари амалга ошириши назарда тутилган фаолият ташкил этади. Тадқиқотимиз нуқтаи назаридан ёндашганда ўқувчилар биргаликда амалга оширадиган ўқиш, ўйин фаолияти билан боғлиқ муносабатларга эътибор қаратилади. Шахсий муносабатлар доирасида эса иарафларнинг ўзаро муносабатлари, нуқтаи назарлари асосий ўрин эгаллайди. Бу муносабатлар ўқувчиларнинг субъектив кечинмалари ва ҳис-туйғуларига асоланади. Бундай муносабатлар сирасига ўзаро дўстлик муносабатини киритиш мумкин. Дўстлар орасидаги қадриятли муносабатлар мунтазам ривожланиш характериға эға.

Шахслараро қадриятли муносабатлар рационал ҳамда эмоционал характерға эға. Рационал муносабатларда мантиқий фикрлаш ва ҳисоб-китоблар асосий ўрин эгалласа, эмоционал муносабатларда муносабатға киришувчи субъектларнинг ҳиссиётлари, руҳияти муҳим аҳамият касб этади. Шахслараро қадриятли муносабатға киришувчи шахслар ўзаро тенглик ёки субординацияға асосланган ҳолда муносабат ўрнатадилар. Масалан ўқувчилар билан ўқувчилар орасидаги муносабатлар ўзаро тенглик характериға эға бўлса, ўқувчилар билан ўқитувчилар орасидаги муносабатлар субординацияға асосланади. Ўқувчилар орасидаги ўзаро тенгликка асосланган шахслараро қадриятли муносабатлар доирасида ўқувчилар тенглик асосида ҳамкорликка киришадилар, мулоқот ўрнатадилар, бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар ва ёрдам кўрсатадилар. Ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида муносабатлар субординацияға асосланганлиги учун ҳам педагог таълим олувчилар фаолиятини бошқаради ва уларни қўллаб қувватлайди.

Шахслараро қадриятли муносабатлар мулоқат жараёниға кўтаринкилик ва суҳбатдан маънавий озикланиш руҳини бағишлайди. Ўқувчилар орасидаги шахслараро муносабатлар субъектларнинг мулоқотида тенглик устувор бўлишини таъминлайди. Шахслараро қадриятли муносабатлар ҳар бир ўқувчи учун самарали ҳисобланади. Бу мулоқотнинг тўғри ташкил этилишиға боғлиқ бўлади. бу жараёнда ўқувчилар бир-бирларига қадрият сифатида ёндашган ҳолда муносабатға киришадилар. Натижада улар орасида ўзаро ишонч пайдо бўлади. улар ишонч туфайли руҳий, ҳиссий етукликка эришадилар. Чунки улар бир-бирларига таянадилар ва ўз олдларига аниқ мақсадлар кўядилар. Ўзлари учун зарур бўлган сифатларни эгаллашға интиладилар. Шунга кўра ўқувчилар орасида шахслараро қадриятли муносабат тажрибасини шакллантириш алоҳида пелагогик аҳамиятға эға.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

Р.Г.Сафарова “Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда педагогнинг касбий компетенцияси”. “Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар” халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. 2019 йил 21-24 май. Чирчиқ ш. 383-385-бетлар.

Педагогика. Энциклопедия. III жилд. жамоа // Тошкент: «Ўзбекистан миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.- 400 б.

Сафарова Р.Г, Джураев Р.Х ва бошқ. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари. Моногрфия. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти -2017



**ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА АСОСИДА МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА МЕТОДИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ
ҚИЛИШ, БОШҚАРИШ ВА МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.060>

Олимов Содиқ Анвар ўғли,

*Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши институти докторанти*

<https://orcid.org/0000-0002-3287-658X>

Аннотация: Ушбу мақолада педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни ташкил этиши ва бошқариши учун мутахассисларни тайёрлашнинг такомиллаштирилган модели келтирилиб унинг компонентлари мазмуни очиб берилган.

**ORGANIZATION, MANAGEMENT AND MONITORING
OF METHODOLOGICAL WORKS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL
ORGANIZATION ON THE BASIS OF PEDAGOGICAL DIAGNOSIS**

Olimov Sodiq Anvar o'g'li,

*Doctoral student of the Institute of retraining and advanced training of
directors and specialists of preschool education organizations*

Annotation: This article presents an improved model of training specialists for the organization and management of methodical work in preschool educational institutions on the basis of pedagogical diagnostics and explains the content of its components.

Мактабгача таълим ва тарбия жараёнига илғор тажрибаларни, инновацион ва рақамли технологияларни жорий этиш, янги ўқув методик адабиётларни яратиш орқали таълим сифатини яхшилашга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Мактабгача ёшдаги болаларни ҳартомонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мактабгача таълим ташкилотларида ўқув-методик таъминотни амалга ошириш ва методик ишларни самарали ташкил қилишнинг илмий асосланган механизмларини ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Биз мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни самарали ташкил этиш ва бошқаришда педагогик диагностика усулини қўллаш бўйича изланишлар олиб бордик. Педагогик диагностика – бу таълим жараёнини оптималлаштириш, таълим олувчиларга индивидуал ёндашув, шунингдек, ўқув дастурлари ва педагогик таъсир усулларини такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган бошқарув, мониторинг ва баҳолаш усуллари тўпламидир.

Педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни ташкил этиш ва бошқаришни йўлга қўйиш тарбиячи фаолиятига шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаш орқали иш самарадорлигини кўтаришга ва мотивация уйғотишга; раҳбарлар ва педагогларнинг фаолиятини, ташхис қилиш ва мувофиқлаштиришга, ташкилотни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга; педагогик кадрларни бошқаришнинг ҳамкорлик тизимига ўтишга имкон беради. Бунинг

учун диагностика тарбиячининг касбий фаолиятидаги мустақил ташкил этувчи бўлиши керак [2].

Олиб борилган назарий ўрганишлар шуни кўрсатдики, педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни ташкил этиш ва бошқаришнинг технологик занжирини бошланғич босқичдан ва натижавий босқичга бўлган жараён (мақсадни белгилаш – режалаштириш – ташкил этиш – назорат – тартибга солиш – диагностика – коррекция) сифатида қараш мумкин. Диагностика тарбиячи педагогик фаолиятининг мустақил ташкил этувчисидир, у фаолиятнинг ичига кириб боради ва унинг барча босқичларида (мақсадни белгилаш, режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилиш) мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, педагогик диагностика тарбиячининг мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларини бошқариш фаолиятида ишлатилиш тавсифи “вертикал” ва “горизонтал турларга эга бўлади. “Вертикал бўйича” педагогик диагностика тарбиячининг барча бошқариш фаолиятининг, унинг барча ташкил этувчиларининг ичига кириб боради, “горизонтал бўйича” эса, унинг ҳар бир ташкил этувчиси диагностика методлар билан тўлдирилган бўлади.

Педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнини биз қуйидаги учта бўлим ажратдик:

Диагностика методик ишни бошқаришнинг технологик занжири бошланғич ва натижавий босқичлардан яъни мақсадни белгилаш - режалаштириш – ташкил этиш - назорат – тартибга солиш - диагностика – коррекциядан иборат бўлади;

Педагогик фаолиятга кириб борадиган ва унинг барча босқичларида иштирок этадиган тарбиячи касбий меҳнатининг мустақил ташкил этувчиси сифатида қаралади;

МТТда методик ишни бошқариш жараёнида тарбиячининг шахсий диагностика фаолияти амалга оширилади;

Педагогик диагностика асосида МТТ да методик ишни ташкил қилиш ва бошқариш моделини яратиш орқали педагогларнинг малакасини ошириш ва олий таълим муассасалари “Мактабгача таълим” йўналишлари бўйича самарали касбий тайёргарликни таъминлайдиган дастур ва технологияларни ишлаб чиқиш имкониятлари яратилади [2].

Моделлаштириш жараёнида биз педагогик диагностика лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратдик. Фаолиятнинг бундай турлари педагогларнинг келажакдаги режаларини ўзи белгилашига, педагогик диагностика технологиясини ўзлаштиришга ва ундан самарали фойдаланишга, методик ишларни ўрганиш ва уларни ўзгартириш талабларини шакллантиришга, МТТни ривожлантиришга, таълим сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни ташкил этиш ва бошқариш учун мутахассисларни тайёрлаш моделини қуйидаги 1-расмда ифодаладик.

Мутахассисни тайёрлашуникасбийкомпетенциясини ривожлантиришнинг иккита мантиғидан келиб чиқади: мазмунли-предметли (МТТ да методик ишларни бошқаришнинг замонавий муаммолари бўйича йўналишни белгилаш, педагогик диагностика технологиясини ўзлаштириш, МТТ да методик ишни бошқариш усулларини ишлаб чиқиш) ва шахсий қобилиятли (вазифаларни, мотивларни, касбий фаолиятда тажрибани ва ижодий қобилиятни ривожлантириш).

Моделнинг компонентлари мазмуни очиб берамиз. Дастлаб педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни

ташқил этиш ва бошқариш зарурияти асосланади ва мутахассис тайёрлашдаги мақсад белгиланади. Бунда дидактик давр тузилмаси, билимлар жамланмаси дидактик даврни амалга ошириш мақсади, умумий ва қўув дастурни амалга ошириш ва баҳолашнинг аниқ мақсадларни қўйилиши инобатга олинади [2].



1-расм. Педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни ташқил этиш ва бошқариш учун мутахассисларни тайёрлаш модели.

Дидактик шарт шароитлар барча қатнашчиларининг ўзаро ҳамкорлик фаолиятини ташқил қилиш, МТТ да методик ишларни бошқаришнинг замонавий муаммолар майдонини аниқлаш, муаммолар майдонини таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш учун диагностик лойихани ишлаб чиқиш киради. Ҳар бир дидактик даврда биринчи навбатда МТТ да методик ишларни бошқаришнинг реал ҳолатларини муҳокама қилиш ва педагогик ташхис ёрдамида ечиш учун муаммо танлаш эгаллайди. Бу босқичда мутахассисларнинг қадрий позицияларини аниқлаш содир бўлгани учун, айниқса муҳим, ижтимоий аҳамиятли ва шахсий афзалликларни танлаш,

муаммолар майдонида уларнинг ҳар бирига мўлжал олиш, уларни қабул қилиш ва ҳал қилиш учун шахсий муносабатни шакллантириш амалга оширилади.

Диагностик босқичда МТТ да методик ишларни бошқариш бўйича мутахассиснинг ўз ўзини билим ва кўникмасини баҳолаш, диагностик лойиҳани ва шахсий дастурини ишлаб чиқиш, ўрганиш учун зарурий ахборотни ажратиш, масалани мутақил ҳал қилишга тайёргарликни таҳлил қилиш киради. Бу босқичда илғор хорижий тажрибалар фойдаланиш тавсия этилади [3].

Ўрганиш ва коррекция блокада мутахассиснинг педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни ташкил этиш ва бошқариш ишларини ўрганиш жараёни очиб берилган. Бунда диагностик лойиҳани амалга ошириш, ўрганишдаги ютуқлар ва муаммолар, уларни коррекция қилиш назарда тутилади.

Умумлаштирувчи босқичда ўрганиш натижалари баҳоланади, натижалари таҳлил қилинади. Мутахассис тайёргарлиги бўйича қониқиши таҳлил қилинади. Тавсиялар йўриқномалар ишлаб чиқилади.

Ушбу босқичлар амалга оширилиши натижасида педагогик диагностика асосида мактабгача таълим ташкилотларида методик ишларни ташкил этиш ва бошқариш бўйича малкалти мутахассис тайёрланади.

Шундай қилиб, мутахассисларни тайёрлашни иккита тўқнашувчи ҳаракатларнинг кесишиши каби: шахснинг, муаммолар ва шароитларини танлаш субъекти сифатида, ҳамда диагностика асосида МТТ да методик ишларни ташкил қилиш ва бошқариш масалаларини ҳал қилиш бўйича мутахассисни амалий фаолиятга жалб қилиш субъекти сифатида курилади. Ишлаб чиқилган модел мутахассисни МТТда методик ишларни ташкил қилиш ва бошқариш жараёни амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шароитларини аниқлашга, мутахассисни таълим маконига олиб киришга ва бошқариш муаммоларини жамoa бўлиб таҳлил қилишга имкон берди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

Морозова Анжела Николаевна, Управление методической работой в дошкольном образовательном учреждении на диагностической основе [Электронный ресурс]: Дис. канд. пед наук : РГБ, 2003.

Давыдова Л.Н. Формирование у будущих учителей умений педагогического диагностирования: Дис. канд. пед наук. - Волгоград, 1995. - 155 с.



BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHILARINING KASBIY MAHORATINI UZLUKSIZ OSHIRISH
<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.061>
НЕПРЕРЫВНОЕ ПОВЫШЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ ШКОЛ

CONTINUOUS PROFESSIONAL DEVELOPMENT OF PRIMARY SCHOOL TEACHERS

Eliboeva Lola Sulaymonovna,
Buxoro davlat universiteti pedagogika kafedrasida katta o'qituvchisi
Элибоева Лола Сулаймоновна,
старший преподаватель кафедры педагогики Бухарского государственного университета
Eliboeva Lola Sulaymonovna,
Senior Lecturer, Department of Pedagogy, Bukhara State University

Annotatsiya: Maqolada innovatsion ta'lim muhitida boshlang'ich sinif o'qituvchilarining kasbiy mahoratini uzluksiz oshirishning pedagogik imkoniyatlari va shart-sharoitlari tadqiq etilgan.

Аннотация: В статье исследуются педагогические возможности и условия непрерывного профессионального развития учителей начальных классов в инновационной образовательной среде.

Annotation: The article examines the pedagogical possibilities and conditions for continuous professional development of primary school teachers in an innovative educational environment.

Tayanch so'zlar: boshlang'ich sinif, kasbiy mahorat, uzluksiz, innovatsion ta'lim, malaka oshirish.

Ключевые слова: начальная школа, профессиональные качества, непрерывное, инновационное образование, профессиональное развитие.

Key words: elementary school, professional qualities, continuous, innovative education, professional development.

Кириш. Har qanday murakkab zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari, integratsiyalar, fan sohasidagi olamshumul yangiliklar avvalo o'qituvchi tomonidan o'zlashtirilib, so'ngra uning bilimi, saviyasi, qobiliyati evaziga o'quvchilar ongiga va tafakkuriga yetkaziladi. O'qituvchiga nisbatan qo'llaniladigan "pedagogik mahorat" atamasi hech qachon o'z mavqei yo'qotmaydi, balki tobora takomillashib, boyib va zamon talablariga mos o'zgarib boraveradi.

Barcha kasb – korlar tizimida o'qituvchilik kasbi muhim ijtimoiy ahamiyat kasb etadi. Zero, o'qituvchi yosh qalblar kamolotining me'moridir. Bugun u yoshlarni g'oyaviy – siyosiy jihatdan chiniqtirib, tabiat, jamiyat, tafakkur taraqqiyoti, qonuniyatlarini o'rgatar ekan, avvalo, u yosh avlodni kelajak mehnat faoliyatiga tayyorlashi, kasb – hunar egallashlariga ko'maklashishi va jamiyat uchun muhim bo'lgan ijtimoiy – iqtisodiy vazifani hal etishga chog'lamog'i dardkor. Ana shu ma'suliyat o'qituvchidan o'z kasbining mohir ustasi bo'lishni, o'quvchi – yoshlarga tarbiyaviy ta'sir ko'rsatib, ularning qiziqishi, qobiliyati, iste'dodi, e'tiqodi va amaliy ko'nikmalarini har tomonlama rivojlantirishning optimal yo'llarini izlab topadigan kasb egasi bo'lishni talab etadi. Buning uchun pedagogik mahorat fani o'qituvchidan doimo kasbiy mahorati ustida izlanish uchun, unga turli shart – sharoitlar yaratishi, kerakli moddiy va ilmiy – metodik yordam ko'rsatishi hamda o'qituvchining ijodiy tashabbuskorligini oshirishiga ko'maklashadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Innovatsion ta'lim jarayonida boshlang'ich sinif o'qituvchilarining kasbiy mahorati va faoliyat samaradorligini uzluksiz oshirish tizimini rivojlantirishning hamda modernizatsiya qilishning o'ziga xos xususiyatlaridan biri ilm, fan va ishlab chiqarishning integratsiyasini keng ko'lamdagi samarali faoliyatini tashkil etishdan iborat. Innovatsion texnologiyalarni hayotga tadbiq etish, sohaga oid ilm-fan, fundamental va amaliy tadqiqotlarni

olib borish, belgilangan ustuvor yoʻnalishlar asosida taʼlim tizimida ilm-fanning zamonaviy yutuqlarini joriy etish, sohaga oid ishlab-chiqarish korxonalarida oliy taʼlim muassasalari, umumiy oʻrta va oʻrta maxsus taʼlimi hamda professional taʼlim bazasida tadqiqot va oʻquv ilmiy markazlarni – yaʼni texnoparklarni bosqichma-bosqich tashkil etish orqali fan bilan taʼlim hamda ishlab chiqarishning oʻzaro integratsiyasini taʼminlash, nafaqat rahbar va pedagoglarning balki malaka oshirish jarayoniga jalb etilgan boshlangʻich sinf oʻqituvchilarini ijodiy-intellektual salohiyatini koʻtarishdek asosiy maqsad etib belgilanadi.

Uzluksiz taʼlim tizimida umumiy oʻrta taʼlim maktablari oʻzining salmogʻi hamda boshlangʻich asos ekanligi bilan alohida oʻrin egallaydi. Shundan kelib chiqqan holda maktab oʻqituvchisining malakasini oshirishni aniq meʼyorlar asosida tashxis qilish va uning imkoniyatlari hamda mustaqil oʻz ustida ishlashining afzalliklarini tadqiq qilishni taqozo qiladi. Bu esa oʻz navbatida oʻqituvchining kasbiy mahorati, umumiy saviyasini mutassil takomillashtirish uchun sharoit yaratishni talab etadi. Oʻqituvchi mehnatini rejali tashkil qilish taʼlim-tarbiya muvaffaqiyatining garovidir. Ilmiy asoslarga tayanib tuzilgan dars jadvali, koʻrgazmali qurollarning yetarliligi, oʻqituvchilarni taʼlim-tarbiyaga daxldor boʻlmagan ishlardan ozod qilish uning kuchi va vaqtini tejaydi hamda mehnati unumini oshiradi.

Boshlangʻich sinf oʻqituvchilarining kasbiy mahoratini uzluksiz oshirish masalasida xorijiy mutaxassislar va sohaga oid xorijiy adabiyotlardan foydalanish ham muhim masala hisoblanadi. Xorijlik olimlar jahon andozalariga mos taʼlim amaliyoti, tizimi, ilgʻor texnologiyalari va axborot – kommunikatsiya texnologiyalarining zamonaviy usullari hamda oʻzlarining ilmiy – tadqiqot izlanishlari haqida maʼlumotlar beradilarki, ular orqali tinglovchilarimiz hozirgi davrning eng yangi ilgʻor texnologiyalari bilan tanishadilar, tajriba almashadilar.

Oʻqituvchilarni tayyorlash va ularning malakasini oshirish muammosini nazariya va amaliyotdagi holatini tahlil etish bu sohada quyidagi muammoli holatlar mavjudligini koʻrsatadi:

malaka oshirishda oʻqituvchilarni tanlash umumilmiy tayyorgarligiga koʻra tanlab olinadi, lekin ularning tabaqalashtirilmasdan oʻqitilayotganligi;

oʻquv rejalarning rivojlangan davlatlarnikiga nisbatan koʻp predmetliligi;

oʻquv rejasida mavjud oʻquv predmetlari mazmunida izchillik, uzviylik, predmetlararo aloqadorlik, oʻzaro aloqadorlik, tizimlilikning toʻla taʼminlanmaganligi sababli oʻqituvchilarda bir-biri bilan bogʻlanmagan lavhalar xarakterli bilim, koʻnikma, malaka va shaxsiy fazilatlarining shakllanayotganligi;

tenglovchilarning oʻrganilayotgan obʼektlar haqida tushunchalari, tasavvuri va oʻzlashtirgan dalillari bilimga undan koʻnikma hamda malaka darajasigacha bosqichma-bosqich mukammallashtirilib borilmayotganligi;

turli oʻquv predmetlarini oʻrganish jarayonida maʼlum hajmdagi ayrim oʻquv materiallarning takrorlanishi va uning natijasi oʻlaroq tenglovchilar oʻquv-biluv faoliyatining maʼlum maʼnoda susayishi;

mehnat bozori talablaridan kelib chiqqan holda baʼzi bir pedagogik faoliyat uchun zarur boʻlgan oʻquv axborotlarini oʻz vaqtida dasturlarga kiritilmaganligi;

kasbiy taʼlim tayyorlov yoʻnalishining oʻziga xos jihatlarni hisobga olinmaganligi;

moddiy-texnik va oʻquv-uslubiy taʼminotning hozirgi zamon talablari darajasida emasligi;

umumilmiy (amalda umumtaʼlim yoki fan asoslari deb ham yuritiladi) va umumkasbiy oʻquv predmetlarini oʻrganishda kasbiy yoʻnalganlik tamoyilining taʼminlanmaganligi;

pedagogik va ishlab chiqarish amaliyotining toʻlaqonli huquqiy-meʼyoriy asoslari yaratilmaganligi va bu amaliyotlar oʻtkaziladigan muassasalar hamda tashkilotlardan hamkorlik imkoniyatlaridan oqilona foydalanish mexanizmining yaratilmaganligi;

maʼlum oʻquv materiali mazmunini turli oʻquv predmetlarida turlicha talqin etilishi, yaʼni yakdillik bilan qabul qilingan atamalarining har doim ham qoʻllanilmasligi;

o'qituvchilar tayyorlash hamda ularning malaka oshirish kurslarida kasbiy-pedagogik kompetentlikni ta'minlashga oid ishlanmalarni davlat ta'lim standartlari va davlat talablari asosida ilmiy asoslangan holda ishlab chiqilmaganligi kabilar.

Yuqorida ta'kidlangan fikrlar va boshqa nomutanosibliklarning ko'pchiligi ta'lim mazmuniga borib taqaladi. Demak, o'qituvchilarni tayyorlash ishida eng dolzarb va murakkab masalalardan biri – Davlat ta'lim standartlari doirasidagi mazmuni tanlab olish, uning mantiqiy izchilligi, uzviyligi, uzluksizligi va ma'lum ma'noda yetarli va zarurligini ta'minlash hisoblanadi. Chunki bugun qanday ta'lim mazmunining tanlab olinishi va o'rganilishi bilan tayyorlayotgan mutaxassislarimizning tayyorgarlik darajasi bilan bevosita bog'liq. Agar ta'lim mazmuni to'g'ri tanlab olinmasa, har qanday takomillashgan shakl, metod va vosita ham ko'zlangan umumiy va o'quv maqsadlariga erishishimizga kafolat bera olmaydi.

Tahlillarimiz ta'lim mazmunining yetarli va zarur darajasi:

- mutaxassis egallab turgan lavozimiy vazifalarini talab darajasida to'liq bajarishiga;
- mutaxassisning bir ishlab chiqarish o'rnidan ikkinchisiga gorizont va vertikal tekisliklarda o'tishiga;
- mutaxassis ish o'rnini o'zgartirmagan holda sohaga kirib kelayotgan yangi texnika va texnologiyalarni o'zlashtirishiga;
- o'zi va safdoshlarining faoliyatini to'g'ri baholashga hamda jamoaga moslashib faoliyat ko'rsatishiga;
- ekstremal vaziyatlarda tezkor maqbul qarorlar qabul qilishiga;
- mustaqil ravishda ijodiy faoliyat bilan shug'ullanish va shu kabilarga imkon berishga ko'ra tanlab olinishi zarurligini ko'rsatadi.

Uzviylik mohiyatiga ko'ra «izchillik», «uzluksizlik», «muntazamlik» va «tizimlilik» kabilar bilan bog'liqdir. Ta'lim mazmunida uzviylik izchillik nuqtai nazaridan davomiylilikni nazarda tutsa, uzluksizlik egallanayotgan kasb-hunar sir-sinoatlari haqida tasavvur, bilim, ko'nikma va malakalarning mantiqiy dialektik rivojlanishini, mukammallashishini ko'zda tutadi. Rivojlanish va mukammallashish o'z navbatida o'zaro bog'liqlik va davomiylilik munosabatlarida namoyon bo'ladi. Ana shunda o'quv rejasiga kiritilgan har bir o'quv predmeti tayyorlanayotgan mutaxassis shaxsining tarkib topishida o'zining munosib hissasini qo'shgan bo'ladi. Shuning uchun ham o'quv rejasiga kiritilayotgan o'quv predmetlari mazmunining mantiqiy izchilligi, tutashliligi, oldingi o'zlashtirgan materialni keyingisi uchun o'ziga xos asos (zamin) bo'lishi va natijada yaxlit mukammal tizimli xarakterga ega bo'lishini ta'minlash zarur. Ta'lim mazmunida uzviylikni ta'minlash uchun o'quv maqsad va vazifalari ta'lim oluvchilarning individual yosh xususiyatlari va hayotiy tajribalariga tayanilib, ta'lim jarayonida, bo'lajak mutaxassisning tanlagan sohasi bo'yicha kasbiy-pedagogik faoliyat sir-asrorlarini mukammal egallashi bilan tugallanishi lozim. Lekin uzviylik faqatgina umumilmiy, umumkasbiy va mutaxassislik o'zagi hisoblangan maxsus fanlar orasidagina emas, balki eng avvalo bir turkumga kiruvchi o'quv predmetlari orasida ta'minlanishi zarur.

Mutaxassis kadrlar tayyorlashga tizimli yondashish uzviylikda o'zining aniq ifodasini topadi. Ta'limda uzviylikning mohiyati talabalarda o'zlashtirgan bilim, ko'nikma, malaka va shaxsiy fazilatlarini kengaytirish, chuqurlashtirish va rivojlantirish jarayonida avval o'zlashtirilgan, yangi va istiqbolda o'zlashtiriladigan ma'lumotlar orasidagi zaruriy aloqadorlikni o'rnatishdan iboratdir.

Uzviylikning ta'minlanishi ta'lim jarayoniga dinamik, istiqbol tavsifini berib, bu jarayon ishtirokchilarining ongli hamkorlik faoliyatlarini ta'minlaydi, parallellik va takrorlashlarni bartaraf etadi, ma'lum miqdordagi o'quv vaqtini iqtisod qilib, bosqichli oliy ta'lim hamda malaka oshirish kurslarining maqsadi, mazmuni, tashkil etish shakllari, amalga oshirish metodlari va vositalarini uyg'un qo'llashda o'zaro aloqadorlikni amalga oshiradi. Shuning uchun ham uzviylik ta'limda tizimli yondashuvni amalga oshirish mexanizmi sifatida e'tirof etiladi.

Malaka oshirish markazlari buyurtmachining yakka tartibdagi topshiriqlari yoki aniq yo'naltirilgan dasturlar asosida vazirlik bilan kelishgan holda tabaqalashtirilgan o'quv rejalari va dasturlarini ishlab chiqadilar hamda o'qitishning interfaol

metodlarini, internetning global tarmog'idan foydalangan holda pedagoglarning tanqidiy va ijodiy tafakkurini rag'batlantirishga, mustaqil ma'lumot olishga yo'naltirilgan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy etadilar. Bu jarayonda o'qituvchilarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ular malakasini oshirish tizimining samaradorligi bu tizimni ehtiyojlarga asoslangan holda tashkil qilish yoki boshqacha qilib aytganda, malaka oshirish dasturlari haqiqiy ehtiyojlardan kelib chiqib tuzilgan bo'lishi kerakligi bilan belgilanadi.

Tadqiqot metodologiyasi. O'qituvchilarning malakasini oshirish jarayonida ularning bilim, ko'nikma, malakasini o'lchash mezonlari va uni aniqlash metodikasining tashkiliy - pedagogik asoslarini yangidan ishlab chiqishdir. Buning uchun o'qituvchilarning kasbiy bilim va mahoratlarini oshirish tizimini quyidagi o'ziga xosliklarga ega ekanligini hisobga olish kerak. Bular:

- tinglovchilarning boshlang'ich bilim va mahoratlari, tajribalari, tayyorgarlik darajalari xilma-xilligi;
- ko'p tinglovchilarning amaliy ish tajribalari boyligi;
- malaka oshirish institutlarida yangi pedagogik, ilmiy axborotlarni o'rganishdan tashqari, oliy o'quv yurtida bilib olishi zarur bo'lgan materiallarni ham o'rganishga to'g'ri kelishi;
- tinglovchilarning yoshi xilma-xil bo'lib, berilayotgan axborotlarni qabul qilish darajasi bir xil emasligi;

Malaka oshirish jarayonida olib borilgan kuzatishlar va tadqiqotlar natijasida hozirgi kunda umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchilarida quyidagi pedagogik mahoratlar yetishmasligi kuzatiladi:

- darsga maqsadni aniq qo'ya olmaslik;
- darsni rejalashtirishda qiynalish;
- kundalik reja dars ishlanmasiga ahamiyat bermaslik;
- ko'rgazma va tarqatma materiallardan kam foydalanish;
- tayyorlangan ko'rgazmalarni to'la ko'rsata olmaslik;
- interfaol usullarni juda kam qo'llash;
- savollarni to'g'ri tuzish, o'z o'rnida berish tartib-qoidalariga e'tibor qilmaslik;
- interfaol metodlarni to'g'ri qo'llay olmaslik;
- laboratoriya jihozlari yetishmaganda o'rniga, multimediya ko'rinishida namoyish qilishni bilmaslik;
- dars jarayonida xorijiy til o'qituvchilarini ko'proq o'zbek tilida so'zlashishi;
- barcha o'quvchilarni darsga jalb eta olmaslik;
- internetdan foydalana olmaslik;
- o'qituvchi ovoz tembrining haddan ziyod balandligi;
- ta'limdagi innovatsiyalardan xabardor emaslik;

Xulosa qilib aytganda, aniqlangan bo'shliqlarni hisobga olgan holda o'qituvchilarning malakasini oshirish tizimi pedagogik mahoratni oshirish bo'yicha qo'yidagi yo'nalishlarga e'tibor berish lozim:

1. Pedagog kadrlarning pedagogik, psixologik tayyorgarligini butun choralar bilan kuchaytirish, malaka oshirish jarayonida insonning imkoniyatlari haqidagi yangi ilmiy, nazariy, psixologik, pedagogik axborotlarni o'rganishga alohida e'tibor berish;

2. Mashg'ulotlarda o'qituvchining tarbiyachilik mahoratini oshirishga, tarbiya nazariyasi, metodikasi va amaliyotiga oid yangi axborotlarni berishga yo'naltirish, o'qituvchilarni o'quvchilarda mustaqil fikrlashga, faoliyat ko'rsatishga, atrofda sodir bo'layotgan ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy o'zgarishlarga baho bera olishga o'rgatuvchi metodlar bilan qurollantirish;

3. O'quv jarayonida axborot kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llash, pedagog kadrlarni tayyorlovchi universitet, pedagogik institutlari va pedagogika kallejlari faoliyatini bilan malaka oshirish tizimi o'rtasidagi hamkorlikni yo'lga qo'yish;

4. Malaka oshirishda olgan yangiliklarni amaliyotda qo'llay olishlarini, ta'lim jarayoniga tadbiq eta olishlariga erishish maqsadida umumiy o'rta ta'lim maktablari bilan hamkorlik rejalarini tuzish, metodik yordam berish, o'qituvchilarning ta'lim sohasidagi har qanday o'zgarishlar va yangiliklarga tayyorlash.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

Zaripov K. O'qituvchilar malakasini oshirishda maktab rahbarining roli. – T.: "O'qituvchi", 1993, 97 – bet.

Azizxodjaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat (o'quv qo'llanma) . – T., 2006.

Боймуродова Г. Т. Замонавий таълимда узлуксиз малака ошириш тизими // Современное образование (Узбекистан). – 2014. – №. 2. – С. 26-30.

Чориев Р. Қ. Малака ошириш тизимини модернизациялашнинг ўзига хос хусусиятлари // Современное образование (Узбекистан). – 2014. – №. 2. – С. 22-25.

Абдуллаев С. Х. Малака ошириш таълим муассасаларида ҳамкорликда бошқарув // Современное образование (Узбекистан). – 2016. – №. 12. – С. 78-83.



**O'ZARO DARSLARNI TAHLIL QILISH KASBIY MAHORATNI
OSHIRISHNING VOSITASI SIFATIDA
АНАЛИЗ УРОКА ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ КАК СРЕДСТВО
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ
ANALYSIS OF THE LESSON OF INTERACTION AS A MEANS OF
PROFESSIONAL DEVELOPMENT**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.062>

*Jurayev Bobomurod Tojijevich,
Buxoro davlat universiteti pedagogika kafedrasida o'qituvchisi*

*G'aybullayeva Madina Habibullo qizi,
Buxoro davlat universitetining pedagogika instituti magistri*

*Жураев Бобомурод Тожиевич,
Преподаватель кафедры педагогики Бухарского государственного
университета*

*Juraev Bobomurod Tojievich,
Teacher, Department of Pedagogy, Bukhara State University*

*Гайбуллаева Мадина Хабибулло кизи,
Магистр педагогического института Бухарского государственного
университета*

*Gaibullaeva Madina Khabibullo kizi,
Master of Pedagogical Institute of Bukhara State University*

Аннотация. Мақолада замонавий дarsни таҳлил қилиш педагогик нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Darsning sifati va samaradorligini oshirish, o'qituvchilarda pedagogik mahoratni shakllantirishda darsni taahlil qilish ko'nikmalarini shakllantirish va o'z o'zini taahlil qilishning ahamiyatini yoritib berilgan. Oliy va professional ta'lim tizimida Davlat ta'lim standarti talablariga muvofiq darsni taahlil qilish mezonlari keltirilgan hamda dars taahlili bo'yicha metodik tavsiyalar berilgan.

Аннотация. В статье рассматривается анализ современного урока с педагогической точки зрения. Выделена важность повышения качества и эффективности уроков, формирования навыков анализа урока и самоанализа в формировании педагогического мастерства педагогов. Критерии анализа урока в соответствии с требованиями ГОСО в высшем и профессиональном учебно-методические рекомендации по анализу урока.

Annotation. The article discusses the analysis of the modern lesson from a pedagogical point of view. The importance of improving the quality and effectiveness of lessons, the formation of lesson analysis skills and self-analysis in the formation of pedagogical skills of teachers is highlighted.

Kalit so'zlar: zamonauiy darslar, dars taahlili, dars taahlili mezonlari, dars sifati, o'z-o'zini taahlil qilish, o'qituvchi mahorati.

Ключевые слова: современные уроки, анализ урока, критерии анализа урока, качество урока, самоанализ, мастерство учителя.

Key words: modern lessons, lesson analysis, lesson analysis criteria, lesson quality, introspection, teacher skill.

Kirish. Mamlakatimizda ta'lim tizimida tub islohotlar amalga oshirishi bilan bir qatorda o'qituvchilardan doimiy ravishda o'z kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarini

o'shiring borishlari hamda dars mashg'ulotlarini yuqori saviyada tashkil etilishlari talab etiladi. Dars tahlili pedagogik mahoratni oshirishning eng asosiy yo'li va ta'lim samaradorligini oshirishning omili hisoblanadi. Ta'lim muassasalaridagi o'quv mashg'ulotlari mazmunini tahlil qilish bevosita ta'lim tarbiya jarayonini to'g'ri tashkil etish, ta'lim oluvchilarning o'zlashtirish darajalarini oshirishdan iboratdir. O'quvchilarni o'qitish va tarbiyalashning zamonaviy nazariyasini amaliyotga joriy etish asosida o'quv jarayonini takomillashtirishning eng muhim omili darsni pedagogik kuzatish va tahlil qilish hisoblanadi bundan tashqari darslarni tahlil qilish orqali o'qituvchilar o'z pedagogik mahoratni oshirish va yo'l qo'yilgan xato va kamchiliklarni to'ldirish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Asosiy qism. Dars tahlili – o'quv jarayonini bir butun yaxlit holda yoki muayyan bo'laklarga bo'lib baholash. Darsni tahlil qilish o'qituvchidan darslarning tiplari va tuzilishlari haqida har tomonlama bilimga ega bo'lishni, tahlil qilish, har doim ham yuzaki bo'lmagan narsalarni ochib berish uchun maxsus ko'nikmalarga ega bo'lishni talab qiladi. Tahlil darajasi har doim o'qituvchining kasbiy malakasini belgilaydi. Passov E.I. «Darsni qanday tahlil qilayotganingizni ko'rsating, men sizga qanday o'qituvchi ekanligingizni aytaman» deb ta'kidlagani ham darsni tahlil qilish o'qituvchi oldida ko'proq bilim va mahorat talab etilishini bildiradi.

Darsga puxta tayyorgarlik ko'rish, chuqur tahlil qilish va o'z-o'zini tahlil etish, hamkasblari tajribasini o'rganish va umumlashtirish, ularning amaliy faoliyatiga qiziqarli va samarali ish metodikalarini joriy etish yuksak kompetentlikka ega bo'lgan o'qituvchini shakllantiradi.

Dars tahlili o'zaro uzviy bog'langan quyidagi qismlarni o'z ichiga oladi:

- o'quv materialining mazmunini tahlil etish;
- o'quvchining o'qish, o'zlashtirish faoliyatini tahlil etish;
- o'qituvchining o'qitish faoliyatini tahlil etish;
- o'qituvchining o'qitish faoliyatini o'zi tomonidan tahlil qilinishi;
- ta'limning maqsad va vazifalarini tahlil etish;
- o'qituvchi va o'quvchining bevosita ishtirokida narsa, voqea va hodisani tahlil etish;
- o'quv materialini sodda shaklda tahlil etish;
- ta'limning turlarini tahlil etish;
- ta'lim metodlarini tahlil etish.

Zamonaviy darslarni tahlilini quyidagi turlari mavjud:

Ilmiy tahlil.

Metodik tahlil.

Didaktik tahlil.

Umumpedagogik tahlil.

Umumpsixologik tahlil.

Ilmiy tahlil – berilayotgan bilimlarning ilmiy-nazariy jihati, ta'lim oluvchilar bajarayotgan mustaqil ta'limining maqsadga muvofiq yo'nalganligi to'g'riligini aniqlash.

Metodik tahlil, bunda o'qituvchi o'quv materialini ta'lim oluvchilar diqqatiga qanday tarzda yetkazishi, dars jarayonida qo'llagan ta'lim metodlarining maqsadga muvofiqligi va turli-tumanligi, ta'limning turi va uning o'ziga xos xususiyatlariga qarab tahlil qilinadi. O'qituvchi o'quv materialini bayon qilishi, tushuntirishi jarayonida qo'llagan o'qitish metodlari, foydalanilgan vositalari va shakllarining shu mavzuga mosligi yoki mos emasligi metodik tahlil davomida aniqlanadi.

Didaktik tahlil – o'qituvchi tomonidan o'quv mashg'ulotlarini ta'lim tamoyillariga amal qilgan holda (darsga qo'yiladigan talablar asosida) olib borilishi nazarda tutiladi.

Umumiy pedagogik tahlil, bunda o'quv mashg'uloti mazmunining ilmiy, metodik va didaktik jihatlarini majmuaviylik nazarda tutiladi, ya'ni:

o'quv xonasining jihozlanganlik darajasi;
o'quv xonasining sanitar-gigienik holati;
o'quv mashg'ulotida o'qituvchi va ta'lim oluvchilarning maqsadga erishilganlik darajasi;

o'quv mashg'ulotining ilmiylilik jihati;

o'quv mashg'ulotining ilmiy-metodik jihatdan ta'minlanganligi;

o'quv mashg'uloti jarayonida didaktik jihatning talabga mosligi va boshqalar.

Umumiy psixologik tahlil, bunda o'quv mashg'uloti jarayoni natijasida quyidagi ruhiy holatlar orqali dars samaradorligiga erishish nazarda tutiladi:

o'qituvchi va ta'lim oluvchilar o'zaro bir-birlarini tushunishi va qo'llab quvvatlashi;

ularning o'zaro bir-birlarini idrok etishi, his qilishi, ruhiy holati va kechinmalarini hurmat qilishi;

o'qituvchi va ta'lim oluvchilar o'quv mashg'uloti jarayonida va o'quv mashg'ulotidan tashqarida o'zaro bir-birlariga bo'lgan munosabatlari, kayfiyatlari va boshqalar.

Dars tahlilining eng ta'sirchan shakllaridan biri-pedagoglarning o'z darslarini o'zlari tahlil qilishidir. Bunda darsni boshqa birov emas, aynan dars bergan o'qituvchining o'zi, mashg'ulotni o'tib bo'lgandan so'ng fikran o'tilgan dars bilan rejalashtirgan masalalarning yechilishini solishtiradi. Pedagog o'z darsidagi kamchiliklarni bartaraf qilish, o'z darsini qayta qrish maqsadida darsdan chiqqach, dars jarayonini to'la eslashga harakat qiladi. Bunda har bir dars bosqichida bajarilgan ishlar qo'llanilgan usul va metodlarni tahlil qiladi va o'zi yo'l qo'ygan kamchiliklarni aniqlab, kelajakda ularga yo'l qo'ymaslik choralari belgilaydi. O'z darsini o'zi tahlil qilganda avvalgi dars bilan hozirgi darsini solishtiradi.

O'qituvchi o'z darsini o'zi tahlil qilish davomida erishilgan yutuqlarni mustahkamlash va yo'l qo'yilgan kamchiliklarni takrorlamaslik chora-tadbirlarini belgilaydi. Shu asosda o'z shaxsiy tajribasini boshqalar bilan qiyoslash kabi usullardan ham foydalanadi. O'quv yurtlari rahbarlari va pedagoglarining darslarga kirish va tahlil qilish tajribasini o'rganish shuni ko'rsatdiki, ular pedagogik mahoratni oshirishning bu ta'sirchan shaklidan juda kam foydalanadilar. Xolbuki, mustaqillik sharoitida erkin, ozod, mustaqil fikrlovchi insonni tarbiyalash o'z-o'zini tahlil qilishga jiddiy e'tibor berishni taqozo qiladi.

Buning metodologik asosi shundaki, mustaqillik inson omilining kuchayishida o'z ifodasini topar ekan, insonning xohish-irodasi, o'z faoliyatini o'zi tashkil qilishi zaruratga aylanmoqda. Shuning uchun har bir pedagogning o'z faoliyatini o'zi takomillashtirishga intilishi muhim ahamiyat kasb etadi. O'z darsini o'zi tahlil qilish esa bu muammoni yechishda muhim vosita bo'lib xizmat qiladi. Shundan kelib chiqib, bizlar pedagogning o'z darsini o'zi tahlil qilish tartibi (sxemasi)ni taklif qilamiz.

Pedagogning o'z darsini o'zi tahlil qilishi murakkab ichki jarayon bo'lib, u o'z darsini qismba-qism o'z taqrizidan o'tkazadi. Buning zamon pedagogikasi, metodika va ilg'or tajribalarga javob berilganini aniqlash va shu jihatdan o'z darsiga baho berishdir.

Auto tahlilda pedagog quyidagi savollarga javob topishi kerak.

1. Darsni rejalashtirganda o'quvchilarning bilimining puxtaligi va ularning o'quv imkoniyatlari hisobga olindimi?

2. Hozirgi o'tilgan mavzu ilgarigi mavzu bilan bog'lanib, kelasi dars uchun zamin tayyorlanayaptimi? Dars bayon qilish usuli, nutq madaniyati masalalarga e'tibor berildimi?

3. Darsning uchala didaktik (ta'limiy, tarbiyaviy, o'quvchi shaxsini o'stirish) maqsadi amalga oshiridimi?

4. Darsning tuzilishi o'quv materiallarining mazmuniga mosligi, dars bosqichlarining yaxlitligi, vaqtdan unumli foydalanishdimi?

5. Darsda asosiy, mohiyatli, belgilovchi g'oyalar ta'kidlandim?
6. Darsda tanlangan usul, vosita, prinsiplar o'quv materialini maqsadi, mazmuniga mos keladimi?
7. Darsda o'quvchilar alohida va tabaqalashtirilgan holda yondoshish amalga oshiriladimi?
8. O'quvchilarning darsda bilim, malaka va ko'nikmalarni egallashlarini nazorat qilish qanday tashkil etildi? Qo'yilgan baholar reyting talablariga to'g'ri kelib, tarbiyalovchi, ular faoliyatini rag'batlantirdimi?
9. Darsda o'quvchilarga bilimga, hunarga qiziqtirishga e'tibor berildimi?
10. Darsda hozirgi zamon UTV, axborot vositalaridan qay tarzda foydalanildi?
11. Darsda o'quvchilarning ruhiy holati, muhit, o'qituvchi va o'quvchilarning o'zaro munosabatlari qanday?
12. Uy vazifasi, topshiriqlarni topshirish metodikasi qay tarzda amalga oshirildi?
13. Darsda qanday kamchiliklarga yo'l qo'yildi? Ularning sababi nimada?
14. Darsni yuqori saviyada o'tqazish uchun o'qituvchi mahorati yetarliymi? Qaysi yo'nalishda o'z kasbiy mahoratini takomillashtirish kerak?

Shunday qilib, pedagog auto tahlilda darsning fikriy nusxasini uning amaldagisi, ya'ni o'tkazgan darsi bilan solishtirib, shu asosda o'zining umumiy saviyasi, ilmiy-nazariy, kasbiy mahoratini takomillashtirish yo'llarini belgilashi lozim. Bunday tahlil tashxis (diagnostik) ahamiyatga ega bo'lib, pedagogning shaxs sifatida va kasbiy darajasini to'g'ri baholay olish imkoniyatini yaratadi.

O'qituvchining uslubiy va pedagogik mahorati yuqori bo'lishi lozim. Ushbu kontseptsiya o'qituvchining quyidagi xususiyatlarini anglatadi: o'quv materialini har bir o'quvchi tushunadigan darajaga etkazish qobiliyati (bolalar o'qitishning individual va differentsial rejimi tizimida ishlash qobiliyati); maktab o'quvchilarida dars uchun ijobiy fikrlashni rivojlantirishga hissa qo'shadigan dars davomida qulay psixologik muhitni yaratish qobiliyati; hazil tuyg'usiga ega bo'lish, butun sinfning kayfiyatini nazorat qilish qobiliyati.

O'qituvchi-ustoz shaxsining xususiyatlari uning kasbiy faoliyati sharoitlari bilan belgilanadi.

Xulosa. Dars tahlili o'qituvchining ish faoliyatini o'rganish, fan asoslarini o'quvchilar qanday darajada o'zlashtirayotganligini aniqlash va davlat o'quv dasturi materiallarining reja asosida bajarilishini nazorat etishning asosiy omili hisoblanadi. Darslarni ilmiy, metodik, didaktik va umumiy pedagogik, psixologik jihatlarga bo'lib tahlil etish dars tahliliga aniqlik kiritadi, uni mukammallashtiradi hamda o'qituvchi va o'quvchi faoliyatiga mukammal baho berish imkonini kengaytiradi.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Pedagogika. Ensiklopediya. 1-jild. A-Yo (mas'ul muharrir R.Safarova) –T.: 2015

Жураев Б.Т. Деятельность педагога по гуманизации учебно-воспитательного процесса //Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч.-творч. форума. – 2017. – Т. 31.

Жураев Б.Т. Социально-духовное развитие студентов //Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 22-23.

Davronov I.E., Jurayev V.T. Pedagogik va psixologik fanlarni o'qitish metodikasi. "Durdona" nashriyoti, -Vuxoro, 2019.

Мирзаев И. Дарс таҳлили. / Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 1985.

Олимов Ш.Ш. Некоторые вопросы организации урока на основании педагогических технологий //Молодой ученый. – 2013. – №. 5. – С. 752-754.

Олимов Ш.Ш. Педагогическое мастерство преподавателя и его профессионализм в системе образования //Научные школы. Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч.-творч. форума. – 2017. – Т. 31.

ОЛИМОВ Ш. Ш., ХОДЖИЕВА М. Ш. Возможности применения педагогических технологий в образовательном процессе //Молодежь и XXI век-2020. – 2020. – С. 228-231.

Сарсенбаева Р. М. Ўқув машғулотларини таҳлил қилиш методикаси //Современное образование (Узбекистан). – 2016. – №. 6. – С. 3-11.

Сухомлинский В.А. Авторитарная педагогика похоронила саму идею самоанализа урока – Режим доступа: <http://fs.nashaucheba.ru/docs/270/index-1433580-11.html>

**OLIY O'QUV YURTLARIDA TALABALARNING MUSTAQIL TA'LIM
JARAYONINI TASHKIL QILISHDA GAT TEXNOLOGIYALARIDAN
FOYDALANISH MUAMMOLARI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.063>

Odilova Mahfuza,

Buxoro davlat universiteti Biologiya kafedrasida o'qituvchisi.

**ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ GAT-ТЕХНОЛОГИЙ В
ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО
ПРОЦЕССА СТУДЕНТОВ В ВУЗЕ**

Одилова Махфуза,

*Бухарский государственный университет, преподаватель кафедры
биологии*

**PROBLEMS OF USING GAT TECHNOLOGIES IN ORGANIZATION
OF INDEPENDENT EDUCATIONAL PROCESS OF STUDENTS IN
HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS**

Odilova Mahfuza,

Bukhara State University, Lecturer, Department of Biology

ANNOTATSIIYA. Ushbu maqola oliy ta'lim talabalarining mustaqil ta'limni tashkil qilishda GAT texnologiyalardan foydalanish muammolari haqida so'z boradi. Avvalombor oliy ta'lim tizimida mustaqil ta'limni tashkil etish, talabani mustaqil ishlashiga undovchi motivlarni aniqlash, ularning mustaqil bilim olish ko'nikmalarini shakllantirish dolzarb pedagogik muammo hisoblanadi. Chunki axborot va bilimlar doirasi tez sur'atlar bilan kengayib borayotgan hozirgi sharoitda barcha ma'lumotlarni faqat dars mashg'ulotlari paytida talabalarga to'liq yetkazib bo'lmasligi takidlab o'tilgan.

АННОТАЦИЯ. В данной статье рассматриваются проблемы использования GAT-технологий в организации самостоятельного обучения студентов высших учебных заведений. Прежде всего, организация самостоятельного обучения в системе высшего образования, выявление мотивов у студентов к самостоятельной работе, формирование у них навыков самостоятельного обучения является актуальной педагогической проблемой.

ANNOTATION. This article discusses the challenges of using GAT technologies in the organization of independent learning of higher education students. First of all, the organization of independent education in the higher education system, the identification of motivations for students to work independently, the formation of their independent learning skills is an urgent pedagogical problem.

Kalit so'zlar: mustaqil, didaktik, kompetent, konferentsiya, kasbiy ta'lim, ob'yektiv va sub'yektiv, GAT, ekstensiv.

Ключевые слова: самостоятельная, дидактическая, компетентная, конференция, профессиональное образование, объективное и субъективное, GAT, экстенсивное.

Keywords: independent, didactic, competent, conference, professional education, objective and subjective, GAT, extensive.

Kirish. Hozirgi zamon talablariga binoan oliy o'quv yurtlari oldida turgan eng muhim vazifalardan biri jahon standartlari talablariga javob bera oladigan bilimli, zukko va raqobatbardosh mutaxassislar tayyorlashdan iboratdir.

Yuqoridagilarni nazarda tutib bugun talabalar faoliyatida mustaqil ta'limni joriy etish davr talabi. Mustaqil ta'lim deyilganda o'quv materiallarini o'quvchilar

ongida ilmiy izlanishga o'xshata bilish vazifalari va mustaqil fikr bo'ladigan qilib o'rgatish tushuniladi.

Ma'lumki, talabalarni mustaqil ishlashga o'rgatish bu ularning kelajakda o'z ixtisosligi bo'yicha yetuk mutaxassis bo'lib shakllanishining asosi hisoblanadi. Talaba ma'ruza va amaliy mashg'ulotlarda olgan bilimlar asosida mustaqil bir muammoni yechish rejasini tuzib va reja asosida uni amalga oshira olishi talabani professional rivojlanishiga ijodiy yondasha olishiga va o'zini intellektual rivojlantirishiga asos bo'la oladi. Ko'pchilik hollarda talabalar har bir darsdan zaruriy darajadagi bilimni olishga harakat qilishadi. Lekin, agar mustaqil ish jarayoni to'g'ri tashkil qilinsa, talabalar mustaqil ish qilishi uchun yetarli shart-sharoit yaratilsa, zamonaviy texnika va texnologiyalardan foydalanish imkoniyati yaratilsa, talabalar mustaqil ravishda o'zlashtirishi talaba bilim olishning tub asosi bo'ladi.

Xo'sh talabalar mustaqil o'quv ishi deganda nimani tushunish kerak. Umuman olganda bu bo'lajak kasb egasining tafakkurini tarbiyalash bilan bog'liq xarqanday faoliyat desa bo'ladi. Xullas, talabani bilish faolligini oshirib, mustaqil fikrlashga chorlaydigan auditoriyadagi va auditoriyadan tashqari, shuningdek o'qituvchining xabarligida yoki uning ishtirokisiz bajaradigan mashg'ulotlar yig'indisiga aytish mumkin.

Oliy ta'lim tizimida mustaqil ta'limni tashkil etish, talabani mustaqil ishlashga undovchi motivlarni aniqlash, ularning mustaqil bilim olish ko'nikmalarini shakllantirish dolzarb pedagogik muammo hisoblanadi. Chunki axborot va bilimlar doirasi tez sur'atlar bilan kengayib borayotgan hozirgi sharoitda barcha ma'lumotlarni faqat dars mashg'ulotlari paytida talabalarga to'liq yetkazib bo'lmaydi.

Tajribalar shuni ko'rsatadiki, talaba faqat mustaqil shug'ullanganda va o'z ustida ishlagandagina bilimni chuqur o'zlashtiradi, ularda mustaqil faoliyat ko'rsatish qobiliyati shakllanadi hamda ijodiy ishlashga qiziqish paydo bo'ladi. Shu sababli talabalar mustaqil ta'lim olish jarayonini tashkil etish uchun zarur bo'lgan barcha o'quv-uslubiy ta'minotni yaratish oily ta'lim muassasasi oldida turgan asosiy vazifa hisoblanadi.

Rivojlangan davlatlarda jamiyat taraqqiyoti oily ta'lim rivojlanishi bilan uzviy bog'langan bo'lib, zamonaviy axborot texnologiyalar zamirida fan va texnikaning rivojlanishi jamiyatda mustaqil ta'limga bo'lgan ehtiyojini yana kuchaytiradi. Bu ta'lim muassasalarida ta'lim oluvchilarni mustaqil bilim olishlarini yangi pog'onaga ko'tarishni taqazo qilmoqda.

Kafedralar professor – o'qituvchilariga fanlardan talabalar mustaqil ishlarini bajaralishini tashkil etishda quyidagi talabalar qo'yiladi:

fanning o'ziga xos xususiyatlarini e'tiborga olgan holda talabalar mustaqil ishlari mazmuni va hajmini meyyoriy – metodik xujjatlarga tayanib asoslash;

talabalar mustaqil ishlarini tabaqalashtirilgan holda rejalashtirish hamda tematikasini shakllantirish;

talabalar mustaqil ishlarini fanlarning xususiyatlarini e'tiborga olgan holda va talabalar asosida mavzudan o'tgan sari murakkablashtirib borish tamoyili asosida tayyorlash;

ta'lim yo'nalishlari bo'yicha umumta'lim, umumkasbiy va ixtisoslik fanlaridan talabalar mustaqil ishlarining mazmuni va murakkablik darajasini tahlil etish va shu asosda fanlardan talabalar mustaqil ishlari dasturini ishlab chiqish;

Talabalar mustaqil ishlarini rejalashtirish jarayoniga boshqarishda asosiy mas'uliyat fan o'qituvchisi zimmasiga yuklanadi. O'qituvchi tomonidan zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida darsning modeli aniqlanadi, o'quv maqsadlari (o'qituvchining va identiv o'quv maqsadlari) shakllantiriladi.

Shu asosda har bir asosiy savol bo'yicha mustaqil ish topshiriqlari tuziladi hamda

o'quv mashg'ulotlari jarayonida talabalar faoliyatini boshqarish mustaqil ishga jalb etish, nazorat qilish, rag'batlantirish, baholash, xulosalash kabi bosqichlarni puxta tayyorlashga erishiladi. Fan bo'yicha o'quv dasturi talabalar mustaqil ishlarini rejalashtirishda asosiy manba hisoblanadi.

Talabalar mustaqil ishlarini bajarish jarayoni loyixalashtirilayotganda talabalarda o'z-o'zini boshqarish va nazorat qilish ko'nikmalarini shakllantirilishi e'tiborga olinadi. Talabalar mustaqil ishlarini o'qituvchining o'quv dasturida fan bo'yicha amalga oshiriladigan ishlar to'la aks ettiriladi.

Talabalar mustaqil ishlarini amalga oshirishda samaradorlik ko'p jihatdan topshiriqlarning to'g'ri rejalashtirilganligiga, aniq maqsadni mo'ljallab tayyorlanganligiga, tarqatma va o'quv- metodik materiallarning sifatiga har tomonlama bog'liq.

Moddiy-texnik va dasturiy taminotning talabalar mustaqil ishlarining tashkil qilishda roli kattaligini e'tiborga olgan holda mustaqil ishlarni bajarishdagi samaradorlikni o'quv- metodik va axborot ta'minoti sifatiga aloqadorligi qonuniyatlarini ilmiy – metodik jihatdan o'rganish dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi. Shu o'rinda o'quv- metodik adabiyotlar, ma'ruza matnlar, o'quv- metodik majmualar me'yoriy o'quv metodik hujjatlar, topshiriqlar to'plami, ilmiy, ilmiy –metodik hamda davriy nashrlarning alohida e'tiborga olish zarur.

Talabalar mustaqil ishlari samaradorligining fan o'qituvchilarning uslubiy nuqtai- nazardan puxta bilimga egaligi va ularning pedagogik maxoratiga bog'lanishi ham o'rganilishi zarur bo'lgan masalalardandir.

Talabalar ijodiy qobiliyatlarning rivojlanganligi ularda yuqori darajadagi faollik hamda mustaqillikning shakllanganligi muhim omillaridan hisoblanadi. Ularda ijodiy qobiliyatni shakllantirish va rivojlantirishda mustaqil ta'limni katta ahamiyatga va imkoniyatlarga ega ekanligi masalalari J.Tolipovning ilmiy- metodik ishlarida atroflicha tahlil etilgan.

Talabalarning ijodiy qobiliyatini rivojlantirishda o'quv fani mazmunining asosiy ahamiyatga ega ekanligini e'tiborga olgan holda, o'qituvchi tomonidan o'quv materiallarni bayon etsihda eksperimental faktlar va ularning fan nazariyasi bilan bog'lanishi hamda qanday tajribalar asosida tasdiqlanishini to'la tushuntirish talab qilinadi. Mustaqil ta'lim olish talabalarda ijodiy faoliyatini faollashtiriladi, o'zlashtirilgan bilimlarni chuqurlashtirilib boriladi, aqliy qobiliyatning takomillashishini taminlaydi.

Mustaqil ta'limning yoki uning muhim tarkibiy qismi bo'lgan talabalar mustaqil ishlarining reja asosida puxta ishlangan dastur asosida bajarilishi erkin fikrlashni shakllantirishda ham katta ahamiyatga ega bo'ladi.

Mustaqil ta'lim samaradorligini oshirish uchun dastlabki kurslarda talabalarning fanlardan auditoriyadan tashqari mustaqil ishlarini tashkil etishning o'ziga xos xususiyatlari, kutubxonada adbiyotlardan va internetdan foydalanib turish zarur.

Bu ishlar kafedralar professor- o'qituvchilari tomonidan reja asosida amalga oshirilishi talab etiladi. Misol sifatida: Atrof muhitda bo'layotgan jarayonlarga turli xil omillarning ta'sirini o'rganishda tajriba maydonlarini tanlash murakkabroqdir. Chunki muhitdagi omillar uning joylashgan o'rniga bog'liq ravishda organizmlarga turli darajada ta'sir qiladi. Shuning uchun ham bu jarayonlarni o'rganishda turli xil ma'lumotlar manbalaridan foydalanish zarur. Shuni ta'kidlab o'tish joizki, ko'pchilik ekologik tadqiqotlarda joy to'g'risida aniq va sifatli ma'lumotlar talab etiladi. Bunday ma'lumotlarni geografik axborot texnologiyalari (GAT) yordamida to'plash va tahlil qilish mumkin. Buning natijasida xududlarda tarqalgan fauna va flora xilma-xilligini o'rganish yuzasidan tadqiqotlarni kengaytirish mumkin. Ma'lumki, GAT kompyuter qurilmalari, dasturiy ta'minot, ma'lumotlar bazasi va foydalanuvchidan tashkil topgan. U keng doiradagi tizimlar bo'lagi va bo'lak tizimlar yuzasidan ma'umotlarni yig'ish, saqlash, tahlil qilish va omillarning geografik

tarqalishi bo'yicha ma'lumotlar manbii hisoblanadi. Dastlab GAT texnologiyalaridan tasvirga olinganikni aks ettirish maqsadida foydalanilgan. Hozirgi kunga kelib, bu texnologiyalarni qo'llash sohalari kengaydi. Bir qancha qishloq xo'jaligi uchun ilg'or texnologiyalari ishlab chiqildi. Geoinformatsion texnologiyalar asosida (GPS) o'rmonlarning zararkunandalar bilan zararlanishini aniqlash, hasharotlarni jalb qiluvchi omillar yuzasidan ma'lumotlar to'plash asosida o'simliklarni himoya qilish usullari ishlab chiqilgan. GAT texnologiyalari yordamida zararkunanda hasharotlar tarqalgan hududlarni aniqlash o'z vaqtida faqat o'sha maydonlarga kimyoviy va biologik ishlov berish imkoniyatlarini beradi. Shu bilan birgalikda, o'simliklarni himoya qilishda iqtisodiy samaradorlikni oshiradi va atrof muhitni pestitsidlar bilan ifloslanishini kamaytiradi. Hasharotlar ekologiyasini o'rganish orqali o'simliklarni himoya qilish to'g'risida ma'lumotlar mavjud. Hasharotlarga ta'sir qiluvchi ekologik omillarni tahlil qilish ularninghamma joyda bir xilda bo'lmasligini tasdiqlaydi. Zararkunanda hasharotlarga ta'sir qiluvchi ekologik omillar komponentlari to'g'risidagi ma'lumotlarni geografik tahlil qilish, tasniflash entomologlarning GAT texnologiyasiga bo'lgan qiziqishini oshiradi. GAT metodlaridan foydalanish asosida hasharotlarning tarqalishi, migratsiyasi, biologiyasi kabi aspektlarni o'rganish mumkin. GAT texnologiyasi iqlimning o'zgarishini zararkunandalar zarari bilan bog'liqligini baholashda va hasharotlarni vektor potensialini tahlil qilishda ajoyib qurilmalardan biri hisoblanadi. O'zbekistonda GAT texnologiyalar yordamida zararkunanda xasharotlar va kasalliklarni tarqalishini o'rganish usullari yuzasidan ma'lumotlar juda kam. Biz Xorazm viloyati sharoitida ko'sak qurt tarqalgan maydonlarni geografik axborotlar asosida tahlil qilish bo'yicha tadqiqotlar olib bordik. Bunda maydonlar tuproqlarining mexanik tarkibi, yer osti suvlarining chuqurligi va sho'rlanish darajasi, suv manbalaridan uzoq-yaqinligi bo'yicha baxolandi. Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonda o'simliklarni himoya qilish sohasida GAT texnologiyalaridan foydalanish usullarini yaratish qishloq xo'jalik sohasida iqtisodiy samaradorlikni oshirish va atrof muhit ifloslanishini oldini olishni yanada yaxshilash imkoniyatlarini yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

В. Шаламов. В организация самостоятельной работы в образовательных учреждениях. – “Проект Ахей”. 2008,

Болтаева М. Дадамирзаев М. Мустакил иш – таълимнинг фаол шакли ва методи сифатида // Педагогик таълим. 2008 4-сон 32-36 бетлар

Беляева А. Управление самостоятельной работой студентов // Высшее образование в России 2003 №6. – С. 105-109.

Антонов В.Н., Сладких Л.А. Мониторинг состояния посевов и прогнозирование урожайности яровой пшеницы по данным ДЗЗ // Геоматика. 2009. № 4. С. 50–53

Мухамадалиев Ш.С., Сулаймонов Б.А., Рашидов М.И. Экинлар зарарли организмларини ривожланиши ва тарқалишининг башорати // Тошкент: Уқитувчи, 2002. – 143 б.

Vogelmann J.E., Tolk B., Zhu Z. (2009): Monitoring forest changes in southwestern United States using multitemporal Landsat data // Remote Sensing of Environment, 113: 1739–1748.

Kugeler, K. J., G. M. Farley, J. D. Forrester, and P. S. Mead. 2015. Geographic distribution and expansion of human Lyme disease // United States. Emerg. Infect. Dis. 21: 1455–1457.

**«ГАЛОГЕНЛАР» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ДИДАКТИК
МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.064>

*Ажиева Мухаббат Бахтыбаевна,
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, педагогика
фанлари номзоди, доцент*

*Айтмуратова Дилфуза Қутлымуратовна, Жиемуратова Азима Ибраш қизи,
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти магистрантлари*

*Ажиева Бекзода Азатовна
Абу Али Ибн Сино номидаги соламатлик техникуми талабаси*

Мазкур мақолада «Галогенлар» мавзусини ўқитишда янги дидактик материалларни қўллаш методикаси ёритилган. Мақола мисолида галоген элементларнинг Республикамиздаги табиий заҳиралари ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини дарсда баён этишини кўриб чиқамиз. Бу маълумотлар дарснинг самардорлигини оширишнинг ва ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб ўтамиз.

Тавсия этилган «Галогенлар» мавзусини ўқитиш методикаси мактаб кимё курси 8-синфида, академик лицей, касб-хунар колледжлари ва олий ўқув юртлири «Умумий ва неорганик кимё» дарсларда ўтиш тавсия этилади.

Таянч сузлар: Галоген, дидактика, кимё, фтор, хлор

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ В
ПРЕПОДАВАНИИ ТЕМЫ «ГАЛОГЕНЫ»**

*Ажиева Мухаббат Бахтыбаевна
доцент Нукусского государственного педагогического института имени
Ажинияза, кандидат педагогических наук*

*Айтмуратова Дилфуза Қутлымуратовна,
Жиемуратова Азима Ибраш қизи,
магистранты Нукусского государственного педагогического института
имени Ажинияза*

*Ажиева Бекзода Азатовна,
Студентка медицинского техникума имени Абу Али Ибн Сино*

В данной статье дан дидактический материал для использования в преподавании темы «Галогены». На примере статьи рассмотрим описание природных ресурсов галогенных элементов в Республике и производство продукции из них. Показано, что эта информация является важным фактором повышения эффективности урока и воспитания учащихся в духе патриотизма.

Предлагаемая методика преподавания темы «Галогены» рекомендована в 8 классе школьной химии, академических лицеев, профессиональных колледжей и вузов на уроках «Общая и неорганическая химия».

Ключевые слова: Галогены, дидактика, химия, фтор, хлор

**THE USE OF DIDACTIC MATERIALS IN TEACHING THE TOPIC
«HALOGENS»**

*Ajjeva Muhabbat Baxtibaevna
Associate Professor of the Nukus State Pedagogical Institute named after
Ajiniyaz, Candidate of Pedagogical Sciences*

*Aytmuratova Dilfuza Qutlimuratovna, Jiemuratova Azima Ibrash qizi -
undergraduates of the Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz*

*Ajjeva Bekzoda Azatovna
Student of the Medical College named after Abu Ali Ibn Sino*

This article provides didactic material for use in teaching the topic «Halogens». On the example of the article, we will consider the description of the natural resources of halogen elements in the Republic and the production of products from them. It is shown that this information is an important factor in improving the effectiveness of the lesson and educating students in the spirit of patriotism.

The proposed methodology for teaching the topic «Halogens» is recommended in the 8th grade of school chemistry, academic lyceums, professional colleges and universities in the lessons «General and inorganic chemistry».

Base settings: Halogen, didactics, chemistry, fluorine, chlorine

Кимиёвий элементларнинг республикадаги табиий захиралари ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари асосида жадал суръатлар билан ривожланишида муҳим ўрин тутади [1, б. 147]. Мазкур мақола мисолида галоген элементларнинг Республикамиздаги табиий захиралари ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилишни дарсда баён этишни кўриб чиқамиз. Бу маълумотлар дарснинг самародорлигини оширишнинг ва ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб ўтамиз.

Мазкур дарсни мактаб кимё курси 8-синфида, академик лицей, касб-хунар колледжлари ва олий ўқув юртлари “Умумий ва ноорганик кимё” дарсларда ўтиш тавсия этилади.

Мавзу бўйича қўшимча дидактик материаллар берилган. Масалан, шу элементларнинг очилиши тарихидан, республикамизда табиий захираларининг жойлашиши бўйича харитаси, саноатда бу элементларнинг олиниш усуллари, халқ хўжалигида ишлатилиши батафсил берилган.

«Фтор ва уларнинг бирикмалари» мавзусини ўқитишда қуйдаги дидактик материаллардан фойдаланиш тавсия этилади. Фтор асосан фосфор маъданлари таркибида учрайди, уларга фосфорит $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ва флюорит CaF_2 киради. Ватанимиз фосфор маъданларига бойдир, уларнинг Жерой-Сардирадаги захираси 100 миллион тоннани ташкил этади. Марказий қизил қумдаги фосфорит комбинати ишга туширилди. Бойитилган табиий фосфоритларга сульфат кислота таъсир эттириб, суперфосфот ўғити ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган водород фторидгаз чиқинди сифатида чиқариб юбрилади. Фторли бирикмаларни олиш учун водород фторит газ фторнинг муҳум манбай ҳисобланади [3, б. 65]. Фосфорит рудаларидаги фторид мукдори ундаги фосфорнинг 20% ни ташкил этади. Фосфорли ўғитларининг кўп мукдорда ишлаб чиқарилиши фторли бирикмаларнинг катта мукдорда ишлаб чиқариш комбинатлари атрофидаги экологик ҳолатни бутунлай яхшилади, фтор газларнинг утилизациясини вужудга келтиради. Газ ҳолида ажиралиб чиқадиган водород фторидини тозалдаб, сувда эритиб, фторид кислота ишлаб чиқарилади. Фторид кислота шиша буюмларга гул солишда, уран металини ишлаб чиқаришда, металл қуймаларидан қумни чиқариб ташлашда, фторид тузларини олишда ишлатилади.

«Фтор ва унинг бирикмалари» мавзусида фторнинг кашф этилиши тарихи, хоссалари ва қўлланилишига оид фан янгиликларини баён қилиш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини кескин орттириди.

Бир аср давомида фторни кашф этиш учун бўлган ҳаракатлар фан курбонларини келтириб чиқаради. Инглиз олимлари ака-ука Томас ва Георг Нонс кўрғошин (II) фториддан фтор олишга уринишда Томас захарланиб ўлди, Георг ногирон бўлиб қолди. XIX аср йирик кимёгари Х.Деври тажриба ўтказиш жараёнида захарланиб, оғир касалланди. Гей-Люксак, Т.Тенар соғлигини йўқотдилар. Фақат 1886 йилда француз олими Анри Муассан электролиз усулида махсус лабораторияда фтор олишга муяссар бўлиб, уни кашф этди. У NF_3 аралашмасининг суюқланмасини электролиз қилиб, фтор газни олди.

Аникланишича, фтор ўрта захарли газ бўлиб, ҳавонинг миллиондан бир процентини (0,000001%) ташкил қилган. Фтор йиси инсон бурнига сезиларли бўлиб, у етишмаса тишларда кариес касаллиги келиб чиқади. 1 л денгиз сувида 0,3 мг, оддий сувнинг 1 тоннасида 0,2 мг фтор бўлади. Денгиз моллюскаси

чиғаноғининг 1 кг да 6 мг фтор бўлади [2, б. 28].

«Хлор ва уларнинг бирикмалари» мавзусини ўқитишда қуйдаги дидактик материаллардан фойдаланиш тавсия қилинади:

Бу мавзу мисолида хлор элементининг Республикамиздаги табиий захиралари ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилишни дарсда баён этишни кўриб чиқамиз. Бу қушимча материаллар дарснинг самародорлигини оширишнинг ва ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили эканлигини, ўтказилган педагогик эксперимент натижалари исботлади [4, б. 63]. Дидактик манба сифатида бериладиган баъзи маълумотларни келтирамиз.

Хлорнинг Ўзбекистандаги табиий захиралари чексиздир. Қашқадарё вилоятидаги Тубакат ва Сурхондарё вилоятидаги Хожайкон конлари жуда катта калий тузи конлари ҳисобланади. Ҳисобларга қараганда, калий тузлари 100 йилдан кўпироққа этади. Тубакат калий тузлари кони асосида калийли ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилиб ишга туширилиши мўлжаланмоқда. Республикамиз ош тузи (натрий хлорид) конларига бой. Аниқланган 5та ош тузи кони Хожайкон, Тубакат, Борса-келмас, Бойбичикон ва Оққалъа конларидан тахминан 90 миллиард тонна хом ашё бор. Қонғиротда Борса-келмас конининг тузлари хом ашёси билан ишлайдиган, кальцийнацияланган ва каустик сода ишлаб чиқарадиган сода заводи ишга тушди.

Ўзбекистан мустақилликга эришгандан сўнг Навоийда, ош тузи конларининг хом ашёси билан ишлайдиган электрохимёвий усулда ўтовчи натрий, сода, хлор, водород ишлаб чиқарадиган завод барпо этилиб, ишга туширилди ва бу маҳсулотларни Россиядан валютага сотиб олишга чек қўйилди. Натижада ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлар республикадаги кимё, озук-овқат, тўқимачилик саноатларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Олинган маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти яратилди. Ош тузининг сувдаги эритмасини электролиз қилишнинг бошқа усулида хлорнинг кислородли бирикмалари- натрий гипохлорит, хлорли охак, натрий хлорат, магний хлорат, кальций хлоратларни ишлаб чиқариш мумкин.

Улар матоларни оқартиришда, дезинфекция қилишда, гербицид ва дефолиантлар сифатилар ишлатилиши мумкин.

«Йод ва унинг бирикмалари» мавзусида қуйдаги тажрибаларни намойиш этиш тавсия қилинади:

йоднинг сувдаги кўчисиз эритмасини бензол билан экстракция қилиб йод ажратиб олиш;

алюминий йодидининг олиниши

кўрғошин ацетат эритмасига калий йодид эритмасини қўшиб, олтин рангдаги кўрғошин йодид кристалларини олиш;

калий йодид эритмасига мис сульфат эритмасини қўшиб йодид олиш ва бошқалар [5, б. 63].

«Галогенлар» мавзусини ўқитишда янги дидактик материаллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг мавзунини ўзлаштириш даражасини яхшилашига, фанга бўлган қизиқишларини ошишига, Республикамизда мавжуд табиий бойликлар тўғрисида етарли билимга эга бўлишларига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

Аскарлов И. ва бошқ. Кимё. – Т.: «Шарқ», 2017. – 324 б.

Буторин А.О., Фатахов Е.Н. Минерально-сырьевые ресурсы. Научно-технический прогресс и развитие производительных сил. – Т.: Фан, 2000. – 136 с.

Тошпўлатов Ю., Рахматуллаев Н., Ажиева М.Б. «Фтор, хлор ва унинг бирикмалари» мавзусида таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлигини ёритиши// Педагогик таълим. – Тошкент. 2003. №6. – Б. 64-70.

Тошпўлатов Ю., Рахматуллаев Н., Ажиева М.Б. К вопросу о совершенствовании процесса преподавания темы «Галогены» на примерах их использования// «Вестник» Каракалпакского отд. АНРУз. – Нукус. 2003. №6. – Б. 78-84.

Тошпўлатов Ю., Рахматуллаев Н., Ажиева М.Б. Анорганик киме курсида «Йод ва унинг бирикмалари» мавзусини ўқитиш ҳақида//Педагогик таълим. – Тошкент. 2003. №6. – Б. 62-68.

Тошпўлатов Ю., Рахматуллаев Н., Ажиева М.Б. Галогенларни мавзусини ўқитишда информаион технологиялардан фойдаланиш//Педагогик таълим. – Тошкент. 2004. №6. – Б. 55-60.



**ОЗНАКОМЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ С МЕТОДАМИ
МАТЕМАТИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ**

**ТАЛАБАЛАРНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ
МЕТОДЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ**

**FAMILIARIZATION OF STUDENTS WITH METHODS OF
MATHEMATICAL MODELING**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.065>

Сиддиков Зайниддин Холдорович,

*Старший преподаватель, доктор философии по педагогическим наукам
(PhD) Ферганский государственный университет, доцент, кандидат
технических наук, Ташкентский архитектурно-строительный институт*

Матгазиев Хусан Меликузиевич

*Farg'ona davlat universiteti katta o'qituvchisi, pedagogika fanlari bo'yicha
falsafa doktori (PhD)*

Siddiqov Zayniddin Xoldorovich

Toshkent arxitektura-qurilish instituti dotsenti, texnika fanlari nomzodi

Matgaziev Xusan Meliqo'zievich

*Senior Lecturer, Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD)
Fergana State University*

Siddikov Zayniddin Kholdorovich,

*Associate Professor, Candidate of Technical Sciences, Tashkent Institute of
Architecture and Construction*

Matgaziev Khusan Melikuzievich

*Аннотация. Мақолада математикани ўқитишда математик
моделлаштириш методлари моделларнинг зарурий ва қисқача тавсифини
ўргатишда математик моделлаштириш усуллари, муаммоларни ечишни
ўргатиш ва амалий мазмунга ега вазиятларни кўриб чиқиш методологияси
ва бурилишни қайта юклаш қобилятига, чилангарга, пайвандлаш ва бўяш
ва қадоқлаш бўлимлари дастгоҳ ва транспорт режаси оптималлик белгиси
натижалари математик усулда баён қилинган.*

*Аннотация. В статье изложены методы математического моделирования
при обучении необходимым и краткое описание рассматриваемых
моделей, основной же упор сделан на методику обучения решению задач
и рассмотрению ситуаций с практическим содержанием, возможности
дозагрузить токарный, слесарный, сварочный и покрасочно-упаковочный
участки цеха и результат признака оптимальности плана перевозок
математиком путём.*

*Annotation. The article outlines the methods of mathematical modeling in
teaching the necessary and a brief description of the models under consideration,
while the main emphasis is on the methodology for teaching problem solving and
considering situations with practical content, the ability to reload the turning,
locksmith, welding and painting and packaging sections of the workshop and the
result of the sign of optimality of the transportation plan mathematician way.*

Калит сўзлар: модель, математик модель, методика, оптимизация, ўйин моделлари, компонент, фаолият, маҳсулот, минимум, максимум.

Ключевые слова: модель, математический модель, методика, оптимизация, игровые модели, компонент, действия, изделия, минимум, максимум.

Key words: model, mathematic model, method, optimizing, game models, component, activity, products, minimum, maximum.

ВВЕДЕНИЕ. Достижение целей нашего исследования невозможно без рассмотрения психолого-педагогических основ обучения математическому моделированию в ВУЗах технического профиля.

Для развития у учащихся умений организации производства и руководства трудовым коллективом, предполагающих оценку последствий принимаемых решений, использования простых моделей оказывается недостаточно. Поэтому данный материал посвящен рассмотрению методики обучения методам моделирования, позволяющим некоторыми процессами управлять, т.е. допускать использование различных вариантов действий, меняющих протекание этих процессов, и как следствие – их результат.

АНАЛИЗ ЛИТЕРАТУР И МЕТОДОЛОГИЯ. Начнем с возрастных особенностей учащихся, накладывающих отпечаток на все личностное развитие учащегося, ведь с возрастом связан характер деятельности человека, особенности его мышления, его интересов. Так, М.В.Потоцкий, рассматривая психологические основы методики обучения математике, утверждал, что « ... в конечном счете почти все основные понятия и проблемы методики определяются в психологических терминах и в психологическом плане » [1].

Возрастной этап, к которому принадлежат учащиеся колледжа, называется старшим школьным возрастом или ранней юностью и охватывает период с 15 по 18 лет. Возможность обучения моделированию в этом возрасте основана на том, что в ранней юности у учащихся уже сформировано абстрактно-логическое мышление [2], общие умственные способности, приближены ко взрослым [3], возросла концентрация внимания [4].

Нами будут рассмотрены математические модели:

– оптимизационные, позволяющие находить оптимальный по отношению к заданным критериям вариант протекания процесса или использования имеющихся ресурсов;

– игровые с нулевой суммой, разрешающие конфликтные ситуации с наименьшими для двух сторон потерями в тех случаях, когда их позиции диаметрально противоположны;

– игр с природой, использование которых развивает умение принимать взвешенные решения в условиях неопределенности.

Изучение указанных моделей, к сожалению, не входит в основной курс математики высших учебных заведений. Это делает необходимым и краткое описание рассматриваемых моделей, основной же упор сделан на методику обучения решению задач и рассмотрению ситуаций с практическим содержанием.

Такое обучение, основанное на овладении практическими приемами, необходимыми в предстоящей трудовой деятельности, по нашему мнению, являясь операционным компонентом обучения математике, формирует управленческие навыки и умения учащихся и подготавливает их к выполнению производственно-управленческой деятельности.

Начнем с описания методики обучения методам моделирования, получившим название оптимизационных.

Знакомя с этими методами, учащимся необходимо пояснить, что часто,

при целенаправленном управлении каким-либо процессом или явлением, имеется возможность сравнить: какое действие ведет к лучшим результатам, а какое – к худшим и оценить результат каждого действия.

Анализ

В общем виде некоторый процесс, оптимизацию которого необходимо произвести, представляет собой совокупность отношений, связывающих некоторые параметры, определяющие ход процесса. Из множества всех этих параметров X будем выделять множество переменных управления U , т.е. те значения этих переменных, которые находятся во власти лица, управляющего процессом. Раз можно количественно оценить результат каждого действия управления, значит, известна целевая функция Φ , сопоставляющая каждому возможному в данной модели управлению $u \in U$ значение $\Phi(u)$. Наилучшее использование, как правило, заключается в поиске либо максимального, либо минимального значения целевой функции $\Phi(u)$, нахождение которого даст оптимальное управление u .

Задачи такого типа носят название *оптимизационных*. Это же название имеют математические модели, их описывающие, и методы, позволяющие эти модели строить.

Среди оптимизационных можно выделить модели, получившие название задач линейного программирования. Формируя умение строить эти модели, учащимся необходимо пояснить, что линейное программирование возникло в связи с решением разнообразных производственных задач. В общем виде эти задачи формулируются следующим образом. Пусть из различных видов сырья, имеющегося в количествах, соответственно b_1, b_2, \dots, b_m (всего m видов сырья), может быть изготовлено n видов продуктов. Цена единицы g -го вида продукта равна c_g . Для получения единицы g -го продукта необходимо затратить i -й вид сырья в количестве a_{ig} единиц. Какие виды продуктов выгоднее всего изготавливать?

Так как речь идет об очень узкой ситуации, то под словами «выгоднее всего» будем понимать получение наибольшей ценности произведенных продуктов с учетом ограничений на имеющееся сырье. Обозначим через x_g производимое количество g -го продукта. Тогда целевая

функция, максимум которой мы будем искать, может быть записана в виде $\sum_{g=1}^n c_g x_g$.

Перейдем к учету ограничений. Прежде всего, понятно, что производимые количества продуктов не могут быть отрицательными, т.е.

$$x_1 \geq 0, \quad x_2 \geq 0, \dots, \quad x_n \geq 0.$$

Далее, так как для получения единицы g -го продукта необходимо затратить a_{ig} единиц i -го сырья, то понятно, что для x_g единиц этого продукта потребуется $a_{ig} x_g$ единиц i -го сырья. Поскольку один вид сырья может использоваться для производства различных продуктов, то суммарные затраты сырья каждого вида не должны превышать имеющиеся ресурсы:

$$\sum_{g=1}^n a_{ig} x_g \leq b_i, \quad i=1, 2, \dots, m.$$

Окончательно приходим к следующей задаче:

Найти $\max_{\{x_g\}} \sum_{g=1}^n c_g x_g$
 при условиях

1. $x_g \geq 0, \quad g = 1, 2, \dots, n.$
2. $\sum_{g=1}^n a_{ig} x_g \leq b_i, \quad i = 1, 2, \dots, m.$

Всякий набор значений x_1, x_2, \dots, x_n , удовлетворяющий условиям 1 и 2, будем называть допустимым планом. Допустимый план, имеющий максимум целевой функции и является оптимальным планом.

В приведенной задаче целевая функция и все ограничения линейны, поэтому такие задачи и получили название задач линейного программирования.

На примерах рассмотрим методику обучения решению задач линейного программирования.

Задача. Имеется возможность дозагрузить токарный, слесарный, сварочный и покрасочно-упаковочный участки цеха на 16, 18, 12 и 10 часов работы соответственно. Для этого предлагается изготавливать винтовой домкрат и опору кранового пути. В таблице 1 указано время (в часах), необходимое на изготовление предлагаемых видов изделий на каждом участке. Нуль означает, что

данный участок в изготовлении участия не принимает. Требуется составить план выпуска предполагаемых изделий для получения наибольшей прибыли, если за изготовление одного домкрата она составляет 4 ед и 3 ед. за изготовление опоры.

Таблица 1

Изделия	Участки			
	Токарный	Слесарный	Сварочный	Покрасочно-упаковочный
Винтовой домкрат	4	3	0	1
Опора кранового пути	0	2	3	2
Возможная дозагрузка (в часах)	16	18	12	8

Решение. Такие ситуации, когда из одинакового сырья можно изготовить продукцию различной ценности, встречаются в производственной практике очень часто. В данном случае сырьем выступает рабочее время.

Составим математическую модель задачи. Обозначим через x число изготавливаемых домкратов, через y – число опор. На первом участке при изготовлении домкратов затрачивается время $4x$ и $0y$ при изготовлении опор.

Так как время работы на этом участке не должно превышать 16 часов, то можно записать $4x + 0y \leq 16$,

$$4x \leq 16.$$

Рассуждая аналогично, можно записать ограничения для оставшихся участков:

$$3x + 2y \leq 18,$$

$$3y \leq 12,$$

$$x + 2y \leq 8.$$

Количество выпускаемых изделий выражается неотрицательным числом, значит, набор полученных ограничений пополнится условиями

$$x \geq 0, \quad y \geq 0.$$

Значения x и y должны удовлетворять всем составленным неравенствам, следовательно, можно записать систему

$$\begin{cases} x \leq 4, \\ 3x + 2y \leq 18, \\ x + 2y \leq 8, \\ y \leq 4, \\ x \geq 0, \\ y \geq 0. \end{cases} \quad (2)$$

По условию задачи за реализацию x домкратов цех получит 4 ед. прибыли, а за реализацию y опор – 3 ед., значит, общая прибыль выразится целевой функцией

$$z = 4x + 3y. \quad (3)$$

Итак, задача свелась к поиску максимального значения (3) на области (2).

Строим область ограничений (2) (рис.1).




Рис. 1

Получим замкнутый четырехугольник $OABC$ (рисунок 1 (в)). Далее строим график целевой функции (рисунок 1 (б)) и находим его точку выхода из области ограничения $OABC$ при движении вверх и вправо. Получим точку $B(4;2)$ (рисунок 1 (в)).

Можно действовать иначе: подставляя координаты вершин четырехугольника $OABC$ в целевую функцию, найти максимальное значение.

Получаем
$$z_A = 4 \cdot 0 + 3 \cdot 4 = 12 \text{ед.},$$

$$z_B = 4 \cdot 4 + 3 \cdot 2 = 22 \text{ед.},$$

$$z_C = 4 \cdot 4 + 3 \cdot 0 = 16 \text{ед.}$$

Понятно, что точка 0 с планом $(0;0)$ может при проверке не рассматриваться.

В этом случае наибольшая прибыль также соответствует координатам точки B , т.е. выпуску 4 домкратов и 2 опор. При этом цех получит максимально возможную прибыль в 22 ед.

Использование методов линейного программирования может помочь будущему специалисту-технику произвести рациональный раскрой материала. Приведем пример такой задачи.

Задача. Из листов металла размером $1,75 \times 1,25$ м требуется выкроить по 1700 заготовок типов А и В размером $0,75 \times 0,5$ и $1 \times 0,25$ м соответственно. Необходимо предложить план раскроя, который позволит выполнить задание с наименьшими затратами материала.

Решение. Разумеется, нами будут рассматриваться такие способы раскроя, при которых в отходы идет материал, из которого уже нельзя выкроить ни одной заготовки. На производстве такие способы находят при помощи деревянных шаблонов, вырезанных в форме заготовок, разными способами размещаемых на листе металла. Рассмотрим варианты раскroев (рис.2).




Рис. 2




Рис.3

Обозначим x_i , $i = \overline{1, \dots, 6}$ – количество листов металла, раскраиваемых i -ым способом. Значит, задача сводится к нахождению значений $x_1, x_2, x_3, x_4, x_5, x_6$, которые показывают количество листов, раскраиваемых данным способом.

Выясняем, от чего зависят выбранные переменные. Например, лист раскраивается третьим способом. Получим $2x_3$ заготовок типа А и $5x_3$ заготовок типа В. Значит план по заготовкам типа А и В можно записать неравенствами

$$\begin{aligned} 0x_1 + 1x_2 + 2x_3 + 3x_4 + 4x_5 + 5x_6 &\geq 100, \\ 8x_1 + 7x_2 + 5x_3 + 4x_4 + 2x_5 + 1x_6 &\geq 100. \end{aligned}$$

Кроме того, $x_i > 0$, $i = \overline{1, 6}$, т.к. нельзя раскроить отрицательное количество листов. Сумма раскраиваемых листов должна быть наименьшей.

Окончательно приходим к такой математической задаче:

Найти $z = \min\{x_1 + x_2 + x_3 + x_4 + x_5 + x_6\}$

на области
$$\begin{cases} x_2 + 2x_3 + 3x_4 + 4x_5 + 5x_6 \geq 100, \\ 8x_1 + 7x_2 + 5x_3 + 4x_4 + 2x_5 + x_6 \geq 100, \\ x_i > 0, \quad i = \overline{1, 6}. \end{cases}$$

Задача по поиску рационального раскроя сведена к задаче линейного программирования. Решим ее графическим методом. Изобразим прямо-угольную систему координат AOB , где координата A – число заготовок типа А, координата B – соответственно, число заготовок типа В, получаемых при данном раскрое. Точки, соответствующие раскроям, будем обозначать их номерами (рисунок 3). Отрезки, например, $[2, 4]$, указывают координатами точек им принадлежащим, количество заготовок типов А и В, приходящихся на 1 лист материала в планах раскроя, представляющих комбинации раскроев 2 и 4.

Из всех осуществимых планов нас интересуют планы с условием комплектности, т.е. $A=B=1700$. Геометрически эти планы обозначаются точками, лежащими на луче OP – биссектрисе первой координатной четверти. Оптимальный план раскроя будет выражать точка, принадлежащая отрезку области ограничения и лучу OP , которая имеет наибольшие координаты, т.е. наибольшее количество заготовок на один лист раскроя. Такой точкой оказывается точка J , лежащая на отрезке $[4, 6]$. Значит оптимальный план – комплекс раскроев 4 и 6. Для точного получения координат точки J воспользуемся условием комплектности:

$$\frac{3x + 4(1-x)}{5x + 1(1-x)} = 1,$$

где x – часть листа, раскраиваемая по типу 4, оставшаяся часть, раскраиваемая по типу 6, находится как $3x + 3(1-x) = 5x$.

Решив уравнение, получаем $x = 0,6$.

Далее находим минимальное число листов металла N , достаточных для выполнения плана. N будет получено, например, из условия нахождения заготовок типа В:

$$0,6 \cdot 5N + 0,4N = 1700,$$

откуда $N = 500$.

Раскроям соответствуют $0,6N$ и $0,4N$, значит 300 и 200 листов соответственно.

Следовательно, для получения оптимального плана необходимо раскроить 300 листов раскроем типа 4 и 200 листов раскроем типа б.

При помощи построения и исследования рассматриваемых моделей линейного программирования можно обучить учащихся нахождению оптимального плана перевозок. В общем виде задача нахождения такого плана выглядит следующим образом.

Имеется m предприятий A_1, A_2, \dots, A_m , производящих один и тот же продукт в количествах, равных соответственно a_1, a_2, \dots, a_m . Есть и n потребителей этого продукта, находящихся в пунктах B_1, B_2, \dots, B_n , причем известны их потребности в этом продукте, равные b_1, b_2, \dots, b_n . Предполагается, что суммарный объем потребления равен суммарному объему выпуска продукта. Перевозка продукта из i -ого предприятия к g -му потребителю ведет к затратам, которые обозначим c_{ig} . Все величины c_{ig} считаются заданными. В этих условиях требуется определить план перевозок, который принесет наименьшие затраты на перевозки.

Строим математическую модель этой ситуации. Через x_{ig} обозначим количество продукта, перевозимого от i -ого предприятия к g -му потребителю. Выпишем ограничения, которым должны удовлетворять введенные величины. В первую очередь, каждый потребитель должен получить ровно столько, сколько ему требуется:

$$\sum_{i=1}^m x_{ig} = b_g, \quad g = \overline{1, n}. \quad (4)$$

Далее, так как потребление равно производству, то с каждого предприятия продукт должен вывозиться полностью:

$$\sum_{g=1}^n x_{ig} = a_i, \quad i = \overline{1, m}. \quad (5)$$

Перевозимые количества продукта не могут быть отрицательными:

$$x_{ig} \geq 0, \quad i = \overline{1, m}; \quad g = \overline{1, n}. \quad (6)$$

Целевой функцией, подлежащей минимизации, выступают суммарные затраты на перевозку, определяемые формулой

$$\sum_{i=1}^m \sum_{g=1}^n c_{ig} x_{ig}.$$

Окончательно приходим к такой задаче:

Найти
$$\min \sum_{i=1}^m \sum_{g=1}^n c_{ig} x_{ig}$$

при условиях: (4), (5), (6).

Полученная задача является задачей линейного программирования. Из-за специфичности ограничений (4) и (5), задачи этого типа получили название транспортных задач. Рассмотрим содержание признака оптимальности для поставленной задачи.

Обозначим оценку единицы продукта на i -ом предприятии через u_i , а v_g – оценку единицы продукции у g -го потребителя.

РЕЗУЛЬТАТ. Признак оптимальности плана перевозок представит собой очевидную истину: при осуществлении перевозки цена в пункте потребления равна цене в пункте производства плюс транспортные расходы: в любом пункте потребления v_g не может быть больше, чем $u_i + c_{ig}$, где c_{ig} – транспортные расходы на перевозку этого продукта из другого пункта производства.

ВЫВОД. Следовательно, в оптимальном плане $v_g \leq u_i + c_{ig}$, т.е. разность цен не превышает затрат на транспортировку. На основании этого признака можно не только проверить любой допустимый план на оптимальность, но и перейти к лучшему.

REFERENCES

- Потоцкий М.В. О психологических основах методики обучения математике// Математика в школе. – 1961. № 6.
- Казаков В.Г., Кондратьева Л.Л. Психология: Учебник для индустриально-педагогических техникумов. – М.: Высш. шк., 1989.
- Каменская Е.Н. Психология развития и возрастная психология. Конспект лекций. – Ростов н/Д: Феникс, 2006. – 224 с.
- Столяренко Л.Д. Педагогическая психология. – 2-е изд., перераб. и доп. – Ростов

н/Д: Феникс, 2003.

M.F. Atoeva. Use of Periodicity in Teaching Physics. Eastern European Scientific Journal. – Düsseldorf-Germany, 2017. № 4. –P. 35-39.

M.F. Atoeva. Didactic foundations of inter-media relations in the training of university students. International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science. p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online). Year: 2020 Issue: 06 Volume: 86, P. 124.

M.F. Atoeva. Pedagogical Tests As An Element Of Types Of Pedagogical Technologies. The American Journal of Applied Sciences, 2(09), (TAJAS) SJIF-5.276 DOI-10.37547/tajas Volume 2 Issue 9, 19.09.2020. ISSN 2689-09. 92 The USA Journals, USA www.usajournalshub.com/index.php/tajas 164-169. Имп.5.2.

Maqsudova M.U., Bozorova V.M., Linguocultural and pragmatic factors of Abdulla Kodiri's "Mehrobdan Chayon" in English translation, Actual problems of modern science education and training . February ,2020 ISSN 2181 9750.

Maqsudova M.U., Theoretical Foundations and Scientific Analysis of Characters Illustrations I in the works of Charles Dickens and William Thackeray, International Scientific Journal . Theoretical & Applied Science. Volume:77. Issue 09.2019 <http://T-Science.org>.

Maqsudova M.U., Bozorova V.M. ,V.F.Kamoliddinova, Pedagogical Process of Teaching in Higher Education Institutions, International Journal of Recent Technology and Engineering. ISSN 2277-3878 Website. WWW.IJRTE-org. Volume-8 Issue 38, October 2019. P.179-182.



**ZAMONAVIY TA'LIM SHAROITIDA OTM TALABALARIDA
MAS'ULIYAT KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH
TEXNOLOGIYALARI O'RNI (MASOFAVIY TA'LIM MISOLIIDA)**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.066>

*G'ulomov Jasur Baxodirovich,
O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti
Pedagogika va psixologiya kafedrasida o'qituvchisi*

Annotatsiya: Maqolada zamonaviy ta'lim sharoitida, masofaviy ta'lim jarayonida oliy ta'lim muassasalari talabalarida mas'uliyat ko'nikmalarini shakllantirishda innovatsion texnologiyalarning to'g'ri qo'llanilishi tahlil qilinadi. Talabalarda mas'uliyat ko'nikmalarini rivojlantirish muammosini hal qilish uchun nazariy shartlarning mavjudligi yo'llari o'rganiladi. Bugungi masofaviy ta'lim sharoitida, auditoriyadan tashqarida talabalarning mustaqil ishlash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishning aniq vositalari va shartlari o'rganiladi.

Kalit so'zlar: zamonaviy ta'lim, mas'uliyat, talaba, auditoriyadan tashqari, ko'nikmalarni rivojlantirish, innovatsion ta'lim texnologiyalari, ta'lim vositalari.

*Gulamov Jasur Baxodirovich,
Teacher of the department Pedagogy and psychology
of the Uzbekistan State World Language University*

Annotation: The article analyzes the correct use of innovative technologies in modern education, in the process of distance learning in the formation of responsibility skills in students of higher education institutions. Students will learn how to create theoretical conditions for solving the problem of developing responsible skills. In today's distance learning environment, specific tools and conditions for the formation and development of students' independent work skills are studied outside the classroom.

Key words: modern education, responsibility, development of skills outside the student, audience, innovative educational technologies, teaching aids.

*Гуламов Жасур Баходирович
преподаватель кафедры Педагогике и психологии
Узбекского государственного университета мировых языков*

Аннотация: В статье анализируется правильность использования инновационных технологий в современном образовании, в процессе дистанционного обучения при формировании навыков ответственности у студентов высшей школы. Студенты узнают, как создать теоретические условия для решения проблемы развития ответственных навыков. В современных условиях дистанционного обучения внеклассные занятия изучаются специфические средства и условия формирования и развития навыков самостоятельной работы студентов.

Ключевые слова: современное образование, ответственность, студент, внеаудиторное, повышение квалификации, инновационные образовательные технологии, средства обучения

Zamonaviy sharoitda mehnat bozori oliy ma'lumotli mutaxassislariga va ularning raqobatbardoshligiga yuqori talablarni qo'yimoqda. Bunday mutaxassisni tayyorlash kompetensiyaga asoslangan yondashuvga va talabalarda bir qator umumiy madaniy va kasbiy kompetensiyalarni shakllantirishni nazarda tutuvchi oliy kasbiy ta'limning yangi standartlariga qaratilgan. Bu holat o'quv jarayoniga

ham, talabalarning o'ziga ham yangi talablar qo'yadi. Demak, bugungi shiddat bilan rivojlanayotgan dunyoda tez sur'atlar bilan ro'y berayotgan o'zgarishlar zamonaviy ta'lim tizimining barcha bosqichlari bilan, jumladan oliy ta'lim bilan bevosita bog'liqdir. Oliy ta'limning asosiy maqsadi ijodiy salohiyatga ega, yuqori kasbiy yutuqlarga yo'naltirilgan shaxsni shakllantirishdir.

Talabalarda mas'uliyatni shakllantirish alohida ahamiyatga ega, shuning uchun oliy ta'lim muassasalari pedagoglari oldida ushbu muammoni hal qilishga hissa qo'shadigan o'quv jarayonini takomillashtirish yo'llari va vositalarini izlash vazifasi turibdi. Har bir shaxsning mas'uliyat hissiga ega bo'lishi u tomonidan zimmasidagi vazifani sidqidildan, mavjud talablarga muvofiq bajarilishini ta'minlaydi. Zimmadagi vazifaning to'laqonli bajarilishi esa muayyan faoliyat jarayonida yangi yutuqlarni qo'lga kiritishga yordam beradi. Shu bois jamiyatda bozor munosabatlari ustuvor o'rin egallayotgan bir sharoitda uzluksiz ta'lim tizimi oldida mas'uliyat hissiga ega o'quvchilarni tarbiyalash vazifasi turibdi.

Talabalarda mas'uliyat hissini shakllantirishga o'qish jarayonining birinchi kunlaridanoq e'tiborni qaratish maqsadga muvofiqdir. Albatta mazkur jarayonga uzluksiz ta'lim tizimining boshlangich bosqichlarida alohida e'tibor berilishi alohida ahamiyatga ega. Zero, bu davrda yoshlar xulq-atvorida hosil bo'lgan sifatlar uzluksiz ta'lim tizimining keyingi bosqichlarida mustahkamlanib boradi. Talabalarning o'z o'rnini topishi, tanlagan kasbida muvaffaqiyat qozonishi, kamol topishi va takomillashishiga yordam beradigan fazilatlarni shakllantirish va rivojlantirish zarurligi tabiiy. Ma'lumki, shaxs salohiyatini rivojlantirish uzluksiz ta'lim tizimining zamonaviy paradigmasi tamoyilidir. Shu munosabat bilan, o'z-o'zini rivojlantirish, o'z-o'zini tarbiyalash, o'z-o'zini faollashtirish, ta'lim jarayonida o'zini-o'zi boshqarish, shuningdek, talabalik davrida kasbiy rivojlanish uchun motivatsiya bilan bog'liq masalalar alohida dolzarblik kasb etadi, chunki, o'smirlik, o'spirinlik, talabalik yoshi shaxsning eng jadal kamolotga erishish davri xisoblanadi.

“Oliy ta'lim (lug'at-ma'lumotnoma)”da bu tushuncha o'z xatti-harakatlarini tushunish va nazorat qilish sifatida talqin etilgan: “Mas'uliyat – shaxsni o'z-o'zini boshqarish shakli, o'zi amalga oshirgan xatti-harakatlari va ularning oqibatiga sabab deb bilishda namoyon bo'ladi, shuningdek, atrof-muhitda va shaxsiy bo'lishdagi o'z qobiliyatini tushunish va nazorat qilishda aks etadi”.

Har bir shaxs u yoki bu darajada ma'lum guruh yoki uning a'zolari bo'lgan kishilar oldida mas'uliyatlidir. Zero, u umumiy maqsad, ma'lum qiziqishlar, ijtimoiy manfaatlar va o'zaro psixologik birlik asosida birlashgan mikro va makro guruhlarning a'zosi hisoblanadi. Shaxs dastlab o'zi tug'ilib o'sgan oilaning a'zovidir. Keyinchalik u umumiy maqsad va yosh xususiyatlariga ko'ra tashkil etilgan guruh (bolalar bog'chasi, akademik litsey, kasb-hunar kollejlari, oliy ta'lim muassasalari, jamoa (ishlab chiqarish tashkilotlari, mehnat jamoalari)ning a'zosi sifatida o'yin, mehnat va ijtimoiy munosabatga oid xatti-harakatlarni amalga oshiradi.

Jamiyat fuqaroligi shaxsning ijtimoiy maqomini belgilovchi muhim omil bo'lib, ana shu omil uning zimmasiga ma'lum ijtimoiy faoliyatni yo'lga qo'yishda ayrim xatti-harakatlarning tashkil etilishini taqozo etadi. Shaxsning fuqaro sifatidagi mas'uliyati ko'proq uning yuridik munosabatlar ishtirokchisi ekanligida ko'rinib, ma'muriy, fuqarolik va jinoiy-huquqiy munosabatlar bo'yicha qonunbuzarliklarga nisbatan javobgarligi, mehnat intizomi qoidalariga rioya etmaslik, shuningdek, yetkazilgan zararining moddiy va ma'naviy qimmatga egaligi uchun qabul qilingan mezonlari bo'yicha baholanadi.

“O'qishga mas'uliyatli munosabat – bu faol, ta'sirchan munosabatdir. Uni bilim olish va ta'lim jarayonida konkret natijalarga erishish, qat'iyatlilik, o'z-o'ziga tanqidiy munosabat, mehnatsevarlik bilan o'rganish mumkin emas. Mas'uliyat o'quvchi tomonidan mustaqil bilim egallashga tirishish, uni amaliyotda ijodiy

qo'llash, bilimlarni muntazam kengaytirish va chuqurlashtirish ehtiyoji bilan uyg'unlashib ketadi"[1; 4b.].

O'qishga mas'uliyat bilan munosabatda bo'lish talabadan mustahkam bilim olishni ongli ravishda amalga oshirishni talab qiladi. Zero, talaba fan asoslariga, o'zining bilim darajasini oshirishga, o'quv vazifalariga jiddiy munosabatda bo'lishga ob'ektiv zaruriyat deb yondashadi. Agar talaba bilim olishning ijtimoiy maqsadlarini xuddi o'zining shaxsiy maqsadidek tushunib yetsa, uning mas'uliyat hissi bilim darajasining faolligi oshishiga, talaba burch va vazifasini yuksak darajada his qilishga, o'z faoliyati yakunlarini, jamoaning o'qishdagi yutuqlari va boshqa voqeliklarni to'g'ri baholashga olib keladi. Talabani o'qishdagi mas'uliyatini his eta bilishi o'qish faoliyatida fuqarolik va hayotiy pozitsiyalarda yetarli darajada faollik ko'rsatishi shaxsning g'oyaviy-axloqiy psixologik holatini ifoda etadi.

Pedagogik va psixologik ta'limotlarda asrlar davomida shaxsning shakllanishida mehnat katta tarbiyaviy ahamiyatga ega ekanligi alohida qayd etilgan. Zero, mehnat insonni jismoniy, fiziologik jihatdangina emas, shu bilan birga ma'naviy jihatdan ham takomillashishini, o'sishini ta'minlaydi. Mehnat jarayonida shaxs ongi rivojlanadi, tafakkuri kengayadi hamda dunyoqarashi boyiydi. Mehnat qilish orqali shaxsda atrofda qilargalarga nisbatan ijobiy munosabat shakllanadi. Zamonaviy psixologik yondashuvlarga ko'ra mehnat hamda mehnat faoliyatiga bo'lgan munosabat quyidagi ikki holatni yuzaga keltiradi: 1) mehnatning samarasi ta'minlanadi; 2) shaxs tomonidan muayyan yutuq va muvaffaqiyatlarni qo'lga kiritishi uchun imkoniyat yaratiladi. Shu bilan birga mehnat qilish insonda o'z kuchi va imkoniyatlariga nisbatan ishonchni yuzaga keltiradi. Mehnatning tarbiyaviy ta'siridan samarali foydalanish, boshlang'ich sinflarni turli ijtimoiy-foydali ishlarga jalb etish muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, o'quv fanlari hamda ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarning imkoniyatlari asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarida mas'uliyat hissini shakllantirish ham alohida ahamiyatga ega pedagogik vazifa hisoblanadi.

Ma'lumki, deyarli har qanday davlat fuqarosi konstitutsiya va boshqa huquqiy hujjatlar bilan kafolatlangan huquq va majburiyatlarga ega. Majburiyat va qoidalar buzilgan taqdirda, fuqaro javobgar bo'ladi. Biroq, qonun doirasidan tashqariga chiqadigan yana bir mas'uliyat bor. Bu axloqiy mas'uliyat, insonning harakat qilish qobiliyati va o'z harakatlari uchun javobgarlik. Inson o'z vijdoni bilan ish tutsa, mas'uliyatni e'tibordan chetda qoldirmasa, u albatta munosib odamlarni mag'lub etadi, o'zini ishonchli his qiladi. Shuning uchun bu tuyg'uni o'zida tarbiyalash, nazorat qilish va doimo mas'uliyatli shaxs bo'lishga harakat qilish juda muhimdir.

Mas'uliyatli odamlar har doim ishonchli, chunki har qanday vaziyatda ularga ishonish mumkin. Bunday odam juda ishonchli, u o'z va'dalarini bajarishga harakat qiladi va hech qachon boshqalarni tushkunlikka tushirmaydi. U o'z xatolarini tan olishni va agar vaziyat talab qilsa, aybni o'z zimmasiga olishni biladi. Har qanday sababga ko'ra, u o'zi kerak bo'lgan narsani qila olmagan hollarda, u har doim bu haqda ogohlantirishga va vaziyatni iloji boricha tuzatishga harakat qiladi. Inson o'z ishiga mas'ul bo'la olgandagina jamiyatning haqiqiy va to'la huquqli a'zosi deyish mumkin. Inson har doim o'z xatti-harakati, qilmishi uchun javobgar bo'lishi, taqdirini qo'lida mahkam ushlab turishi, har qanday sinovlarga tayyor bo'lishi, shaxsiy hayotida doimo g'alabalarga intilishi kerak.

Hayot tajribasidan ma'lumki, har bir kishi o'z harakatlariga u yoki bu tarzda mas'uliyatsiz munosabatda bo'lishi axloqiy jihatdan bo'shashgan tabiatni bildiradi. Ularning nafaqat axloqiy holatiga befarqlik, balki kechirib bo'lmaydigan beparvolik va be'etiborlik, gunohga ongsiz ravishda jalb qilish bilan birga, ularning ichki hayoti uslubini belgilaydi. Mas'uliyatsiz va axloqsiz yashab, bu odamlar o'z qilmishlarining asossizligi va insofsizligini, maqsadini faqat o'z nuqtai nazaridan baholay olmaganlari kabi, o'zlarining mavjudligining ma'nosi haqida chuqur

o'ylay olmaydilar. Chunki bu kabi illatlar paydo bo'lishi asosida egoistik istaklar va manfaatlar mujassam bo'ladi. "Qilgan ishingdan hech qachon afsuslanma" qoidasi ularning hayotga mas'uliyatsiz munosabatining asosiy tamoyilidir [2].

Biroq, bularning barchasi axloqiy jihatdan mas'uliyatsiz tabiatning yaqin atrof-muhit tomonidan ular haqidagi hukmlariga doimo befarq bo'lishini anglatmaydi. Bu erda, o'zlarining xudbinlik, shahvoniylilik va iste'molchilikka bo'lgan ongsiz istagiga moyil bo'lishlariga qaramay, ular, ochiq-oydin kinizm misollaridan tashqari, o'zlarini eng yaxshi axloqiy tomondan ko'rsatishga harakat qilishadi. Ular tabiatdan to'g'ridan-to'g'ri farqli o'laroq, hayotida shaxsiy javobgarlik ongini asosiy axloqiy ahamiyatga ega bo'lgan odamlardir. Bular o'zining ichki shaxsiy erkinligini, hayotga ijodiy munosabatini Yaratganning ne'mati sifatida anglagan yuksak axloqiy tamoyil va burchli insonlardir.

Talabalarda mas'uliyatni shakllantirish OTMda o'quv jarayonini tashkil etish va mazmunini qayta qurishni, yangi o'qitish texnologiyalarini yaratishni talab qiladi, ulardan biri modulli-reytingli o'qitishdir. Modulli-reyting majmuasi – modulli dastur va bilimlarni baholashning reyting tizimi kombinatsiyasi – talabalarda mas'uliyatni shakllantirishning samarali vositasidir. Bu o'quv jarayoniga, talabalarining o'quv faoliyatiga nisbatan mas'uliyatini shakllantirishning asosiy shartlaridan biri – mustaqil ish va bilimlarni baholash reyting tizimining o'zaro ta'sirini ta'minlaydi [3].

Oliy o'quv yurtida tahsil olayotgan talabalar –bo'lajak o'qituvchilarni davr talablari asosida tayyorlash, ularni o'z kasbini mohir ustasi, yangiliklarni tez idrok etib, o'z faoliyatida qo'llaydigan ijodkor qilib tarbiyalash Oliy maktab va pedagogika fani oldida turgan muhim vazifalaridan bo'lib hisoblanadi. Quyilgan vazifalar asosida talabalarda: sotsiotsentrizm, anglanganlik, natijaga yo'nalganlik, internallik, stenizm, ergetizm kabi sifatlarni tarbiyalash muhim pedagogik ahamiyat kasb etadi [4]. Mas'uliyat sifati bilan aloqadorligi qayd etilgan ushbu xususiyatlarning har biri talabalarni shaxsiy individual yetuklik darajasining shakllanishida katta ahamiyatga ega bo'ladi.

Talabalarda mas'uliyat ko'nikmalarini rivojlantirishning pedagogik kontseptual mohiyati pedagoglarning talabalarga ta'lim va tarbiya berish bilan birgalikda ularda mas'uliyat ko'nikmalarini xam takomillashtirib borishi kerak. Aytish o'rinliki, talabalarda mas'uliyat ko'nikmalarini rivojlantirish inson huquq va erkinliklarini tushuntirish ishlaridan boshlanadi. Insonlar o'z haq-huquqlarini teran anglaganlaridan so'nggina o'zgalar bilan munosabatlarda aynan shu jihatlarga e'tiborli bo'la boshlaydilar [5].

Talabalarda mas'uliyat hissini shakllantirishga oid bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish uchun muloqot, o'zini anglash, boshqalar bilan faol munosabatlarga kirishish vaziyatlarini vujudga keltirish zarur. Bu jarayonda mustaqil ish olib borish, o'qib-o'rganish, mashg'ulotlar o'tkazish, turli jamoatchilik asosidagi faoliyatlarni rag'batlantirish, tajriba almashish, to'garak, klub va markazlar faoliyatini takomillashtirish, zamonaviy texnik vositalar asosida materialni bayon qilish, internet ma'lumotlaridan unumli foydalanish kabi usul va yo'l-yo'riqlar o'z natijasini berdi. Yoshlarning bilim, ko'nikma va malakalari shakllanishi hayotiy vaziyatlar bilan bog'liqligini nazarda tutgan holda turli muammoli vaziyatlarni sahnalashtirish orqali ularni tahlil qilish ijobiy samarasini ko'rsatdi.

Talabalarda mas'uliyat ko'nikmalarini shakllantirishda oliy ta'lim muassasalarining o'quv hamda ta'limdan tashqari ishlaridan unumli foydalanish, mazkur jarayonlarda innovatsion ta'lim texnologiyalarini qo'llash samarali natijalarga erishish imkonini beradi. Tajribalarimiz asosida aytishimiz mumkinki, pedagogik yo'nalishdagi oliy ta'lim muassasalarida talabalarda mas'uliyat ko'nikmalarini shakllantirishga oid nazariy bilim va ko'nikmalar ijtimoiy-gumanitar va ijtimoiy-siyosiy fanlar tarkibida kontseptsiyalashmagan tarzda o'qitiladi. Bu esa

o'z navbatida, mazkur jarayonlarni muvofiqlashtirishni talab etadi. Zamonaviy yosh mutaxassis ijtimoiy takomillashtirishning hozirgi bosqichi unga qo'yilayotgan talablarga javob berishi kerak. Har bir inson o'zini, xatti-harakatlarini boshqara olishi kerak. O'z-o'zini tarbiyalash ham mas'uliyatning namoyon bo'lishi, inson allaqachon etarlicha etuk va ma'naviy barqaror shaxs ekanligidan dalolat beradi. Doim yodda tutish lozimki, inson o'z orzularini amalga oshirishi va maqsadiga erisha olishi faqat insonning o'ziga bog'liq.

Yuqorida aytilganlarga asoslanib, oliy ta'limning yangi shakllarini o'rganish, ularning an'anaviylarga nisbatan o'ziga xos xususiyatlarini, shuningdek, talabalarning shaxsiy va motivatsion rivojlanishiga ta'sirini aniqlash muhim ahamiyatga ega. Shuni esda tutish kerakki, har bir inson nafaqat tashqi dunyoda, balki birinchi navbatda o'zida nimanidir o'zgartirish istagi bo'lsagina, u mas'uliyatli bo'lishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ruyhati:

1. O'quvchilarda o'quv faoliyatiga mas'uliyat hissini tarbiyalash (Oilada va sinfdan tashqari vaqtlarda) //Tuzuvchilar: M.Sh.Allamuratova, G.Jo'raboeva. – T.: O'zPFITI, 1990. – 37 b.

2. «Вышенский паломник». Журнал религиозного объединения «Благотворитель» во имя святителя Феофана, Затворника Вышенского. — Рязань, июль 1996.

3. Baranovskaya L.A. Формирование ответственности у студентов в процессе учебной деятельности // f.n. dissert. 2002 y.

4. Прядин В.П. Комплексное исследование ответственности как системного качества личности. Psixol. f.d. dissertatsiyasi avtoreferati. – Новосибирск: Ural davlat pedagogika universiteti, 1999. – B. 41.

5. Safayev N.S., Butayeva U.A. Shaxs etukligining psixologik mezonlari. / "Pedagogika" ilmiy-nazariy va metodik jurnal, T., 2017 y., 4-son.

TURKISTON MAKTABLARINING TASHKIL ETILISHIDA JADIDCHILIK HARAKATI, XOTIN-QIZLAR TA'LIMI AHAMIYATI (XIX ASR IKKINCHI YARMI – XX ASR BOSHLARI)

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.067>

Nazarov Alisher Abdisamadovich,

O'zbekiston davlat

jahon tillari universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: Ushbu maqola XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlaridagi milliy-taraqqiyparvarlik harakati tarixiga oydinlik kiritadi va bu harakatning jadidchilik oqimi bilan aloqalarini yoritib beradi. Chuningdek maqolada jadidchilik tarixi va uning ma'rifatparvarlikdan mustaqillikka o'tish g'oyasining amaliy ahamiyati tahlil qilinadi. Jadidlar boshidanoq musulmon diniy maktablarining an'anaviy ta'lim tizimini isloh qilish, xotin-qizlar ta'limi, oila masalasi, yangi uslubdagi maktablar, nashriyot, teatr, ijtimoiy, siyosiy va madaniy muassasalar tashkil etishni maqsad qilgan edilar. Ular ayniqsa o'lkada xotin-qizlar ta'limini tubdan isloh qilish g'oyasini ilgari surdilar va amalda qo'lladilar. Mazkur jarayonning xorij olimlari tomonidan o'rganilishi natijalari izohi keltiriladi.

Kalit so'zlar: jadidchilik harakati, yangi uslub maktablari, Turkiston milliy elitasi, an'anaviy jamiyatning yangilanishi, xotin-qizlar ta'limi.

Nazarov Alisher Abdisamadovich,
PhD Researcher of the Uzbekistan State
World Language University

Annotation: This article throws light upon the history of the national-progressive movement of the late 19th and early 20th century, which is called Jadidism. The history of Jadidism and its evolution from enlightenment to a powerful political movement can be retraced in it. From the very beginning the Jadids were aimed to the reform of the traditional system of education of Muslim religious school, women education, family, establishing new-method schools, publishing, theatre, social, and political and cultural institutions, which, under their influence, were turning into a powerful ideological weapon in the struggle against economical, moral, and political awkwardness of the peoples of Turkestan more and more. They put forward and applied practice the idea of reforming women's education, especially in the country. The results of the study of this process by foreign scientists are explained.

Keywords: Jadid movement, new-method schools, the national elite of Turkestan, modernization of the traditional society Turkistan, women education.

Назаров Алишер Абдисамадович
докторант Узбекского государственного университета мировых языков

Аннотация: В данной статье освещается история национально-освободительного движения во второй половине XIX – начале XX века, освещается его связь с джадидским движением. В статье также анализируется история джадидизма и практическое значение идеи его перехода от просвещения к независимости. С самого начала джадиды стремились реформировать традиционную систему образования мусульманских религиозных школ, создать женское образование, семейные дела, школы нового стиля, издательское дело, театр, социальные, политические и культурные учреждения. Они выдвинули и претворили в жизнь идею коренного реформирования женского образования, особенно в стране. Объясняются результаты изучения этого процесса зарубежными



учеными.

Ключевые слова: Джадидское движение, школы нового стиля, туркестанская национальная элита, обновление традиционного общества, женское образование.

Mustaqillik yillarida xalqimizning qadimiy tarixi va boy madaniyatini tiklash, buyuk allomalarimiz, aziz-avliyolarimizning ilmiy, diniy va ma'naviy merosini har tomonlama chuqur o'rganish va targ'ib etish, yurtimiz muqaddas qadamjolarini obod qilish, yosh avlodni ularning ezgu an'analari ruhida tarbiyalash bo'yicha ulkan ishlar amalga oshirildi va izchil davom ettirilmoqda. Milliy o'zlikni anglash, tarixiy xotira davomiyligini ta'minlash, ulkan yozma merosni asrab-avaylash, boyitib borish va tadqiq qilish hamda madaniy va ma'naviy qadriyatlarni ommalashtirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 24 maydagi "Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqiq va targ'ib qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2995 – sonli Qarori qabul qilindi [1]. Ushbu qaror yosh avlodni vatanparvarlik va boy tariximizga chuqur hurmat ruhida tarbiyalash hamda O'zbekistonning jahon ilm-fani va madaniyati rivojiga ulkan hissa qo'shgan mamlakat sifatidagi xalqaro obro'- e'tiborini yanada mustahkamlash, boy yozma merosimizni saqlash, o'rganish va keng targ'ib qilish ishlarini yangi sifat bosqichiga ko'tarishga yo'naltirilgan.

XIX asr ikkinchi yarmi – XX asr boshlarida Sharq va musulmon dunyosida boshlangan milliy uyg'onish jarayoni mustamlaka va yarim mustamlaka davlatlarda ozodlik uchun kurash g'oyalarining keng yoyilishiga sabab bo'ldi. Jumladan, asrlar davomida monarxiya boshqaruvi tartibi hukmronlik qilib kelayotgan Buxoro amirligi, Qoq'on va Xiva xonligida ham taraqqiyparvarlik harakati keng quloch yoyib, Turkiston jadidchiligi harakati doirasida ilg'or fikr va g'oyalar targ'ib qilina boshlandi. Jadidchilik harakatiga zamonaviy fikrlaydigan ziyolilar, ilg'or fikrli savdogar va diniy ulamolar birlashib, mamlakatni zamonaviy taraqqiyot bosqichiga olib chiqishdek ezgu istak va orzular sari zimdan va ochiqcha kurash boshladilar. Turkiston jadidchilik harakati o'ziga xos bir tarixiy sharoitda bir tarafdin, Rossiya musulmonlarini asriy uyqudan uyg'otgan Ismoilbey G'asprali, boshqa tarafdin Markaziy Osiyo turkiy tamaddunining o'ziga xos xususiyatlari yaqqol namoyon bo'la boshladi.

O'zbekistonning mustaqillikka erishishi ona yurtimiz tarixini yoritishda, shuningdek mustamlaka Turkiston sharoitida milliy ma'rifatparvarlikning ahvoli, jadidlar faoliyatida ta'lim, ayollar ta'limi, matbuot masalalarini baholashda tub burilish yasadi. Turkistonda jadidchilik harakati o'z-o'zidan paydo bo'lgani yo'q. Uning vujudga kelishi uchun ma'lum bir ob'ektiv sharoit va sabablar mavjud. XIX asrning o'rtalari va XX asrning boshlarida jamiyatda yangilanish zarurati tug'ildi. Bir qator ijtimoiy, siyosiy, huquqiy va ma'naviy muammolar paydo bo'ldi. Ularni hal etish uchun bel bog'lagan bir guruh ziyolilar xalq orasida "jadidlar" deb tan olindi.

Mahalliy ziyolilar, xotin-qiz islohotchilar Chor Rossiyasining musulmon hududlarida ayollarning haqiqiy emansipatsiyasiga uchta yo'l bilan erishish mumkinligiga qat'iy ishonishgan. Y'ani o'sha davrdagi zamonaviy maktablarda erkaklar va ayollarning ta'limini bosqichma-bosqich takomillashtirish orqali (jadid maktablari misolida), Chor Rossiyasi Buxoro va Xiva hududlarida (1883-1917 yillarda) musulmonlar uchun soni va tarqalishi ortib borayotgan taraqqiyparvar gazeta va jurnallar orqali islohotchilik g'oyalarini musulmon xalqlari o'rtasida targ'ib qilishni maqsad qilishdi.

Turkistonda ayollarning zamonaviy ta'lim va ma'rifatparvarlikning ildizlari XIX asrning ikkinchi yarmida ma'rifatparvarlik g'oyalarini modernizatsiya qilish harakati boshlanishi bilan bog'liq. Dastlab Turkiston xalqlari o'rtasidagi islohotchilik

harakati, bir tomondan, ularning Chor Rossiyasi hukmronligiga qarshiligi, ikkinchi tomondan, Usmonlilar imperiyasidagi islohotchilik harakatlari bilan tanishish bilan bog'liq edi. Lekin jadidchilik harakati dastlab Volgabo'yi, O'ralbo'yi (Qozon, Ufa), Qrim va Ozarbayjonda boshlanib, keyinchalik dasht viloyatlari va Turkiston, Buxoro amirligi va Xiva xonligi hududlariga tarqaldi. Jadidchilik harakati matbuot va maorif orqali rivojlandi. Matbuot ta'siri nuqtai nazaridan, 1883-1918 yillarda Qrim tatar va rus tillarida ikki tilda nashr etilgan "Tercüman/Perevodchik" (Tarjumon) gazetasi sovet davrigacha Turkistonda mahalliy matbuotning rivojlanishida eng muhim rol o'ynadi. Qrim tatar ma'rifatparvari Ismoil Gaspirinskiy ham 1906 yilda birinchi ayollar jurnali "Alem-i Nisvan" (Ayollar dunyosi)ni tashkil qiladi va qizi Shefika Xonimni unga muharrir etib belgilaydi.

Rus maktablari bilan allaqachon tanish bo'lgan tatar ma'rifatparvarlari ta'lim sohasida o'z ona tillarida "Yangi usul" (Usul-i jadid) maktablarini tashkil qilmoqchi bo'ldilar va shu asnoda ularni "Usul-i Kadim" maktablaridan farqli tomonlarini ko'rsatib berdilar. Og'ir diniy ta'lim ostidagi an'anaviy musulmon maktablari o'rniga Bog'chasaroy, Qrim, Qozon, Boku, Toshkent, Xiva, Samarqand va Buxoroda zamonaviy ta'limga ega "Yangi usul" jadid maktablarining tez tarqalishida Ismoil Gaspirinskiyning ta'siri juda katta bo'ldi. Rasmiy manbalarga ko'ra 1898-1908 yillarda Chor Rossiyasi Turkiston general-gubernatorligida 102 ta yangi usuldagi boshlang'ich maktab va ikkita yangi usuldagi o'rta maktab, Buxoro amirligida oltita, Xiva xonligida oltita "yangi usul" boshlang'ich maktablari bor edi. Buxoro ma'rifatparvar ziyolilari va tadbirkorlari "Yangi usul" maktablarini qo'llab-quvvatlash maqsadida 1909 yil mart oyida "Shirkat-i Buxoro-i Sharif" ("Asl Buxoro shirkati") shirkatiga asos solib, o'zini savdo shirkati sifatida ko'rsatsa-da, aslida siyosiy tashkilot edi [2]. Bu shirkat "Yangi usul" jadid maktablarini yashirincha darsliklar va boshqa jihozlar bilan ta'minlab turdi [3].

Chor Rossiyasi hukumati jadid ma'rifatparvar va ziyolilarining "Yangi usul" maktablarida zamonaviy ta'limni kengaytirishga intilishlarida og'ir qiyinchiliklar va shafqatsiz munosabatda bo'lishdi. Buxoro amirligidagi feodal hukmdorlari ham bu harakatni qo'llab-quvvatlamadilar. Aksincha Chor ma'murlari va Buxoro amirligi mulozimlari jadid ziyolilariga qarshi bo'lgan aksariyat konservativ musulmon ruhoniylarini qo'llab-quvvatladilar [4].

Amerikalik tarixchi Edward Olsworsning bildirishicha, Buxoro va Turkistonda jadid ziyolilari tomonidan ochilgan "Yangi usul" (zamonaviy) maktablari Chor Rossiyasi hukumatining o'lkadagi vakillari va musulmon qadimchilarining hukmron doira egalarini qo'rqitadi. 1910/11 o'quv yilida Turkistondagi chor hukumati 50 dan ortiq "Yangi usul" maktablarini asossiz yopishlaridan ham mustamlakachilarning tashvishini yaqqol ko'rish mumkin.

Buxoro amiri 1913/14 o'quv yilida amirlikda ma'lum bo'lgan barcha "Yangi usul" maktablarini yopdiradi [5]. Ushbu bosimlarga qaramay, amirlikda "Yangi usul" ta'limga qiziqish kuchli bo'lib qoldi. Buxoro amirligidagi yetakchi jadidchilardan biri Usmon Xo'ja Po'latxo'jayev (1878–1968) Istanbulga ketayotib, 1909 yilda Bog'chasaroyda bo'lib, Ismoil Gaspirinskiy bilan uchrashadi. Usmon Xo'ja Po'latxo'jayev u bilan birga jadid maktablarining muhim uslubiyatini o'rgangach, Istanbulga boradi va u yerda zamonaviy turk maktabi tizimini o'rganadi. Ayni paytda u Abdurrauf Fitrat (1886–1938) kabi buxorolik hamkasblari bilan 1909 yil 26 oktabrda "Buxoro maorifini tarqatish" xayriya jamiyatini tuzdi. Tashkilotning maqsadi Turkistonning (Markaziy Osiyo) boshqa hududlari, Buxoro amirligidan talabalarni Istanbul maktablarida o'qishni davom ettirish uchun olib kelish edi.

Ikki yildan so'ng Buxoroga qaytib kelgan Usmon Xo'ja darrov o'z uyida jadid maktabi ochadi va avvalo qarindoshlarining farzandlariga, keyinroq boshqa odamlar farzandlariga xizmat qila boshlaydi. Usmon Xo'ja va boshqa "Yosh buxorolik" inqilobiy guruh a'zolari amirlik tuzumini ag'darib, Buxoro demokratik

respublikasini tashkil qilganlarida (1920–1923), Usmon Xo‘ja 1920 yilda dastlab moliya vaziri, keyinroq 1921 yilda respublika prezidenti bo‘ldi [6].

Usmon Xo‘janing yangi hukumatdagi rolini inobatga olsak, bu qisqa umr ko‘rgan nosovet respublikasida birinchi qadamlardan biri zamonaviy maktablar ochish bo‘lib, bu yerda ham erkak, ham qiz o‘quvchilar yonma-yon o‘tiradi. Buxoro hukumati ham 1921 yilda o‘rta maktab bitiruvchilarining uch guruhini universitet ta‘limi uchun uchta shaharga: Moskva, Berlin va Istanbulga yubordi. 1924 yilda sovetlar tomonidan mustaqil Buxoro respublikasi tugatilgandan keyin hamda ikkinchi jahon urushi davrida Berlin va Istanbuldagi doktorlik darajasini olish uchun borgan talabalar O‘zbekistonga qaytishga jur‘at etishadi. Qaytganlar keyinroq qamoqqa tashlangan yoki Sibirga jo‘natilgan va u yerda mehnat dalalarida xizmat qilgan. Chunki Sovet hukumati ularni Berlin va Istanbulda o‘qib yurganlarida aqidaparastlikka singdirilgan deb gumon qilganlar.

Jadid ziyolilari, ayniqsa, o‘zlarining nutqlarida va faoliyatida musulmon ayollarni ozod qilishga e‘tibor qaratdilar, chunki ular gender tengligi va ozodliksiz ularning yangilanish harakati muvaffaqiyatli bo‘lmasligini tushunishadi. Bu harakat 1913 yilda Ozarbayjonning Boku shahrida istiqolchilarning quyidagi maqolasi mahalliy jurnallardan birida o‘z aksini topgan: “Kimki o‘z xalqini sevs va uning kelajagi buyuk bo‘lishini istasa, o‘z ayollarining ma‘rifati va tarbiyasi haqida o‘ylashi, ozodlik va mustaqillikni tiklashi kerak. Ularning aqli va qobiliyatlarini rivojlantirishga keng imkoniyatlar yaratishi kerak” deb yozadi [7]. Ma‘rifatparning bu chaqirig‘i 1913 yilda Qrimdagi “Tercüman/Perevodchik” (Tarjumon) gazetasida Hariye Hanim Machabilining muharririga yo‘llagan maktubida yanada ochiqroq o‘z aksini topgan: “Bizning huquqlarimiz Qur‘onda va payg‘ambarning so‘zlarida aniq belgilab berilgan. Lekin sizlar (erkaklar), din nomidan bizga zulm qilyapsizlar, shariat (islom qonuni) nomi bilan bizni halok qilyapsizlar. Buning uchun kim azob chekadi va yutqazadi? Yana siz (erkaklar) bo‘lasiz” [7].

Adib Xolid o‘zining Turkistondagi musulmon istiqolchilik (jadidchilik) siyosatiga oid mukammal tadqiqotida sovet tuzumidan oldingi davrda jadidlar yozgan asosiy yo‘nalishni quyidagicha e‘tirof etadi. Jadidlar ayollarga nisbatan katta hamdardlik va o‘z mavqeiini yaxshilash uchun ajralib turadi. Gaspirinskiyning qizi Shefika Xonim tomonidan Bog‘chasaroyda tahrir qilingan “Alem-i Nisvan” (“Ayollar dunyosi”) va 1913-1917 yillarda Qozonda chiqqan “Suyum Bike” kabi jurnallar ayollarning yangi nutqlarida ayol ovozi yaratgan edi. Ammo keyinroq Adib Xolid “Turkistonda 1917 yilgacha paranjini tashlash hech qachon ochiq-oydin ko‘tarilmagan va gender masalalariga jadidlarning munosabati konservativ bo‘lib qolgan deb ta‘kidlaydi. O‘z jamiyatlarida islom ziyolilari va konservativ doiralar tomonidan qattiq hujumga uchragan Turkiston (jadidchi) ziyolilari “xotin-qizlarning paranjisini tashlash” masalasini matbuotda ochiq muhokama qilishning ayni payt emasligini anglab yetganini tushunish mumkin [8].

XIX asr oxiri – XX asr boshlarida yashagan va o‘zining adolatparvarlik g‘oyalari bilan mashur bo‘lgan Anbar otin o‘z ijodida ayollarning ahvoli, yashash sharoiti, oila va jamiyatdagi o‘rnini aks ettirishga harakat qiladi. Chunki o‘rganilayotgan davr manbalarida yozilishicha, “... bizda xotin-qizlar masalasi eng ayanchli masaladir. Xatto mashrug‘ bo‘gan hurriyat va maorif hali bular orasig‘a kira olmasdan turadir, kirsam ham tor doiraginadur. Bunga sabab umuman musulmon dunyosini necha asrlar bo‘yicha o‘rab olgan hurofot va diniyotga taassubdir, nodonlikdur, ongsizlikdur” [9]. A. Fitrat ham o‘zining “Munozara” asarida bu haqda fikr yuritib, aksariyat mudarrislarining Turkiston ayollari tahsil olishi “behuda va ayollarning yaratilishidagi hikmat tavolud va tanosul (tug‘ish va nasl qoldirish)dir” degan fikriga farangining unga qarshi fikr mulohazalarini keltiradi [10]. A. Fitrat kelajak avlodlarning ongsiz, irodasiz, tarbiyasiz, nodon va johil bo‘lmasliklari uchun xotin-qizlar o‘qimishli, sog‘liqni saqlash va bolalar tarbiyasidan xabardor bo‘lishlari

kelrakligini zarur deb biladi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, Jadid ziyolilarining ijtimoiy-siyosiy, madaniy-ma'rifiy qarashlarida ta'lim jarayoniga, ayollar ta'limiga alohida e'tibor berganliklari jadidchilik harakatining Turkistonni ravnaq ettirish yo'lidagi, xalq ta'limi va pedagogikasini rivojlantirishdagi intilishlarini yaqqol ko'rsatib berdi. Bu qarashlar jadid ziyolilarining quyidagi g'oyalarining hayotga tadbiiq etilishi bilan namoyon bo'ldi:

oilada ayollarning o'rnini belgilash orqali ularning jamiyatdagi mavqeyini oshirish;

xotin-qizlar o'qimishli, sog'liqni saqlash va bolalar tarbiyasidan xabardor bo'lishlari kerakligini;

ma'rifatli oilaning yosh avlodni ijtimoiy, axloqiy va mehnat tarbiyasidagi o'rnini ko'rsatish va hokazo.

Turkiston jadidlari ma'rifiy qarashlarida yangi usul maktablari ochish, yoshlarga qisman diniy va dunyoviy bilimlar berish bilan cheklanmadilar. Bu yulda jadidlar xotin-qizlar masalasiga alohida e'tibor berib, dunyoviy ishlarni bajarishda xotin-qizlar ham erkaklar qatorida teng bo'lishlari kerakligini ta'kidlaganlar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 24 maydagi "Qadimiy yozma manbalarni saqlash, tadqiq va targ'ib qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2995 – sonli Qarori.

Ayni, Sadriiddin. 1963. "Bukhara Inqilabi Tarikhi Uchun Materiallar" (Materials for the 206 TIMUR KOCAOGLU history of Bukharan revolution). In Asarlar, 1: 3–260. Tashkent: OzSSR Davlat Badiiy Nashriyati.

d'Encausse, Hélène Carrère. 1988. *Islam and the Russian Empire: Reform and Revolution in Central Asia*. Trans. Quintin Hoare. Berkeley: University of California Press (French original: *Reforme et revolution chez les Musulmans de l'empire russ*. Paris: Presses de la Fondation nationale des Sciences Politiques, 1966).

Khalid, Adeeb. 1998. *The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia*. Berkeley: University of California Press.

Allworth, Edward. 1990. *The Modern Uzbeks: From the Fourteenth Century to the Present. A Cultural History*. Stanford, Calif.: Hoover Institution Press.

Kocaoglu, Timur. 2001. *Reform Movements and Revolutions in Turkistan*. Haarlem, Netherlands: SOTA.

Lazzerini, Edward. 1973. "Ismail Bey Gaspirinskii and Muslim Modernism in Russia, 1878–1914." Ph.D. diss., University of Washington, 237-p.

Khalid, Adeeb. 2007. *Islam after Communism: Religion and Politics in Central Asia*. Berkeley: University of California Press.

Sadiy. A. Xotin-qizlar maorifi. Turkiston. 1922 7 okt.

Fitrat. A. Hindistonda bir farangi ila buxoroli mudarrising jaded maktablari xususida qilg'an munozarasi. Sharq yulduzi. 1997. №6,130-bet.



ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ВОЛОНТЁРЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ РОЛИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.068>

Ширматов Сирожиддин Тождинович,

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти, педагогика фанлари номзоди, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада шахслараро муносабатларни самарали ташкил этишида волонтерлик ҳаракатлари ҳақидаги фикрлар баён этилган. Шунингдек, волонтерларнинг тил ўрганиш жараёнига самарали жалб этишининг ўрни алоҳида таъкидланган. Мақолада ташкил этилиши мумкин бўлган ил ўрганиш жараёнини қай тартибда ташкил этиши муҳакама қилинган.

Калит сўзлар: инглиз тили, тил ўрганиш, волонтерлик, олий таълим.

THE ROLE OF VOLUNTEER ACTIVITIES IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF INTERPERSONAL RELATIONS

Shirmatov Sirojiddin Tajidinovich,

PhD in Pedagogical Sciences, Customs Institute of The State Customs Committee of The Republic of Uzbekistan, Tashkent city, Uzbekistan

Abstract. The article deals with the ideas of volunteering in the effective organization of interpersonal relations. The role of effective involvement of volunteers in the process of language learning was also noted. The article discusses the order in which the process of country studies can be organized.

Keywords: English, language learning, volunteering, higher education.

РОЛЬ ВОЛОНТЕРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ МЕЖЛИЧНОСТНЫХ ОТНОШЕНИЙ

Ширматов Сирожиддин Тождинович,

Таможенный институт Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан, кандидат педагогических наук, Ташкент, Узбекистан

Аннотация. В статье рассматриваются идеи волонтерства в эффективной организации межличностных отношений. Также была отмечена роль эффективного вовлечения волонтеров в процесс изучения языка. В статье рассматривается порядок, в котором может быть организован процесс страноведения.

Ключевые слова: английский язык, изучение языка, волонтерство, высшее образование.

Кириш. Техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши ўз-ўзидан инсониятни жонли мулоқотдан узоқлаштиради. Шахслараро мулоқотни ташкил этиш имконияти юзага келганда эса диалогда иштирок этаётган субъектлар томонидан бир-бирларини етарлича англай олмаслик, суҳбатдошнинг фикрини тўғри тушунмаслик, бунинг натижасида эса турли зиддиятларнинг келиб чиқиши кўп кузатилмоқда. Шу сабабли республика узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида шахсни мулоқот жараёнига самарали тайёрлаш, унда мулоқот маданиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масаласи долзарб бўлмоқда. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилинишида таълим муассасаларида ўқитилаётган барча ўқув фанларининг имкониятларидан ўринли, мақсадли ва изчил фойдаланишга эришиш ўзига хос аҳамият касб этади. Бу жараёнда, айниқса, тил ўрганиш имкониятини яратувчи – ўзбек, рус, инглиз ҳамда бошқа хорижий тиллар асосларини ўргатувчи фанлар муҳим ўрин тутаяди. Бинобарин,

шахс миллий ва хорижий тилларни ўрганиш жараёнида табиий равишда тегишли тил ёрдамида мулоқотнинг ташкил этилишида ривож этилиши зарур бўлган ҳолатда, кўрсатма, тавсия ва йўл-йўриқлар билан ҳам таништирилади. Бу эса унда нафақат у ёки бу тилда сўзлашиш, шу билан бирга суҳбатдошга ижобий таъсир кўрсата олиш кўникма, малакаларини шакллантиришга имкон беради.

Материаллар ва методлар. Мазкур мақолада педагогик кузатув, суҳбат, хужжатлар билан ишлаш, илмий-услубий адабиётлар таҳлили каби илмий тадқиқот методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва муҳокама. Назарий таҳлил, талабалар фаолиятини педагогик кузатиш улар томонидан инглиз тилига асосланган мулоқот маданияти сифатларини ўзлаштиришда тенгдошнинг тенгдошга кўмаги ҳам муҳим аҳамиятга эга, деган хулосага келишга асос бўлди. Талаба иштирок этадиган мулоқот жараёнининг асосий иштирокчилари унинг тенгдошларидир. Талабаларнинг ўзаро мулоқотида “тенгдош тенгдош билан” тамойили устувор эканлигини инobatга олган ҳолда уларнинг хорижий тилларни бирга ўрганиш ва мулоқотга киришиш имкониятидан самарали фойдаланишга эътибор қаратиш лозим. Натижада талабалар ўртасида инглиз тилига асосланган мулоқот асосларини тарғиб этишда уларнинг ўз имкониятларидан фойдаланиш имконини беради. Бу борада инглиз тилини пухта ўзлаштираётган талабалар волонтерлик ҳаракатига жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида тобора оммалашиб бораётган волонтерлик ҳаракати ҳам уларнинг ижтимоий жиҳатдан фаол бўлишлари, инглиз тилига асосланган мулоқот кўникма, малакаларини самарали ўзлаштиришга ёрдам беради.

Глобаллашув шароитида ёшларнинг ҳар томонлама шаклланишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Жамият тараққиётининг бугунгидай тезкор, ўзгарувчанлиги, ижтимоий муносабатлар жараёнидаги ахборот алмашувининг тобора кучайиб бораётганлиги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга йўналтирилган ижтимоий-педагогик фаолиятни янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бугунги ёшлар ўз-ўзини англаш ва такомиллаштириш, истикбол режаларни белгилаш ҳамда уларга мувофиқ амалий ҳаракатларни ташкил этишда тобора фаоллик кўрсатиб, ўсмирлик давриданок касбий йўналишни танлаш, хорижий тилларни ўрганишга жиддий эътибор қаратмоқдалар [9]. Уларнинг ижтимоий фаолликлари Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида янги йўналиш сифатида кўзга ташланиб, ёшлар ўртасида йилдан йилга оммалашиб бораётган волонтерлик фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда.

Волонтерлик (ёки волонтерлик ҳаракати) тушунчасининг туб асосини латин тилидаги “voluntarius” атамаси ташкил этиб, у ўзбек тилига таржима қилинганда “ихтиёрий”, “кўнгилли равишда” деган маъноларни англатади [1]. Мантиқий нуқтаи назардан тушунча жамиятнинг ижтимоий манфаатлари йўлида шахс томонидан ихтиёрий, кўнгилли равишда, моддий рағбатни кутмаган ҳолда амалга ошириладиган ҳаракат, фаолият маъносини англатади.

Волонтерлик (ёки волонтерлик ҳаракати; лот. “voluntarius” – ихтиёрий, кўнгилли равишда) – бу ўзида ўзаро ва ўз-ўзига ёрдам кўрсатишнинг анъанавий шакллари камраб олиб, кенг жамоатчилик манфаати учун ёш (фуқаро)лар томонидан ҳеч бир моддий тақдирланишларсиз кўнгилли равишда амалга ошириладиган расман тақдим этилувчи хизматлар ёки бошқа турдаги фаолиятнинг кенг доираси [1]. Ушбу йўналишда фаолият олиб борадиган ёки бошқача айтганда қандайдир фаолият билан ихтиёрий, кўнгилли равишда шуғулланувчи шахс ўз навбатида “волонтер” деб юритилади. Қонунчилик нуқтаи назаридан эса мазкур тушунчани янада аниқроқ ифодалаш мумкин: волонтер – муайян хизматлар ёки маълум кўринишдаги ишларни текин, бепул бажаришга асосланган хайрия фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс.

Б.Ю.Шапиро, Е.Б.Царапкиналар волонтерлик ҳаракатининг қуйидаги тамойилларга мувофиқ ташкил этилиши кўрсатиб ўтади: ихтиёрийлик; кўнгиллилик; мустақиллик; мустақиллик қарор қабул қилиш; жамоавий бирлик; фикрлар хилма-хиллиги ва мақсад бирлиги; ҳар томонламалик (универсиаллик); ҳар бир иштирокчининг тенг имкониятга эгаллиги; штат бўйича қатъий ўринга

эга бўлмаслик; тасаввур, фантазиянинг бойлиги; қизиқувчанлик; маънавий манфаатдорлик; моддий манфаатни кутмаслик [2].

Муаллифларнинг фикрларига қўшилган ҳолда волонтерлик иши, фаолиятини ташкил этишда яна қуйидаги тамойиллар ҳам аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

фаолият турини танлаш ҳуқуқига эгалик;
шахсий фаолиятдан қониқиш;
фаолиятга масъулиятли ёндашув;
ёрдам кўрсатилаётган шахсларга нисбатан раҳм-шафқатли, меҳрибон, хушмуомала бўлиш;
фидойийлик;
эмпатия (бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳиссиётлари, ҳаётий интилишлари, табиатларини тушуниш, бошқалар нуқтаи назарини маъқуллаш асосида жамоадаги муносабатларни меъёрда ташкил этилишини таъминлаш;
ўзгаларнинг ички ҳолатини, ўй-фикрларини ва ҳис-туйғуларини тушуна олиш;
бошқаларнинг бошига тушган кулфат, фалокатлардан қайғуриш;
ролларни қабул қилиш – оғир вазиятда бўлган кишиларнинг ўрнига ўзини тасаввур, мушоҳада ёрдамида кўйиб кўрган ҳолда улардаги ижобий ҳис-туйғуларини қайта тиклашга кўмаклашиш;
ўзгаларнинг қайғу-аламларидан, кулфатларидан қайғуриш, кўнгилни қўтарувчи, таскин берувчи сўзлар билан оғир вазиятда қолган кимсаларга ижобий таъсир кўрсатиш) [8].

“Кўп ҳолатларда волонтерлик иши жисмоний куч, вақт ва руҳий қувватни беҳудага сарфлаб, бунинг эвазига ҳеч нарса олмаслик деб ҳисобланади. Бирок, бундай ёндашиш тўғри эмас. Дарҳақиқат, волонтер бепул ишлайди, бирок, у бу иши учун маънавий қониқиш олади. Волонтерлик иши шахсга ўзининг мулоқотчанлик, зиддиятларни ҳал қила олиш, гуруҳ таркибида ишлай олиш қобилиятини намоён қилиш каби янги имкониятларини очиш ва ривожлантириш имконига эга бўладики, унинг бундай сифатлари бошқа ҳеч бир муҳитда бундай намоён бўлмаслиги мумкин” [3, 4, 5].

Волонтерлик негизида ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган ижтимоий ёрдам ёшларда ижтимоий фаоллик, ўз-ўзига ишонч, жамоа билан бирликка эришиш каби сифатларни ҳосил қилган. Бу эса волонтерлик ҳаракатининг ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эгалигини ифодалайди. Волонтерлик фаолияти муайян устувор тамойиллар асосида турли шаклларда ташкил этилади. Талаба-ёшларнинг волонтерлик фаолиятини ташкил этиш мотив (сабаб)лари, ижобий сифатларга эга ва кўнгилли бўлишлари, шунингдек, бир ёки бир неча хорижий тилни билишлари мазкур жараёни муваффақиятли, самарали ташкил этишлари учун имконият яратади.

Мазкур жараёнга талабаларнинг инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда волонтерлар гуруҳи ташкилий жиҳатдан шакллантирилади. Бу жараён қуйидагича ташкил этилади:

1-босқич. Респондент-талабалар ОАВда эълон қилинган турли – ижтимоий ҳаёт, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт, қуриш, туризм ва спорт мавзуларидаги матнлар тақдим этилади.

2-босқич. Матнни ўқиш топшириғи берилади.

3-босқич. Матн асосида режа тузиш топшириғи бажарилади.

4-босқич. Талабалар матн мазмунини сўзлаш бериш топшириғини бажарадилар.

5. Талабалар ўзлари ишлаган матн юзасидан саволларга жавоб қайтарадилар.

6. Тегишли матн юзасидан тест топшириғи бажарилади [7].

Берилган топшириқларнинг натижаларига кўра инглиз тилини пухта ўзлаштирган талабалардан иборат волонтерлар гуруҳи шакллантирилади. Гуруҳга ҳар бир тажриба майдонидан 4 нафардан талаба жалб этилади. Волонтерлик гуруҳи аъзолари уларнинг зиммасига юкланадиган вазифалар билан таништирилади. Вазифалар қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Тажриба гуруҳи талабаларининг ўқув машғулоти орасидаги

танаффусларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданияти, шахсда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини шакллантириш, инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнини самарали ташкил этиш шартларига доир мавзуларда баҳс-мунозара, суҳбатларни ташкиллаштириш.

2. Инглиз тилига асосланган баҳс-мунозара, суҳбатлар учун мавзуларни эълон қилиш.

3. Баҳс-мунозара, суҳбатларни амалий жиҳатдан ташкиллаштириш.

4. Ҳар бир талабанинг инглиз тилига асосланган баҳс-мунозара, суҳбатларда фаол иштирок этишларини таъминлаш.

5. Баҳс-мунозара, суҳбатларнинг самарадорлиги хусусида аннотация тайёрлаш [6].

Волонтёр-талабалар томонидан тайёрланган аннотациялар истиқбол ҳаракатларни белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ОТМда волонтёр-талабалар Telegram Facebook ижтимоий тармоқларидаги “The art of communication” (“Мулоқот санъати”) номли саҳифада форумларни ташкил этиш, саҳифага янги материалларни қўйишда амалий жиҳатдан ёрдам беради.

Хулоса. Демак, юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда, хорижий тилларни ўрганаётган талабаларда мулоқот маданияти, сўзлашув кўникмалари ва ихтиёрий тил ўрганишга стимулни ҳосил қилишда волонтёрлик ҳаракатлари ҳамда волонтёрларнинг ўрни ниҳоятда муҳим, деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, албатта, бу борада мазкур жараёнда қўлланилувчи оммавий ахборот воситалари материаллари, ижтимоий тармоқлар ва бошқа маълумотлар тарқатувчи, тасарруф қилувчи ва узатувчи манбаларни ҳам муҳим ўрни борлигини таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.12.2019 й., 03/19/585/4096-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

Шапиро Б.Ю., Царапкина Е.Б. Подготовка волонтеров для работы по профилактике ВИЧ-инфекции среди молодежи. – Москва: Издание КГУЗ, 2005. – С. 17

Эльконин Д.Б. Педагогика развития: проба как конструкт образовательной системы // Педагогика развития: ключевые компетентности и их становление: материалы 9-й научно-практ. конф. – Красноярск: КрасГУ, 2003. – 322 с.

Ширматов С.Т. Этник маданий алоқалар фаоллашуви шароитида талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантириш мазмуни (инглиз тили мисолида), Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси, Тошкент, 2020 йил.

Shirmatov, S. T. (2021). Development of the culture of english communication in students as a social and pedagogical need. South Asian Journal of Marketing & Management Research, 11(9), 21-26.

Ширматов, С. Т. (2017). Пути развития культуры личного общения, основанного на английском языке. Преподаватель XXI век, (1-1), 180-187.

Shirmatov, S. (2016). The Role of Logical Thinking in English Communication. Eastern European Scientific Journal, (6).

Ширматов С. Т. Талабаларнинг мулоқот маданиятини ривожлантиришда таълим шакллари танилаш // Современное образование (Узбекистан). 2016. №62. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/talabalarning-mulo-ot-madaniyatini-rivozhlantirishda-talim-shakllarini-tanlash>.

Ширматов, С. Т. Коммуникативная толерантность во взаимоотношениях студентов как условие благоприятного социально-психологического климата коллектива / С. Т. Ширматов // Профессионально-педагогическая культура учителя и преподавателя: проблемы воспитания в условиях трансформации образования : Сборник материалов VIII Международной научно-практической конференции, посвященной 145-летию Белгородского государственного университета, Белгород, 25–26 марта 2021 года. – Белгород: Белгородский государственный национальный исследовательский университет, 2021. – С. 241-246.

19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

INTEGRATIVE POSSIBILITIES OF ECLECTISM IN THE CONTEXT OF THE OPPOSITION OF SCIENTIFIC AND HUMANISTIC APPROACHES

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.069>

Zlyvko Valeriy Lavrentievich,

*Candidate of Psychological Sciences, Associate Professor, Head of the
Laboratory of Methodology and Theory of Psychology Institute of Psychology
named after G.S. Kostyuk National Academy of Education Science of Ukraine
Kiev, Ukraine*

Abstract. This article is devoted to the analysis of the integrative possibilities of eclecticism in the context of the opposition of scientific and humanistic approaches. A review of current research has identified different and competing approaches to the study of culture and communication. These approaches reflect different metatheoretical assumptions, research goals, and beliefs about the role of power and relevance in contemporary research. Dialectically oriented scholars consider relations as a dialogical communicative process characterized by the unity of oppositional tendencies that form relations. Researchers of relational dialectics focus on the dialogic and polyphonic qualities of relationships, analyzing the oppositional tendencies inherent in personal relationships. Methods of metatheoretical analysis have been established to legitimize different approaches and promote interparadigmatic discussion, this article first explores the metatheoretical assumptions of current research, and then offers a dialectical approach to science. The dialectical perspective suggests that we must balance both the understanding of the past and the present. Also, the past is always viewed through the prism of the present.

Key words: Conflict, dialectics, relational dialectics, personal relationships, dialogic communicative process, eclecticism, humanism.

ИНТЕГРАТИВНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ЭКЛЕКТИЗМА В КОНТЕКСТЕ ПРОТИВОПОСТАВЛЕНИЯ НАУЧНОГО И ГУМАНИСТИЧЕСКОГО ПОДХОДОВ

Зливков Валерий Лаврентиевич,

*кандидат психологических наук, доцент, заведующий лабораторией
методологии и теории психологии Института психологии имени Г.С.*

*Костюка Национальной академии педагогических наук Украины
г. Киев, Украина*

Аннотация. Данная статья посвящена анализу интегративных возможностей эклектизма в контексте противопоставления научного и гуманистического подходов. Обзор современных исследований выявил разные и конкурирующие подходы к изучению культуры и коммуникации. Эти подходы отражают различные метатеоретические предположения, цели исследования и убеждения роли власти и актуальности в современных исследованиях. Дialeктически ориентированные ученые рассматривают отношение как диалогический коммуникативный процесс, характеризующийся единством оппозиционных тенденций, образующих отношения. Исследователи реляционной диалектики сосредотачиваются на диалогических и многоголосных качествах отношений, анализируя оппозиционные тенденции, присущие личным отношениям. Методами метатеоретического анализа установлено, чтобы узаконить разные подходы и способствовать

межпарадигматической дискуссии, данная статья сначала исследует метатеоретические предположения текущих исследований, а затем предлагает диалектический подход к науке. Диалектическая перспектива говорит о том, что мы должны сбалансировать как понимание прошлого, так и настоящего. Также доказано, что прошлое всегда рассматривается через призму актуальных событий сегодняшних дней.

Ключевые слова: Конфликт, диалектика, реляционная диалектика, личностные отношения, диалогический коммуникативный процесс, эклектика, гуманизм.

Introduction. Studies of culture and communication also reflect important metatheoretical differences in epistemology, ontology, assumptions about human nature, methodologies and research goals, as well as different conceptualizations of culture and communication and the relationship between culture and communication. In addition, questions about the role of power and the application of research often lead to valuable discussions about the right and wrong ways to conduct research. Although this debate suggests that the industry is maturing, it may be unnecessary when scientists use one set of paradigmatic criteria to evaluate research based on different paradigmatic assumptions. A survey of contemporary research reveals distinct and competing approaches to the study of culture and communication. These approaches reflect various metatheoretical assumptions, research goals, and beliefs about the role of power and relevance in contemporary research.

Literature review. In order to highlight the various metatheoretical assumptions of culture and communication research, we first identify four research paradigms based on L. Burrell and D. Morgan's [9] framework categorizing sociological research. Although this framework has been borrowed often by communication researchers and provides a useful "map" to differentiate and legitimate theoretical research, a word of caution is in order. As S. Deetz [4] notes, L. Burrell & D. Morgan's emphasis on the incommensurability of these paradigms has resulted in a tendency to reify research approaches and has led to "poorly formed conflicts and discussions" [9, p. 119]. Therefore, we present this framework, not as a reified categorization system, but as a way to focus attention on current issues and to legitimate the various approaches. L. Burrell and D. Morgan propose two dimensions for differentiating metatheoretical assumptions of sociological research: assumptions about the nature of social science and assumptions about the nature of society. The assumptions about the nature of social science vary along a subjective-objective dimension, and these categories have been described ad nauseam in communication scholarship. As described objectivism assumes a separation of subject (researcher) and object (knowledge), a belief in an external world and human behavior that can be known, described, and predicted, and use of research methodology that maintains this subject-object separation. On the other hand, subjectivist scholarship sees the subject-object relationship not as bifurcated but in productive tension; reality is not external, but internal and "subjective," and human behavior is creative, voluntary, and discoverable by ideographic methods. W. Gudykunst and T. Nishida [8] used this subjective-objective distinction to categorize then-current culture and communication research.

Also, research using diary and log methods have shown that relational partners' moods influence how negativity they treat each other [11]. Having a negatively stressful day at work, for example, is associated with more marital conflict [2], greater expressions of anger from wives, and more withdrawn behavior from husbands. Such variations in participants' moods probably adds a source of unreliability to assessments that rely on a single encounter. Given this potential for unreliability, analyses based on these measures may actually underestimate the association of



conflict behaviors with relational outcomes.

Conflict scholars investigating how individuals shape their conflicts have sought to explain how conflicts emerge and develop, and have investigated how individuals' cognitions influence the course and outcomes of relational conflict. Again, the literature in this general area is enormous, even rivaling the research on associations between conflict behaviors and relational outcomes. Our focus here is on reviewing several common explanations for conflict and on briefly discussing the importance of interpretations of relational conflict. Much of the work relevant to explaining conflict in romantic relationships does not refer to explicit theoretical models (F. Fincham & S. Beach, 1999) [6], but several common explanations exist (even if sometimes implicitly). The common accounts include references to skills, gender differences, other individual differences, stressors, and goals. Each of these explanations has a number of variants; due to space considerations, we focus on general themes rather than the variations. Also, these explanations are not mutually exclusive; for example, D. Canary's (2003) model of strategic conflict incorporates individual differences, interpretations, and goals. Despite the ongoing pervasiveness of the skills explanation, there are theoretical and empirical reasons to believe that the role of communication skills as a cause of aversive relational conflict behaviors has been overstated [5]. L. Sillars and J. Weisberg (1987) noted that communicators' goals in conflict are often "complex and ephemeral" (p. 141). This makes it difficult to judge whether a conflict behavior was effective; it is possible, for instance, that a behavior that is considered negative might be functional in a given conflict or might effectively serve a goal other than relationship enhancement [12]. Moreover, B. Burleson, W. Denton argued that the skills deficiency approach fails to make the important conceptual distinction between ability and motivation. B. Burleson and W. Denton conducted a study in which they measured skills directly (rather than inferred them from participants' behaviors). They found that communication skills were not reliably associated with marital distress, but expressions of negativity were. Such findings suggest that the behaviors frequently linked to dissatisfaction in relationships "may result more from ill will than poor skill" [3 p. 897]. Similar conclusions can be drawn from studies showing that dissatisfied spouses evince communication skills with strangers that they do not with their partner [10].

Research Methodology. This study examined the perceived importance of six basic dialectical contradictions to conflict episodes for 25 marital couples. Using a revised version of the Retrospective Interview Technique (RIT) and questionnaire data, marital couples were asked to recall important conflict episodes, coded for issue type, over a 1-year period. Following in-depth questions about the conflicts, a questionnaire was administered that asked participants to rate 6 basic dialectical contradictions according to their importance for each conflict episode. A second questionnaire was also administered that asked participants to determine whether conflicts were dialectical (antagonistic and non-antagonistic) and/or non-dialectical, relative to each conflict episode. Results reveal that the dialectical contradictions of autonomy-connection and openness-closed-ness were perceived as more important than the other contradictions. Two other contradictions (integration-separation, predictability-novelty) were perceived as important for particular conflict issue types.

Analysis and results. First, we identify and describe four different paradigms of culture and communication based on the structure of G. Burrell, D. Morgan's (1980, 1988): functionalist, interpretive, critical humanistic, and critical structuralist. For each paradigm, we identify metatheoretical assumptions, accompanying conceptualizations of culture, the relationship between culture and communication, and examples of current research. Then we propose a dialectical approach that facilitates interparadigmatic dialogue and offers new ways to conceptualize and study

intercultural communication. We offer six dialectics of intercultural communication practice that can guide future research.

The dialectic of intercultural communication exists between the past and the present-future. Much of the functionalist and interpretive sciences that study culture and communication have ignored historical forces. Other scholars have added history as a variable for understanding contemporary intercultural interaction, such as the previous intergroup interaction variable K. A. Finlay, W. G. Stephan (2000), which affects the degree of intergroup anxiety. Instead, critics stress the importance of including history in the current analysis of cultural meanings. The dialectical perspective suggests that we must balance both the understanding of the past and the present. Also, the past is always viewed through the prism of the present [7].

Research in this paradigm often focuses on extending interpersonal communication theories to intercultural contexts or discovering theoretically based cross-cultural differences in interpersonal communication, or both. Researchers have also investigated international and cross-national mediated communication and development communication (see Rogers, 1995). Most functionalist research is conducted from an “etic” perspective. That is, a theoretical framework is externally imposed by the researcher and research often involves a search for universals.

Scholars frequently conceptualize conflict behaviors having positive and negative affect along a single dimension, but most coding systems distinguish between behaviors that are viewed as cooperative and those that are seen as competitive. Whereas countless studies have examined connections between expressions of affect and relational satisfaction, fairly few have examined negativity or positivity as predictors of relational stability. Those that have, however, indicate that negativity during conflict predicts divorce—at least over periods of a few years. Most notably, Cascade Model proposes that the trajectory toward divorce is driven by a progression of increasingly alienating conflict behaviors. In short, research on the connections between conflict resolution behaviors and relational outcomes has proved quite useful. Nevertheless, there are concerns about the research in this area. Because the extant literature is so large and varied, no particular concern applies to all research in this area, but each is prevalent. These concerns pertain to studies that predict divorce, research on the affect dimension of conflict engagement, and some general assumptions of the problem-solving paradigm. In contrast to the assumption that managing conflict is more important than the difficulty and frequency of conflicts, experienced relationships counselors attribute the majority of couples’ troubles to fundamental problems that often cause communication difficulties, rather than to problems managing conflict, *per se*. Nevertheless, there are growing questions about the utility of the typical observational study for addressing a number of important questions about relational conflict. Consider, for example, the difficulties of studying conflict avoidance in a laboratory setting. Individuals are less likely to withdraw if they are directed by a researcher to discuss an issue for a preset amount of time. Moreover, much conflict avoidance occurs before an issue is even introduced, making it difficult to observe such avoidance. Even if behaviors can be validly assessed in a single observational episode, there are questions about whether a single assessment is always adequate. Retrospective reports of relational change suggest that particular conflict episodes can be critical events or turning points in a relationship. A couples’ “first big fight,” for instance, can have a large impact on the development of a relationship, leading to dissolution of some dyads and heightened interdependence in others. It is unlikely that a single observational period would capture episodes that happened to be the most critical ones; thus, the conflicts that most affect relationships are unlikely to be observed. Unless scholars assume that there are no behavioral differences between the most crucial conflicts and ones observed in research, laboratory studies are likely to miss some of the

most important aspects of conflict. The patterns of behavior that couples enact also create a context that may shape the meaning partners assign to conflicts. For example, romantic partners who routinely express affection to each other appear to be less susceptible to any adverse impact of negativity and demand/withdraw on relational satisfaction. Thus, the meaning assigned to negative behaviors appears to be influenced by the behavioral context that couples create together. Moreover, this behavioral context need not be limited to behaviors that are usually thought of as communication. We argued that one reason why some couples may increase in satisfaction after engaging in demand/withdraw episodes is that the person being asked to change may do so over time, which would influence the ultimate meaning of the conversation. For example, if a husband withdraws while being nagged to pick up his dirty socks, the actual interaction is likely to be unpleasant and associated with concurrent dissatisfaction. However, if this husband begins to put his dirty laundry away without being nagged (perhaps even as a strategy to avoid being nagged again), this may lead the wife to reappraise the conflict episode, downplaying its importance compared to the changed behavior. Furthermore, once the husband has demonstrated a willingness to change despite engaging in avoidance, subsequent episodes of demand/withdraw might be viewed differently (e.g., the complaining spouse may be less frustrated because she recognizes that withdrawal during a discussion does not necessarily imply that the spouse will not comply with a request for change). Considerable advances have been made in identifying conflict behaviors and patterns that are associated with outcomes like dissatisfaction and dissolution. Scholars have also made important progress in understanding why conflict develops in particular ways and why relational partners enact some conflict behaviors rather than others. Although there is certainly room for more research on such issues, our review and conceptual framework suggest two particularly important foci for future efforts at understanding conflict in romantic relationships. First, the impact of conflict on close relationships probably depends on a number of temporal issues that have received scant attention. Although there have been many studies on sequences within particular conflict episodes, understanding the impact of conflict on relationships likely will require more attention to issues involving broader timeframes (e.g., the daily rhythms of conflict, how serial arguments develop over time, how changes in conflict over time affect relationships). Second, there are sound conceptual reasons – and some empirical ones – to believe that the impact of environmental factors on conflict in romantic relationships is greater than that implied by a typical laboratory study. Taking a more contextual perspective on conflict in romantic dyads offers many potentially important insights.

Conclusion/Recommendations. We tried to invite researchers of culture and communication to consider the ways in which their production of knowledge is related to the epistemological achievements of people in other paradigms. While there may not be an easy fit between these paradigmatic differences, it is important that we not only recognize these differences but also look for ways to make these epistemological differences productive rather than exhausting. Information overload can be daunting, but our dialectical perspective offers intercultural scholars as well as students and practitioners a way to deal with the many different kinds of knowledge we have about cultures and interactions. In short, the aforementioned assumptions of the problem-solving paradigm may obscure important aspects of relational conflict. In the future, we need more work that (a) recognizes the importance of variations in the frequency of conflict and in the difficulties of problems that couples face, (b) examines temporal features of conflict (e.g., how conflict patterns change over time, how serial arguments are addressed over multiple episodes, how particular conflict episodes can serve as critical turning points in relationships), and (c) attempts to document everyday experiences of conflict in relationships. It is important to

emphasize that we are not just making a call for multiple methods. Instead, we suggest that many of the questions that are important to relational conflict scholars (e.g., how do patterns of conflict unfold over long periods of time and how do such patterns influence relationships?) cannot be answered with the typical observational design.

Annotation: the methods used in this article to assess the effectiveness of socio-psychological competence in accordance with the purpose of the study provide a deeper understanding of some of the practical directions and prospects of the science of social psychology today. In general, the manifestation and development of specific competence factors in educators can be assessed through in-depth study, analysis and appropriate empirical conclusions of personality types and communicative and social competence in the expression of personal and professional activity of preschool educators.

Keywords: globalization, reform, professional competence, empirical knowledge, psychological methods, communicative competence, social competence, cognitive competence, autopsychological competence.

Жаҳон миқёсида ижтимоий интеграция, глобаллашув ва ахборотлаштириш тенденцияларининг кучайиб бориши барча турдаги таълим муассасалари тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик масалаларига бугунги замонавий талаблар асосида янада жиддийроқ эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Болонья Декларацияси, «Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси», Олий касбий таълим муассасалари Европа ассоциацияси EURASHE, ENIC-NARIC ахборот-тизим маркази, Таълим соҳасидаги халқаро ташкилот Education International ҳужжатларида педагог кадрларга алоҳида талаблар қўйилади ва уларнинг профессионал компетентлиги масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда глобаллашув жараёнининг кечиши, ўзига хос ижтимоий тараққиёт тамойилларига мос шахсни тарбиялаш ва унга ижтимоий-психологик таъсир этишни таъминловчи тарбиячиларга бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларини ўрганиш, уларнинг компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш каби устувор масалалар бўйича муҳим тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар талабига тўла жавоб берувчи, интеллектуал салоҳияти юқори, кескин ўзгаришларга тез мослаша оладиган, рақобат бардош, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, аynи пайтда ушбу тизимда, масъулиятли, иродали, ўз касбига садоқатли, фидойи кадрларни етиштириш вазифасини қўймоқда. Ушбу вазифанинг амалий жиҳатдан бажарилиши мактабгача таълим ташкилотларида соғлом психологик муҳитнинг яратилиши билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, ҳар бир тарбиячида шахслилик хусусиятлари ва ижтимоий-психологик компетентлик ўртасидаги уйғунликни таъминловчи психологик механизмларнинг фаолият самарадорлигига бевосита таъсирини белгилаб берувчи омилларни аниқлаш, тадқиқ қилиш асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни бевосита амалиётда қўллаш масаласини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимлари тадқиқотларида компетентлик муаммоси педагогика фанлар каби психологиянинг ҳам муайян

даражадаги тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Мазкур муаммо психологик тадқиқот сифатида дастлаб Д.Г. Майерс, К.Р. Роджерс, Ж.Ф. Пиаже, Д. Векслер, Д. Гоулман, Г.Ю. Айзенк, Л.Ф. Бахман, А.Д. Палмер, Ян Ван Эк, Г.У. Олпорт, А.А. Реан, В.А. Кан-Калик, Э.Ф. Зеер ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Рус олимларидан профессионал компетентлик ва унинг касбий фаолият самарадорлигига таъсири Н.В. Самоукина, А.К. Маркова, В.А. Слостенин, З.А. Решетовалар томонидан ўрганилган. Таниқли психолог А.К. Маркова эса педагог профессионал компетентлигини шахснинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганади ва бу жараёни касбий компетентликнинг шаклланиш истиқболларидаги аҳамиятини асослаб беради. Шунингдек, Ю.К. Бабанский, С.Л. Рубинштейн, В.Д. Шадриков, Ш.А. Амонашвили, Б.Б. Величковский каби рус олимлари томонидан амалга оширилган илмий изланишларда компетентлик касбий фаолият самарадорлигини ташкил қилувчи етакчи омил сифатида ўрганилиб, унинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари очиб берилган.

Мамлакатимиз олимларидан М.Г. Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, Ғ.Б. Шоумаров, А.М. Жабборов, З.Т. Нишонова, Д.Г. Мухамедова, Ш.Ҳ. Абдуллаевалар педагог касбий компетентлигининг психологик муаммоларини ўз тадқиқотларида очиб берганлар.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ижтимоий-психологик компетентлик муаммоси ижтимоий психологиянинг турли объектларида, турли хил илмий мақсадлар асосида ўрганилган бўлиб, уларда компетентлик феноменининг умумий табиати, монографик тарзда текширилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилари касбий компетентлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, унинг ўзига хос ижтимоий психологик омилларига жиддий эътибор қаратиш, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий фаолияти самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи назардан мактабгача таълим муассасаси тарбиячилар касбий компетентлик имкониятлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун улар билан алоҳида тадқиқотлар олиб борилиб, эмпирик маълумотлар йиғиш ва уларнинг натижаларини ижтимоий психологик талаблар асосида таҳлил қилиш тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур параграфда ушбу муаммони ечиш ва ижтимоий психология фани учун муҳим бўлган илмий янгиликлар киритишни мақсад қилиб олдик.

Биз тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб касбий компетентлик кўрсаткичларини ўрганишга, таҳлил қилишга ва тегишли хулосалар чиқариб амалий тавсиялар беришга ҳаракат қилдик. Ҳар бир олинган натижа махсус тартибда қабул қилинган мезонлар ва баллар тизимида киритилиб керакли маълумотларга эга бўлиш имконини берди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг касбий компетентлик шаклланишини намоён этувчи ўртача-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлар қўламига баҳо бериш билан бирга бу жараён учун характерли бўлган касбий компетентликни касбий фаолият самарадорлигига таъсирини аниқлаш, аниқроғи илмий таҳлиллар асосида уларга баҳо бериш масаласи ҳам тадқиқотимизнинг тўлақонли бўлишини таъминловчи муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотимизнинг якунида танланган тажриба ва назорат объектлари мисолида мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилар касбий компетентлиги кўрсаткичларини аниқлаш ва унга илмий изоҳлар бериш

масаласини қўйиш режалаштирилди. Чунки, бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилар касбий компетентлигига таъсир этувчи омилларни ўрганмай туриб, уни фаолият самарадорлигига таъсирини етарли даражада башорат қилиб бўлмайди.

Умуман, ҳар бир олиб борилган илмий услубий ишланмалар илмий психологияда қабул қилинган математик–статистик таҳлил мезонлари асосида расмийлаштирилиб керакли илмий-амалий хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилади.

Энди, ҳар бир усулнинг тадқиқот мақсадига мос мазмуни ва тадқиқ қилиш услуби ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтамиз.

Касбий компетентликни тадқиқ этишнинг назарий таҳлилида келтириб ўтилган маълумотлар эмпирик натижаларни шарҳлашда методологик асос сифатида хизмат қилиши хусусида юқорида мулоҳаза юритган эдик. Ўз навбатида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий компетентлигини касбий фаолияти билан боғлаб тадқиқ этиш бугунги кун психологиясининг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Тадқиқотимизда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини янада мукамалроқ ўрганиш учун муаллифлик сўровномамиздан фойдаландик. Ушбу сўровномада мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлиги бешта омил бўйича аниқланди: «психологик компетентлик», «социал-перцептив компетентлик», «коммуникатив компетентлик», «когнитив компетентлик», «аутопсихологик компетентлик». Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини шаклландириш даражасини эксперт баҳолашда ҳамкасблар ҳамда ота-оналар жалб этилди.

1. Психологик компетентлик- мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий фаолиятида тарбияланувчилари ва жамоаси ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат психологик усуллар ва малакалардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш қобилияти. Тарбиячиларнинг ҳар бир болани ёш психологиясини ва индивидуал хислатларини билиши, уларнинг касбий фаолият жараёнини муваффақиятли кечишини таъминлаши шубҳасиздир.

2. Социал-перцептив компетентлик-атрофдагиларни шахс сифатида ички дунёсини ўқий олиши ва шахслараро муносабатларда улар билан эмоционал мулоқотда бўлишга, жамоадошлари, ота-оналар билан психологик алоқани ўрнатишга ёрдам беради. Шу билан бирга мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ахлоқ асослари ва нормаларини билиши жуда ҳам муҳимдир.

3. Коммуникатив компетентлик- мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини асосини ташкил қилувчи, шахслараро муносабатда муҳим омил синалувчи, атрофдагиларни ижобий муносабатини шакллантирадиган, ўз фикрини бошқаларга маъноли тушунтира оладиган ва ўзаро мулоқотни тўғри ташкил қила олиш қобилияти.

4. Когнитив компетентлик- бу мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий фаолиятида учрайдиган психологик тўсиқларни енгиб ўтиш, фаолият жараёнида касбий вазифаларни тўғри ҳал қила олиш, вазиятни тўғри баҳолай олиш ва ахборотларни синтез қила олиш қобилияти. Ўзга инсонларни қизиқишлари ва дунёқарашларини адекват тушуниш мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг муҳим хислатларидан биридир .

5. Аутопсихологик компетентлик- ўз ҳатти-ҳаракатларини тўғри бошқара олиш ўз шахсий хусусиятларини адекват баҳолай олиш ўз-ўзига баҳо ва ўз-ўзини тартибга солиш қобилияти. Бу қобилият касбий фаолият самарадорлигини таъминловчи ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг жамиятдаги ролини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим бўладики, экспертларнинг баҳоларида касбий компетентлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртачадан юқори қийматларга эга бўлсада, аммо уларнинг қийматларида Стьюдент t-мезонига кўра фарқлар ишончлилиги кўзатилади. Эксперт баҳолаш натижалари юзасидан олинган натижалар қуйидаги жадвалда акс этган («1-жадвалга қаранг»).

Эксперт баҳолашда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг «Психологик компетентлик» (ҳамкасблари 5,42 балл ва ота-оналар – 6,13 балл билан баҳолаган бўлиб, фарқлар ишончлилиги $p < 0,05$ қийматни кўрсатди). Экспертларнинг ушбу шкала бўйича баҳолари мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ушбу қобилиятини ота-оналари бевосита машғулотлар жараёнини кўзатишдаги. Ҳамкасблари эса улар билан бевосита иш жараёни, касбий фаолият ҳамда кундалик турмуш юмушлари билан боғлиқ муносабатларидаги таассуротлари орқали баҳолаганлар. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўз тарбияланувчиларининг ота-оналари билан таълим жараёнидаги муносабатларида зарур ўринларда субординация сақлашга ҳаракат қилиши мазкур шкала бўйича қийматлари ҳамкасбларига қараганда пастроқ бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг «социал-перцептив компетентлик» бўйича кўрсаткичларда ҳам ҳамкасбларнинг берган баҳоси юқорироқ кўриниш олган (5,73 балл). Ушбу ўринда тарбиячиларнинг масъулиятли, одамларга муносабатини тўғри амалга ошира олиши, ҳамкорликни онгли амалга ошириши касбий сифатларга мансуб эканликларини кўрсатмоқда. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг «коммуникатив компетентлик» шкаласи кўрсаткичлари ҳам ота-оналар ва ҳамкасблари томонидан бошқа шкалаларда кўзатилган манзарани акс эттирмоқда (ҳамкасблар – 5,02 балл ва ота-оналар – 6,11 балл, фарқларнинг ишончлилиги – $p < 0.001$).

1 -жадвал

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини эксперт баҳолаш натижалари

№	Шкалалар	Ота-оналар		Ҳамкасблар		T
		X	Σ	X	σ	
1.	Психологик компетентлик	5,42	1,10	6,13	0,74	-2,23*
2.	Социал-перцептив компетентлик	4,35	1,56	5,73	0,96	-6,07***
3.	Коммуникатив компетентлик	5,02	1,45	6,11	0,93	-7,66***
4.	Когнитив компетентлик	5,13	1,26	6,41	0,83	-10,93***
5.	Аутопсихологик компетентлик	5,43	1,40	6,24	0,80	-9,42***

 Изоҳ: * $p < 0.05$. *** $p < 0.001$

Шкала қийматлари асосида экспертлар мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини ушбу шкаласида ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатишга, инсоний муносабатларни ўрнатишга ва муомалани қоидали амалга оширишга қобилиятли эканликлари билан характерланади. Демак, юқоридагиларга асосланган ҳолда касбий компетентликни шахс типлари, шахслилик хусусиятлари ва социал интеллект билан ўзаро уйғунлигини таъминлашга хизмат қилувчи ижтимоий омилларни ўрганишга қаратилган усуллар бугунги мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган тарбиячилар фаолиятидаги касбий компетентлик кўрсаткичларини ўрганиш,

тадқиқ қилиш ва тадқиқот мақсадига мос илмий-амалий хулосалар чиқариш имконини беради. Энди, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилари касбий компетентлигини муҳим омили ҳисобланадиган социал интеллектни ўрганишга доир дастлабки миқдорий таҳлиллар (ўртача қиймат ва корреляция коэффицентлари) умумий ҳолатни акс эттирган хусусий ҳолатлар, яъни социал интеллектнинг касбий камолот даражасини белгилашдаги ўрни хусусида тўхталиб ўтамиз. («2- жадвалга қаранг»).

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг социал интеллектга хос бўлган турли хил хусусиятлар касбий фаолияти жараёнида касбий компетентликка таъсирини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Биз мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари касбий компетентлиги билан социал интеллектни ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишдан олдин барча босқичдаги тарбиячилар шахсига хос хусусиятларнинг умумий кўринишини таҳлил этамиз. Кейинги таҳлилларимизда эса айнан касбий компетентлик билан унинг бошқа омиллари касбий фаолиятидаги аҳамиятига бағишлаймиз.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларини социал интеллектнинг умумий ҳолатини ўрганишда Дж. Гилфорд тестини татбиқ этишдан олинган қийматлар устида таҳлил амалга оширилади

Дж. Гилфорднинг тести бўйича мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларилар социал интеллектини шартли равишда келтирилган стандарт баллар бўйича баҳолаймиз.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг социал интеллектни даражаси таҳлили Дж. Гилфорд методикасининг тўртта субтестиде кўзда тутилган: мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш. новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш. вербал имо-ишораларни тушуниш. шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш кабилардан иборат шахс имкониятлари кўламини аниқлашга хизмат

2 -жадвал

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллектини умумий натижалари

Методикалар	Шкалалар	X	У	T
Социал интеллект-ни ўрганиш тести (Гилфорд бўйича)	Мулоқот иштирокчисининг ҳис-сиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,42	1,12	29,7
	НOVERбал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,52	0,92	35,9
	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,44	1,16	32,8
	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	3,40	1,10	28,8

Энди, мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг социал интеллектнинг умумий шарҳига тўхталиб ўтайлик. Биринчи навбатда уларнинг «мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятига мурожаат қилинади. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг бу шкала бўйича кўрсаткичлари 3,42 га тенг бўлди. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари фаолият жараёнида атрофдаги инсонлар ва тарбияланувчилари билан муомалада хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш қобилиятини шакллантиришган. Улар муомаладаги реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан яқунлашини баҳолай олишлари, баъзан одамлар билан кутилмаган, нотипик ҳолатларда хатти-ҳаракатларни прогноз қилишда янглишишлари мумкинлиги, қўйган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқа олишига хайрихоҳликларини англашмоқда.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» бўйича кўрсаткичи (3,52) эса уларни шахслараро

вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушуниш қобилиятини ривожлантиришга ҳамда мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини иштирокига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришга имкониятлари борлигини кўрсатмоқда.

Социал интеллектда яна бир ўзига хослик вербал тарзда ифодаланаётган мулоқот ҳаракатларни тушуниш қобилиятидир. Бу борада тарбиячиларнинг социал интеллектининг умумий кўриниши куйидагича (3,42), яъни бошқа субтест натижаларига қараганда озроқ қуйи қиймат акс этганлигидир.

Бу эса тарбиячиларнинг шахслараро муносабат характериға кўра бир-бири билан суҳбатлашадиган инсонларни тез ва яхши тушунишга мойилликлари, мулоқотда ҳар қандай инсонлар билан тил топишиб кетишга имконликларини қайд этмоқда. Ўйлаймизки, ушбу қобилият улар учун нафақат инсонлар билан муносабат, балки тарбияланувчиларининг билдирадиган фикр-мулоҳаза ва муносабатларига қараб ҳам уларнинг шахсига хос таърифлар бера олишларидан далолат беради. Социал интеллектнинг баҳоловчи навбатдаги шкала «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш» бўлиб, у бўйича мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари 3,40 балл қийматиға эға бўлдилар. Бу балл тарбиячиларнинг новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш шкаласи билан бир хил қийматни акс эттирмоқда ва куйидаги психологик маъноға эға бўлган ижтимоий қобилиятни ўзида акс эттиради: шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушунишга, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини фаоллигига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришлари мумкин.

3-жадвал

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллект кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат натижалари

Шкалалар	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,364**	0,111	0,132
Новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	0,364**	1	0,022	0,272*
Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	0,131	0,024	1	-0,131
Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	0,131	0,272*	-0,151	1

Изоҳ:** $p \leq 0,01$. * $p \leq 0,05$

Юқоридаги мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларининг социал интеллектининг умумий ҳолатини сифат жиҳатидан таҳлил қилиш учун методика шкалаларининг кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион муносабатларни аниқлашға эришилди. Қўлга киритилган натижалар навбатдаги 3-жадвалда ўз аксини топган.

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари социал интеллектининг умумий натижалари қийматлари ўртасидаги корреляция муносабатларида иккита аҳамиятли корреляцион салмоққа эға коэффицентлар аниқланди. Улардан биринчиси, «мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва

ниятларини тушуниш» қобилияти билан «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилияти орасида аниқланди: $r=0,364$, $p\leq 0,01$. Социал интеллект шкалаларининг бундай салмоқли корреляция ко-эффиценти ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида «мулоқот иштирокчиси-нинг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятини ривожлантириб боришлари «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилиятини ўсиши билан ўзвий бораётган экан. Бу эса, тарбиячиларнинг касбий фаолиятда хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш, муомалада реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан яқунлашини баҳолай олишлари, қўйилган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқишлари, инсон хулқ-атворини бошқариши, ролли меъёрлари ва қоидаларига доир билим ва ўзаро таъсирлашуви, иштирокчилари билан боғлиқ новербал реакцияларда тўғри мўлжал ола билишлари туфайли инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлиши, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашга, мулоқот иштирокчиларининг новербал реакцияларини кўзатувчанлигига, новербал мулоқот ҳаракатларини тушунишга сезгирликни, бошқаларни тушунишларига имкон берар экан. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларидаги «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» қобилиятининг ривожланиши сабабли «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш» қобилиятини яхшироқ намоён этишга олиб келар экан. Буни улар ўртасидаги корреляцион таҳлил қийматлари ифода этмоқда ($r=0,272$, $p\leq 0,05$). Бу икки қобилият орасидаги ўзаро ижобий корреляцион алоқадорлик куйидаги социал интеллектнинг ифодаловчи хусусиятларни камол топишига олиб келади: мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлишини, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашлари, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини иштирокига қараб баҳолаш қобилиятларини ривожлантираётган эканлар. Демак, юқоридаги илмий мулоҳазаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки муайян муаммони ўрганишга қаратилган методикалар бугунги кунда мактабгача таълим муассасаси тарбиячилариларининг касбий компетентлигини тадқиқ қилиш ва илмий хулосалар чиқариш имконини яратади.

Адабиётлар рўйхати

Ганжиев Ф.Ф., Қодирова М.Д. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК МОСЛАШУВИНИНГ ОЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. //Педагогик маҳорат. Илмий журнал. – Бухоро. 2020. №2. – Б. 109-111. (19.00.00. №6).

Ганжиев Ф.Ф., Тўлаев Ҳ.О. Researching the scope of the professional competence within activities. //International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Impact Factor ICV = 6. 630 Philadelphia, USA. 2019. –Б. 388-391.

Ганжиев Ф.Ф., Қосимова С.Б. Heads Of Competence In Psychologically School Education. International journal of scientific & Technology research volume 9, issue. 2020. -Б. 2787-2789.

F.F. Ganjiev. The basis of social and psychological adaptation of children in the conditions of preschool education. Bulletin of integrative psychology. Journal for psychologists, 59-64.

Ф.Ф. Ганжиев. ОСОБЕННОСТИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЫ ЧЕЛОВЕКА В ЭКСТРЕМАЛЬНОЙ СИТУАЦИИ. Лазаревские чтения Лики традиционной культуры в, 2018. С. 117-118.

РЕПРЕЗЕНТАТИВ ТИЗИМ ЁРДАМИДА СУХБАТДОШ ПСИХОТИПИНИ АНИҚЛАШНИНГ АДЕКВАТ ОПЕРАТИВ МОДЕЛИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.022>

Солиев Фарҳоджон Содиқович,
Фарғона давлат университети. Психология кафедраси катта
ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада суҳбатдош психотипини аниқлашнинг адекват оператив моделини таъкил этиши мақсадида БИАС тестидан олинган натижалар ММПИ ва “Шахснинг ўзига хошлигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методи натижалари билан солиштирилиши асосида тузилган модел тақдимоти ёритилган.

Калит сўзлар: репрезентатив тизим, идрок модаллиги, нейролингвистик дастурлаш, ММПИ, шахснинг ўзига хошлигини визуал диагностикаси, шахс доминанталари, адекват оператив тизим модели

АДЕКВАТНАЯ ОПЕРАТИВНАЯ МОДЕЛЬ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПСИХОТИПА СОБЕСЕДНИКА С ПОМОЩЬЮ РЕПРЕЗЕНТАТИВНОЙ СИСТЕМЫ

Солиев Фарҳоджон Содиқович,
Ферганский государственный университет. Старший преподаватель
кафедры психологии

Аннотация: В статье представлено изложение модели, основанной на сравнении результатов теста БИАС с результатами ММПИ и методики «Визуальная диагностика черт личности: 8 доминантных оснований» с целью установления адекватной оперативной модели определения психотипа собеседника.

Ключевые слова: репрезентативная система, когнитивная модальность, нейролингвистическое программирование, ММПИ, визуальная диагностика личности, личностные доминанты, адекватная модель оперативной системы.

ADEQUATE OPERATIONAL MODEL FOR DETERMINING THE PSYCHOTYPE OF THE INTERLOCUTOR WITH THE HELP OF A REPRESENTATIVE SYSTEM

Soliev Farkhodzhon Sodikovich,
Ferghana State University. Senior Lecturer of the Department of Psychology

Annotation: The article presents a presentation of a model based on comparing the results of the BIAS test with the results of MMPI and the methodology «Visual diagnostics of personality traits: 8 dominant bases» in order to establish an adequate operational model for determining the interlocutor's psychotype.

Key words: representational system, cognitive modality, neurolinguistic programming, MMPI, visual personality diagnostics, personality dominants, adequate model of the operational system

Дунёни англашда инсоннинг сезги органлари муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир инсоннинг етакчи сезги органи мавжуд бўлиб, у наслий тарзда авлоддан-авлодга ўтади. Ана шу репрезентатив тизимдаги доминант модаллик ахборотни қабул қилиш ва ўзлаштиришда асосий сенсор тизим тарзида хизмат қилади.

Шахснинг дунёни идрок этувчи доминант модаллик билан, идрокни ифодаловчи нутқ предикатлари ва аналог сигналлари ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуд бўлиб, унинг қайси репрезентатив тизимга хошлиги хулқ моделида намоён бўлади. Ушбу предикатлар ва новербал сигналлар шахсда онгсиз даражада шаклланади ва нотаниш инсон билан тезкор алоқа ўрнатиш учун суҳбатдош юбраётган нутқ предикатлари ва новербал сигналлардан

фойдаланилган холда самарали муносабатларни шакллантириш мумкин.

Одатда куйидаги идрок усуллари мавжуд:

визуал (кўриш); 2) аудиал (эшитиш); 3) кинестетик (тана сезгилар) (Собик Совет психологиясида кинестетик тип фақат мушак ва бўғим сезгиларидан иборат деб изоҳланса, НЛД да кинестетика шунингдек, ҳид билиш ва тери туйиш сезгиларини ҳам деб юритила бошланган); 4) ҳид-таъм сезиш.

Инсоннинг модалларидан бири одатда ҳукмронлик қилади (у етакчи ёки асосий деб аталади), қолганлари эса ёрдамчи модаллар деб юритилади. Бу инсоннинг тарихий ҳаёт тажрибаси, географик муҳитнинг хусусиятлари, тананинг анатомик ва физиологик ривожланиши, таълим ва тарбия хусусиятлари билан боғлиқ. Бу жараён ахборотни максимал қабул қилиш имконини берувчи, идрокнинг асосий услуги туфайли содир бўлади.

Ҳар бир инсонда барча репрезентатив тизим қобилиятлари ривожланган бўлади. Бирок шахснинг репрезентатив тизим типларининг қайси биридан кўпроқ «фойдаланаётганига» ва қайси бири «етакчи» эканлигига эътибор бериш керак. Баъзи бир ҳолларда айрим инсонларда иккита идрок каналлари, камдан-кам ҳолларда эса учта каналлар ривожланган бўлади. Тадқиқотлар шахсларнинг етакчи репрезентатив тизимларининг тури ва уларнинг таълим муваффақиятлари ўртасидаги муайян боғлиқликни аниқлади. Яхши ривожланган барча уч ёки иккита идрок услубига эга бўлган талабалар ўқув жараёнида ҳам янада яхшироқ шароитда бўлишган. Нейролингвистик дастурлаш ишлари устида олиб борилган татқиқотларга кўра, когнитив фаолият жараёнига фаол таъсир кўрсатадиган омиллар орасида асосий рол етакчи услубга тегишли бўлган. Репрезентатив тизимларининг ривожланишига қараб, мономодал, бимодал ва полимодал кичик гуруҳларга ажратилади.

Сухбатдош психотипини аниқлашнинг адекват оператив моделини ташкил этиш мақсадида тадқиқот синалувчиларида репрезентатив тизимларини аниқлаш учун Б. Люис ва Ф. Пуселикнинг БИАС тестидан фойдаланилди.

Тадқиқотда жами 152 нафар синалувчи иштирок этди. Уларнинг 90 нафарини эркаклар ва 62 нафарини аёллар ташкил этди.

Репрезентатив тизимни аниқлаш тестидан олинган натижалар ММРІ ва «Шахснинг ўзига хошлигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида» методи натижалари билан солиштирилди. Улар ўртасидаги боғлиқликни топиш мақсадида 1-жадвал тузилди.

1-жадвал.

ММРІ	жинс	визуал		Аудиал		кинестетик		харакат		аралаш		ЖАМИ	
		н	%	н	%	н	%	н	%	н	%	н	%
Гипомания	э	2	2,2	4	4,4	4	4,4	8	8,9	4	4,4	22	24,4
	а			6	9,7	2	3,2	6	9,7			14	22,6
Депрессия	э												
	а							2	3,2			2	3,2
Ипохондрия	э												
	а	2	3,2	2	3,2							4	6,5
Истерия	э							2	2,2			2	2,2
	а							2	3,2			2	3,2
Паронаял	э			4	4,4			10	11,1	4	4,4	18	20
	а	2	3,2	2	3,2	14	22,6			2	3,2	20	32,3
Психоастеник	э					10	11,1	4	4,4	2	2,2	16	17,8
	а					2	3,2	2	3,2			4	6,5
Шизонд	э	2	2,2	6	6,7	10	11,1			2	2,2	20	22,2
	а			2	3,2	4	6,5	4	6,5	4	6,5	14	22,6
Психопат	э	4	4,4			4	4,4	4	4,4			12	13,3
	а							2	3,2			2	3,2
Э		8	8,9	14	15,6	28	31,1	28	31,1	12	13,3	90	100
А		4	6,5	12	19,4	22	35,5	18	29,1	6	9,7	62	100

1-жадвал. ММРІ натижалари билан репрезентатив тизим натижаларининг жинсий фарқларни аниқлаш.

Олинган натижаларга мувофиқ синалувчиларнинг ММРІ нинг асосий шкаласи бўйича шахс психотипларида репрезентатив тизимнинг ҳар тўртала типиди бўйича вакиллар мавжудлиги аниқланди. Нисбатан яққол намоён бўлган асосий шкалалар бўйича репрезентативлик ва жинсий тафовут паронаял типдаги аёллар 22,6%и кинестетик эканлиги, 11,1% эркаклар ҳаракат репрезентатив тизим типиди эканлиги аниқланди. Шунингдек, психоастеник ва шизоид типдаги эркакларнинг 11,1% и кинестетик репрезентатив тизим типиди эканлиги аниқланди.

2-жадвалда ММРІ билан Биас тести ўртасидаги боғлиқликнинг умумий кўрсаткичлари берилди.


2-жадвал.

ММРІ	Визуал		Аудиал		Кинес-тетик		Ҳаракат		Аралаш		жами	
	N	%	n	%	n	%	n	%	n	%	N	%
Гипомания	2	1,3	10	6,6	6	3,9	14	9,2	4	2,6	36	23,7
Депрессия							2	1,3			2	1,3
Ипохондрия	2	1,3	2	1,3							4	2,6
Истерия							4	2,6			4	2,6
Параниял	2	1,3	6	3,9	14	9,2	10	6,6	6	3,9	38	25,0
Психоастеник					12	7,9	6	3,9	2	1,3	20	13,2
Шизоид	2	1,3	8	5,3	14	9,2	4	2,6	6	3,9	34	22,4
Психопатия	4	2,6			4	2,6	6	3,9			14	9,2
Жами	12	7,9	26	17,1	50	32,9	46	30,3	18	11,8	152	100,0

2-жадвал. ММРІ билан Биас тести ўртасидаги боғлиқликнинг умумий кўрсаткичлари.

2-жадвалнинг диаграмма кўриниши 1-диаграмма орқали берилган.

1-диаграмма.



1-диаграмма. ММРІ ва репрезентатив тизим типлари солиштирмаси.

Диаграмма асосидаги хулосалар шуни кўрсатадики, ММРІ нинг асосий шкалаларининг парониял, гипомания, шизоид, психоастеник типлари бўйича репрезентатив тизим типларини аниқлаш нисбатан мумкин ва уларда мономодал, бимодал типлар аниқ намоён бўлади. Шунингдек, репрезентатив

тизимнинг ҳаракат ва кинестетик типларини аниқлаш қолган тип вакилларига нисбатан анча қулайдир.

Визуал тарзда аниқланган шахс доминанталарининг репрезентатив тизим типларини аниқлаш мақсадида 3-жадвал тузилди.

3-жадвал.

Доминантлар	жинс	Визуал		Аудиал		Кинестетик		Ҳаракат		Аралаш		жами	
Гипомания	э	6	6,7	4	4,4	10	11,1	10	11,1	4	4,4	34	37,8
	а			2	3,2	8	12,9	10	16,1		0,0	20	32,3
Эмотив	э					2	2,2	2	2,2		0,0	4	4,4
	а					6	9,7	4	6,5		0,0	10	16,1
Хавотир	э										0,0		
	а	2	3,2	2	3,2						0,0	4	6,5
Истероид	э									2	2,2	2	2,2
	а										0,0		
Параноял	э			6	6,7	8	8,9	8	8,9	2	2,2	24	26,7
	а	2	3,2	2	3,2			2	3,2	4	6,5	10	16,1
Эллиптоид(Т.к)	э			2	2,2	2	2,2	2	2,2		0,0	6	6,7
	а					4	6,5				0,0	4	6,5
Шизоид	э	2	2,2	2	2,2	4	4,4	2	2,2	4	4,4	14	15,6
	а			6	9,7	2	3,2	2	3,2	2	3,2	12	19,4
Эллиптоид(Тас.к)	э					2	2,2	4	4,4		0,0	6	6,7
	а					2	3,2				0,0	2	3,2
Э		8	8,9	14	15,6	28	31,1	28	31,1	12	13,3	90	100
А		4	6,5	12	19,4	22	35,5	18	29,0	6	9,7	62	100

3-жадвал. “Шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методи натижалари билан репрезентатив тизимларини аниқлаш БИАС тести натижалари ўртасидаги жинсий фарқларни аниқлаш.

Мономадал репрезентатив шахс типлари эркак синалувчиларда гипомания, шизоид доминанталарида яққол намоён бўлди. Қолган доминанталарда бимодал ва полимодал гуруҳга оид репрезентативлик қайд этилди.

Аёл синалувчиларда гипомания доминантасида мономадаллик кинестетик тип 12,9%, ҳаракат тип 16,1% ни ташкил этди. Қолган доминанталарда репрезентатив тизим типлари тарқоқ тарзда намоён бўлди.

4-жадвалда “Шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методи билан Биас тести ўртасидаги боғлиқликнинг умумий кўрсаткичлари берилди.

4-жадвал.


	Визуал		Аудиал		Кинестетик		Ҳаракат		Аралаш		жами	
	N	%	n	%	n	%	n	%	n	%	N	%
Гипомания	6	3,9	6	3,9	18	11,8	20	13,2	4	2,6	54	35,5
Эмотив					8	5,3	6	3,9			14	9,2
Хавотир	2	1,3	2	1,3							4	2,6
Истероид									2	1,3	2	1,3
Параноял	2	1,3	8	5,3	8	5,3	10	6,6	6	3,9	34	22,4
Эллиптоид(Т.к)			2	1,3	6	3,9	2	1,3			10	6,6
Шизоид	2	1,3	8	5,3	6	3,9	4	2,6	6	3,9	26	17,1
Эллиптоид(Тас.к)					4	2,6	4	2,6			8	5,3
жами	1											
	2	7,9	26	17,1	50	32,9	46	30,3	18	11,8	152	100

4-жадвал. “Шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант

асосида” методи билан Биас тести ўртасидаги боғлиқликнинг умумий кўрсаткичлари.

4-жадвалнинг диаграмма кўриниши 2-диаграмма орқали берилган.

2-диаграмма.



2-диаграмма. Доминанталар ва репрезентатив тизим типлари солиштирмаси.

“Шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методи бўйича доминанталар билан Биас тести типлари, яъни репрезентатив тизим типларини солиштириш натижасига кўра гипомания, параноял, шизоид доминанталарида яққол намоён бўлди. Қолган доминанталарда репрезентатив тизим юқори кўрсаткичларга эга бўлмади.

Кўлга киритилган натижалар асосида қуйдаги хулосаларга келинди.

ММРІ методи билан “Шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методи орасида ўзаро ижобий корелясион муносабат борлиги ўтказилган тажрибалар асосида исботланди($r=0,24$, $p<0,01$, $n=152$).

Ҳаракат ва аралаш тип вакилларида “Шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методи бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланди($t=2,001$, $p<0,05$, $n=64$).

Ҳаракат ва кинестетик тип вакилларида ММРІ методи бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланди($t=2,8$, $p<0,01$, $n=96$).







Аудиал ва ҳаракат тип вакилларида “Шахснинг ўзига хослигини визуал диагностикаси: 8 доминант асосида” методи бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланди($t=2,1$, $p<0,05$, $n=72$).

Аудиал ва кинестетик тип вакилларида ММРІ методи бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланди($t=2,8$, $p<0,001$, $n=76$).

Характер доминанталари бўйича репрезентатив тизим турлича бўлишини ҳисобга олган ҳолда мулоқот давомида шахс репрезентатив тизими типларини адекват оператив тизимини аниқлашнинг алоҳида модели ишлаб чиқилди.

Моделни тузишда Б. Люис, Ф. Пуселик, М. Гриндер, Л. Ллойд, Х. Алдер, Д. Молден, Ж. Эичер тадқиқотларига асосланди.

5-жадвал.

Холат ва жараёнлар	Визуал	Аудиал	Кинестетик	Дигитал (фикрловчи)
Ташқи кўриниши	 баланд бўйли	 Ўрта бўйли семиз ёки нормсемиз одам	 Ичкарига ёналган бўлса ориқ, ташқарига йўналган бўлса хушбичим	 турли кўринишда
Кўз қарашлари	 юқорига	 Ёнга	 пастга ўнга	 пастга чап
Имо-ишоралар	 Кўкрак қарасининг юқори қисмида	 Қорин ва кўкрак қисми оралиғида	 Қорин қисмининг пастида	 Ҳар учала қисимда
Мулоқатда фазовий жойлашуви	 60 smdan uzoq Узоқ масофа	 60 sm Ўрта масофа	 30 sm Яқин масофа	 30-90 sm Сухбатдошга боғлиқ
Овози	 Баланд	 Ярим овоз	 Паст	 Меъёрий
Стулга ўтириши	 Қирғоғига ўтиради	 Ўртасига ўтиради	 Қулай суяниб ўтиради	 Исталган позада
Ўқиши	 Ўзи ўқишни ёктиради	 Бировларнинг ўқишини истади (тинглайди)	 Ўқиб туриб қўллари билан ёрдам беради	 Хар учала ҳолатда
Ўқитиш керак	Кўрсатмали воситалар орқали	Эшиттириш воситалари орқали (аудио тасмалар)	Қўл ҳаракатлари ёрдамида	Ҳар учала ҳолатда
Шовкинга эътибор бериши	Кам эътибор беради	Диққати бузилади	Эътибор беради	Эҳтиёж ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда

5-жадвал. Сухбатдошнинг репрезентатив психотиپини аниқлашнинг

адекват оператив модели.

Юқоридаги берилган модел ёрдамида суҳбатдошнинг репрезентатив типологиясини унинг аналог сигналлари ва хулқида намоён бўладиган ҳаракатлар асосида аниқлаш шахслараро муносабатларда визуал диагностика мезон ҳамда кўрсаткичлари самарадорлигини кўрсатиб беради.

Шахснинг ташқи кўриниши ва экспрессив хатти-ҳаракатларига асосланган визуал психодиагностикадан амалиётда фойдаланиш психолог, психотерапевт, профайлерларнинг амалий-ориентировка фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



КОНЦЕПТ «ЖЕНЩИНА» ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМАХ УЗБЕКСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ В КОНТЕКСТЕ АСПЕКТОВ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.021>

Киличев Акрам Абдусамадович,
БухДУ Психология кафедраси

Аннотация: В данной статье проанализированы подходы различных научных школ к понятию фразеологизма, сравнительно рассмотрено отражение в пословицах узбекского и русского языков концепта «женщина» в разрезе различных категорий

Аннотация: Ушбу мақолада турли илмий мактабларнинг фразеология тушунчасига ёндашувлари таҳлил қилинган, «аёл» тушунчасининг ўзбек ва рус тилларидаги мақолларда турли тоифалар кесимижа акс этиши қиёсий кўриб чиқилган

Abstract: this article analyzes the approaches of different scientific schools to the concept of phraseology, comparatively examines the reflection of the concept of «woman» in articles in Uzbek and Russian in the context of different categories

Современный этап развития языкознания характеризуется повышенным интересом к проблеме взаимосвязи языка и культуры. Каждый язык отражает особенности национальной культуры, истории, менталитета, быта народа, понимание которых может вызвать трудности у носителей других языков. Такие особенности проявляются на всех уровнях языка и преимущественно на лексическом. Фразеологическая система языка представляет собой наиболее национально-самобытное явление, так как фразеологический корпус национального языка является своеобразным источником знаний о культуре народа.

Общественная культура обладает целым рядом черт, отличающих ее от остальных сфер человеческой культуры. Среди прочих выделяют то, что это культура внегородская, профессионально не специализированная.

Традиции непосредственно транслируют культурную информацию во времени, позволяют поддерживать самоидентичность культуры того или иного этноса, обеспечивают трансляцию его уникальных черт и специфических ценностей. Они формируются исторически из многих источников. Однако каждое новое поколение вносит свой вклад в их совершенствование. Совокупное применение лингвострановедческого, лингвокультурологического и когнитивного подходов может дать полную картину национально-культурных особенностей фразеологической системы языка.

Актуальность изучения национально-культурного содержания языка определяет необходимость анализа тех аспектов фразеологии, которые ориентированы на культурную и ментальную составляющую значения фразеологических единиц.

Наряду со словосочетаниями, которые возникают в речи по существующим в языке правилам лексической и синтаксической сочетаемости слов, в различных языках отмечают словосочетания, которые необходимо включать в словарь, так как они существуют в самом языке как целостные единицы номинации и, подобно словам, не создаются, а воспроизводятся в речи.

Поскольку такие единицы устойчиво закреплены в языке, в них иногда сохраняются слова, которые сами по себе вышли из употребления, или

слова в исчезнувших грамматических формах. Словосочетания первого типа (составные наименования) и словосочетания второго типа (их часто называют идиомами, идиоматизмами, идиоматическими выражениями) образуют особые единицы в лексическом составе языка, которые относят к фразеологии и обозначают как ФЕ (фразеологические обороты или фразеологизмы). В.В. Виноградов выделяет четыре существенных признака фразеологических единств. Мы согласны с академиком В. В. Виноградовым, что присутствие одновременно всех четырех признаков не обязательно для создания фразеологического единства, достаточно каждого из них в отдельности: «Переносное, образное значение, создающее неравнозначность фразеологического сочетания», которое может в некоторых случаях лишь ощущаться и предчувствоваться, а не непосредственно восприниматься и пониматься».

С.И. Ожегов предлагает различать в русском языке устойчивые словесные сочетания, относящиеся к фразеологии в узком и широком смысле». Фразеология в узком смысле - сочетания, обладающие определенными структурными особенностями и являющиеся средствами построения предложений или элементами предложений. Другие устойчивые словесные сочетания, не обладающие указанными признаками, можно назвать фразеологией в широком смысле.

По мнению В.П. Жукова, фразеологизмы представляют собой крылатые слова, пословицы, поговорки и фразообразования в творчестве отдельных писателей, а также фразовые особенности речи отдельных социальных слоев, профессиональных групп.

По мнению А.В. Кунина, специфика фразеологического значения объясняется основным противоречием, свойственным фразеологизмам - «... противоречием между целостностью значения и раздельнооформленностью этих единиц, связанных с наличием у фразеологической единицы различных видов асимметрии, что несвойственно словам; переплетением в значении фразеологической единицы различных аспектов; сложностью их структуры».

Во многих фразеологических исследованиях отмечается важная роль внутренней формы в семантической структуре фразеологизмов. По нашему мнению, внутренняя форма фразеологической единицы является существенной частью её плана содержания, и описание семантики идиом без отражения внутренней формы окажется заведомо неполным

Фразеологизмы образуют определённую систему в любом языке, обнаруживающую некоторые общие закономерности. В результате языковые явления, объективно наделенные различными сущностными характеристиками, по воле исследователя оказываются вполне совместимыми и даже занимающими общие типологические ниши. Подобными упрощениями и искажениями объективных семантических свойств воспроизводимых раздельнооформленных единиц отличаются прежде всего так называемые широкие типологии.

Так, в классификационной схеме Н.М. Шанского находится место и собственно фразеологизмам (сращениям и единствам типа очертя голову, и никаких гвоздей; тянуть ляжку и семь пятниц на неделе), и фразеологическим сочетаниям типа заклятый враг, и так называемым фразеологическим выражениям типа «Любви все возрасты покорны» («Севги ёш танламайди») (крылатые выражения и афоризмы), «Волков бояться - в лес не ходить»; «С милым рай и в шалаше» (пословицы и поговорки). По мнению В.М. Мокиенко и В.П. Фелицына, русские фразеологизмы могут иметь тройную страноведческую ценность. Во-первых, они отражают национальную культуру нерасчлененно, комплексно, всеми своими элементами, взятыми вместе, т.е.



своими идиоматическими значениями.

Поскольку культурные традиции находят яркое отражение во фразеологической системе языка, мы обратимся к анализу национально-культурного компонента фразеологических единиц с названиями женщин.

В узбекском языке, как и во многих других языках, достаточно фразеологических единиц с «женскими» компонентами. Обычно они содержат культурную и ментальную коннотацию. Для их понимания необходимо интерпретировать образное основание внутренней формы фразеологизмов в знаковом «пространстве» узбекского языкового сообщества. Это главное в изучении культурно-национальной специфики фразеологических единиц. Культурное знание «вылавливается» из внутренней формы фразеологизма потому, что в ней содержатся такие элементы, которые придают фразеологизму национально-культурный колорит. Узбекские фразеологизмы, отражая элементы культуры, связаны с очень многими областями человеческой жизни. При этом они могут быть связаны как с обиходно-эмпирическим опытом народа, так и со сферой материальной культуры, с историческим опытом народа и т. п.

Рассмотрим особенности национальной специфики отражения характера, внешности женщины в русских и узбекских фразеологизмах, которые выражаются в следующих тематических группах: характеризующий внешний облик, возраст женщин; описывающий интеллект, черты характера, взаимоотношения между мужчиной и женщиной; включающий статусное положение женщины поведение женщины в хозяйственно-бытовой сфере, имущественное состояние.

Возраст женщины оценивается как: молодая, старая; особенности внешности: красивая, белолицая, с длинной косой, с бирюзовыми глазами, с соколиными очами, с соболями бровями, с лебединой грудью, с грациозной походкой, худая; особенности характера: злая, болтливая, капризная, лживая, упрямая, лукавая, спесивая, завистливая, льстивая, лицемерная, брюзгливая, нетерпеливая, грозная, добрая, скромная; интеллектуальные способности: глупая, нелогичная, редко умная; взаимоотношения между мужчиной и женщиной: отношения между мужем и женой; статусное положение женщины: главенствующее положение мужа по отношению к жене; поведение женщины в хозяйственно-бытовой сфере: хозяйственная/нехозяйственная жена, домохозяйка; имущественное состояние: бедная, богатая.

В параметре возраст выражаются различные признаки «молодая - старая», которые в свою очередь не имеют однозначной оценки. С одной стороны, «быть молодой - хорошо» (Муж стар, а жена молода -- дождись детей), с другой стороны, «быть молодой - плохо» (Молода годами жена, да стара норовом). Старый возраст женщины может восприниматься мужчиной позитивно, а также соотноситься с плохим характером (Старой бабе и на печи ухабы).

Фразеологизмы, характеризующие непривлекательные внешние данные, в русском оцениваются по большей части в отрицательном ключе:

Ни кожи, ни рожи, а хвостом вертит.

И положительном:

Хоть и ряба, да ряба; Кто кому миленок, не умыт бесенок;

И некрасива, да счастлива.

В узбекском языке пословиц отрицательного характера сравнительно немного:

Ҳотинга мол берма, хол бер.

Ўрдак ўзига оро берса ҳам, оққуш бўлолмас.

Қиз бор — қирғиз қовоқли,

Қиз бор — қарчиғай қанотли.

Ҳар гўзалнинг бир айби бор.
Пес ҳам ўз йўлига,
Хусн ҳам ўз йўлига.
Хунукдан худо безор.
Ҳар гўзалнинг бир айби бор.

Во фразеологизмах, характеризующих внешние данные женщины можно найти следующие стереотипные представления о девичьей красоте: белолицая, с бирюзовыми глазами, с собольими бровями, с длинной косой, с лебединой грудью, с грациозной походкой:

Коса - девичья краса, молодцу заноза;
Идет, словно павушка плывет;
Девичья красота определяется как недолговечная:
Женская красота, эхо в лесу и радуга быстро проходят;
Девичья краса до возраста, молодичья до веку.

В узбекском языке вопрос внешней красоты передается относительно обтекаемо и мягко, в силу особого отношения узбеков к женской красоте:

Яхши қомат — ярим омад.
Яхши хусн — ярим бахт.
Қиз хусни — юрагида.
Қизни ким севмас.

Қимизни ким ичмас.

Қизнинг иси — гулнинг иси.

Главными положительными чертами характера женщин являются доброта:

Добрая жена - веселье, а худая - злое зелье,
- скромность у девицы:

Смиренье - девичье ожерелье;

В узбекском языке преобладают пословицы, в которых приветствуется хозяйственность и благоразумие женщин. Это связано наверное, в первую очередь, с ментальностью народа, сформировавшаяся и под влиянием исламских ценностей.

Например:

Ақлли хотин — уй кўрки,
Чиройли хотин — кўча кўрки.
Чирой тўйда керак.

Чирой хусн-у жамолда эмас, фазл-у камолда.

Қиз бола — уй зийнати.

Ограниченный по мнению мужчин женский ум сравнивается с внешними характеристиками: с длиной волос, с ростом:

Волос долог, да ум короток; (Узб: Сочи узун, ақли калта)

Основные особенности взаимоотношений между мужчиной и женщиной в семейной сфере, отражающиеся посредством фразеологии:

Муж да жена - одна душа. (Эр ва хотин- кўш хўкиз)

В хозяйственно-бытовой сфере женщина характеризуется как хозяйственная/нехозяйственная жена. Хозяйка в русской и узбекской лингвокультуре является значимой фигурой, на хозяйке дом держится:

Хозяйкой дом стоит

Узб:

Аёлнинг сариштаси —

Рўзғорнинг фариштаси.

Бир қизга етти кўшни — ота-она.

Биянинг югуриги яхши,

Хотиннинг — эпчили.

На основании вышеизложенного мы пришли к следующим выводам.

Фразеологизм, по нашему мнению, представляет собой воспроизводимую значимую единицу языка из двух или более ударных компонентов словного характера, целостная по своему значению и устойчивая в своем составе и структуре. Русские и узбекские фразеологизмы отражают национальную культуру нерасчлененно, комплексно, всеми своими элементами, взятыми вместе. Фразеологизмы могут отражать национальную культуру своими прототипами, поскольку генетически свободные словосочетания описывали определенные обычаи, традиции, особенности быта и культуры. Во фразеологизмах русского и узбекского языков с позиции мужчины приоритетными становятся признаки, характеризующие женщину как жену/домохозяйку, поощряются хозяйственность, трудолюбие. Ценностные характеристики концепта «женщина» имеют полярную оценочность. Кроме того, зафиксировано преобладание негативных характеристик, что не всегда свойственно узбекским пословицам. Также в процессе сравнения фразеологий русского и узбекского языков выяснилось, что слова, богатые незаменимой лексикой, существуют в языках обоих народов. В процессе перевода этих фразеологизмов целесообразно передавать их значение, а не их прямой перевод.

Список литературы

1. Арсентьева Е.Ф. Национально-культурная специфика фразеологических единиц // III Международные Бодуэновские чтения: И.А. Бодуэн де Куртенэ и современные проблемы теоретического и прикладного языкознания. - Казань, 2012. - С. 122-124.
2. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке // Избранные труды. Лексикология и лексикография. - М., 2009. - С. 140-161.
3. Добровольский Д.О. Образная составляющая в семантике идиом // Вопросы языкознания. - 2011 - № 6. - С. 71.
4. Джалолов Г. Узбекский народный сказочный эпос. — Т.: Фан, 1980
5. Жалолов Г. Узбек фольклориди жанрлараро муносабат. — Т.: Фан, 1979.
6. Эгамбердиева, Г. М. К вопросу изучения в узбекской фольклористике межжанровых взаимоотношений в устном народном творчестве / Г. М. Эгамбердиева // Молодой ученый. — 2017. — № 3 (137). — С. 693-696.
7. Фразеологический словарь русского языка / Под редакцией А.И. Молоткова. - М., 2012.
8. Хайруллина Р.Х. Фразеологическая картина мира: от мировидения к миропониманию. - Уфа, 2008.

O'SMIRLAR XULQIDA NOMOYISHKORLIK G'AYRATLILIK XUSUSIYATLARI TADQIQ ETISH METODOLOGIYASI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.020>

Djalolova Mohinur Abdusattor qizi,

*Mamajonova Shohista Kamolovna,
Farg'ona davlat universiteti psixologiya kafedrasida o'qituvchilari*

МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ ОСОБЕННОСТЕЙ НЕНАСИЛЬСТВЕННОЙ МОТИВАЦИИ ПОДРОСТКОВОГО ПОВЕДЕНИЯ

Джалолова Мохинур Абдусатторовна,

*Мамажоновна Шохиста Камоловна,
Ферганский государственный университет преподаватели психологии*

A METHODOLOGY FOR STUDYING THE CHARACTERISTICS OF NON-VIOLENT MOTIVATION IN ADOLESCENT BEHAVIOR

Djalolova Mohinur Abdusattor's daughter,

*Mamajonova Shohista Kamolovna,
Fergana State University teachers of psychology*

Annotatsiya : maqolada o'smirlik xulqida ro'y beradigan namoyishkorlik , g'ayratlilik xususiyatlari ularning ijtimoiy – psixologik omillarga bog'liq ekanligi , bu davrning o'ziga xos psixologik xolat va xususiyatlari , xorijlik olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqot ishlari bayon etilgan .

Kalit so'zlar : tadqiqot , predmet , o'smir , davr , inqiroz , g'ayratlilik , xarakter , xususiyatlar , omillar , ongli xarakterlar .

Аннотация: В статье описаны особенности поведения и мотивации подростков, их социально-психологические факторы, специфическое психологическое состояние и особенности этого периода, исследования, проведенные зарубежными учеными.

Ключевые слова: исследование, субъект, подростковый возраст, период, кризис, увлеченность, характер, особенности, факторы, сознательные действия.

Annotation: The article describes the characteristics of the behavior and motivation of adolescents, their socio-psychological factors, the specific psychological state and characteristics of this period, research conducted by foreign scientists. Keywords: research, subject, adolescence, period, crisis, enthusiasm, character, characteristics, factors, conscious actions.

Keywords: research, subject, adolescence, period, crisis, enthusiasm, character, characteristics, factors, conscious actions.

O'smirlik davri yosh davrlar psixologiyasidan bizga ma'lumki eng o'g'ir davr xisoblanadi bu davrda bolalarda g'ayratlilik , namoyishkorlik kabi xususiyatlar yaqqol nomoyon bo'ladi . O'smirlik davridagi qiz va o'g'il bolalarda o'zlari xoxlamagan tarzda fel – atvorida keskin burilishlar kuzatiladi . 10 yoshdan 15 yoshgacha bo'lgan o'smirning yosh psixologik xususiyatlari namoyishkorlik xususiyati xarakterida aks etadi. Namoyishkorlik - maqsadli, ongli xatti-harakatlar boshqalarda ma'lum taassurot qoldirish, o'ziga xos tarzda namoyon bo'lish, xulq-atvornida "o'yinqaroqlik" harakatlari va o'zini ortiqcha baholash va «Men obraz»i ni ta'kidlash.[1] O'smirlik o'tish davri, murakkab, qiyin, tanqidiy davrdir. Ko'pincha

u og'ir boshdan kechiriladi, bu esa og'ishlarga olib keladi. Ayrim hollarda voyaga etmaganlarning xatti-harakatlarida quyidagi xolatlar kuzatiladi :

spirtli ichimliklar, giyohvand moddalarni iste'mol qilish,

o'smirlarning teatrlashtirilgan va o'z joniga qasd qilish xatti-harakatlari, ularning

turli g'oyalar ostida birlashgan guruhlar va subkulturalarga qo'shilishi ko'zga tashlanadi.

Olimlar bir ovozdan shunday xulosaga kelishgan namoyishorlik - o'smir xatti-harakatlarining xarakterli xususiyatlaridan biridir. A.E. Lichkning fikriga ko'ra, namoyishkorona reaksiya "o'smirlar xulqidagi affektiv reaksiyalar ichida eng ko'p uchraydiganidir". Pedagoglar o'smirlarning xatt-harakatida ko'pincha namoyishkorlik muammosiga duch kelishadi. O'smir ko'p hollarda yolg'on, ahmoqlik, qo'pollik kabi usullar orqali e'tiborni o'ziga jalb qiladi. Odatda bunday o'smirlar, xudbin (egoyist), o'z xulqidagi kamchiliklarini tuzatishni istamaydi. Bu xatti-harakatlar mudofaa usulida emas, balki atrofdagilardan g'alaba qozonish, o'z-o'zini tasdiqlash, atrofdagilarni diqqatini qaratish maqsadida amalga oshiriladi.

«Demonstrativlik» so'zi lotin tilidan olingan ko'rgazmali degan ma'noni anglatadi. Bu toifa boshqalarning e'tiborini jalb qilishga qaratilgan turli xulq-atvor ko'rinishlariga nisbatan ishlatiladi. Bundan tashqari, diqqatni jalb qilish qobiliyati aktyor, siyosatchi, sportchi kabi kasb egalari uchun zaruriy xususiyatdir. Boshqalardan ajralib turish istagi bir necha yo'nalishda amalga oshiriladi, vaziyatga qarab bir uslubdan ikkinchi uslubga o'tadi yoki ayni vaqtdagi uslubning natijasi qoniqtirsa, o'smir uslubni o'zgartirmasligi ham mumkin. Birinchi uslub o'z shaxsiga nisbatan xurmat va hayratlanish va simpatiya uyg'otish. Bu uslub maktabda va uyda yaxshi samara beradi. Bunday holda, o'smir o'qishda, sportda yoki biron bir to'garakda qatnashishdagi muvaffaqiyatlari bilan ajralib turishga harakat qiladi. Ko'pincha, o'smir ta'limdagi muvaffaqiyatsizliklarini tashqi omillar bilan izohlaydi. Bundan tashqari, atrofdagilarning rahm-shavqati va hamdardligiga erishishga qaratilgan harakatlar. Buning uchun turli nayranglar tanlanadi. Ularga o'zinin omatsizlaiklari haqidagi hikoyalardan tortib, jazava (isterika)ga tushish, hushdan ketish va hatto kasal bo'lish. Uchinchi uslub – atrofdagilarning e'tiborini salbiy usulda jalb qilishdir. O'smirning xulq-atvorida jasurlik, masxarabozlik, qo'pollik, intizomning atayin buzish, ko'pchilikning fikriga qarshi borish va xulqdagi boshqa og'ishlar. Namoyishkorona qochish va namoyishkorona o'z joniga qasd qilish ham shular jumlasidandir. Ko'p psixologlar inqirozning rivojlanishi tushunchasini "xarakter aksentuatsiyasi" bilan bog'laydilar. Xarakter aksentuatsiyasi va o'smirning shaxsiy individual xususiyatlarini bilish pedagogga, o'smirning harakatlarini oldindan ko'ra bilish imkonini beradi.[2]

G.Parensning fikriga ko'ra agressivlik bu o'zini himoya qilish shuningdek, o'z huquqini himoya qilish. A.A Rean va S.L Solovyovalar ham shu fikrni ilgari surishadi. Agressiya inson xarakteridagi yoqimsiz xususiyatlarning namoyon bo'lishiga sabab bo'lishi mumkin. Qo'rquvsiz formada bezorilik, qo'rquvli formada o'z huquqini o'zi himoya qila olmaslik. Shuningdek agressiya delikvent va criminal xulq atvorning boshqa turlari bilan o'zgarib boradi. O'smirlar uchun agressivlikning namoyon bo'lish shakllari o'zgarishi xarakterli. L.M.Semenyuk (1996) ning o'smirlar davrining turli bosqichlaridagi tajovuzkorlikning turli ko'rinishlari mavzusida tadqiqot olib borgan. Unga ko'ra 10-11 yoshdagi o'smirlarda ko'proq jismoniy agressiya ko'zga tashlanadi. Ularda agressiyaning barcha turidan ko'ra nisbiy agressiya kamroq ko'zga tashlanadi. 12-13 yoshdagi o'smirlarda ko'roq negativlik, so'ngra jismoniy va verbal agressiya ko'rinishlari namoyon bo'ladi. 14-15 yoshdagi o'smirlarda esa verbal agressivlik birinchi darajaga chiqib oladi. Agressiyaning jismoniy va nisbiy turlari shuningdek, negativlik darajasi sezilarli oshadi. Agressiv reaksiyalarning namoyon bo'lishida

jinsiy farqlar ham mavjud. O'g'il bolalarda jismoniy tajovuzkorlik usuli ko'proq ko'zga tashlanadi. Qizlarda esa verbal agressiya, agressivlikning bilvosita usullari shuningdek, negativlik darajasi oshib boradi. [3] O'smirlik davri tarkibida o'g'il va qiz bolalar birdek tegishli bo'lgan yuqori va past darajadagi tajovuzkor harakatlar bilan bog'liq bo'lgan yosh ko'rsatkichlari mavjud. [4] Semenyukning tadqiqotlariga ko'ra 10-11 yoshdagi o'smirlarda jismoniy agressiya yuqori ko'rsatkichda bo'lsa, 14-15 yoshdagi o'smirlarda birinchi darajada agressiyaning verbal ko'rinishi chiqadi. Biroq bu jismoniy tajovuzkorlik namoyon bo'lishining yoshga qarab pasayishi emas. Agressiyaning barcha shakllarining namoyon bo'lishining maksimal ko'rsatkichlari (jismoniy va verbal tajovuzkorlik) 14-15 yoshda aniq ko'rinadi. Ammo jismoniy va verbal tajovuzkorlikning o'sish dinamikasi inson o'sib ulg'ayganda bir xil emas. Jismoniy tajovuzkorlikning namoyon bo'lishi garchi ortib borsada sezilarli emas. Ammo verbal tajovuzkorlikning namoyon bo'lib borishi o'sish sur'ati ancha tez. Shuni ta'kidlash mumkinki, kichik yoshda, masalan, 10-11 yoshda tajovuzkorlikning turli shakllari o'rtasidagi farq sezilarli emas. Ya'ni ular turlicha ifodalangan bo'lsada ularning paydo bo'lishi chastotasi bo'yicha farqlar sezilmaydi. 14-15 yoshdagi o'smirlar orasida tajovuzkorlikning yuzaga kelish chastotasi aniqroq va sezilarli farqlar mavjud. Tajovuzkorlikning turli shakllarining namoyon bo'lishining tuzilishi bir vaqtning o'zida ham, yosh ham jins xususiyatlariga bog'liq. Erta o'smirlik davrida o'g'il bolalarda jismoniy tajovuzkorlik ustunlik qiladi. Qizlar esa jismoniy tajovuzkorlik bir oz ifodalanadi ammo qizlar tajovuzkorlikning og'zaki, verbal usulini afzal ko'radilar. Endi 12-13 yoshda o'g'il bolalarda va qizlarda ham tajovuzkorlikning shakli bu negativlikdir. Aytish kerakki Bass va Darkining tajovuzkorlik konsepsiyasidagi negativlik tushunchasi bu muxolifat harakati sifatida o'rnatilgan qonun qoidalarga qarshi bo'lib, u passiv qarshilik ko'rinishida ham mavjud qoida meyyorlar urf-odatlariga qarshi, faol kurash shaklida ham namoyon bo'lishi mumkin. 12-13 yoshda o'g'il bolalarda ikkilamchi tajovuzkorlik jismoniy shakilda, qizlarda esa verbal shakilda amalga oshiriladi. 14-15 yoshdagi o'smirlarda negativizm va verbal agressiya o'g'il bolalarda dominantlik qilsa, qizlarda asosan verbal tajovuzkorlik shakli dominantlik qiladi. Jismoniy tajovuzkorlik shakli bu yoshdagi o'smirlar orasida hatto o'g'il bolalarda ham dominant emas. Shuni aniqki, yoshdan qat'iy nazar tajovuzkor xatti xarakatlarning barcha shakllari qizlarga qaraganda o'g'il bolalarda ko'proq namoyon bo'ladi.

Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, tajovuzkor va tajovuzkor bo'lmagan o'smirlarning ota-onalariga bog'liqligi turli darajada. A. Bandura va R. Waltersning tadqiqotiga ko'ra tajovuzkor va tajovuzkor bo'lmagan o'smirlarning ota-onasi bilan identifikatsiyalashishi turlicha. Ushbu tadqiqot o'smir o'g'il bolalar ortasida tajovuzkor bo'lmagan o'smirlarning ota-onalari bilan identifikatsiyalashuvi tajovuzkor o'smirlarning ota-onalari bilan identifikatsiyalashuviga qaraganda aniqroq va yaqinroq ekanligini aniqlash maqsadida o'tkazilgan. Ayniqsa bu farq tajovuzkor va tajovuzkor bo'lmagan o'smirlarning otasi bilan identifikatsiyalashuvida seziladi. Tajovuzkor va tajovuzkor bo'lmagan o'smirlarning ona bilan identifikatsiyalashuvida farq unchalik katta emas. Ya'ni ona bilan identifikatsiyalashish tajovuzkor va tajovuzkor bo'lmagan o'smirlar o'rtasida ancha yuqori va yetarlicha yaqin darajada.

Aniqki indentifikatsiyadagi buzilishlar shaxsiy rivojlanishning jiddiy ko'rinishlarida namoyon bo'ladi. A. A. Rean va M. Yu. Sannikova larning tadqiqoti o'smirlarning ijtimoiy muhit bilan (shuningdek ota va tengdoshlar bilan) iliq munosabatda ekanligi ularning ona bilan ijobiy munosabatda ekanligi bilan bog'liqligini ko'rsatadi. Tushunish mumkinki o'z onasiga sibatdan shalbiy munosabatdagi shaxslarda total negativlik (barcha ijtimoiy obyektlar, hodisalar va meyyorlarga nisbatan negativlik) ning fundamental fenomeni namoyon bo'ladi. Umuman olganda onaga nisbatan salbiy munosabat shaxsning umumiy disfunktsional rivojlanishining muhim ko'rsatkichidir. [5]

O'smirda agressivlikning namoyon o'lishi yoki uchun qanday shakilda namoyon bo'lishi u yashab turgan oilaviy muhitga, tengdoshlar jamoasiga, makromuhit (ta'lim muassasasi), u yashayotgan jamiyatning urf-odat va an'analariga va unga oqib kelayotgan information oqimining turiga bog'liq. Bunda oila hal qiluvchi rol ni bajaradi. Bu oilada turmush o'rtoqlarning bir biriga munosabati, ota-ona va bola o'rtasidagi munosabat, oiladagi axloqiy qoidalar, dunyoqarash va oilaning rejalari hamda maqsadlarini o'z ichiga oladi.[6]

R.G.Ilyusheva o'smirdagi agressivlikni oshishiga sabab bo'luvchi oiladagi tarbiyaning noto'g'ri turlari ustida tadqiqotlar olib bordi. Tarbiyaning "e'tiborsiz vasiylik" turi, tarbiyaning "oilaning kumiri" turi va tarbiyaning "Zolushka" turi. [7]

O'smirning o'z agressiyasining namoyon qilishni o'zlashtirishiga oilada aka-uka va opa-singillarning o'zaro munosabatlari asos bo'lib xizmat qiladi. Ushbu fikr Felson tadqiqoti (Richardson D. Beron R. 1997)da o'z aksini topdi. Ushbu qadqiqot natijasida o'smirlar jismoniy va verbal agressiyaning ko'roq qismini o'z opa-singil va aka-ukalariga yo'naltirishlari aniqlandi. Aniqlandiki ota-onaning farzandning agressivligiga nisbatan munosabati bola va ota-ona o'rtasidagi munosabatga o'z ta'sirini o'tkazadi. Ota-onalar bolalar o'rtasidagi negativ munosabatlarni yo'qotishga harakat qila turib qaytaga ushbu negativ munosabatlarni kengayishiga sabab bo'lishlari mumkin. [8] L.M.Chapelevaning fikriga ko'ra hozirgi kunda maktab doim ham tinch-totuv muhitga namuna bo'la olmaydi. Bir tomondan bolaning maktabga tayyorgarligi va intellect darajasi orasidagi farq, ikkinchi tomondan maktabdagi ta'lim bilan bog'liq talablar tizimi natijasida davomli xarakterga ega bo'lgan konfliktlar yuzaga keladi. Ushbu ichki salbiy konfliktlar ommaviy-salbiy xulq atvor ya'ni, dasrs qoldirish, yolg'on gapirish, uydan yoki maktabdan ketib qolish va haddan tashqari asabiylashishni yuzaga keltiradi. Bundan tashqari bola tajuvuz haqida tengdoshlari bilan muloqot jarayonida ma'lumot oladi. O'smirlar tengdoshlari va o'zlaridan kattalar yoshdagi o'spirinlarning harakatlarini kuzatish orqali o'zlaridagi agressiv xulqni tarbiyalaydilar. O'smir orasida eng tajovuzkor bo'lgan o'smir tabiiyki boshqa o'smirlar tomonidan ko'p hollarda rad etiladi, shuning uchun u boshqa o'zi kabi tajovuzkor o'smirlar orasidan o'ziga do'st izlaydi. Bu bilan bir u o'zidagi muammolarni ko'paytiradi, chunki agressiv o'smirlar orasida agressivlik darajasi ortib muammolar ko'payadi.

Shuningdek J.K.Dandaryova va A.A.Rean maxsus ijtimoiy tadqiqot o'tkazilgan tadqiqot natijasiga ko'ra, o'z o'ziga bo'lgan bahoning tashqi ijtimoiy olam ziddiyatli holati, boshqacha qilib aytganda o'smirdagi o'z o'ziga bergan bahoning tashqi ijtimoiy olamdan unga berilgan baho bilan nomutanosibligi, o'smirda uning tengdoshlarga nisbatan tajovuzkorlikning yuqori darajasi bo'lishini sabab bo'ladi. Tajovuzkorlikning nisbiy shakli va negativlikda bu yaqqol ko'zga tashlanadi. Shuningdek ularda norozilik, jismoniy tajovuzkorlik va asabiylashish shakillari ham seillarli darajada bo'ladi.

O'smirlik davri bir tomondan kurashishning keskin ortishi va ikkinchi tomondan patogen ta'sirlarga o'ta sezgirligi bilan xarakterlanadi. Shuning uchun aqliy yoki jismoniy ortiqcha toliqish, uzoq muddatli asabiy zo'riqish, affektlar, kuchli salbiy xissiyotlar (qo'rqish, g'azab, xafagarchilik) endokrin buzilishlarga va nerv sitsemasi funktsiyasining buzilishiga sabab bo'lishi mumkin. Bunday buzilishlar ta'sirlanuvchanlikning ortishi, o'zini tuta bilmaslik, parishonxotirlik, ishda maxsuldorlikning pasayishi, uyquning buzilishi kabilarda namoyon bo'ladi. O'smirlik davrida endokrin va nerv sitsemalari faoliyatining bolalik davrida mavjud bo'lgan muvozanati buziladi, yangisi esa


endigina o'rnatilayotgan bo'ladi. Bunday qayta qurilishlar albatta o'smirning ichki holati, kayfiyati, ruxiyatiga ta'sir ko'rsatadi va ko'pincha uning umumiy noturg'unligiga, serjaxlligiga, xarakat faolligiga, vaqti-vaqti bilan hamma narsalarga befarq bo'lib qolishligi va lanjligiga asos

bo'ladi. Birinchidan, bu o'smir uchun juda sezilarli bo'lgan o'zgarishlar bo'lib,


ular o'smirning katta bo'lganini xis qilishining yuzaga kelishining ob'ektiv manbai bo'lib xizmat qiladi (uning asosida o'smir o'zining kattalarga o'xshashligini xis qiladi). O'smirlik davrining yirik tadqiqotchilaridan biri nemis faylasufi va psixologi E. Shpranger (1924) o'smirlik yoshi qizlarda 14-18 va o'gil bolalarda 13-19 yoshlargacha davom etib, unig birinchi bosqichi 14-17 yoshlarga to'g'ri kelib, bu yoshda bolalikdan qutulish sodir bo'lishini izohladi.

O'smirlardagi shaxsiy aksentuatsiyalar namoyishkorlik orqali namoyon bo'lishini o'rganish maqsadida K.Leongardning xarakterologik so'rovnomasida shaxs aktsentuatsiyalarini aniqlashga mo'ljallangan. So'rovnomaning nazariy asosi, shaxsga xos xususiyatlar asosiy va qo'shimcha xususiyatlarga taqsimlanishi mumkin deb hisoblaydigan K.Leongardning «shaxslar aktsentuatsiyalari» tamoyili hisoblanadi. Xarakterning asosiy xususiyatlari yaqqol namoyon bo'lishi bilan xarakter aktsentuatsiyasiga aylanadi. So'rovnoma Leongard tomonidan tasniflangan 10 ta aktsentuatsiyalashgan shaxs turlariga muqobil ravishda 10 shkalani o'z ichiga olib, har biriga «ha» yoki «yo'q» deb javob berish talab etiladigan 88 savoldan iborat. Ko'paytirish natijasida olingan maksimal son – 24. Ayrim manbalarga ko'ra, 12 balldan yuqori natija aktsentuatsiya belgisi hisoblanadi. Boshqalar esa savolnomaning amaliy qo'llanishi natijalariga tayanib, 15 dan 19 gacha bo'lgan ballar faqat u yoki bu aktsentuatsiyaga moyillikni bildiradi, degan fikrdalar. Faqat 19 ball chegarasidan yuqorilagandagina xarakter xususiyati aktsentuatsiyalashgan sanaladi. Leongard tomonidan aniqlangan aktsentuatsiyalashgan shaxslarning 10 tipi ikki guruhga ajratilgan: xarakter aktsentuatsiyalari (namoyishkor, pedantik (rasmiyatchi), qoloq, qo'zg'oluvchan) va temperament aktsentuatsiyalari (gipertim, distim, xavotirli-qo'rqqoq, tsiklotimik, affektiv, emotiv (hissiyotli)). Tadqiqot obyekti etib Farg'ona Xalq ta'limi bo'limiga tasarrufidagi 40-ayrim fanlarga ixtisslashtirilgan davlar umumiy o'rta ta'lim maktabi belgilandi. Tadqiqot uchbu maktabning 8,9,10-sinf o'quvchilari o'rtasida o'tkazildi. Tadqiqotda jami 150 nafar o'smir ishtirok etdi. O'smirlardagi shaxsiy aksentuatsiyalar qaysi usulda namoyon bo'lishini o'rganish maqsadida K.Leongardning xaktereologik so'rovnomasi o'tkazildi.

1-diagramma



Biz o'smirlarning xulq atvorini o'rganish maqsadida "Shaxslararo munosabatlarni" testini ham o'tkazdik. Unga ko'ra quyida diagrammada natijalar qayt etilgan .



O'smirlik davri yosh davrlar psixologiyasidan bizga ma'lumki eng o'g'ir davr xisoblanadi bu davrda bolalarda g'ayratlilik, nomoyishkorlik kabi xususiyatlar yaqqol nomoyon bo'ladi. O'smirlik davridagi qiz va o'g'il bolalarda o'zlari xoxlamagan tarzda fel atvorida keskin burilishlar kuzatiladi. 10 yoshdan 15 yoshgacha bo'lgan o'smirning yosh psixologik xususiyatlari namoyishkorlik xususiyati xarakterida aks etadi. O'smirlardagi tajovuzkor reaksiyalarning zo'ravonlik darajasi o'smirlardagi o'z-o'zini baholash bilan bog'liq. Aytish mumkinki o'smirlarda o'z-o'zini hurmat qilish darajasi qanchalik yuqori bo'lsa, undagi umumiy tajovuzkorlik va uning tarkibiy qismlari ham shunchalik yuqori bo'ladi. Bu munosabat tajovuzning instrumental shakliga ham, tajovuzning boshqa dushmanlik shakliga ham birdek xosdir. A.A Rean (1997)ning tajribasi shuni ko'rsatadiki, 14-17 yoshdagi o'smirlarda jismoniy tajovuz darajasi shaxsning umumiy o'z-o'zini baholash darajasi bilan bog'liq. O'z-o'zini baholash darajasi qanchalik yuqori bo'lsa, jismoniy tajovuzkorlikni namoyon qilish tendensiyasi shunchalik aniq. Shuningdek J.K.Dandaryova va A.A.Rean maxsus ijtimoiy tadqiqot o'tkazilgan tadqiqot natijasiga ko'ra, [9] o'z-o'ziga bo'lgan bahoning tashqi ijtimoiy olam ziddiyatli holati, boshqacha qilib aytganda o'smirdagi o'z-o'ziga bergan bahoning tashqi ijtimoiy olamdan unga berilgan bahoga bilan nomutanosibli, o'smirda uning tengdoshlarga nisbatan tajovuzkorlikning yuqori darajasi bo'lishini sabab bo'ladi. Tajovuzkorlikning nisbiy shakli va negativlikda bu yaqqol ko'zga tashlanadi. O'smirda agressivlikning namoyon o'lishi yoki uchun qanday shakilda namoyon bo'lishi u yashab turgan oilaviy muhitga, tengdoshlar jamoasiga, makromuhit (ta'lim muassasasi), u yashayotgan jamiyatning urf-odat va an'analariga va unga oqib kelayotgan information oqimning turiga bog'liq. Bunda oila hal qiluvchi rol ni bajaradi. Bu oilada turmush o'rtoqlarning bir biriga munosabati, ota-ona va bola o'rtasidagi munosabat, oiladagi axloqiy qoidalar, dunyoqarash va oilaning rejalari hamda maqsadlarini o'z ichiga oladi.

Foydalangan adabiyotlar ro'yxati

1. Kravchenko A.S. Ko'rgazmali xatti-harakat uchun motivatsiya: Ph.D. dis. ... qand. psixolog. Fanlar. M.: Moskva davlat universiteti. M.V. Lomonosov, 2001. 102 b.
2. Darovskix O.N., Nikitina E.L. Ko'rgazmali xulq-atvorga ega o'smirlarning shaxsiy xususiyatlari // Ilmiy va "Konsepsiya" uslubiy elektron jurnali. 2016. V. 28. S. 121-123.
3. Darovskix O.N., Nikitina E.L. Ko'rgazmali xulq-atvorga ega o'smirlarning shaxsiy xususiyatlari // Ilmiy va "Konsepsiya" uslubiy elektron jurnali. 2016. V. 28. S. 121-123.
4. K. Yu Gulyaeva «O'smirlik davridagi tajovuz va uni tuzatish» UDK 159,96 + 159,94 + 316,6 23.12.2006 y.
- 5 L.M. Semenyuk «O'smirlarning tajovuzkor xatti-harakatlarining psixologik xususiyatlari va uni tuzatish shartlari» Moskva, 1996 yil 96-bet.
6. Rean A.A. Qo'zg'aluvchan va namoyishkor shaxsning xatti-harakatlari tuzilishidagi tajovuz // Ananiev o'qishlari - 97. - 1997. - № 2. - 13-16-betlar
7. K. Yu Gulyaeva «O'smirlik davridagi tajovuz va uni tuzatish» UDK 159,96 + 159,94 + 316,6 23.12.2006 y.
8. Illesheva R.G. Bolalar va o'smirlardagi xatti-harakatlarning buzilishi.- Alma-Ata: Nauka, 1990. - 160 b.
9. R.Beron D.Richardson - Agressiya Sankt-Peterburg 1997. 104-modda.

БЎЛАЖАК ОФИЦЕРЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.019>

Мелиев Гафур Олимкулович,

*Тошкент ҳарбий округи бошқарув аппарати ҳарбий касбий сарлаш
бўлими катта офицери подполковник, мустақил илмий изланувчи*

Аннотация: Ушбу илмий мақолада ёш офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини шакллантириш масалалари муаммо ва ечимлар ва унинг амалий аҳамияти ҳақида фикрлар илмий ва амалий баён этилган. Мақолада муаллифнинг кўп йиллар давомида олиб борган илмий ва амалий тажрибаларига суянган ҳолда ўтказилган яқка тартибдаги суҳбатлар таҳлили натижалари ҳақидаги фикрлар атрофлича баён этилган.

Калит сўзлар: Конструктив, ташиқий коммуникатив қобилият, ижтимоий-психологик компетентлик даражаси, эмоционал ҳолат, жанговар тажриба ва жанговар руҳ, экстремал вазият, ҳиссий муносабат, информацион, мотивацион, рағбатлантириш, ижтимоийлашув жараёни, коммуникатив фаолият ва б.

ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНО- ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ ОФИЦЕРОВ ПРЕДЛОЖЕНИЯ И РЕКОМЕНДАЦИИ

Мелиев Гафур Алимкулович,

*Старший офицер отдела военно-профессиональной квалификации
управления Ташкентского военного округа подполковник, научный
исследователь*

Аннотация: В этой научной статье научно и практически обоснованы мнения о проблемах и решениях формирования социально-психологической компетентности молодых офицеров и ее практической значимости. В статье подробно описываются результаты анализа индивидуальных бесед, проведенного на основе научного и практического опыта автора за многие годы.

Ключевые слова: Конструктивная, организационная коммуникативная способность, социально-психологический уровень компетентности, эмоциональное состояние, боевой опыт и боевой дух, экстремальная ситуация, эмоциональный настрой, информация, мотивация, мотивация, процесс социализации, коммуникативная деятельность и др.

ISSUES OF FORMATION OF SOCIO-PSYCHOLOGICAL COMPETENCE OF FUTURE OFFICERS SUGGESTIONS AND RECOMMENDATIONS

Meliev Gafur Alimkulovich,

*Senior officer of the military professional qualification Department of the
Tashkent military district administration podpolkovnik, independent researcher*

Annatsiya: In this scientific article, opinions on the problems and solutions of the formation of socio-psychological competence of young officers and its practical significance are scientifically and practically explained. The article describes in detail the results of the analysis of individual conversations conducted based on the scientific and practical experience of the author for many years.

Keywords: Constructive, organizational communicative ability, socio-



psychological level of competence, emotional state, combat experience and fighting spirit, extreme situation, emotional attitude, information, motivation, motivation, socialization process, communicative activity, etc.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган жадал ва туб ўзгаришлар натижасида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий қисм ва муассасаларида профессионал ҳарбий кадрларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Давлат ва бошқаруви органларда ёш офицер кадрлар фаолият юритиш салмоғи ортмоқда. Бу, ўз навбатида, бўлажак офицерларнинг ҳарбий жамоага раҳбарлик қилишда бошқарув соҳасида етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишини тақозо этади.

“Ўзбекистон ёшлари – 2030” концепцияси лойиҳасида “кадрларнинг турли хил салбий вазиятларга чидамлилиқ ва можароларни бошқариш каби қобилиятларини шакллантириш мақсадида психологик ва социологик тестлар ўтказиш ҳамда уларни тегишли раҳбар кадрлар захирасига киритиш тизимини ишлаб чиқиш” [1] вазифаси белгиланганлиги ёш раҳбарларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини юксалтиришни талаб этади.

Ҳарбий жамоаларидаги ижтимоий тадқиқотлар кўпинча барча тоифадаги мутахассисларнинг ўзаро муносабатлари ҳолати билан қониқмаслигини, айрим ҳолларда эса ёш офицерларнинг ўз мажбуриятларини самарали бажариш ҳамда ҳарбий жамоаларнинг ижтимоий-психологик муҳитини ва жипсилигидаги фаолият жараёнида шахсий таркибнинг ўзаро муносабатларини ўзгартиришга лаёқатсизлигини кўрсатади. Бунинг сабабларидан бири ёш офицерларнинг паст ижтимоий-психологик компетентлигидир.

Ижтимоий-психологик компетентликни ёш офицерларда бошқарувчиликка тайёрлаш жараёнида бевосита хизмат жойида мақсадли шакллантириш мумкин. Шу билан бирга, кўшимча ўқув ва хизмат фаолиятида командир ва бошлиқларда ижтимоий-психологик билимлар, маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш учун улар психологик ҳолатининг хусусиятларини, уларнинг хизмат вазифалари ҳамда фаолиятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ [3].

Ёш офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлигининг назарий моделини ишлаш ва уни амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлайдиган шартларни аниқлаш мақсадида, Ахборот-коммуникация технологиялари ва Алоқа ҳарбий институтида 85 нафар бўлажак офицер кадрлар билан ўтказилган суҳбат натижасига кўра, бўлажак офицерлар ижтимоий-психологик компетентлигининг шаклланиш самарадорлиги ижтимоий-психологик компетентлик назарий моделининг ишлаб чиқилганлик даражасига, мезонлар, кўрсаткичлар ва унинг ривожланиш даражаларининг объективлигига, лойиҳалаш, конструктив, ташкилотчилик, коммуникатив қобилиятларининг шаклланиш алгоритмларидан фойдаланиш маҳсулдорлигига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Ўзбекистон Президенти Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев бошчилигида жамиятнинг барча соҳаларида шиддатли ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Ушбу даврда ёш, прогрессив фикрлайдиган ва салоҳиятли ҳарбий кадрларга катта эътибор қаратилиб, улар стратегик муҳим соҳаларга жалб этилмоқда. Сўнгги 3 йил мобайнида вазирлик ва идоралардаги муҳим лавозимларга ёш истиқболли бошқарув кадрлар тайинланди.

Ижтимоий-психологик компетентлик даражаси шахснинг касбий йўналганлик ва такомиллаштириш мотивацияси шахсий тизимли компоненти доирасида юзага келганлиги исботланган. Шахсий функционал компонентлик доирасида эса ёш офицерларнинг лойиҳалаш, конструктив, ташкилий коммуникатив қобилиятларининг шаклланишга ёш офицерларнинг ўз бўйсунувчилари билан ўзаро муносабатларининг муваффақияти ва ижтимоий-

психологик компетентлик даражасининг кўтарилиш ҳамда ривожланиш имкониятларини олдиндан айтиб беришга ёрдам беради.

Ёш офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлиги унинг ижтимоий-психологик маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади, уни хизмат фаолиятида, соҳалар ва ижтимоий алоқаларнинг турли-туманлигида кўриладиган, ҳарбий хизматчилар томонидан ўз потенциали ва эҳтиёжларини қондиришни амалга ошириш усулининг характеристикаси сифатида белгилайдилар. Бу икки феномен йиғиндисидан ёш офицерларнинг хизмат, билиш, ижодий ва коммуникатив фаолиятининг психологик барқарорлиги даражасини баҳолаша бўлади.

Тадқиқот жараёнида ёш офицерлар ижтимоий-психологик компетентлигининг учта компоненти ажратиб кўрсатилган: процессуал фаолиятли, шахсий тизимли ва шахсий функционал. Улар ижтимоий-психологик фаолиятни муваффақиятли амалга оширишга йўл қўйиб беради:



ҳарбий жамоада ижтимоий жараёнларни диагностика ва коррекция қилиш, “офицер – ҳарбий жамоа – техника” ижтимоий-психологик тизимда ўзаро боғланган вазифаларни амалга ошириш орқали самарали бошқарув таъсир алгоритминини аниқлаш: инфорацион (вазифаларни бажариш учун зарур маълумотларни ходимларга тақдим этиш); мотивацион (шахсий таркибнинг фаолият мотивларига таъсири ва унинг ҳисоби); рағбатлантириш (мукофотлаш ёки жазолаш орқали фаолиятга қизиқтириш); таъминлаш (шахсий таркибга маълум ваколат ва ҳуқуқларни тақдим этиш); назорат-корректировкали (қўйилган вазифалар орқали шахсий таркибни хизмат фаолиятини ўрганиш, улар хизмат фаолиятига ўзгартиришлар киритиш).

Биринчидан, ёш офицер кадрнинг фаолият, мулоқот, билиш субъекти сифатида шаклланишининг мазмуни бўлган ижтимоийлашув жараёнининг ўтиши учун ташкилот ёки унинг таркибий бўлинмасининг доирасида шароитлар яратилса, ёш офицерларнинг коммуникатив фаолиятини самарали, деб ҳисоблаш мумкин. Ёш офицер коммуникатив фаолиятининг унумли амалга оширилиши фақатгина унинг ижтимоий-психологик компетентлиги шаклланишининг маълум даражасида бўлиши мумкин.

Иккинчидан, ёш офицернинг кенг, аниқ, унумли шаклдаги ижтимоий-психологик компетентлиги командир шахсининг хусусиятларидан, шахслараро муносабат вазиятлари, шахснинг имкониятлари билан боғлиқ бўлган унинг ходимлар билан ўзаро муносабатидан келиб чиқади. Ижтимоий-психологик компетентлик бошлиқ томонидан ўз ходимларини идрок қилиш ва тушунишда, атрофдагиларга мурожаат қилиш ва муносабатда, предметли ва коммуникатив фаолиятга чуқур психологик киришда, жамоада ишчан ва шахслараро муносабатлар ҳолатини таърифлайдиган психологик муҳитда намоён бўлади.

Учинчидан, ёш офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлиги элементларининг мақсадли ишлаб туришини келтириб чиқарадиган тизимни ҳосил қилувчи омил бу ёш офицернинг бошқарув фаолиятидир.



Тўртинчидан, командирлар ва ўз бўйсунувчилари билан ўзаро муносабатларининг экстремал вазиятларида ёш офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлигининг шаклланиш жараёни ёш офицернинг бошқарув фаолиятида юқори самарадорликка эришиш ва ҳарбий жамоаси, таркибий бўлинма фаолиятининг ижтимоий-психологик уйғунлигини таъминлашга олиб келади.

Бешинчидан, ёш офицерлар ижтимоий-психологик компетентлигининг назарий моделига асосланган дастурий-мақсадли йўналишли ижтимоий-психологик тренинг дастури куйидаги асосий масалаларни ҳал этишга йўналтирилган: ижтимоий-психологик билимларга эга бўлиш, мулоқот доирасида билим ва кўникмаларга эга бўлиш; тарбиявий таъсир: коррекция, ривожланиш, самарали мулоқот учун, ўзини ва бошқаларни адекват ва тўлиқроқ ўрганиш қобилиятини ривожлантириш ҳамда мулоқот жараёнидаги муносабатлар учун зарур бўладиган кўрсатмаларнинг шаклланиши, коррекция ҳамда муносабатлар тизими ва шахс ўзаро муносабатларининг ривожланиши.

Олтинчидан, ёш офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлигининг шаклланиш самарадорлигини баҳолашда асосий эътибор диагностика қиладиган ва ўргатадиган шароитларга қаратилади. Диагностика қиладиган шароитлар шундан иборатки, ёш офицерда мулоқотнинг шахсий тажрибасини экспликация қилишга, мулоқот субъекти сифатида ўзининг хусусиятларини англашга имкон бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ёш офицерларнинг ижтимоий-психологик компетентлиги аниқ бошқарув фаолиятининг ўзига хос шароитида ўтадиган унинг коммуникатив фаолияти орқали амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори лойиҳаси // <https://regulation.gov.uz/oz/document/4824>.

[2] Samarov R.S., F.Xaydarov, M.Yo‘ldoshov, N.Masharipova “Harbiy faoliyatda boshqaruv psixologiyasi” Darslik. Toshkent – 2021 y.

[3] Евсеев, Автандил Владимирович. Формирование социально-психологической компетентности молодых руководителей: автореферат дис. ... кандидата психологических наук: 19.00.05 / Ин-т молодежи. - Москва, 1998. - 24 с.

[4] Ўзбекистон бошқарувидаги ёш раҳбарлар ТОП-35 талигида кимлар бор?//

[5] <https://u24.uz/uz/uzbekiston-boshkaruvidagi-yosh-rakhbarlar-top-35-taligida-kimlar-bor>.

ТАЛАБАЛАРДА АЛЬТРУИЗМ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.018>

Атабаева Наргис Батировна

Тошкент давлат педагогика университети “Психология” кафедраси

доценти, психология фанлари бўйича PhD

<https://orcid.org/0000-0001-7107-3379>

Аннотация: Мақолада талабаларда альтруизм шаклланганлигининг психологик хусусиятлари ҳамда таълим жараёнида альтруизмни шаклланишига таъсир этувчи жиҳатлар таҳлил қилиб берилган. Бундан ташқари, хориж психологларининг илмий изланишларида альтруизмнинг вақт омилига, айбдорлик ҳиссига, кайфиятга, шахннинг индивидуал хусусиятларига боғлиқлик жиҳатлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: альтруизм, ирода, қадрият, эмпатия, индивидуаллик, вақт омили, айбдорлик ҳисси, кайфият, шахннинг индивидуал хусусиятлари.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ АЛЬТРУИЗМА У СТУДЕНТОВ

Атабаева Наргис Батыровна

Доцент кафедры «Психология» Ташкентского государственного

педагогического университета, кандидат психологических наук

Аннотация: В статье анализируются психологические особенности формирования альтруизма у студентов, а также аспекты, влияющие на формирование альтруизма в образовательном процессе. Кроме того, в научных исследованиях зарубежных психологов изучаются аспекты альтруизма, которые связаны с фактором времени, чувством вины, настроением, индивидуальными особенностями личности.

Ключевые слова: альтруизм, сила воли, ценность, эмпатия, индивидуальность, фактор времени, чувство вины, настроение, индивидуальные особенности человека.

PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF THE FORMATION OF ALTRUISM IN STUDENTS

Atabaeva Nargis Batyrovna

Associate professor of the Department of «Psychology» of Tashkent State
Pedagogical University, PhD in psychology

Abstract: The article analyzes the psychological features of the formation of altruism among students, as well as aspects affecting the formation of altruism in the educational process. In addition, in the scientific research of foreign psychologists, aspects of altruism are studied, which are associated with the time factor, guilt, mood, and individual personality traits.

Key words: altruism, willpower, value, empathy, individuality, time factor, guilt, mood, individual characteristics of a person.

Кириш. Баркамол авлодни тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Келажак авлод ҳақида қайғуриш соғлом, баркамол, комил инсонни тарбиялаб, вояга етказиш, ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан биридир. Айнан мустақиллик шарофати билан миллий қадриятлар, анъаналарнинг тикланиши аждодларга нисбатан хурмат ҳиссини шакллантириш билан бир қаторда ўсиб келаётган ёш авлодни таълим-тарбиясида миллий руҳиятнинг

ўрни бекиёс эканини кўрсатиб берди. Бизга маълумки, шарқона таълим-тарбия негизда самимийлик, саховат, футувват каби альтруистик хулқ-атвор ётади. Шундай экан, миллат келажаги бўлмиш ёш авлодга альтруистик руҳда таълим-тарбия бериш асосида шарқона тарбия асосларини сингдириш долзарб муаммолардан бири саналади.

Ҳозирги кунда педагог-психологлар томонидан таълимнинг бир қанча моделлари ишлаб чиқилган ҳамда ўқитиш тизимига тадбиқ қилинган. Хусусан, Л.В.Занков, М.В.Зверева, И.И.Аринскаялар томонидан шахсга йўналтирилган таълимнинг қатор афзалликлари санаб ўтилган. Шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий мақсади – ўқувчиларнинг билиш, эмоционал-иродавий, ахлоқий, эстетик имкониятларини ривожлантиришдан иборат. Шунга мувофиқ равишда, узлуксиз таълим тизими шахсдаги альтруистик хулқ-атворни шаклланишига ҳам ўз таъсирини ўтказди, десак муболаға бўлмайди.

Шахсга йўналтирилган таълим тизимининг альтруизмга таъсирига оид маълумотларни келтиришдан аввал альтруизм тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтсак. “Альтруизм” атамасини биринчи бўлиб француз файласуфи О. Конт эгоизмга қарама-қарши атама сифатида фанга киритган. Келтирилган таърифларга кўра, альтруизм (лотинча *alther* - бошқа) – шахс қабул қилган қадриятлар йўналиши бўлиб, бунда унинг маънавий баҳоси мезони ва асосий моҳиятида ўзга одам ёки ижтимоий гуруҳнинг қизиқишлари ётади. Альтруизм шахс хулқ-атворини тўлиқлигича акс эттирсагина, у анланган қадриятлар тизимига айланиши ва шахснинг ҳаёти мазмунига сингиб кетиши мумкин. Кўпгина психолог олимлар томонидан альтруизмнинг психологик механизмлари тадқиқ этилиб, таҳлил қилиб берилган. Жумладан, Дж.Аронфрид ва В.Паскаллар альтруизмни мактабгача ёшдаги болаларда эмпатияни намоён бўлиши билан боғлаб ўрганган бўлсалар, Б.Мур ижобий эмоциялар альтруистик хатти-ҳаракатларга сабаб бўлишини исботлаб берган, С.Стауб эса ўз тадқиқотлари давомида альтруистик хулқ-атвор мотивларини кўрсатиб ўтган.

Бундан ташқари, хориж психологларининг илмий изланишларида альтруизмнинг вақт омилига (Д.Бейтсон), айбдорлик ҳиссига (Д.Мак-Миллен, Дж.Остин), кайфиятга (Д.Кенрик, Д.Бауманн), шахснинг индивидуал хусусиятларига (Э.Игли, М.Кроули) боғлиқлик жиҳатлари тадқиқ этилган. Шахсдаги альтруистик хулқ муаммосининг ўрганилишига хориж ва рус олимлари анча илгари киришган бўлсаларда, уларнинг сони жуда кўп эмас, яъни бу мавзу жуда кам олимлар томонидан ўрганилган. Бизнинг республикамизда бу муаммо юзасидан илмий тадқиқот иши сифатида деярли иш олиб борилмаган. Лекин кейинги йилларда шахсда ахлоқий тушунчалар, эмоционал интеллект ва миллий ўзликни англашнинг шаклланишига оид илмий тадқиқот ишларига эътибор кучаймоқда. Хусусан, Ўзбекистонлик психологлар томонидан ўқувчиларда ахлоқий тушунчаларнинг шаклланиши (З.Э.Усманова), талабаларда миллий ўзликни англашнинг психологик хусусиятлари (Н.С.Сафоев), мактабгача тарбия ёшидаги болаларда бурч ҳисси муаммоси (М.Ш.Расулова) чуқур тадқиқ этилган.

Методика.

Психологик манбаларда альтруизм борасидаги ёндашувлар уч гуруҳга таснифланади:

1. Психологик ёндашув. Жамиятда ҳар қандай шахслараро муносабатлар замирида ўзаро манфаатдорлик ётадики, шунга мувофиқ альтруизм – бу меҳр-муҳаббат, ҳурмат, ғамхўрлик каби психологик ҳиссиёт ва ижтимоий-психологик қадриятларни ўзаро алмашилишидир (Б.Ф.Скиннер, М.Снайдер, А.Омото, Б.Мур). Бунда кишилардаги ўз-ўзига берадиган баҳо, ўз-ўзига муносабат, эмоционал соҳа, муҳим аҳамият касб этади.

2. Ижтимоий ёндашув. Шахс ва жамият ҳаётида ижтимоий таъсирларнинг роли беқиёсдир. Айнан ижтимоий таъсирлар, яъни, ижтимоий норма, санкция, ижтимоий масъулият ҳисси ва ижтимоий ролларнинг ўзаро таъсири натижасида кишилар альтруистик хатти-ҳаракатларни содир этадилар (Дж. Даббс).

3. Биологик ёндашув. Ушбу ёндашувда альтруизм биологик эҳтиёж сифатида кўриб чиқилади ва альтруизм кишилар хулқ-атворида инстинктив равишда намоён бўлади, деб қаралади. Альтруизмнинг асл моҳияти кишиларнинг ўз наслини сақлашга қаратилган бўлади, яъни ота-онанинг ўз фарзандига нисбатан альтруистик хатти-ҳаракати негизида ўз наслини сақлаб қолишга бўлган биологик эҳтиёж ётади деб тушунтирилади (Д.Бараш, Э.Сандерсон, Э.О.Уилсон).

Рус психологлари ўз тадқиқотларида альтруизм ва унинг ўқув жараёнида шаклланишига оид қарашларни шартли равишда икки гуруҳга ажратишган:

Альтруизм намоён бўлиш механизмига кўра ёндашувлар;

Ижтимоий-психологик ёндашувлар.

Жумладан, намоён бўлиш механизмига кўра, альтруизм барча инсонларда мавжуд, бироқ, турли эмоциоген вазият, яъни айбдорлик ҳисси, шахс хусусиятлари, конформлик таъсирида юзага келади. З.Фрейд концепциясида альтруизмни намоён бўлиши субъектнинг айбдорлик ҳиссини сусайтиришга бўлган невротик эҳтиёжи сифатида кўриб чиқилган. Назарий маълумотлар таҳлили кўрсатишича, шахс ўзини ўзи айбдор ҳисобламаслик учун ҳам альтруистик ҳаракатларни амалга оширади. Айнан, айбдорлик ҳисси кишиларни бир-бирига нисбатан ғамхўр бўлишга ундайди. Альтруизмни намоён бўлишида масъулиятлилик, қатъиятлилик, эмпатия каби шахс хусусиятлари, қолаверса, шахснинг ўзини ўзи назорат қилиши, ўзига нисбатан адекват баҳо бериши муҳим аҳамият касб этади. Е.П. Ильин тадқиқотлари шуни кўрсатадики, талабаларда альтруизмнинг намоён бўлиш механизмларидаги гендер фарқлар, асосан, бундай хулқ-атворнинг ички детерминантлари билан боғлиқ, яъни ўғил болалар ҳам, қиз болалар ҳам альтруизмга мойил, бироқ улар бунга турли нуқтаи назардан ёндашадилар. Ўғил болалар асосан “қаҳрамонлик ёрдами” нуқтаи назаридан ёндашганликлари боис, улардан альтруистик хулқ-атвор кўпроқ иродавий зўр беришни талаб этади. Қиз болалар эса “ғамхўрона ёрдам” тарафдори бўлганликлари учун уларда эмпатия ҳисси биринчи ўринга чиқади.

Рус психологи М.Р. Битянованинг илмий қарашларида эса альтруизм ва конформлик (лотинча “conformis” сўздан олинган бўлиб “ўхшаш, мос” деган маънони англатади) орасидаги боғлиқлик асослаб берилган. Унга кўра, шахснинг бирор-бир альтруистик хулқ-атвори намоён қилиши учун гуруҳ ҳам ўз таъсирини ўтказади. Жумладан, гуруҳ томонидан ташкил этиладиган хайрия ишлари, ташкилотчилик ишлари, гуруҳ аъзоларининг барчасидан бирдек масъулиятни талаб этади. Агар гуруҳдаги талабаларнинг бирортаси фанлардан ўзлаштиришга қийналаётган бўлса, гуруҳ фаолларидан бирини унга бириктириш орқали гуруҳ аъзоларида масъулият ҳиссини ҳамда альтруистик хулқ-атвори тарбиялаш мумкин. Қолаверса, гуруҳий қарорлар, гуруҳ ичида қабул қилинган талаблар ҳам талабаларнинг хулқ-атворини назорат қилиб турувчи восита бўлиб хизмат қилади.

Бизга маълумки, талабалик даврида касбий соҳа ва жамиятда ўз ижтимоий мавқеини эгаллашга бўлган интилиш кучли бўлади. Шу боис, талабалар орасида миллий қадриятларни тарғиб қилувчи, уларда альтруистик



ҳислар, эмпатия, ижтимоий масъулиятни шакллантиришга қаратилган турли хилдаги маънавий-ахлоқий, хайрия тадбирлари, талабаларни ижтимоий аҳамиятли фаолият соҳаларига йўналтиришни (лойиҳалар яратишга жалб қилиш, волонтерликда иштирок этиш, ижодий фаолиятга жалб қилиш ва бошқалар) кучайтириш, талабаларнинг таълимдаги фаол ташаббусини қўллаб-қувватлаш, юқори самара беради. Талабаларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини шакллантиришга, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган қатор тадбирлар уларда “жамиятга кераклиги”ни, “улар ҳам ижтимоий фойдали ишга яроқли экани”ни хис этишга имконият яратади.

Альтруизм шаклланишига оид ижтимоий-психологик ёндашувда эса асосий эътибор, талабаларда барқарор альтруистик установкаларни шакллантиришга қаратилган. Ижтимоий-психологик ёндашув қуйидаги моделларни ўзида мужассамлаштиради.

“Юқори тафаккур ва кучли Эго” – орқали шахс установкаларини “Мен”дан “Биз”га айлантиришга эътибор қаратилади. Д.Батсоннинг фикрича, шахснинг ахлоқий қарашлари, эътиқоди гуруҳ манфаатлари билан бирлашса, унинг қадриятлар тизимида ҳам ижтимоий маъқулланган сифатларни ўрни ортиб боради. Бунда албатта, гуруҳ мураббийси, педагогларнинг ўрни муҳим. Педагог талабалар жамоасини уюштира олиши, уларда ижтимоий масъулиятни оширишга қаратилган топшириқларни бериши, ўзининг интеллектуал имкониятларини ишга солган ҳолда гуруҳ ва талабанинг ижтимоий манфаатларини бирлаштира олиши лозим.


“Авторитетга асосланган ижтимоий модел” – бунда педагог ўзининг касбий ва шахсий сифатлари билан талабаларга намуна бўла олиши лозим. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, шахсдаги альтруизм каби ижтимоий маъқулланган хулқ-атвор шакллари тарғиб этилган маъруза, видеоконференция, консультация маълумотлари инсонга тезроқ таъсир этади ва тез ўзлаштирилади. Таълим жараёнида талабаларни мушоҳада қилишга, уларнинг билиш фаоллигини оширишга, ахлоқий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган муаммоли топшириқларни қўйилиши талабада альтруистик хулқнинг ички психологик механизмлари ҳисобланган эмпатия, рефлексия, ижтимоий перцепция, масъулият ҳиссини ривожланишига хизмат қилади.

“Шахс эътиқоди” – бунда асосий эътибор шахсни жазолаш ёки рағбатлантиришдан қочишга қаратилади. Ушбу моделнинг моҳиятига кўра, шахс томонидан амалга оширилган ҳар қандай хулқ рағбатлантиришларни кўзда тутмаслиги, балки шахснинг ички эътиқоди, дунёқарашини каби ички мотивлар билан боғлиқ бўлиши лозим (Сэм Левенсон, Джорд Гэллап). Шунга мувофиқ равишда, талабаларда маънавий, ахлоқий онгни таркиб топтириш учун таълимий-тарбиявий таъсир ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Шахсга йўналтирилган таълимнинг ушбу моделида талабалар гуруҳида соғлом рақобатни шакллантириш, муваффақиятга интилиш мотивацияси ва шу билан боғлиқ шахс хусусиятларини ривожлантириш орқали шахсда альтруистик хулқни тарбиялаш кўзда тутилади.

Натижалар ва Мунозара.

Назарий таҳлилларни амалдаги ҳолатини кўриш мақсадида, педагогика ва психология факультетининг 1-курс талабаларида “Альтруизм-эгоизм установкаларини аниқлаш” методикаси ўтказилди. Мазкур методика шахсдаги альтруистик установкаларни ривожланганлик даражасини уч мезон, яъни

паст, ўрта, юқори кўрсаткич асосида аниқлаб беради. Методикадан олинган натижалар қуйидаги гистограммада акс эттирилган:



Экспериментал натижаларга кўра, синалувчиларнинг 52%ида альтруизм даражасининг пастлиги, улардаги эгоизмдан далолат беради. Талабалардаги эгоизмнинг намоён бўлиши конфликтотен омил ҳисобланиб, бу уларнинг ўз манфаатлари йўлидаги бир восита бўлиб хизмат қилади. Альтруистик установакаларнинг шаклланганлик даражаси 30% талабаларда ўртача, 18% талабаларда юқори кўрсаткичга эга бўлди. Юқори кўрсаткичга эга бўлган талабаларда альтруистик установакалар қадрият даражасига кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

Талабалардаги альтруизмнинг намоён бўлиши бевосита иродавий сифатларнинг шаклланганлиги билан ҳам узвий боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки, шахс иродавий сифатларидан масъулиятлилик, ташкилотчилик, қатъиятлилик, мақсадга интилувчанлик каби сифатлар айнан альтруистик шахснинг хулқида намоён бўлади. Айнан альтруизм ва иродавий сифатлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида И.Чумковнинг “Шахс иродавий сифатларини аниқлаш” методикасини ўтказиб, улар орасидаги интеркорреляцион боғланиш аниқланди:

Жадвал № 1

Альтруизмнинг эмпатия ва иродавий сифатлар ўртасидаги интеркорреляцион боғланишлари

Шкалала р номи	Масъулиятлилик	Ташаббускорлик	Журъатлилик	Мустақиллик	Мағоналилик	Қатъиятлилик	Ғайратлилик	Эътиборлилик	Мақсадга интилувчанлик
Альтруизм	0,59 3***	0,52 6**	0,80 3***	0,57 6**	0,66 2**	- 0,583 **	- 0,420 *	0,278 *	0,832 *

Изоҳ: *** $p < 0.001$, ** $p < 0.01$, * $p < 0.05$

Интеркорреляцион боғланишлар Манн-Уитни мезони орқали топилган:

$$U = (n1 + n2) + nx * (nx + 1) - Tx^2$$

$n1$ – экспериментал гуруҳ синалувчиларининг сони;

$n2$ – назорат гуруҳи синалувчиларининг сони;

Tx – ранглар йиғиндисининг катгаси;

nx – ранглар йиғиндиси катта бўлган гуруҳ иштирокчиларининг сони.

Жадвалдаги натижалар таҳлиliga кўра, альтруизм иродавий сифатларнинг иккита шкаласи билан тескари алоқадалиги аниқланди. Жумладан, альтруизмнинг

катъиятлилилик шкаласи билан корреляция коэффиценти - 0,583 га тенг. Бу шахсда катъиятлилилик даражаси қанчалик юқори бўлса, ундаги альтруистик хулқ-атворга бўлган мойиллик шунчалик паст даражада бўлишини англатади. Ғайратлилилик шкаласи билан корреляция коэффиценти эса - 0,420 га тенг. Бу кўрсаткич ўсмирлардаги ғайратлилилик, шижоатнинг ўта юқорилиги улардаги альтруизмни паст даражада намоён бўлишини кўрсатади. Қолган шкалалар, яъни саккизта шкала билан корреляция коэффиценти орасида ижобий боғланишлар кузатилиб, бу ушбу шкалаларнинг юқори даражада бўлиши альтруизмга мойилликнинг ҳам ортишига таъсир кўрсатишини билдиради.

Масъулиятлилик шкаласи билан альтруизм орасидаги корреляция коэффиценти 0,593 га тенгдир. Бу шахс, жамият ва ёрдамга муҳтож кишилар олдида масъулиятни ҳис этса, альтруистик хулқ-атворни намоён этади деганидир. Бу бевосита кишиларнинг ижтимоий нормалар асосида хатти-ҳаракат содир этиши билан боғлиқ бўлиб, одатда шахснинг ижтимоий “Мен”ини тасдиқлаш эҳтиёжи натижасида юзага келади. Агар бу ҳолатни таълим тизими билан боғласак, талабаларнинг берилган топшириқ ва вазифаларни Масъулият билан бажариши ҳамда курсдошлари олдида тан олинши истегининг қондирилиши билан боғлиқдир.

Ташаббускорлик шкаласи билан альтруизм орасидаги корреляция коэффиценти 0,526 га тенг. Ўсмирлардаги ташаббускорликнинг юқорилиги ҳам бевосита альтруистик хулқ-атворга мойилликни кузатилишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланди. Ташаббускорлик одатда теварак-атрофдаги шароит ҳамда ижтимоий ҳаёт талабларини эпчиллик, моҳирлик билан ҳисобга олиш ва кўпинча келажакни, янгиликни олдиндан кўра билиш қобилияти билан бир вақтда намоён бўлади. Ташаббускор киши шахсий ҳаётида ҳам, ижтимоий фаолиятида ҳам, вазият ва турмуш талабларини ҳисобга ола билади, шу билан бир вақтда ҳам шахсий ҳаётдаги, ҳам жамият ҳаётидаги муаммоларни ҳал қилишда, қўйилган вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этади. Бундай кишиларда ўзгаларга беғараз ёрдам бериш ҳисси ҳам юқори бўлади.

Журъатлилилик шкаласи билан альтруизм орасидаги корреляция коэффиценти 0,803 га тенг. Бу ҳам ўз навбатида, журъатлилиликнинг ортиши альтруизмга мойилликнинг ортишига олиб келишини англатади. Журъатлилилик шубҳа ва иккиланишларни бартараф этиш учун намоён бўладиган иродавий кучдир, қолаверса, ўз вақтида қарор қабул қилиш ҳисобланади. Шундай экан, ўзгалар ёрдамга муҳтож вазиятда зарурий қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш ва жабрланувчиларга беғараз ёрдам бериш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик шкаласи билан альтруизм орасидаги корреляция коэффиценти эса 0,576 га тенг бўлиб, бу ҳам шахсдаги мустақилликнинг юқорилиги, альтруизмга мойилликнинг юқорилигини англатади. Мустақиллик, амалга оширилган ёки амалга оширилмаган иш-ҳаракатлар учун жавобгарлик сезишда кўринади. Жавобгарликни сезиш айни ҳаракатларнинг тўғрилигига, мақсадга мувофиқ эканлигига ва зарурлигига ишонч ҳосил қилиш демакдир. Бу эса шахснинг бирор-бир альтруистик хатти-ҳаракатларни амалга оширишига ундовчи энг муҳим омиллардан биридир. Чунки, шахс ўз хатти-ҳаракатига нисбатан жавобгарликни сеза билса ва мустақил қарорлар қабул қила олсагина, унда альтруистик хатти-ҳаракат элементлари кузатилади.

Матонатлилилик шкаласи билан альтруизм орасидаги корреляция коэффиценти ижобий боғланишга эга бўлиб, 0,662 га тенг эканлиги кузатилди. Матонат қандайдир бир аниқ мақсадни кўзлаб мунтазам равишда иродавий зўр бериш демакдир. Матонат характернинг энг қимматли хислати бўлиб, у альтруистик хатти-ҳаракатларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу хислат кишининг мақсадга етиш йўлида қандай қийинчилик ва тўсқинликлар бўлишидан қатъий назар, шу мақсадга эришишида ўз ифодасини топади. Матонатли кишилар бошлаган ишларини ҳамиша охирига етказа биладилар. Улар ўзларига нисбатан ҳам, бошқа кишиларга нисбатан ҳам талабчан бўладилар. Айнан шу хислат альтруистик хатти-ҳаракатларни содир этишга ҳам тааллуқлидир, яъни матонатли кишилар ўзгаларга беғараз ёрдам берар эканлар бошқалардан ҳам худди шундай ҳаракатларни талаб этадилар.

Эътиборлилилик шкаласи билан альтруизм орасидаги корреляция коэффиценти 0,278 га тенг. Бу шундан далолат берадики, шахсда атроф-муҳит ва яқинларига, бажараётган фаолиятига нисбатан эътиборлилилик даражаси юқори бўлса, унда

альтруизмга мойиллик ҳам юқори бўлади.

Мақсадга интилувчанлик шкаласи билан альтруизм орасидаги корреляция коэффициенти 0,832 га тенг. Бу шахсдаги мақсад сари интилиш даражасининг юқорилиги альтруизмга мойилликнинг юқори бўлишидан дарак беради.

Шахсдаги альтруизмнинг намоён бўлишида иродавий сифатларнинг шаклланганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Чунки, иродавий сифатлар бевосита альтруизмни келтириб чиқарувчи ички омиллар ҳисобланади. Зеро, альтруизм шахснинг ички олами билан боғлиқ бўлган ва унинг ташқи хулқ-атворида намоён бўлувчи ижтимоий, ахлоқий сифатлардан биридир. Кишиларнинг ахлоқий қиёфаси эса иродавий ҳаракатларда, унинг ўзгалар дардини хис эта билишида ҳам намоён бўлади.

Ироданинг ахлоқийлиги деганда одатда киши ўз олдига қандай мақсадлар қўйилганлигини, бу мақсадларга қандай воситалар билан эришилишини, иродавий интилишлар қандай майллар туфайли келиб чиқишини, маълум бир қарорга келишда қандай тамойилларга амал қилишни назарда тутамиз. Иродавий ҳаракатларда кишининг ахлоқий хислатлари намоён бўлса, бу уларнинг маънавий қиёфасини етуқлигидан дарак беради. Шунинг учун иродавий сифатлардан масъулиятлилик, ташаббускорлик, журъатлилик, эътиборлилик, мақсадга интилувчанлик, мустақиллик каби хусусиятларни альтруизмни шаклланишига таъсир этувчи ахлоқий сифатлар қаторига киритиш жоиздир.

Олинган натижалардан ўғил ва қиз болаларда альтруизм шаклланганлиги орасидаги фарқ деярли кузатилмади. Альтруизмнинг намоён бўлишидаги гендер фарқларнинг кўзга ташланмаганлигига сабаб қиз болаларда ҳам, ўғил болаларда ҳам альтруистик хулқ-атвор шаклланган, бироқ уларни альтруистик хатти-ҳаракатларни содир этишга ундовчи омиллар турличадир. Худди шундай вазият Е.П.Ильин бошчилигида ўтказилган тадқиқотларда ҳам кузатилган бўлиб, улар бу вазиятни изоҳлашда қуйидагича ёндашганлар: қиз болаларда бу кўпроқ “ғамхўрона ёрдам бериш” кўринишида бўлади, яъни бу уларнинг бошқаларни шахсий ва ҳиссий эҳтиёжлари ҳақида қайғуриши ҳамда уларга ўз мақсадларига эришишларига ёрдам бериши сифатида намоён бўлади. Ўғил болаларда эса бу “қахрамонлик ёрдами” кўринишида бўлиб, ғайриоддий ва таваккал ҳаракатларни бажариш, ўзларини ҳақиқий қахрамондек тутиш ҳолатларини ўзида мужассам этади. Е.П. Ильин бу каби кўрсаткичнинг асосини оиладаги тарбия услуби ва шахснинг қадриятлар тизими билан боғлаган ҳолда тушунтириб беради.

Хулоса: Шундай қилиб, талабаларда альтруизм шаклланганлигини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар натижалари ҳамда назарий манбалар таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: шахсга йўналтирилган таълим альтруизмни намоён бўлишига таъсир этиб, қатор омиллар билан корреляцияланган. Жумладан:

ахлоқий омиллар: таълимнинг тарбиявий мақсадларида кўзда тутилган умуминсоний қадриятларга мувофиқлик истаги ва ўзгаларга эътиборли бўлиш, ҳар қандай шахсда альтруистик хулқ-атворни намоён қилишга ундайди;

когнитив омиллар: инсонларни яхшироқ билиб олиш, дунёқарашини кенгайтириш, воқеликка нисбатан когнитив муносабат билдириш ёки малака орттириш истаги;

ижтимоий омиллар: гуруҳ аъзосига айланиш ва ижтимоий қўллаб-қувватланиш истаги замирида “жамият учун фойдали” шахсга айланиш эҳтиёжи кондирилади;

шахсий “Мен”ни ҳимоялаш: айбдорлик ҳиссидан қутилиш ёки шахсий муаммолардан қочиш истаги;

ўз-ўзига баҳосини орттириш: шахсий кадр-қиммат ҳиссини ўзгаларнинг эътирофи орқали мустаҳкамлашга интилиш ва ўзига нисбатан ишончли ортиши. Ҳар биримизда “ички манометр” мавжуд бўлиб, ўзимизни қандай баҳолашимиз, ўзимизни қандай ҳис қилаётганимизни, ўзимиздан қониқаётган ёки қониқмаётганимизни аниқлаб беради. Ўз шахсимиздан қониққанлигимизнинг аҳамияти катта. Чунки, ўзига адекват баҳо берадиган талаба бирор қарорга келса, албатта ўзига катта масъулиятни олади. Натижада, талабада ижтимоий масъулият, эмпатия билан бирга альтруистик хулқ ҳам шаклланади.

Бундай қобилиятлар албатта шахсда ўз-ўзидан ривожланмайди, демакки,



талабада ҳам бу жиҳатлар ўз-ўзидан ривожланмайди. Бунинг учун қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:

- талабалар гуруҳида эмоционал муҳитни яхшилаш, талабаларда ижобий установкаларни шакллантириш;

- талабаларда альтруизм, эмпатия, ижтимоий масъулият, иродавий сифатларни шакллантириш механизмларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш;

- талабаларда вазиятга нисбатан масъулият ҳиссини таркиб топтириш лозим. Талабага даққи бериш ёки қатъий талаб қўйиш, уларда айбдорлик ҳиссини шакллантиради, шу боисдан, шахс обрўсини тиклашга бўлган интилишни ортисига хизмат қилувчи топшириқларни қўллаш лозим;

- шахсни альтруизмга ўргатиш мумкин. Ижтимоий маъқулланган хатти-ҳаракатларнинг аҳамиятини шахсий намуна асосида кўрсатиб бериш орқали талабаларни англаган хулқ-атворга ўргатишнинг имкониятлари кенгаёди. Педагог ўзидаги хулқ-атвор орқали талабаларда альтруистик хулқ, яъни ўзгаларга ёрдам бериш, эмпатия ҳисларини шакллантириши даркор;

- агар биз талабалардан альтруистик хулқ-атворни кутадиган бўлсак, муҳим жиҳатни, яъни эзгу ишларни амалга оширишга ундовчи ички мотивацияни унутмаслигимиз керак. Талаба ўз альтруистик хатти-ҳаракатининг ички имкониятлари ва мотивларини тўғри англаб етишига эришиш;

-талабаларда альтруизм, толерантлик, иродавий сифатлар, эмоционал интеллектни шакллантиришга қаратилган махсус тренинг дастурларини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Шахсдаги альтруистик хулқни шакллантиришга қаратилган тренинг машғулотларини ишлаб чиқишда ахлоқий онг, толерантликни таркиб топтириш ва эмоционал ўзини –ўзи бошқариш, эмпатия ҳислари, иродавий сифатларни ривожлантиришга эътибор қаратилса, шахс маънавий оламини қайта қуришга эришилган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар.

Усманова, М. Н., Бафаев, М. М., & Остонов, Ш. Ш. (2014). Симптомы эмоционального выгорания современного педагога. Наука. Мысль: электронный периодический журнал, (10), 23-32.

Останов, Ш. Ш. (2020). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНИК АРТ-ТЕРАПИИ И АРТ-ПЕДАГОГИКИ В РАБОТЕ ПЕДАГОГА-ПСИХОЛОГА. Рекомендовано к печати Ученым советом Института психологии имени ГС Костюка НАПН Украины (Протокол № 64 от 28 декабря 2020), 135.

Nazarov, A. M. (2020). PSYCHOLOGICAL MECHANISM FOR IMPROVEMENT OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION OF SPORTSMEN. Theoretical & Applied Science, (1), 435-438.

Назаров, А. М. (2020). Психологическая защита личности в спортивной деятельности “Психология XXI столетия”. Выпуск, 1, 97-99.

Останов, Ш. Ш. (2020). Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантириш. Психология. Илмий журнал.–Бухоро, (2), 175-184.

Olimov, L. Y. (2020). Umumiy psixodiagnostika. “Durdona” nashriyoti. Buxoro.

Рустамов, Ш. Ш. (2022). О формировании математической компетентности практический психологов. Science and Education, 3(2), 1359-1366.

Rustamov, S. (2021). ОСОБЕННОСТИ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРАКТИЧЕСКИЙ ПСИХОЛГОВ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 8(8).

Ахмадов, Н. Р. (2022). Психологические механизмы реабилитации процесса дезадаптации у подростков. Science and Education, 3(4), 1271-1277.

HARBIY RAHBARLIGIGA NOMZOD KADRLARNING KASB PROFESSIOGRAMMASINI YARATISHNING ILMIIY ASOSLARI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.017>

Shermatov Fayzullo Toshfillayevich,

O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy insituti boshlig'ining o'rinbosari, psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), podpolkovnik

Annotatsiya: Mazkur ilmiy maqolada muallifning xizmat tajribasiga tayangan holda olib borilgan izlanishlar chuqur taxlil etilib, harbiy rahbarlikka nomzod kadrlarni tanlash va saralash asosiy e'tibor shaxsning individual psixologik xususiyatlari o'rganish va harbiy jamoani boshqarish bo'yicha amaliy ko'nikma va malakalarini shakllanganligi yuzasidan fikrlar atroficha o'rganib chiqilib, nomzolarni lavozimlarga tayinlashning o'ziga xos jihatlari bo'yicha ilmiy asoslangan holda takif va tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: Nomzod, rahbar, imij, korreksiyalash, tanqislik nazariyasi, neyrolingvistik dastur – «NLD» (NLP – NLP), Public Relations (ommaviy aloqalar) «PR» texnologiya, semiotika, kasb professiogrammasi, modulli yondashuv, ekspertli baholash, kasbiy va shaxsiy sifatlar.

НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ КАНДИДАТОВ В ВОЕННЫЕ РУКОВОДИТЕЛИ

Шерматов Файзулло Тоштилаевич,

Информации и связи Министерства обороны Республики Узбекистан заместитель Военного института технологий и коммуникаций, доктора философии (PhD) по психологическим наукам, подполковника

Аннотация: В данной научной статье подробно анализируется исследование, проведенное на основе опыта службы автора, при отборе и отборе кандидатов на военное руководство основной упор делается на изучение индивидуально-психологических особенностей и формирование практических навыков и квалификаций для управления военным сообществом, мнения тщательно изучаются, и на.

Ключевые слова: Кандидат, Лидер, имидж, коррекция, теория дефицитов, нейролингвистическая программа – «НЛД» (NLP – NLP), Связи с общественностью (Public Relations), технология «PR», семиотика, профессиональная программа, модульный подход, экспертная оценка, профессиональные и личностные качества.

SCIENTIFIC BASES OF PROFESSIONAL TRAINING OF CANDIDATES FOR MILITARY LEADERSHIP

Shermatov Fayzullo Toshfillayevich,

Information and communication of the Ministry of Defense of the Republic of Uzbekistan deputy of the head of The Military institute of information communication technologies and signals doctor of philosophy (PhD) on psychological sciences, lieutenant colonel

Annotation: In this scientific article, the research carried out based on the author's experience of Service is analyzed in depth, the selection and selection of candidates for military leadership the main emphasis is on the study of individual psychological characteristics and the formation of practical skills and qualifications for the management of the military community, the opinions are thoroughly studied, and on the.

Keywords: Candidate, Leader, image, correction, deficits theory, neurolinguistic program – «NLD» (NLP – NLP), Public Relations (Public Relations) «PR» technology, semiotics, professional program, modular approach, expert assessment, professional and personal qualities.

Professiogramma deganda, biror kasbning ijtimoiy-iqtisodiy, ishlab chiqarish va texnik, sanitariya-gigiyena, psixologik va boshqa xususiyatlarini bayon etish tushuniladi. Professiogramma faqatgina kasb yoki mutaxassislikka qo'yiluvchi talablarnigina emas, balki ish joylariga bo'lgan talablarni ishlab chiqishga ham imkon beradi. Professiogrammani yaratish juda mashaqqatli ish bo'lib, bu tadbirga sarflanadigan vaqt, xarajatlar olinadigan natija, maqsad qanchalik muhimligi bilan belgilanadi. [1, 42-51 b.]

Bunday profессиogrammalardan quyidagi sohalarda foydalaniladi: (1) Mavjud ish o'rinlari, xususan boshqaruvga kadrlarni tanlashda; (2) Mehnat sharoitlarining sanitariya-gigiyena jihatlarini mukammallashtirishda hamda mehnat va dam olishni to'g'ri rejalashtirishda; (3) Mehnat xavfsizligini yaxshilash;

(4) Kadrlar turg'unligini ta'minlashda; (5) Jamoadagi ijtimoiy-psixologik muammolarni hal etishda; (6) Xizamt samaradorligini oshirishda.

Umuman olganda, profессиogramma – u yoki bu kasbga qo'yiladigan talablardan kelib chiquvchi shaxsga xos bilim, ko'nikama va malakalarning uyg'unlashgan yig'indisidir.

Rahbarlarga qo'yiluvchi talablar asosida yaratiluvchi profессиogrammalar haqida gapirar ekan M.Qurbonov ta'kidlaydiki – «Muayyan lavozim profессиogrammasi – ushbu lavozim egasi qanday bo'lishi kerak?, – degan savolga javoblar yig'indisidir». [2, 42-51 b.]

Odatda kasb profессиogrammalari ishlab chiqishda turli yondashuvlar bo'lib, ular muayyan maqsadlardan kelib chiqqan holda tuziladi. Masalan, yoshlar orasida kasbga layoqatli nomzodlarni aniqlashda asosiy mezon – kasbiy tarbiyaga moyillik bo'lsa, malakali mutaxassis uchun esa boshqa profессиogramma, ya'ni uning mustaqil ishlay olish layoqati aniqlanadi. Hozirgi vaqtda amaliy boshqaruv sohasida profессиogrammalar yaratishga modulli yondashuv va kasb xislatlarini ekspertli baholash yondashuvlari mavjud. [3, 42-51 b.] Modulli yondashuv – biron yo'nalish yoki soha kasblariga nisbatan umumiy, universal xislatlar majmuasini ishlab chiqish bilan bog'liq bo'lib, kishining bir kasbdan ikkinchi kasbga o'tishi imkoniyatlariga oid ma'lumotlar berishi mumkin. Aynan bir kasb yoki ish o'rniga taalluqli xislatlar majmuasini aniqlashda esa ekspertli baholash uslubidan foydalaniladi. Kasb talablari asosida ishlab chiqilgan profессиogramma nomzodni ishga qabul qilishda asos bo'lib xizmat qiladi. Odatda nomzodning profессиogramma talablariga qanchalik mos kelishini aniqlash maqsadida, turli xil psixologik va kasbiy testlardan foydalaniladi, suhbat o'tkaziladi hamda nomzod shaxsi haqida ma'lumotlar yig'iladi. Har bir olinayotgan ma'lumot asosida, avvalambor, profессиogramma mezonlari yotadi va ushbu ma'lumotlar shu mezonlarga maksimal darajada mos kelishi nomzodni ishga qabul qilish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Nomzodni xizmat joyiga, kasbga mosligini tekshirish uslublaridan yana biri xizmat joyida tekshirib ko'rishdir. Bu nisbatan arzon va bevosita axborot beruvchi tadbir bo'lib, malakali ekspert-mutaxassislar ishtirokida o'tkazilishi lozim. Umuman olganda, nomzodni o'rganish jarayoni har tomonlama va ko'p pog'onali bo'lgani ma'qul.

Hozirgi kunga kelib muassasalarda deyarli hamma mavjud mutaxassisliklar bo'yicha xizmat talablari, lavozimdan kelib chiquvchi vazifalar majmuasi va yo'riqnomalar ishlab chiqilgan hamda yangi xodim shu talablarga mos kelishi asosida ishga qabul qilinadi.

Yuqorida aytilganidek, bunday profессиogrammalar ba'zi bir kasb va ish o'rinlariga allaqachon ishlab chiqilgan va doimiy tarzda takomillashtirib boradi.

hatto boshqaruv sohalarida ham rahbarlar professiogrammasini yaratish kabi ilg'or g'oyalar Respublikamiz olimlari tomonidan ko'tarilib kelyapti va ularning asoslari yaratilayapti.

Misol uchun iqtisodchi mutaxassislar professiogrammasini yaratishda mavjud namunalardan foydalanish o'rinlidir. Mana shu sohadagi izlanishlar qatoriga

Respublikamiz olimlari tomonidan yaratilgan manbalarga murojaat etish mumkin. Kadrlarni baholash sohasidagi tadqiqotchilar Sh.Qurbonov, E.Seytxalilov va I.Majidov muallifligida yaratilgan rahbarlik xislatlarini baholash so'rovnomasida keltirilgan mezonlar va ko'rsatkichlar «Rahbar professiogrammasi»ni yaratishda ancha qulaylik tug'diradi. Malakali rahbarlikni baholash ko'rsatkichlari sifatida shaxs xislatlarining quyidagi majmui beriladi: (a) shaxsning liderlik xislati; (b) o'zgalarning ishini takomillashtirish va boshqarish; (v) tijorat va mijozlarga oid masalalarni hal etish qobiliyati; (g) natijalarni qo'lga kiritish: vazifalarni bajarish; (d) kommunikatsiya; (e) muammolarni hal etish va qaror qabul qilish; (j) yangiliklarni joriy etish va takomillashtirish yo'lidagi o'zgarishlarni boshqarish; (z) o'z-o'zini boshqarish xislatlari.

Mutaxassislar Ye.Romanova va G.Suvorovalarning ta'kidlashicha, kasb professiogrammalarini ishlab chiqish va talabalarni ushbu professiogrammaga moslik darajalarini diagnostika etish tadbirlari har bir bo'lajak mutaxassisning kasbga oid qobiliyatini aniqlash va hatto ularni ishga taqsimlash jarayonida qo'l kelishi mumkin.

Professiogrammalarni yaratish borasida mavjud tajribalarga asoslangan holda Rossiyalik psixologlar (jumladan, A.Markova) [4, 42-51 b.] "vazifaga asoslangan shaxsiy" yondashuv pozitsiyasida turib ilmiy izlanishlar olib borishadi. Ushbu yondashuvning ijobiy va ilmiy ahamiyatli tomoni shundan iboratki, kasb faoliyati davomida vazifani samarali tarzda bajarish imkonini beruvchi shaxs sifatlari alohida qayd etib o'tiladi va bu sifatlarni yanada mukammallashtirish imkoniyatlari belgilanadi. Bunda shaxsning kasbga moyillik jihatlarini tadqiq etishda chegaralangan ro'yxatdan iborat shaxs xislatlari, balki insonga xos bo'lgan yondashuvda ushbu sifatlarni insonning yanada yuksak tizimlari –individual ish yuritish uslubi ham inobatga olinadi. Boshqaruvni muvaffaqiyatli olib boruvchi shaxs sifatlari haqida gapirilar ekan "vazifaga asoslangan shaxsiy" vatanparvarlik qadriyatlarini, e'tiqodi sohalari bilan uyg'unlashtirilgani holda talqin etiladi. Bunday metodologik yondashuvning afzalligi shundan iboratki, ayni kasbni muvaffaqiyatli bajarish (boshqarish)ga deyarli har bir inson moyil deb qaraladi, insonning biron kasb doirasidagi individual uslubi va yondashuvi ustuvor masala deb qo'yiladi.

Turli kasb egalarining o'z faoliyat sohalarida samarali mehnat qilishlari uchun zarur xislatlarni shakllantirish borasidagi psixologik maslahatlar, kadrlarni boshqaruv mahoratlariga o'qitish tajribamiz ko'rsatishicha chet eldagi ilg'or psixologik-pedagogik texnologiyalar milliy mentalitetimiz va hududimizdan kelib chiquvchi ijtimoiy muhitga moslashtirilishi zarur. Lekin turli ta'lim va psixologik ko'mak yondashuvlari orasida eng universal va turli millat vakillari uchun samarali hisoblanuvchi uslublardan biri – shaxsning o'z qadriyatlarini sohasini, e'tiqodini va hayot mazmunini anglashiga yo'naltirilgan psixologik tadbirlardir. Xususan, Germaniyalik mashhur psixolog va olim F.Frankl ishlab chiqqan Logoterapiya uslubi insonning hayot yo'lini haqqoniy tarzda aniqlash, tanlagan yo'lining (shu jumladan kasb sohasini ham) qanchalik oqil ekanligini anglash imkonini beradi. Bunday yo'nalishda tashkil etilgan "ichki ish" shaxsning o'z hayot yo'lini puxta tahlil etishga, o'z o'tmishi va tanlagan yo'lini chuqur baholashga va o'z kelajagiga bo'lgan intilish uchun kuchli motivatsiya yaratishga asos bo'ladi. Shaxsning e'tiqodi va qadriyatlarini sohasini aniqlashtirish va zarur bo'lsa o'zgartirishlar kiritish uslubiga asoslangan psixologik yondashuv, milliy g'urur va qadriyatlarimizni shaxs ongida yanada oydinlashuviga, mavjud milliy qadriyatlarni individual qadriyatlarini bilan uyg'unlashtirishga imkon yaratadi.

Noyob mutaxassislarga oid shaxsiy va professional sifatlarni rivoj toptirish maxsus treninglar hamda kasbiy maslahatlashuv tadbirlari orqali tashkil etiladi.

Malakali psixolog-pedagoglar tomonidan yaratilgan maxsus diagnostik hamda korreksion dasturlar yordamida tashkil etilgan bunday uchrashuv va mashg'ulotlar, mutaxassislar ongida yetuk professional shaxs haqida tasavvur uyg'otishi bilan bir qatorda kasbiy mahoratga erishish motivatsiyasini yanada rivojlantirish fenomenini paydo qiladi.

O'ylashimizcha, zamonaviy psixologiya fanining yutuqlari va mavjud psixotexnologiyalar bilan qurollangan malakali psixologlar komandasi nazarda tutilgan maqsad va natijalarni qo'lga kiritadilar.

Ma'muriy boshqaruv organi rahbari professiogrammalarini yaratishda mamlakatimiz tadqiqotchilari chet el psixologiya olamida kuchli taraqqiy etgan kasb psixologiyasi va Rossiyada jadal sur'atlarda rivojini topayotgan «Akmeologiya» faniga oid oxirgi yutuqlardan foydalanadilar. Bu yo'nalishdagi tadqiqot ishlari hozirga kelib Rossiya davlat xizmati Akademiyasi (RAGS) hamda Rossiya psixologlar jamiyati (RPO) a'zolaridan A.Derkach, M.Sekach, O.Pravilova, A.Bodalev, O.Anisimov, V.Markov, Yu.Sinyagin, V.Agapov, Ye.Selezneva, A.Anisimov, A.Finashin, A.Jarinov va boshqalar tomonidan jadal sur'atlarda olib borilmoqda. Xususan, professiogramma yaratishda mutaxassis psixogrammasini ishlab chiqish va shaxsning ayni kasbni samarali boshqarishi uchun qanday shaxsiy sifatlarga va psixofiziologik xususiyatlarga ega bo'lishi haqidagi tamoyillarning mavjudligi ushbu yo'nalishdagi ishlar chet elda qanchalik ilg'orlab ketganligi va mavzuning o'zi ham dolzarbligidan dalolat beradi. Chet el psixologiyasida har bir inson o'zi uchun maqbul kasb tanlashi va tanlagan yo'lida uzluksiz mahoratga intilishini ta'minlash yuzasidan ham qator tadbirlar tashkil etilgan. Masalan, hozirgi paytda kasbiy mahoratni ta'minlash bo'yicha yondashuvlarda hatto "kasbiy o'z-o'zini anglash", "professional mentalitet" degan iboralar ham keng ishlatilmoqda.

Kasbni muvaffaqiyatli amalga oshirishga taalluqli shaxs xislatlari haqida gapirar ekanmiz, avvalambor, muayyan kasb bo'yicha ishlab chiqilgan talablarni albatta inobatga olishimiz kerak. Kasb talablariga mos kelish darajasini aniqlashning eng oddiy va sodda usuli sinov vaziyatlarini yuzaga keltirish, nomzodni xizmat joyida sinab ko'rishdir. Lekin bu uslubning bir necha kamchiliklari mavjud: [Birinchidan], ma'lumki, xizmat samaradorligi o'zining yuqori darajasiga ko'tarilishi uchun mutaxassis yangi xizmat joyiga yaxshi ko'nikishi lozim, ya'ni adaptatsiya jarayoni to'la ravishda amalga oshishi kerak. Aks holda, xodimga yangi xizmat joyidagi o'zlashtirilmagan shart-sharoitlar xalaqit berishi mumkin. [Ikkinchidan], insonni o'rganuvchi har qanday fanlardan ma'lumki, inson sinov vaziyatida kuzatuv ostida bo'lar ekan, uning xizmat ko'rsatkichlari sezilarli ravishda o'zgaradi. Bu o'zgarish ijobiy tomonga ham, salbiy tomonga ham bo'lishi mumkin.

Harbiy faoliyat natijalarini tahlil etish va uning boshqarish tizimini o'rganish asosida harbiy boshqaruv samaradorligini oshirish bo'yicha quyidagi tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish maqsadga muvofiq bo'ladi: [1] Boshqarish tizimini takomillashtirish. Uni maksimal darajada soddalashtirish, undagi ko'p faoliyatlarni markazdan joylarga berish, malaka va shaxsiy sifatlarini inobatga olib rahbarlar vakolatlarini aniq belgilash va boshqalar. [2] Sohaning rivojlanish strategiyasini ishlab chiqish. Ushbu tadbir sohaning kuchli va bo'sh tomonlarini tahlil etish asosida hamda uning barcha funksional sohalarini o'z ichiga oluvchi siyosati va falsafasini ishlab chiqish orqali amalga oshiriladi. [3] Bo'g'inlar, bo'limlar va mas'ul xodimlar o'rtasiga samarali axborot-kommunikatsiya aloqalarini ta'minlovchi axborot tizimini ishlab chiqish. Rag'batlantirish mexanizmi, boshqarish tartib-qoidalari va qaror qabul qilish tizimlarini takomillashtirish.

[4] Rahbar va xodimlarni muntazam o'qitish, tayyorlash va qayta tayyorlash orqali ularning malakasini oshirish borish, ularda ishga ijodiy yondashish, yangilikka

intilish, izlanish, tashabbuskorlik, omilkorlik va uddaburonlik ko'nikmalarini rivojlantirish. [5] Rahbar kadrlarni tanlash, joy-joyiga qo'yish va yangilash tizimini takomillashtirish. Buning uchun ularni o'qitish, baholash va lavozim bo'yicha o'tgazish (ko'tarish) tizimini ishlab chiqish, rahbarlar lavozim (mansab)larini rejalashtirish. Bo'linmaga ta'sir etuvchi ichki va tashqi omillarga mos bo'lgan rahbarlik uslublarini (avtokratik, demokratik, liberal va partisipativ) qo'llash.


[6] O'z bo'ysunuvchilari tarkibini ishchanlik qobiliyatlari va moslashuvchanlik xususiyatlari bo'yicha shakllantirish, ularni baholash va tanlashning eng samarali usullarini qo'llash asosida tashkilotda qulay ijtimoiy-psixologik muhitni yaratish.

[7] Barcha rahbarlar va xodimlar tomonidan tan olinuvchi va qo'llab-quvvatlanuvchi birgalikdagi qadr-qimmatlarni ishlab chiqish asosida tashkilot madaniyatini sabot bilan shakllantirish. [5, 42-51 b.]

O'tkazilgan emperik tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, yosh rahbar kadrlarda ekstremal vaziyatlarda tezkor qaror qabul qilish, muammolarni yechishga tanqidiy yondoshish, ijtimoiy qo'llab quvvatlanishni qidirish yoki muammodan qochish ko'rsatkichlari bo'yicha taxlilij natijalari Student mezoni asosida taxlil etilib statistik natijalar jadvalda to'liq yoritib o'tilgan.

jadval

Koping indikator so'rovnomasi umumiy o'rtacha ko'rsatkichlari (Studentning t-mezoni bo'yicha)



Yosh rahbarlarning coping indikator ko'rsatkichi bo'yicha umumiy o'rtacha koeffitsiyenti birinchi shkala bo'yicha muammoni yecha olish

28,58 miqdor bilan o'рта darajani tashkil etganligini ko'rish mumkin. Ya'ni kursantlarda qo'yilgan vazifani bajara olish darajasi o'рта ekanligi, ularda ma'lum bir vazifani bajarganda, ular mustaqil hal eta olish imkoniyatiga ega ekanligini ko'rsatgan. Ikkinchi shkala bo'yicha ijtimoiy qo'llab-quvvatlashni qidirish ham o'рта darajada 19,96 qiymatni namoyon qilganligi, yosh rahbarlar insonlar bilan munosabatlarni amalga oshirishi jarayonida atrofdagi insonlardan yordam olish darajasi to'laqonli boshqalarga suyanib qolmasligidan dalolat beradi. Uchinchi shkala bo'yicha muammodan qochish 19,38 nisbatni qayd etganligi va bu natija standart me'yorga ko'ra, o'рта darajani ko'rsatishi, ular hayotiy qiyinchiliklar va vaziyatlardan qochishga o'zlarida barqaror immunitetni hosil qilganligini anglatishi bilan alohida xarakterlanadi. To'rtinchi shkala bo'yicha yosh rahbarlarning samimiylik ya'ni, tanqidiy tafakkurning rivojlanganligi shkalasi natijalari 20,36 natija bilan umumiy o'rtacha miqdorni tashkil qilgan. Bu esa shuni ko'rsatadiki, berilgan so'rovnomani mazmun-mohiyatini to'g'ri ravishda anglab yeta olgan va so'rovnomani ishlash jarayonida berilgan mulohazalarga nisbatan o'рта darajada o'zlarining holatini ob'ektiv tarzda baholaganlar.

Xulosa qilib aytganda, rahbar qiyofasi, imij so'zining ifodasi sifatida namoyon

bo‘lar ekan, bu boradagi turli xil ta’riflarni keltirish, ularni tahlil qilish va o‘rganish uning yanada chuqurroq mohiyatini anglab yetish hamda ushbu mazmunda teran fikr yuritishga undaydi. Psixologiyaning turli xil yo‘nalish tarafdorlari imijni shakllantirish borasida o‘zlarining qator tamoyillarini yaratadilar. Yana bir qator mualliflar imijni shakllantirishni neyrolingvistik dastur (NLD) asosida ishlab chiqishni taklif etadilar. NLD uslubidan, asosan, shaxsiy “resurs”larni ochishda foydalanish kerak. Marketing psixologiyasida “imijni boshqarish” tamoyili tushunchasi mavjud bo‘lib, yuz yillar oldin G‘arbda ishlab chiqarishdagi jamoaning psixologiyasini boshqarish strategiyasini yaratishni boshlaganlar.

Rahbarning imiji to‘g‘risidagi tasavvur munosabatlardagi guruhga ularga yetib kelgan ma’lumot asosida yaratiladi va ongiga singadi. Ushbu “PR” tamoyilining muallifi, deb amerikalik tadqiqotchi A.Lini hisoblash mumkin. Public Relations (ommaviy aloqalar) bugungi kunda murakkab mexanizm bo‘lib, uning o‘nlab yo‘nalishlari mavjud: public affairs – kompaniyaning davlat va jamoat tashkilotlari bilan aloqalari, image making – kompaniya rahbarining ijobiy (pozitiv) imijini yaratish, media relations – OAV bilan aloqalar, message management – ta’sirni boshqarish, communications – kadrlar bilan ishlash va boshqalar. Bularni hammasi PR texnologiyalarining empirik yo‘l bilan rivojlanayotganligini ko‘rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

Hayitov O.E. Lavozimga da’vogar imijini ijtimoiy-psixologik jihatdan shakllantirish va rivojlantirish bosqichlari / Ta’lim menejmenti. – 2008. – №6.

Praktikum po injenernoy psixologii i psixologii truda / Pod red. A.A.Krilova. – L., 1983.

Qurbonov M. Rahbarlik lavozimlari professiogrammalari haqida. Rahbar va xodim. – T.: Akademiya, 1998. – 148b.

Praktikum po psixologii professionalnoy deyatelnosti i menedjmenta. Pod red.M.A.Dmitriyeva, M.V. Snetkova. – SPb., Piter, 2001. – S. 12.

Romanova Ye.S., Suvorova G.A. Psixologicheskiye osnovy professiografii. – M.: MPGU im.V.I.Lenina, 1990. – 182 s.

Markova A.K. Psixologiya professionalizma. – M.: “Znaniye”, 1996. – 308 s.

O‘SMIRLARDAGI EMOTSIONAL ZO‘RIQISHLAR MUAMMOSINING NAZARIY ASOSLARI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.016>

Ismatova Dilafruz Tuymuratovna,
Buxoro davlat universiteti, Psixologiya kafedrası o‘qituvchisi
<https://orcid.org/0000-0002-1287-1116>

Annotatsiya: Ushbu maqolada o‘smirlardagi emotsional zo‘riqishlar muammosining nazariy sohasida olib borilgan izlanishlar asosida to‘plangan ma‘lumotlarga tayangan holda ilmiy mushohada yuritilgan bo‘lib, asosan xorij psixolog olimlarining bu boradagi psixologik qarashlari o‘rtasidagi aloqadorlik tahlil qilinadi, muammoni o‘rganishga oid tadqiqot metodi asosida olingan natijalar bo‘yicha xulosa beriladi.

Kalit so‘zlar: stress, distress, koping xulq-atvor, koping strategiya, yenga olish, himoya mexanizmi, mafkuraviy muhofaza

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРОБЛЕМЫ ЭМОЦИОНАЛЬНОГО НАПРЯЖЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ

Исмадова Дилафруз Туьмуратовна,
Бухарский государственный университет, Преподаватель кафедры
психологии

Аннотация: Данная статья представляет собой научное наблюдение, основанное на данных, собранных на основе исследований в теоретической области проблемы эмоциональной напряженности у подростков, в основном анализируется взаимосвязь психологических взглядов зарубежных психологов на этот вопрос, на изучение проблемы. заключение делается по результатам, полученным на основании соответствующего метода исследования.

Ключевые слова: стресс, дистресс, копинг-поведение, копинг-стратегия, копинг, защитный механизм, идеологическая защита.

THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE PROBLEM OF EMOTIONAL STRESS IN ADOLESCENTS

Ismatova Dilafruz Tuymuratovna
Bukhara State University, Teacher of the Department of psychology

Abstract: This article is a scientific observation based on data collected on the basis of research in the theoretical field of the problem of emotional tension in adolescents, it mainly analyzes the relationship between the psychological views of foreign psychologists on this issue, on the study of the problem. the conclusion is made on the basis of the results obtained on the basis of the relevant research method.

Key words: stress, distress, coping behavior, coping strategy, coping, defense mechanism, ideological defense.

Kirish: Jahon ta‘lim tizimida bugungi kunda yuqori malakali raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash masalasiga alohida e‘tibor berib kelinmoqda. Hozirgi globallashuv davrida oliy ta‘lim tizimining asosiy maqsadi talabalarga yangi innovatsion muhit talablari asosida bilim berish, ulardagi o‘zini o‘zi rivojlantirishga bo‘lgan ijtimoiy-psixologik omillarni rivojlantirish va shu yo‘l bilan ulardagi irodaviy mexanizmlarni takomillashtirib borishdan iborat bo‘lib qolmoqda.

Butun dunyoda rivojlanib borayotgan ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlar, urbanizatsiya jarayonlari, shaharlarda aholi sonining ko‘payishi, globallashuv bilan bog‘liq turli

xil axborotlar insondagi hissiy zo'riqishlarning oshishida, shuningdek, insonning o'z harakatlarini boshqarish, ularning rivojlanishini idora qilishda xulq-atvor shakllari o'rtasida muvozanatni o'rnatishda o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. Bu jarayon, ayrim talaba-yoshlarning qo'zg'aluvchanlik, impulsivlik, o'z hatti-harakatlarini idora qila olmaslik bilan ajralib turadigan tajovuzkor harakatlarini sodir etishda yaqqol kuzatilmoqda. Demak, talaba-yoshlardagi o'zini o'zi idora qilish bilan bog'liq psixologik mexanizmlarni tadqiq qilishga bo'lgan ehtiyojlar tobora ortib bormoqda chunki, insonning o'z holatini nazorat qila olishi, turli vaziyatlarda o'z-o'zini boshqara olishi uning shaxs sifatidagi ijtimoiy-psixologik istiqbollarini belgillashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Muammoning dolzarbligi mazkur tadqiqot yuzasidan talaba-yoshlardagi o'zini o'zi idora qilish bilan bog'liq tadqiqotlarning yetarli darajada olib borilmaganligi bilan belgilanadi

Binobarin, psixologik va pedagogik adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatdiki, bugungi kunda shaxsning o'zini o'zi idora qilish muammosiga bag'ishlangan ilmiy ishlar yetarlicha tadqiq qilinmagan. Shunday bo'lsada mazkur muammoning muayyan jihatlari taniqli rus olimlari tomonidan tadqiq qilingan. Jumladan, psixik holatlarda o'zini o'zi idora qilishning nazariy-metodologik jihatlari V.S.Agavelyan, G.Sh.Gabdreeva, V.A.Ganzen, B.V.Zeygarnik, O.A.Konopkin, N.D.Levitov, G.S.Nikiforov, N.M.Peysaxov, A.O.Proxorov, Yu.E.Sosnovikova, Yu.I.Filimonenko, I.I.Chesnokova; o'quv jarayonida talaba va o'qituvchilarning psixik holatlari G.N.Gening, A.V. Plexanov, A.F. Safarova; kasbiy faoliyatda, ekstremal vaziyatlarda sub'ektning o'zini o'zi idora qilish bilan bog'liq jihatlari B.A. Vyatkin, Yu.A. Golikov, L.G. Dikaya, A.N.Kostin, A.B.Leonova, V.I.Melnikov, I.X. Mirziev; kadrlarni tayorlash va ish joyidagi stressli vaziyatlarni bartaraf etish maqsadida o'zini o'zi idora qilish bilan bog'liq jihatlari; G.S.Nikiforov, T.S.Chuykova; o'zini o'zi idora qilishning muhim usul va tamoyillari bilan bog'liq jihatlari, Ye.M. Konoz, V.I. Morosanova; o'zini o'zi idora qilishning yosh muammosi bilan bog'liq jihatlari G.Sh.Gabdreeva, Yu.A.Mislavskiy, A.K.Osniskiy, A.O.Proxorov o'ziga xos ilmiy uslublarda talqin qilinadi.

Bugungi kunda shaxsning o'zini o'zi idora qilish muammosini tadqiq qilish bo'yicha mukammal tadqiqotlarning taqchilligi yaqqol sezilmoqda. Bu esa mazkur muammoga oid o'ziga xos ijtimoiy-psixologik mexanizmlarni yanada chuqurroq o'rganishni taqazo etadi.

O'zbek olimlaridan E.G.G'oziev, G.B.Shoumarov, Sh.R.Baratov, Z.R.Ibodullaev, V.M.Karimova, A.M.Jabborov, Z.T.Nishonova, N.S.Safоеv, D.G.Muxamedova, R.S.Samarov, E.M.Muxtorov, N.I.Xalilova, R.I.Sunnatova, X.A.Ruxieva, F.I.Haydarov singari olimlar o'zini o'zi idora qilish muammosining muayyan jabhasi bo'yicha tegishli ilmiy mulohazalar yuritishgan. Biroq, yuqoridagi ilmiy izlanishlarda aynan talabalik davrida namoyon bo'luvchi o'zini o'zi idora qilish muammosi maxsus tadqiqot predmeti sifatida o'rganilmagan.

Metodika:

1) "Shaxs irodaviy sifatlarini o'rganish" metodikasining modifikatsion varianti (V.M.Chumakov tomonidan ishlab chiqilgan);

2) "Emotsional holatlarda o'zini o'zi nazorat qilish metodikasi" (G.S.Nikiforov, V.K.Vasilev va S.V.Firsovalar tomonidan ishlab chiqilgan);

3) Shaxsdagi refleksivlikni o'rganish metodikasi (A.V.Karpova tomonidan ishlab chiqilgan);

4) Talaba-yoshlarda o'zini o'zi idora qilish jarayonini o'rganishga mo'ljallangan ijtimoiy-psixologik so'rovnomasi (Sh.Baratov, J.Ramazonov).

Ma'lumki, ijtimoiy psixologiya fanida aynan o'smirlardagi emotsional zo'riqishlar, ulardagi ruhiy asab barqarorligi hamda xulq-atvor muammosiga bag'ishlangan va uning barcha yo'nalishlarini batafsil o'rganishga mo'ljallangan

ilmiy adabiyotlar yetarli bo'lmasa-da, bugungi kunda fan olamida va jamiyat taraqqiyotida o'smirlardagi emotsional zo'riqishlar muammosining zarurligini ko'rsata oluvchi va uning metodologik ildizlarini asoslab bera oluvchi ilmiy tadqiqotlarni alohida qayd etish mumkin.

Mazkur adabiyotlarni tahlil qilar ekanmiz, ulardagi koping xulq-atvor metodologiyasiga taalluqli bo'lgan ba'zi umumiy jihatlarni ijtimoiy psixologiya fani nuqtai nazaridan tadqiq qilishimizga to'g'ri keladi.

Inson hayoti va faoliyatidagi ekstremal sharoitlar ta'siri ostida rivojlanadigan eng xarakterli emotsional holat bu stressdir. Stress o'z tabiatiga ko'ra murakkab bo'lib, shaxslilik, psixofiziologik, va ijtimoiy jabhalarga egadir. stressli vaziyatlarga qarshilik ko'rsatishning samarali strategiyalarini izlashga yo'naltirilgan tadqiqotlar bugungi kunda o'ta dolzarb hisoblanadi. Stressli vaziyatlarni muvaffaqiyatli yengish va uning salbiy ta'sirini minimum darajasiga olib tushish har bir insonning muhim ko'nikmalaridan biri deb e'tirof etiladi.

Hozirgi davrda o'smirlarni emotsional holatlarini o'ziga xos xususiyatlari, qonuniyatlari, xatti-harakat motivlarining ifodalanishi va vujudga kelishining murakkab mexanizmlari mavjud. Hozirgi kunda o'smirlar taqdiri masalasi ham g'oyat jiddiy tus oldi. O'smirlik davri taqlidchanligi, muhim nuqtai-nazarning shakllanmaganligi, hissiyotlilik, mardligi, tantiligi bilan farqlanadi. Shuning uchun tashqi ta'sirlarga beriluvchan o'smir o'g'il-qizlarga alohida e'tibor berish zarur.

Fan va texnika rivojlanishi natijasida madaniyat, san'at va adabiyot, ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoitlarning o'zgarayotgani, ommaviy axborot ko'lamining kengayishi tufayli o'smirlar ongliligi darajasini ko'tarilgani, o'g'il va qizlarning dunyo voqealaridan, tabiat va jamiyat qonunlaridan yetarli darajada xabardorligi o'smir shaxsi rivojlanishida katta o'zgarishlar yuz berayotganidan dalolatdir. O'smirlar bilan ishlashda g'oyaviy-siyosiy, vatanparvarlik va baynalminal tarbiyaga alohida yondashish zarurligi, oshkoralik, ijtimoiy adolat, demokratiya muammolarining ijtimoiy hayotga chuqur kirib borayotgani kabi omillar o'smirlar muammosiga alohida e'tibor qaratishni taqozo etadi. Ularning jismoniy va aqliy kamoloti jadallashgani, o'quvchilar uchun mustaqil bilim olish, ijodiy fikr yuritish, o'zini o'zi boshqarish, anglash, baholash va nazorat qilishga keng imkoniyat yaratilgani o'smir shaxsi shakllanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

O'smirlik yoshida bolalikdan kattalik holatiga ko'chish jarayoni sodir bo'ladi. O'smirda psixik jarayonlar keskin o'zgarishi bilan nafaqat aqliy faoliyatiga balki, emotsional holatlarida ham o'zgarishlar seziladi. Shuning uchun shaxslararo munosabatlarda, kattalar bilan o'smirlarning muomalasida qat'iy o'zgarishlar vujudga keladi. Bu o'zgarishlar jarayonida qiyinchiliklar tug'iladi. Uning o'z qadr-qimmatini haqidagi tasavvuri, narsa va hodisalarga munosabati oqilonalikdan uzoqlasha boshlaydi, u ayrim ma'lumotlarni tushuntirib berishni yoqtirmaydigan bo'lib qoladi. Serzardalik kundalik xatti-harakatining ajralmas qismiga aylanadi. O'smir xulqidagi bunday o'zgarishlar tajribasiz o'qituvchi yoki ota-onani qattiq tashvishga soladi, asabiylashtiradi va ularning o'quvchiga munosabatini o'zgartiradi. Natijada kelishmovchiliklar, anglashilmovchiliklar, nizolar kelib chiqadi.


O'smirning psixik o'sishini harakatga keltiruvchi kuch nima? O'smirning psixik o'sishini harakatga keltiruvchi kuch – uning faoliyatini vujudga keltirgan yangi ehtiyojlar bilan ularni qondirish imkoniyatlari o'rtasidagi qarama-qarshiliklar tizimining namoyon bo'lishidir. Mana shu dialektik qarama-qarshiliklar ortib borayotgan jismoniy, aqliy hamda axloqiy imkoniyatlar bilan barqarorlashgan, stereotipga aylangan tashqi olamni aks ettirishning shakllari o'rtasida sodir bo'ladi. Vujudga kelgan ziddiyatlar va qarama-qarshiliklarni emotsional zo'riqishlarni hamda faoliyat turlarini murakkablashtirish orqali o'smir shaxsida yangi psixologik fazilatlarini tarkib toptirish bilan asta-sekin yo'qotish mumkin. Bu davr insonning kamoloti yuqoriroq bosqichiga ko'tarilishi bilan yakunlanadi. Kamol topish

o'smirdan umumlashtirish, hukm va xulosa chiqarish, mavhumlashtirish, ob'ektlar o'rtasidagi ichki munosabatlarni o'rnatish, muhim qonun, qonuniyat, xossa, xususiyat, mexanizm va tushunchalarni anglash, ixtiyoriy diqqat, barqaror qiziqish, ongli motiv va mantiqiy eslab qolishni talab qiladi. Bularning barchasi fanlarga doir bilimlar tizimini vujudga keltiradi, amaliy ko'nikmalarni shakllantiradi, o'zini o'zi nazorat qilish, o'z-o'zini baholash, anglash singari xususiyatlarni tarkib toptiradi.

Hozirgi o'smirlar o'tmishdoshlariga nisbatan jismoniy, aqliy va siyosiy jihatdan birmuncha ustunlikka ega. Ularda jinsiy yetilish, ijtimoiylashuv jarayoni, psixik o'sish oldinroq namoyon bo'lmoqda. Shu sababli bizda o'g'il va qizlar 10-11 dan 14-15 yoshigacha o'smirlilik yoshida deb hisoblanadi. Demak yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan shuni anglashimiz mumkinki, o'smir yoshidagi shaxslarning emotsional sohasini tadqiq etish nafaqat ularni ta'lim tarbiya jarayonida balki, ularning oiladagi shaxslararo munosabatlari jarayonlarini optimallashtirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Natijalar va Munozara. Tadqiqot ob'ekti sifatida o'smirlarni tanlab olindi. Tadqiqot ob'ekti quyidagicha tanlab olindi.

STRESS BARDOSHLIKNI ANIQLASH METODIKASI
(Tomas Xolms, Richard Rage) (n=135)



Omillar	n	%
Mobilizatsiya yoki tashvishlanish bosqichi	60	44
Qarshilik bosqichi	30	22
Charchash bosqichi	45	34
Jami:	135	100

Stress bardoshlilikni aniqlash metodikasida 135 nafar respondent ishtitok etdi.

Ushbu metodika 3 bosqichda aniqlandi. Bosqichlar quyidagicha ta'riflanadi.

1. Mobilizatsiya yoki tashvishlanish bosqichi. U favqulodda holat deb ham ataladi. Bu vaqtda tananing barcha himoya funksiyalari va resurslari safarbar qilinadi.

2. Qarshilik yoki qarshilik bosqichi. Qarshilik bosqichi ham deyiladi. Agar stressning sababini birinchi bosqichda bartaraf etishning iloji bo'lmasa, u bilan kurashish uchun tana tiklanadi va qimmatbaho resurslarni sarflay boshlaydi. Tana qattiq ishlamoqda.

3. Charchash bosqichi. Odam hushidan ketib qoladi. U vaziyatni etarlicha baholay olmaydi va qaror qabul qila olmaydi.

Natijalar tahliliga ko'ra Mobilizatsiya yoki tashvishlanish bosqichi 60 nafar o'qituvchi ishtirokida 44% ni tashkil etdi. 2-o'rinda Charchash bosqichi 45 nafar o'qituvchi ishtirokida 34% ni, eng quyi ko'rsatgich esa Qarshilik bosqichi 30 nafar o'qituvchilar bilan 22% ni tashkilqildi. bundan ko'rinib turibdiki, o'qituvchi kasbiy

faoliyati davomida har qanday favqulotda sodir bo'lgan tashqi hodisalar birinchi navbatda ularda tananing himoya funksiyalarini bajarishga jalb qilar ekan. Bu holatdan so'ng aksariyat jins jihatdan olinganda ayollarda kuchli stress va charchoq natijasida ruhiy bo'shliq va o'zini nazorat qila olmaslik holati sodir bo'ladi. Agar stressing sababi o'z vaqtida aniqlanmasa uni yengish uchun qo'shimcha ruhiy va jismoniy kuch talab qilinadi.

Хулоса

Шарқ олимларининг бир қатор асарларида ўсмир шахси, унинг индивидуал-психологик, хиссий-эмоционал ҳолатлари ҳамда адекват ва ноадекват сифатлари ҳақида илмий асосланган фикрлар мавжуддир.

Оиладаги ўсмирларнинг эмоционал зўриқишларини коррекциялашнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ қилиш бу энг аввало ҳар бир жамият учун жуда муҳим саналади. Шу билан бир қаторда ўзбек олимларининг тадқиқотларида ҳам ўсмирларнинг индивидуал-психологик ҳамда эмоционал соҳасини ўрганишга доир бир қанча жамият раўнақига хизмат қиладиган илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Adabiyotlar ro'yxati

To'yumurodovna, I. D. (2021). SPECIFIC PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF PARENTAL COOPERATION IN CHILD REARING. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 2(04), 75-80.

To'yumurodovna, I. D. (2021). SPECIFIC PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF PARENTAL COOPERATION IN CHILD REARING. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, 2(04), 75-80.

Nazarov, A. M. (2020). PSYCHOLOGICAL MECHANISM FOR IMPROVEMENT OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION OF SPORTSMEN. *Theoretical & Applied Science*, (1), 435-438.

Назаров, А. М. (2020). Психологическая защита личности в спортивной деятельности "Психология XXI столетия". Выпуск, 1, 97-99.

Бафаев, М. М., Усманова, М. Н., & Остонов, Ш. Ш. (2014). Симптомы эмоционального выгорания современного педагога. *Наука. Мысль*, (6).

Бафаев, М. М., & Остонов, Ш. Ш. (2014). СОЦИАЛЬНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ КАК МЕХАНИЗМ ЗАЩИТЫ ОБЩЕСТВА. In *Формы и методы социальной работы в различных сферах жизнедеятельности* (pp. 24-26).

Rustamov, S. (2021). ОСОБЕННОСТИ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРАКТИЧЕСКИЙ ПСИХОЛОГОВ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz)*, 8(8).

Рустамов, Ш. Ш. Анализ психологических данных с помощью программы SPSS. Информационная культура современного детства. Сборник статей Международной научнопрактической конференции Россия, г. Челябинск, 31.

Ахмадов, Н. Р. (2022). Психологические механизмы реабилитации процесса дезадаптации у подростков. *Science and Education*, 3(4), 1271-1277.

Ахмадов, Н. Р. (2020). Роль психологического здоровья студентов в учебный процесс. *Психология XXI столетия*. In *Сб. научных статей по материалам международной конференции* (pp. 127-131).

ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ОЛИБ БОРИШДА ЗАРУРИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР МАЗМУНИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.015>

Садикова Фируза Махмуджановна,

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ассистенти*

Аннотация. Мақолада бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини ошириши билан бир қаторда, олий профессионал таълим соҳасида бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириши бўйича муҳим илмий маълумотлар ва қиёсий таҳлиллар келтирилган.

Калит сўзлар: ижодий фаолият, кўникма, профессионал таълим, танқидий тафаккур, ўқув режа.

СОДЕРЖАНИЕ НЕОБХОДИМЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ

Садикова Фируза Махмуджановна,

*Национальный исследовательский университет «Ташкентский
институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»
ассистент*

Аннотация. В статье представлены повышения качества профессиональной подготовки будущих специалистов, соответствующие научные данные и сравнительный анализ по развитию самостоятельной творческой деятельности будущих преподавателей профессионального образования в сфере высшего профессионального образования.

Ключевые слова: творческая деятельность, навыки, профессиональное образование, критическое мышление, учебный план.

THE CONTENT OF THE NECESSARY COMPETENCES IN CARRYING OUT THE CREATIVE ACTIVITY OF THE TEACHER

Sadykova Firuza Maxmudjanovna,

*National Research University «Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Engineering» assistant*

Annotation. The article presents improvements in the quality of professional training of future specialists, relevant scientific data and comparative analysis on the development of independent creative activity of future teachers of vocational education in the field of higher professional education.

Keywords: creative activity, skills, professional education, critical thinking, curriculum.

Ўзбекистонда халқаро таълим стандартлари асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш” каби муҳим вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Президентимиз томонидан соҳада туб ислохотларни амалга ошириш ва замонавий профессионал таълим тизимини барпо этишнинг мақсад ва устувор вазифалари, бир сўз билан айтганда, соҳанинг янги миссияси белгилаб берилди. Шу маънода 2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги” Қароридан [12] бир қанча масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, шулардан:

индивидуал таълим траекторияларига асосланган, талабаларда креатив фикрлаш, амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқув режалар ишлаб чиқиш орқали талабалар қизиқишлари ҳамда кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига мувофиқ таълим дастурларини шакллантириш, уларни тасдиқлаш бўйича олий таълим муассасаларига босқичма-босқич академик мустақиллик бериш;

мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш, ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик ва ахборот технологиялари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш;

талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва ҳолисоналигини таъминлаш, жумладан баҳолашнинг талабалар билан бевосита алоқасиз шакллари ривожлантириб бориш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу масалалар ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда диссертация иши мақсад ва вазифалари, кўйилган ғоялар ва уларга эришиш методикаларини ишлаб чиқишда бевосита асос сифатида фойдаланилган ва уларга таянилган.

Мустақил таълимни ташкил қилишга бўлган янги ёндашувлар талабалар нафақат сунъий вазиятларни, балки ҳақиқий амалий топшириқларни ҳал қилишларини назарда тутди. Бунда улар нафақат профессор-ўқитувчидан, балки бир-бирларидан ўрганадилар, жумладан турли хил ахборот базалари билан ишлайдилар, танқидий фикр юритишни ҳамда танланган ечим учун жавобгарликни бўйинларига олишни ўрганадилар, ўзларининг шахсий касбий нуктаи назарларини шакллантирадилар.

Ҳозирги кунда илмий техник тараққиётнинг инновацион ривожланиши, билимларнинг тезлик билан янгиланиши бўлажак мутахассисларнинг замонавий шароитларга тез мослашиши ҳамда ўқув-билиш мотивларини эгаллашларига интилишини талаб этади. Бу эса талабаларнинг мустақил изланишга, касбий муаммоларни мустақил ечиш, унга ижодий ёндашишга

ўргатиш заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда ижодкор, креатив фикрловчи мутахассисларни тайёрлаш жараёни узлуксиз таълим тизимининг энг асосий вазифаларидан бўлиб, бунда компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг ижодий фаолиятини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади. Давлат таълим стандартларида олий таълим тизимида профессионал таълим соҳа йўналиши талабаларнинг касбий-педагогик фаолиятида ўқитувчилик, тарбиячилик, ўқув-методик, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот вазифаларини амалга ошириши кўзда тутилган.

Талабаларда таянч, умумкасбий ва махсус-касбий компетенцияларни шакллантириш ва касбий-педагогик ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда таълим мазмуни, ўқув режа, дастурлар, таълим шакли, метод, воситалари ва дарсликлар, электрон ахборот таълим ресурслари ҳамда бошқа дидактик материаллар, ўқув-методик қўлланмалар, лаборатория жиҳозлари, таълим технологиялари ва бошқалардан фойдаланиш асосида аниқланади. Натижада етук, малакали кадрларнинг мустақил ва режали асосда ўз устида ишлаши, касбий ва ижодий фаолият компетенцияларини изчил ривожлантириб боришини таъминлашга эришилади.

Талабаларнинг (бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг) мустақил ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда компетенциявий ёндашувнинг ўзига хос хусусияти аниқланди ҳамда ижодий компетенциялар ва уларнинг мазмун моҳияти, ёндашувлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида тўхтаб ўтилди.

Юқорида билдирилган фикрлар, бизгача олиб борилган тадқиқотлар таҳлили натижасида ижодкорлик фаолияти тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди. Ижодий фаолият – бу янги ғоя ва ечимларни педагогик ҳамкорликда амалга ошириш ва оммалаштиришга йўналтирилган тадқиқот фаолияти бўлиб, танлаб олинган ғояларни ахборот-коммуникацион технологиялар асосида тизимни сифат жиҳатида янги элементларга, ташкил этувчи омиларга тўлиқ педагогик тизим сифатида қабул қилиш ва амалда синаб кўриш ва натижаларни таққослаш, ечимлардаги номутаносиблик ва зиддиятларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир.

Илмий манбаларни таҳлил қилиш асосида талабанинг ўз қобилиятлари ва ахборот-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш имкониятларини самарали қўллаш мақсадларида талабанинг мустақил бошқарувни ва ўзига онгли равишда таъсир кўрсатишни ўз қўлига олиши талабада қуйидаги маҳорат ва кўникмалар шаклланиши зарурати тўғрисида хулоса қилиш имконини берди:

ўзини ўзи мотивациялаш (мақсадларга эришишга ва шахсий қобилиятларни фаоллаштириш учун);

ишларни мустақил ташкил этиш (ишларни режалаштириш, шахсий вақт ва маконни ташкил этиш, вазифаларни ҳал қилиш технологиялари ва усулларини танлаш учун);

Демак, мустақил фаолиятни компетенциявий ёндашувлар асосида ташкил этишда бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантириб бориш билан бирга уларда мустақил ижодий фаолиятларини олиб боришга имкон берувчи зарурий компетенцияларини ҳам эгаллашига ундайди.

Бу фаолият юзасидан олий таълим тизимида компетенциявий ёндашувлар асосида ижодий фаолиятини мустақил таълим жараёнида ташкил этиш, уларнинг натижавийлигини таҳлил этиш, шарт-шароитларини ўрганишни, энг асосий элементларидан бири ахборот-мухитининг таъсирини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш келажакда

талабаларнинг муваффақиятли натижаларга эришишини таъминлайди ва уларга катта имкониятлар беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

Садикова Ф.М. Компетенцияларни эгаллашда олий таълим тизими талабаларининг мустақил таълимини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари // Муғаллим ҳам узлуксиз билимлендириу илмий-методикалык журнали. – Тошкент, 2020. – № 2. –Б. 50-53.

Садикова Ф.М. Коммуникатив кўникмалар ва бошқарув коммуникацияси // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали. – Тошкент, 2011. – № 4.– Б. 54-57.

Муслимов Н.А. Педагогик фаолиятга тизимли ёндашув муаммолари // Касб-хунар таълими, 2004. - № 3. – Б.24.

Муслимов Н.А. Кулиева Ш.Ҳ. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига тизимли ёндашувни амалга оширишга муаммоли вазиятлар. – Т.: Фан ва технологиялар, 2007. – 54 б.

Исмаилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш: Дисс. ... пед. фан. номз. – Т., 2000. – 186 б.

Исмаилова З.К., Химматалиев Д.О. Роль педагогической технологии разноуровневого обучения в современном профессиональном образовании / The Seventh International Congresson Social Science sand Humanities, 2 nd April



TALABA YOSHLARDA AGRESSIV XULQ-ATVORNING NAMOYON BO'LISHINING IJTIMOIIY-PSIXOGIK MEXANIZMLARI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.014>

Jumayev Nodir Zayniddinovich,

Psixologiya kafedrası katta o'qituvchisi. Buxoro davlat universiteti

<https://orcid.org/0000-0002-2212-6988>

Annotatsiya: Agressiya boshqa tirik jonzotga u buni istamagan vaziyatda haqorat yoki ziyon yetkazishni maqsad qilib qo'ygan xulq-atvorning har qanday shakli. Agressiya termini ko'p hollarda g'azab kabi negativ (salbiy) his-tuyg'ular bilan, haqorat qilish va ziyon yetkazish kabi motivlar bilan, hatto negativ ko'rsatmalar sirasiga kiruvchi irqiy va etnik xurofot bilan assotsiatsiyalanadi. Bu omillar natijasi zarar yetkazish bo'lgan xulq-atvorda albatta muhim rol o'ynashiga qaramay, ular bunday harakatlar uchun asos bo'la olmaydi. G'azab boshqalarga tajovuz qilish uchun aslo zaruriy shart bo'lib hisoblanmaydi, boshqacha qilib aytganda, ayrim holatlarda agressiya o'ta sovuqqonlik holatida yuzaga kelishi mumkin bo'lgani kabi, o'ta kuchli hayajon holatida ham paydo bo'lishi mumkin. Shuningdek, agressorlarning ular tajovuz qilayotgan shaxslardan nafratlanishlari yoki ularni yoqtirishlari umuman shart emas. Ko'pchilik odamlar o'zlari yoqtirgan insonlarga zulm o'tkazadilar.

Kalit so'zlar: tajovuz, tajovuzkor, zarar, g'azab, xulq-atvor, bosqinchi, zulm, haqorat, hujum, stress, mojaro, harakatlar.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО ПОВЕДЕНИЯ У СТУДЕНТОВ

Джумаев Нодир Зайниддинович,

Старший преподаватель кафедры психологии. Бухарский

государственный университет

Аннотация: Агрессия – это любая форма поведения, направленная на оскорбление или причинение вреда другому живому существу, когда оно этого не желает, с такими мотивами, даже связанными с расовыми и этническими суевериями, попадающими в разряд негативных установок. Хотя эти факторы, безусловно, играют важную роль в поведении, приводящем к причинению вреда, они не могут быть основанием для таких действий. Гнев не является необходимым условием агрессии по отношению к другим, иными словами, в ряде случаев агрессия может проявляться как в состоянии крайней холодности, так и в состоянии крайнего возбуждения. Агрессоры также не обязательно должны ненавидеть или любить людей, которых они насилюют. Большинство людей жестоко относятся к тем, кого любят.

Ключевые слова: Агрессия, агрессивный, вред, гнев, поведение, агрессор, угнетение, оскорбление, нападение, стресс, конфликт, действия.

SOCIO-PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF AGRICULTURAL BEHAVIOR IN STUDENTS

Jumayev Nodir Zayniddinovich,

Senior Lecturer of the Department of Psychology. Bukhara State University

Abstract: Aggression any behavior that aims to insult or harm another living being when he or she does not want to shape. The term aggression in most cases feels negative (negative) as anger-they are emotion with motives such as insults and prejudice, even among the negative indications are associated with racial and ethnic prejudice. B it is the result of factors damage despite the fact that manners

certainly play an important role, they are such the basis for the action can not be eras. Anger aggression against others the original to do is not considered a necessary condition, it is different as they say, in some cases, aggression can occur in a state of extreme coldness, such as extreme excitement can also appear in the status. And also the fact that the aggressors are disgusted with the persons they are attacking, or they do not need to like them at all. Many people they oppress those whom they like.

Keywords: Aggression, aggressive, harm, anger, behavior, aggressor, oppression, insult, attack, stress, conflict, actions

KIRISH (Introduction). Inson agressiyasi ko‘rinishlarining turli-tuman va tubsizligidan kelib chiqib, mazkur xulq-atvorni o‘rganishda D.Bass tomonidan taklif etilgan konseptual ramkalar bilan chegaralanish juda foydali ekanligi ayon bo‘ldi. Uning fikricha, agressiv harakatlarni uchta shkalaga asoslangan holda tasvirlash mumkin: jismoniy Verbal, aktiv-passiv va to‘g‘ri-egri. Ularning kombinatsiyalari sakkizta ehtimolga yaqin kategoriyalarni berib, ko‘plab agressiv harakatlarni ular asosida tushuntirish mumkin. Masalan, bir kishining ikkinchisi ustidan otib, pichoqlab yoki kaltaklab zo‘ravonlik qilishi ham jismoniy, ham aktiv, ham to‘g‘ri shkala sifatida kvalifikatsiyalanishi mumkin.

Afsuski, ayrim oilalarda o‘z otasi yoki onasining mehr-oqibatidan bebahra o‘sayotgan bolalar ham yo‘q emas. Ba‘zi oilalarda esa ota-ona va farzand o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarning ijobiy psixologik iqlimda emasligi achinarli holdir, albatta. Aksariyat ota-onalar o‘z farzandlarini tarbiyaga chaqirishda g‘amxo‘rlik, mehribonlik, sabr-toqat, mehr kabi xislatlar bilan yondashish o‘rniga, kuch bilan, ayniqsa jismoniy jazo usuli bilan ta‘sir o‘tkazadilar. O‘z navbatida bu kabi xatti-harakatlar bolalarda agressiv xulq-atvorning shakllanishiga zamin bo‘ladi.

METODLAR (Methods). Tadqiqot jarayonida talaba yoshlarda agressiv xulq-atvorning namoyon bo‘lishi va uni bartaraf etish mexanizmlari haqida fikrlar tahlil qilindi. Mayers D. ning “Изучаем социальную психологию” nomli o‘quv qo‘llanmasi metodologik manba bo‘lib belgilandi. Shu bilan birga Sh.M. Mirziyoyevning asarlaridan keng foydalanildi.

Mazkur maqolani tahlil qilish jarayonida ilmiy bilishning mantiqiylik, tarixiylik, izchillik va obyektivlik usullaridan keng foydalanildi.

Muhokama va natijalar. Bugungi kunda agressiv xarakterli bolalar talaba yoshlar orasida soni ortib borayotganligi psixologiyadagi dolzarb muammolar qatoridan joy egallashiga sabab bo‘ldi. Talaba yoshlarida agressiv xatti-harakatlarning vujudga kelishi murakkab va ko‘pqirrali jarayon bo‘lib, unga ko‘pgina omillar o‘z ta‘sirini o‘tkazadi. Agressiv xatti-harakatlar oilada, tengdoshlar guruhida, oilaviy axborot vositasi ta‘sirida shakllanishi aniqlangan.

Talaba yoshlarida agressiv xatti-harakat namunalarini quyidagi uch asosiy manbaga asoslanib to‘playdi:

Nosog‘lom oila muhiti. Ba‘zi oilalarda ota-ona bilan farzand o‘rtasidagi munosabatning ijobiy psixologik iqlimda emasligi, farzandlar o‘rtasidagi kelishmovchiliklar, oiladagi mojarolar, nizolar, oilaviy hamohanglikning mavjud emasligi bolalarda agressiv xulq-atvorning shakllanishiga olib keladi. Bolalardagi agressivlikning namoyon bo‘lishi oilaviy muhitning ta‘sir darajasiga bog‘liq hisoblanadi.

Tengdoshlar guruhi. Bolalar oiladan tashqarida o‘z tengqurlari, sinfdoshlari bilan bo‘lgan munosabatda ham agressiv xatti-harakatlarni o‘zlariga singdiradilar. Ko‘pgina hollarda bolalar tengdosh do‘stlarining xatti-harakatlarini kuzatgan tarzda o‘zlarini agressiv tutishga urinadilar. Haddan tashqari agressiv bolalar esa o‘z tengdoshlari orasidan siqib chiqariladi. Bunday bolalar o‘zini xo‘rlangandek his qilib, o‘zi kabi agressiv bolalar guruhidan joy topadilar. Bu esa muammo ustiga

muammo tug‘dirmasdan qolmaydi.

Ommaviy axborot vositalari — bugungi kunda bolalarning agressivligini kuchaytirishga ta’sir etayotgan eng kuchli quroldir, degan fikr keyingi paytlarda ko’pchilik tomonidan e’tirof etilmoqda. Shu o’rinda oynai jahon orqali namoyish etilayotgan turli jangari filmlar, ko’rsatuvlar ham bolalarda agressiv xususiyatlarning tarkib topishiga ta’sir qilayotganligi mutaxassislar tomonidan qayd etilmoqda. Bu borada internetning ta’siri ham o’ziga xosligi inkor etib bo’lmas haqiqatdir. Talaba yoshlari internet orqali o’zining yosh va psixologik xususiyatlariga mos kelmaydigan ma’lumotlar bilan tanishmoqda, jangarilikni, agressiyani targ’ib etuvchi, shakllantiruvchi turli xil o’yinlarni o’ynash orqali o’zlarining ongosti sohasida agressiv xulqning shakllanishiga sabab bo’lmoqdalar.

Bir qator psixologlarning ta’kidlashicha, oiladagi iqlim, ota-ona o’rtasidagi o’zaro munosabatlar, ota-ona bilan farzand o’rtasidagi munosabatlar, oilaviy hamohanglik yoki aksincha kelisha olmaslik, opa-singillar, aka-ukalar bilan yaqinlik darajasi, farzand tomonidan qilingan noto’g’ri, yanglish xatti harakatlarga nisbatan ota-onaning agressiv reaksiyasi — oilada shakllanib kelayotgan agressiv xatti- harakatlarini kuchaytiruvchi yoki susaytiruvchi omillar hisoblanadi.

Talaba yoshlarda orasida agressiv hulq-atvorning bartaraf etishda, avvalo shu narsa ko’zga tashlanadiki har qanday holatda ham bolalarni be’etibor qoldirish kerak emas, ayniqsa talaba yoshlardani, o’smir yoshlarni, chunki ular huddi endi o’sib kelayotgan novda kabidir. Uni qaysi tomonga shakllantirsa shunday shakllanib boradi.

O’quvchilarda agressiv hulq-atvorni yo’qotish yoki oldini olishdagi birinchi mexanizm bu ota-oan va maktab va o’qituvchi orasidagi to’g’ri yo’lga qo’yilgan aloqalar mexanizmidir. Bu mexanizm yo’lga qo’yilsa bolalar hech bir vaqt o’zlari bee’tibor qolishmaydi. keyingi mexanizm bu – sog’lom muhit mexanizmi. Bunda oiladagi muhit sog’lom bo’lishi kerak, bolalar bo’sh vaqtda nima bilan band, o’rtoqlari kim, vaqtini kim bilan nimga sarflayabdi, internetdan nimalar uchun foydalanyabdi kabi savollarga oilad faqatgina sog’lom muhit tarsi mavjud bo’lgandagina ota-onalarimiz javob topa olishadi.

Mulohaza. (Result and Discussion). Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, tadqiqotlar natijasiga ko’ra yana bir tendensiya ko’zga tashlanadiki, agressivligi yuqori bo’lgan o’smirlar ko’p hollarda ekstremal ravishda o’z-o’zini juda yuqori yoki juda past baholash xususiyatiga ega. Noagressiv bolalarga esa o’zini adekvat baholash xarakterlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar.

Жумаев, Н. З. (2022). Психологические механизмы предупреждения формирования мотивации агрессивного поведения у педагогов. *Science and Education*, 3(4), 1517-1523.

Jumayev, N. (2021). ФЕНОМЕН АГРЕССИИ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 7(7).

Nazarov, A. M. (2020). PSYCHOLOGICAL MECHANISM FOR IMPROVEMENT OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION OF SPORTSMEN. *Theoretical & Applied Science*, (1), 435-438.

Назаров, А. М. (2020). Психологическая защита личности в спортивной деятельности “Психология XXI столетия”. Выпуск, 1, 97-99.

Бафаев, М. М., Усманова, М. Н., & Остонов, Ш. Ш. (2014). Симптомы эмоционального выгорания современного педагога. *Наука. Мысль*, (6).

Бафаев, М. М., & Остонов, Ш. Ш. (2014). СОЦИАЛЬНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ КАК МЕХАНИЗМ ЗАЩИТЫ ОБЩЕСТВА. In *Формы и методы социальной работы в различных сферах жизнедеятельности* (pp. 24-26).

Rustamov, S. (2021). ОСОБЕННОСТИ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРАКТИЧЕСКИЙ ПСИХОЛОГОВ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

Рустамов, Ш. Ш. Анализ психологических данных с помощью программы SPSS. Информационная культура современного детства. Сборник статей Международной научно-практической конференции Россия, г. Челябинск, 31.

Ахмадов, Н. Р. (2022). Психологические механизмы реабилитации процесса дезадаптации у подростков. *Science and Education*, 3(4), 1271-1277.

MASOFAVIY TA'LIMDA TA'LIMNING INTEGRATIV VA DIFFERENSIAL YONDASHUVNING PSIXOLOGIK AHAMIYATI

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.013>

*A'zamova Maxliyo Abduraximovna,
Buxoro davlat universiteti Psixologiya kafedrasida o'qituvchisi.
ORCID- 0000-0002-1114-8778*

Annotatsiya: Ushbu maqolada integrativ yondashuv mazmunan tutash, aloqador, mantiqiy bir-birini taqozo etuvchi va bir-biriga singib chuqurlashtiruvchi va kengaytiruvchi o'quv fanlarini integratsiyalash uchun qo'llanilishi, yaxlit mantiqiy mukammal bilim, ish-harakat usullari va shaxsiy sifatlarni tarkib toptirishni ko'zda tutishi, shuningdek, o'quvchilarning iqtidori, qiziqishi, o'zlashtirishiga ko'ra differensial tayyorgarlikni kuchaytirish va murakkablashtirish – zamonaviy maktabning global yo'nalishiga aylanishi to'g'risida ma'lumotlar aks etgan.

Kalit so'zlar: masofaviy ta'lim, fragment, integratsiya, kichik guruh, bilim, ko'nikma, malaka, differensial ta'lim, ijtimoiy tanlov.

ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ИНТЕГРАТИВНО-ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНОГО ПОДХОДА К ОБРАЗОВАНИЮ В ДИСТАНЦИОННОМ ОБРАЗОВАНИИ

*Азамова Махлиё Абдурахимовна,
Преподаватель кафедры психологии Бухарского государственного университета.*

Аннотация: В статье рассматриваются понятие и специфика науки, а также некоторые особенности функционирования, интеграции и дифференциации науки в современных условиях. Результатами деления наук выступает образование в той или иной степени новых отраслей. Обособлены самостоятельные научные дисциплины.

Ключевые слова: дистанционное обучение, фрагмент, интеграция, малая группа, знания, умения, квалификация, дифференцированное образование, социальный выбор.

PSYCHOLOGICAL IMPORTANCE OF INTEGRATIVE AND DIFFERENTIAL APPROACH TO EDUCATION IN DISTANCE LEARNING

*Azamova Mahliyo Abdurahimovna,
Lecturer, Department of Psychology, Bukhara State University.*

Annotation: The article discusses the concept and specificity of science, as well as some features of the functioning, integration and differentiation of science in modern conditions. The results of the division of sciences are the formation, to one degree or another of new industries. Separated independent scientific disciplines.

Keywords: distance learning, fragment, integration, small group, knowledge, skills, qualifications, differential education, social choice.

Dunyo miqyosidagi o'zgarishlar pedagog-o'qituvchilarning mahoratini yanada namoyon etish, davr talabiga mos fidoiylarcha harakat kilishini taqozo etmoqda. Mohir o'qituvchi tajribasiz o'qituvchiga nisbatan oz mehnat va vaqt sarf qilib ko'zlangan maqsadga erishadi, chunki o'quvchilarni doimo mustaqil bilim olishga o'rgatib boradilar. Ular «agar mavzuni o'zlashtirishga o'quvchilarning kuchi yetmasa mustaqil o'zlashtira olmasa, aks holda materialni o'qituvchining o'zi tushuntirib berish kerak», degan qoidaga amal qiladilar. Ko'p sonli manbalar,

xususan pedagogik amaliyot sohalarining tahlili ta'lim-tarbiya jarayonining rivojlanishiga to'siq bo'layotgan muammolar mavjudligidan guvohlik beradi. Bular asosan, bizning fikrimizcha, o'rganilayotgan ob'ektlarning ba'zi bir jihat va xususiyatlarini lavhalar (fragment) shaklida o'rganish natijasida yuzaga kelib, mantiqan bog'lanmagan va tizimlashmaganligidadir. Amaliyotdagi bunday holatlarni bartaraf etishda integrativ yondashuv muhim ahamiyat kasb etadi.

Prezident Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek, "Hayotimizning eng muhim jabhalari uchun yuksak texnologiyalar, ilmiy ishlanmalar yaratish, malakali mutaxassislar tayyorlash, jahon axborot texnologiyalari bozorida munosib o'rin egallash masalasiga ustuvor ahamiyatga ega vazifa sifatida qarashimiz zarur."6 . Integratsion tizim – xar tomonlama rivojlangan shaxsni tarbiyalash va o'qitishdagi tabaqalashtirish yaxlit dunyoqarashga ega, mavjud bilimlarni mustaqil ravishda bir tizimga soluvchi, turli muammolarni noan'anaviy yondoshgan xolda xal etuvchi kishilarni tarbiyalashdan iborat. Integratsiyaning maqsadi dastlabki qadamlardan o'qitishni dunyoni yaxlit bir tizim deb, undagi barcha tarkibiy qismlar bir-biri bilan o'zaro bog'langan deb tasavvur qilishga o'rgatishdan iborat. Integratsiya – an'anaviy fanlarga xos bilimlar oralig'ida yangi tasavvurlar xosil qilish vositasi mavjud bilimlarni yangi bilimlar bilan bo'ldirish, ular o'rtasida bog'lanish hosil qilish, o'quvchilardagi izlanuvchanlikni rivojlantirish, ta'limdagi ixtisoslashuvni takomillashtirishdan iborat. Har bir ta'lim oluvchining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda ularni pedagogik qo'llab quvvatlash, qobiliyat va iqtidorlarini ro'yobga chiqarish, muayyan sharoitga moslashuvchanligini qaror toptirishga yo'naltirilgan maxsus o'quv faoliyatida o'quvchining maqbul rivojlanishini ta'minlash muhimdir. Yangi sharoitda maqbul rivojlanish deganda biz o'quvchining o'ziga xosligini pedagogik jihatdan qo'llab-quvvatlash, uning rivojlanishiga boshqa yangicha bir o'quv modeli ta'sir qilishini ko'zda (Sh.Mirziyoyev "Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib yangi bosqichga ko'taramiz T. "O'zbekiston" 2017 86-bet) tutadi. Agar o'quvchiga ta'lim berish va rivojlanish muammosi uyg'unlashtirilsa, uning o'ziga xosligini pedagogik-qo'llab-quvvatlash, birinchi darajali ahamiyat kasb etadi. Integratsiyalashgan mashg'ulotlarda didaktik va psixologik talablarni hisobga olgan holda muayyan o'quv predmeti doirasida maxsus tashkil etilgan individual hamda alohida guruhlarda jamoa bo'lib olib boriladigan ishlar orqali hamda turlicha murakkablik darajasida bo'lgan topshiriqlarning har tomonlama o'ylab ishlab chiqilgan tizimi har bir mavzuning o'zlashtirilishi muayyan pedagogik shart-sharoitlarni talab qiladi. Bunday sharoitda ta'lim rivojlanishiga nisbata ilgari boradi. Ta'lim oluvchi odatda mustaqil bajariladigan topshiriqni kichik guruhda o'zaro yordam, hamfikrlik natijasida tez bajaradi. Kichik guruh uchun murakkablik qiladigan mashq va masalalarni o'quvchilar jamoa bo'lib, oson va sifatli bajarishlari mumkin. Savol va topshiriqlarni tabaqalashganlik darajasidan kelib chiqqan holda hamda bir mavzu bo'yicha belgib beriladigan topshiriqlar ularning sifati, har bir o'quvchining o'zligini namoyon qilishini talab qiladi. Shu bilan birga bunday topshiriqlarni bajarish jarayonida ta'lim oluvchi o'z rivojlanishi va bilim sifatining darajasi va individual xatti-harakatlarini ham belgilab oladi. Ta'lim oluvchi shaxsining o'ziga xos rivojlanish jarayoni quyidagilarda namoyon bo'ladi: ya'ni o'z o'quv predmetini o'zlashtirishga moyilligida.

Ta'lim mazmunini tanlashda har bir o'quvchining o'ziga xos imkoniyat va qobiliyat darajasi, alohida hisobga olinishi kerak. Har bir bolani uzluksiz rivojlanish tamoyili o'quv materiallarini integratsiyalashni, integratsiyalashgan o'quv materiallarini qamrab olgan darsliklar yaratishni taqozo qiladi. Taqdim etiladigan bilimlarning mustahkamligi, o'quvchining umumiy rivojlantirish darajasi dastlab maqsadga asoslanadi. Shuning uchun o'quv materiallari tarkibida turli ranglar, ramzlar, ularning ma'nosi, hajmi bilan tanishtiriladi. Buning natijasida o'quvchida kuzatuvchanlik faoliyati tarkib topadi. Chunki kuzatuvchanlik shaxs

faoliyatining asosiy yoʻnalishini tashkil qiladi. Bu esa, oʻz navbatida fikrlash faoliyatini rivojlantiradi. Integratsion darslardagi oʻquv materiallari oʻquvchini har tomonlama rivojlantirishni taʼminlashga yoʻnaltirilmogʻi va shu rivojlanish darajasiga muvofiq tarzda bayon qilinmogʻi lozim. Har bir oʻquvchiga oʻzining mustaqil taʼlim olishga imkoniyat berilishi hamda har bir darsda oʻquvchilarda muntazam uygʻun koʻnikmalarni shakllantirish maqsadga muvofiqdir. Bu koʻnikmalarning bir qismi malakaga olingunga qadar oʻquv-biluv jarayonini koʻp tarmoqli jarayonlar bilan kengaytirib borish kerak. Ularning bir qismi mustaqil ishlar, boshqa bir qismi axborot manbalari yordamida xosil boʻladi. Biz har qanday texnologiyalardan foydalanmaylik, oʻquvchilarni mustaqil ishlashlari uchun ham imkoniyat yaratmogʻimiz kerak. Shu bilan birga mustaqil ishlash deganda oʻquvchining yolgʻiz nazoratsiz faoliyatini tushunmasligimiz, balki oʻz-oʻzini bilimni oshirishni anglatmogʻimiz lozim. Taʼlim oluvchi oʻzini qiziqtiradigan, yechishga kuchi yetadigan topshiriqlarni aynan oʻzi tanlay olishi talab etiladi. Bunda oʻquvchining xohish va bilim sifatini hisobga olish muximdir. Har bir oʻquvchini uzluksiz rivojlantirish gʻoyasi muayyan darsda unda hosil boʻlgan koʻnikmalarni muntazam qoʻllab-quvvatlashni anglatadi. Bu koʻnikmalarning bir qismi turli axborot manbalari bilan ishlash natijasida hosil boʻlsa, boshqa bir qismi integratsiyalashgan mashgʻulotlarda turli fanlararo berilgan bilimlar, badiiy asarlar kabilar bilan ishlash natijasida vujudga keladi. Masofaviy taʼlim jarayonida bilim, koʻnikma va malakalar oʻquvchilarni rivojlantirishning maqsadi emas, balki vositasi sifatida qaralishiga erishish lozim. DTS da koʻzda tutilgan taʼlim mazmunini oʻzlashtirish natijasi mustaxkam bilim, koʻnikma va malakalar sifatida namoyon boʻlishi kerak. DTS da koʻzda tutilgan taʼlim mazmunini barcha oʻquvchilar koʻnikma darajasida egallashlari shart. Shundan keyingina oʻquvchining individual imkoniyati va xoxishini hisobga olgan holda, bir qadar murakkabroq oʻquv materiallarini taqdim etish, ular oʻquv materiallari maqbul oʻquv dasturlari, darsliklar va oʻquv qoʻllanmalarida oʻz aksini topmogʻi lozim. Bunda oʻquvchining bilim sifati va muayyan oʻquv predmetini oʻrganishga qoʻyiladigan talablar ham bir qadar oshiriladi.

Oʻquvchilarning bilim darajasini oshirishda taʼlim mazmunini integratsiyalash, unda taʼlim mazmuniga singdirilgan barcha tushunchalarni tabiiy-ilmiy hamda ijtimoiy gumanitar sohaga oid bilimlar sifatida taqdim etish muhimdir. Zero, integratsiyalashgan mashgʻulotlar oʻquvchilarda dunyoning yaxlitligi xaqida bir butun tasavvur xosil qilishga koʻmaklashadi. Shuning uchun ham bir qator oʻquv fanlarini integratsiyalashga bugungi kunda kuchli ehtiyoj sezilmoqda. Masofaviy taʼlim jarayonida bilim, koʻnikma va malakalar oʻquvchilarni rivojlantirishning maqsadi emas, balki vositasi sifatida qaralishiga erishish lozim. DTS da koʻzda tutilgan taʼlim mazmunini oʻzlashtirish natijasi mustaxkam bilim, koʻnikma va malakalar sifatida namoyon boʻlishi kerak. DTS da koʻzda tutilgan taʼlim mazmunini barcha oʻquvchilar koʻnikma darajasida egallashlari shart. Shundan keyingina oʻquvchining individual imkoniyati va xoxishini hisobga olgan holda, bir qadar murakkabroq oʻquv materiallarini taqdim etish, ular oʻquv materiallari maqbul oʻquv dasturlari, darsliklar va oʻquv qoʻllanmalarida oʻz aksini topmogʻi lozim. Bunda oʻquvchining bilim sifati va muayyan oʻquv predmetini oʻrganishga qoʻyiladigan talablar ham bir qadar oshiriladi. Oʻquvchilarning bilim darajasini oshirishda taʼlim mazmunini integratsiyalash, unda taʼlim mazmuniga singdirilgan barcha tushunchalarni tabiiy-ilmiy hamda ijtimoiy gumanitar sohaga oid bilimlar sifatida taqdim etish muhimdir. Zero, integratsiyalashgan mashgʻulotlar oʻquvchilarda dunyoning yaxlitligi xaqida bir butun tasavvur xosil qilishga koʻmaklashadi. Shuning uchun ham bir qator oʻquv fanlarini integratsiyalashga bugungi kunda kuchli ehtiyoj sezilmoqda. Integrativ yondashuv mazmunan tutash, aloqador, mantiqiy bir-birini taqozo etuvchi va bir-biriga singib chuqurlashtiruvchi

va kengaytiruvchi o'quv fanlarini integratsiyalash uchun qo'llanilib, yaxlit mantiqiy mukammal bilim, ish-harakat usullari va shaxsiy sifatlarni tarkib toptirishni ko'zda tutadi.

O'quvchilarning iqtidori, qiziqishi, o'zlashtirishiga ko'ra differensial tayyorgarlikni kuchaytirish va murakkablashtirish – zamonaviy maktabning global yo'nalishiga aylandi. Differensiyani asosiy shakllari – o'quv muassasalarini turli tiplarga bo'lish, bir maktab ichida potok va profillarga, sinfda guruhlariga ajratish nazarda tutiladi. Differensial ta'lim muammosi bir xil hal bo'lmaydi va qarama-qarshiliklarga ega. Ijtimoiy tomondan differensiya ijtimoiy tanlov usuliga aylanadi. Odatda tabaqalanish (differensiya) boshlang'ich maktabni bitirgandan keyin boshlanadi. Xulosa qilib shuni ta'kidlash lozimki, integrativ mashg'ulotlar o'quvchilarda ishonch hissini qaror toptiradi. O'quv jarayonining muvaffaqiyati hamda bilimlarning yuqori sifatini ta'minlaydi, darslarda psixologik qulayliklarning o'ziga xos qirralari singdiriladi, ta'lim oluvchifaoliyatini samarali tashkil qilishga yo'naltirilgan o'quv mashg'ulotlari taqdim etiladi.

Adabiyotlar ro'yxati.

Аъзамова М.А. Баротова Д. Жизненные Стратегии Современной Молодежи. вестник интегративной психологии. Выпуск № 22, 2021 г. С 24-26.

Makhliyo Abdurahimovna A'zamova, Fazolat Khoshimovna Hakimova, Shoxrux Fayzullo O'G'Li Sirojov. Life strategies of modern youth. Science and Education. volume 3 February. 2022. P- 1067-1072.

Аъзамова Махлиё Абдурахимовна, Баротова Д. Маҳаллада психологик хизмат кўрсатишнинг амалиёти. Тафаккур ва талқин илмий мақолалар тўплами. №-1. Б 623-625.

Аъзамова Махлиё Абдурахимовна. индивидуализация как главная характеристика личности. Вестник интегративной психологии. Выпуск № 69, 2019 г. С 415-418.

Аъзамова Махлиё Абдурахимовна. Психологические трудности младшего школьного возраста. “XXI аср психологияси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. 2021 г. №-1. Б 40-42.

Аъзамова Махлиё Абдурахимовна. Маҳаллада Психологик Хизмат Кўрсатишнинг Эмпирик Асослари. Психология илмий журнали 2021. №-4. Б-62-66.

Аъзамова Махлиё Абдурахимовна. Понимание психологического благополучия личности в суфизме и современной Психологии. Вестник интегративной психологии. Выпуск № 23, 2021 г. С 38-41.

Аъзамова Махлиё Абдурахимовна. Маҳаллада психологик хизмат кўрсатишнинг амалий асослари. Замонавий жамиятда фан ва таълимнинг ривожланиш истиқболлари: муаммо ва ечимлар мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий конференция материаллари 2021. № 6,. Б 406-409.

Аъзамова Махлиё Абдурахимовна. Баротова Д.А. Маҳаллада психологик хизмат ташкил этилишининг эмпирик асослари. Психология илмий журнали. 2020. №-4. Б-159-162.

A'zamova Makhliyo Abduraximovna. YANGI RENESSANS DAVRIDA LIDERLIK QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH ORQALI YOSHLARNING FAOLLIGINI OSHIRISH. Analytical Journal of Education and Development. 2022. №-3. B-149-151.

**ZAMONAVIY MAKTAB O'QUVCHILARINING TA'LIM
JARAYONIDA PSIXOLOGIK SALOMATLIGI**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.012>

*Sobirov Abdulaziz Abdurozикович,
Buxoro davlat universiteti "Psixologiya" kafedrasida o'qituvchisi
<https://orcid.org/0000-0003-0359-2884>*

Annotatsiya. Ishda 10 varaq bosma matn, 16 manba, 3 ta anketa, 4 ta diagramma mavjud. Tadqiqot ishining mohiyati talabning psixologik salomatligini o'rganishdir.

Ma'lum bir o'quvchi psixikasining individual xususiyatlarini bilib, nafaqat yuqori darajadagi ruhiy salomatlikni ta'minlash, balki o'quvchiga o'z aqliy faoliyatini sog'lom va maqsadli tashkil etilgan nazorat qilish imkoniyatini yaratish uchun ta'lim va tarbiya jarayonlarini qurish mumkin. Maqsad, o'quvchini to'g'ri, eng qiziqarli yo'nalishda rivojlantirish, yuqori natijalarga erishish.

«Ruhiy salomatlik» atamasi 1979 yilda Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) tomonidan kiritilgan. Psixologik salomatlik ruhiy farovonlik holati, og'riqli ruhiy hodisalarning yo'qligi sifatida qaraladi. Ammo salomatlik faqat kasallikning yo'qligi emas. Psixologik salomatlik salomatlikning ajralmas qismi bo'lib, uning yordamida inson o'zining kognitiv, hissiy va kommunikativ qobiliyatlarini amalga oshiradi. Bolalikda shaxsning poydevori qo'yiladi, uning asosiy fazilatlarini: jismoniy va ruhiy salomatlik, madaniy, axloqiy va intellektual salohiyat shakllanadi. Bolaga berilgan fazilatlar, ayniqsa hayotning dastlabki davrida, eng muhim va mustahkamdir; keyinchalik ularni o'zgartirish juda qiyin va ba'zi hollarda bu deyarli mumkin emas.

Kalit so'zlar: jismoniy va ruhiy salomatlik, madaniy, axloqiy va intellektual salohiyat, kommunikativ qobiliyat.

**«ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ЗДОРОВЬЕ СОВРЕМЕННЫХ
ШКОЛЬНИКОВ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ»**

*Собиров Абдулазиз Абдурозикович,
Преподаватель кафедры психология Бухарского государственного
университета*

Аннотация. Работа содержит 10 страниц печатного текста, 16 источников, 3 анкеты, 4 диаграммы.

Суть исследовательской работы состоит в изучении психологического здоровья школьника.

Зная индивидуальные особенности психики данного ученика, можно построить образовательный и воспитательные процессы, чтобы не только обеспечить высокий уровень психического здоровья, но и дать возможность школьнику осуществлять здоровый и целенаправленно организованный контроль над своей психической деятельностью, развивать ее в нужном, наиболее интересном направлении, добиваться на этой основе выдающихся достижений.

Термин «психологическое здоровье» был введен 1979 г. Всемирной организацией здравоохранения (ВОЗ). Психологическое здоровье рассматривается как состояние душевного благополучия, отсутствие болезненных психических явлений. Но здоровье – это не просто отсутствие болезни. Психологическое здоровье – неотъемлемая составляющая здоровья, благодаря которому человек реализует свои познавательные, эмоциональные и коммуникативные способности.

В детском возрасте закладывается фундамент личности, формируются

ее основные качества: физическое и психическое здоровье, культурный, нравственный и интеллектуальный потенциал. Качества, которыми наделен ребенок, особенно в самом начальном периоде жизни, являются наиболее важными и прочными; позже изменить их достаточно сложно, а в ряде случаев – практически невозможно.

Ключевые слова: физическое и психическое здоровье, культурный, нравственный и интеллектуальный потенциал, коммуникативные способности.

«PSYCHOLOGICAL HEALTH OF MODERN SCHOOLCHILDREN IN THE EDUCATIONAL PROCESS»

Sobirov Abdulaziz Abdurozикович,

Lecturer at the Department of Psychology, Bukhara State University

Annotation. The work contains 10 pages of printed text, 16 sources, 3 questionnaires, 4 diagrams.

The essence of the research work is to study the psychological health of the student.

Knowing the individual characteristics of the psyche of a given student, it is possible to build educational and upbringing processes in order not only to ensure a high level of mental health, but also to enable the student to exercise healthy and purposefully organized control over his mental activity, develop it in the right, most interesting direction, achieve this basis of outstanding achievements. The term «mental health» was introduced in 1979 by the World Health Organization (WHO). Psychological health is considered as a state of mental well-being, the absence of painful mental phenomena. But health is not just the absence of disease. Psychological health is an integral part of health, thanks to which a person realizes his cognitive, emotional and communicative abilities.

In childhood, the foundation of the personality is laid, its main qualities are formed: physical and mental health, cultural, moral and intellectual potential. The qualities with which the child is endowed, especially in the very initial period of life, are the most important and enduring; later it is quite difficult to change them, and in some cases it is almost impossible.

Keywords: physical and mental health, cultural, moral and intellectual potential, communication skills.

ВВЕДЕНИЕ (Introduction). Современная школа должна всерьез и по-настоящему становится не только местом, где детей учат, но и пространством их полноценного взросления, питательной средой становления успешных, счастливых и здоровых людей. Это возможно только в атмосфере душевного комфорта и благоприятного социально-психологического климата в образовательном учреждении, поддерживающего и даже инициирующего процессы развития личности и ее психологических потенциалов. А для этого, образовательное учреждение должно быть территорией безусловной психологической безопасности. Именно поэтому в последние годы обострился интерес к определению этого важного социально-психологического феномена, разворачиваются исследования, позволяющие измерять психологическую безопасность образовательной среды, проектируются условия, при которых она обеспечивается. [3, С. 201]

Поскольку психологическое здоровье - условие жизненной успешности и гарантия благополучия человека в жизни, очевидно, ни родителям, ни педагогам не стоит экономить силы на его формирование в детстве. Сегодня, в условиях реализации комплексного проекта модернизации образования

Бухарской области, забота о психологической безопасности и здоровье школьников становится обязательным целевым ориентиром в работе каждого образовательного учреждения. Переход к подростковому возрасту школьника характеризуется возникновением различных форм отстаивания собственной самостоятельности, независимости. Причем чаще всего это проявляется в известных и ярко выраженных трудностях поведения – негативизме, упрямстве, открытом непослушании, конфликтах с взрослыми, стремлении всегда настоять на своем. Изучение данной темы дает возможность сравнить особенности физического развития учащихся среднего и старшего школьного возраста, дает сравнительный анализ нервно-психической и познавательной сфер учащихся различных возрастов и показывает их влияние на организацию учебной деятельности. Обоснованы ли опасения, что порой образовательная среда может являться источником психологических угроз, провоцирующих тревожность, агрессию, асоциальное поведение, снижение интереса к процессу познания, неадекватную самооценку и другие проявления психологического нездоровья детей и подростков?

Цель: Изучение психологического здоровья современных школьников в образовательной среде

Задачи:

1. Провести теоретический анализ психологической безопасности школьников;

2. Провести тестирование среди школьников средней школы города Бухара №38, для определения уровня психологической безопасности.

Гипотеза: если создать нормальные психологические условия для современных школьников, то уровень психологической безопасности возрастет.

Объект исследования: психологическое здоровье учащихся средней школы № 38 города Бухара. В исследовании приняли участие 98 человек.

Предмет исследования: Психологическое здоровье современных школьников в учебном процессе.

Методы исследования: наблюдения, анкетирование.

Методики исследования: «Какое у тебя настроение в школе?». «Конфликтность». «Симптомы, указывающие на возможность заболеть неврозом»

Практический выход исследования: практические советы родителям, учителям, школьникам.

1. ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПРОБЛЕМЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ ШКОЛЬНИКОВ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СРЕДЕ.

Психологическое здоровье школьников всегда привлекало пристальное внимание медиков, педагогов и родителей. Психическое здоровье является необходимым условием полноценного функционирования и развития человека в процессе его жизнедеятельности. С одной стороны, оно является условием адекватного выполнения человеком своих возрастных, социальных и культурных ролей, с другой стороны, обеспечивает человеку возможность непрерывного развития в течение всей его жизни [1, С. 89]

Обобщенный «портрет» психически здорового человека: – это, прежде всего, творческий, жизнерадостный и веселый, открытый и познающий себя и окружающий мир не только разумом, но и чувствами, интуицией. Он полностью принимает самого себя, и при этом признает ценность и уникальность окружающих его людей. Такой человек берет ответственность за свою жизнь, прежде всего, на самого себя и извлекает уроки из неблагоприятных ситуаций. Он находится в постоянном развитии и, конечно, способствует развитию других людей. Его жизненный путь может быть не совсем легким, а иногда, довольно тяжелым, но он прекрасно адаптируется к быстро изменяющимся условиям жизни.

По медицинским данным самым распространённым расстройством психического здоровья среди школьников является - невроз. Частота отклонений в поведении учащихся существенно увеличивается к концу года. Следует отметить, что в это время переутомление находится на грани патологии. Распространенность неврозов увеличивается от начальных классов к старшим (у мальчиков в 2 раза, у девочек - в 3,3 раза). [2, С. 115]

Родители и педагоги иногда принимают это состояние за лень, пытаются повысить требования к ребенку, но ни к чему хорошему это не приводит (неврастения). Неврастения - повышенная физическая и психическая утомляемость, рассеянность, сосредоточенность, снижение работоспособности, чрезмерная возбудимость. Провоцирующим фактором является истощение нервной системы, связанное с учебной перегрузкой, настроением в школьной среде. [4, С. 37].

Качество будущей жизни ребенка зависит от психического здоровья в школе. Поэтому, чтобы максимально его сохранить, необходимо создавать такие условия, при которых школьник будет ощущать удовлетворенность собственной жизнью и комфортно чувствовать себя в школьной среде.

Можно выделить ряд условий, способствующих здоровью сберегающей функции психологической защиты:

- Целостное развитие самосознания;
- Адекватная самооценка и принятие себя;
- Адекватная возможностям жизненная перспектива;
- Включенность в межличностные отношения;
- Стрессоустойчивость и др.

2. ИССЛЕДОВАНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ СОВРЕМЕННЫХ ШКОЛЬНИКОВ

Описание методики исследования. METODLAR.METODY (Methods)

Я провел анкетирование среди школьников 7 классов, чтобы убедиться действительно ли настроение в школьной среде - один из факторов, влияющих на истощение нервной системы и психологическое здоровье школьника.

Анкета № 6 «Какое у тебя настроение в школе?»

Настроение школьников	7 «А»	7 «В»	Всего:
Хорошее: (интересно, радуюсь, не устаю)	12	15	27
Переменное - зависит от оценки ситуации	4	1	5
Плохое - переменное	9	1	10
Плохое: (волнуюсь, не интересно, огорчаюсь, подавлено)	1	0	1

Диаграмма № 1 «Какое у тебя настроение в школе?» (Приложение №1)




Диаграмма № 6 «Какое у тебя настроение в школе?» (Приложение №6)

Ko'pincha bolada haddan tashqari ko'p qo'rquv ota-onalarning yetarli darajada emotsionalligi, ularning haddan tashqari zo'ravonligi natijasidir. Ayniqsa, bu borada xavfli bo'lgan vaziyat, bola bilan bir jinsdagi ota-ona juda og'ir, qarama-qarshi jinsdagi ota-ona esa yumshoq. Masalan, qiz bola uchun qattiq ona va yumshoq ota, aksincha, o'g'il uchun yumshoq ona va qattiqqo'l ota. Bola odatda o'zini bir jinsli ota-ona bilan tanishtiradi, bu uning qo'llab-quvvatlashi va roziligi bola uchun eng muhim va qimmatlidir, ammo agar tabiiy qo'llab-quvvatlash va ma'qullash mexanizmi buzilgan bo'lsa, bolaning o'ziga bo'lgan hurmati pasayadi. U o'zini keraksiz va muvaffaqiyatsiz his qiladi, bu, albatta, turli xil qo'rquvlar uchun unumdor tuproqdir.

Amalga oshirilmagan tahdidlar ham qo'rquvga sabab bo'ladi - ularni bolalar uyiga yuborish, xola, amakini chaqirish va hokazo.

Shu bilan birga, eng xavfli yosh - bu kichik maktabgacha ta'lim muassasasi, kattaroq maktabgacha yoshdagi bolalar uchun eng yoqimsiz va hatto xavfli haqorat, bu ham bolaning o'ziga bo'lgan hurmatini pasaytiradi. Bundan tashqari, qo'rquv yoki ruhiy infeksiya bola tengdoshlaridan biror narsadan «qo'rqish kerak» ekanligini bilib olganida, qo'rquv paydo bo'lishida katta o'rin tutishi mumkin.

Odatda, yoshga bog'liq qo'rquvlar boshlanganidan keyin 3-4 hafta ichida paydo bo'ladi, bu, aytganda, norma. Agar bu vaqt ichida qo'rquvning intensivligi oshsa, unda biz nevrotik qo'rquv haqida gapiramiz. Bu katta hissiy intensivlik, kuchlanish, davomiylik bilan tavsiflanadi.

Qo'rquvlar o'sib, voyaga yetgunga qadar davom etishi mumkin.

Albatta, bu xarakterning shakllanishiga salbiy ta'sir qiladi va reaktiv-himoya xulq-atvorining paydo bo'lishiga olib keladi (qo'rquv ob'ektidan qochish, shuningdek, barcha yangi va noma'lum narsalar).

Nevrotik qo'rquv fonida boshqa nevrozlar, asteniya (charchoq, uyqu buzilishi, yurak urishi va boshqalar) paydo bo'lishi mumkin. Odatda, nevrotik qo'rquvlar ota-onalar qo'rquvi bilan bog'liq bo'lib, ularni bartaraf etish qiyin, asosiylari yolg'izlik, qorong'ulik va hayvonlardan qo'rqishdir.

Farzandingizda shunga o'xshash narsani sezsangiz, kechiktirmang, bolalar psixologi, psixiatri yoki psixoterapevti bilan bog'laning. 9-10 yoshga qadar, xarakter xususiyati sifatida tashvish hali ham orqaga qaytariladi, qo'rquvni davriy yumshoq boshqarish kerak, aks holda bolalikdagi doimiy kuchli qo'rquv yosh bilan fobiyaga aylanadi.

Xulosa. Ko'p odamlar uchun fobiya shunchaki hayotlarini buzadi. Psixiatriyada fobiya odatda ma'lum bir stimulgacha qo'rquv reaksiyasining patologik kuchaygan namoyon bo'lishi deb ataladi. Fobiya - bu ma'lum vaziyatlarda qaytarib bo'lmaydigan darajada kuchayadigan va to'liq mantiqiy tushuntirishga to'g'ri kelmaydigan, aniq ifodalangan o'jar obsessiv qo'rquvdir. Fobiya rivojlanishi natijasida odam qo'rqishni boshlaydi va shunga mos ravishda ma'lum narsalardan, harakatlardan yoki vaziyatlardan qochadi. Fobiya - kundalik hayotda odamlar va narsalar bilan muloqot qilish, ishlash va muloqot qilish qobiliyatiga xalaqit beradigan kuchli, real

bo'lmagan qo'rquv. U ma'lum bir narsaga, shaxsga yoki vaziyatga bog'langan. Fobiya kasalliklar natijasida ham, bolalikda ham, kattalarda ham paydo bo'lishi mumkin.

Fobiyalarning 3 ta asosiy turi mavjud: 1. Predmetlar bilan munosabatda bo'lganda paydo bo'ladigan oddiy fobiyalar, 2. Ijtimoiy fobiya – omma oldida biror narsa qilishdan qo'rqish, 3. Notanish joylardan qo'rqish asosidagi agrafobiya. Shuningdek, bolalar, o'smirlar, ota-onalarning fobiyalari, ajralib turadi Shuning uchun fobiya muammosi juda dolzarb.

Фойдаланилган адабиётлар.

Roziyev, U. (2021). СОЦИАЛЬНАЯ ФОБИЯ-И ЕГО ВЛИЯНИЯ НА ПОВЕДЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 22(22).

Roziyev, U. (2020). Спортчиларни педагогик психологик жихатдан тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 2(2).

Roziyev, U. (2020). Адаптация первокласника к школьному обучению. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 4(4).

Roziyev, U. (2021). РАБОТА С ДЕТЬМИ ИЗ НЕБЛАГОПОЛУЧНЫХ СЕМЕЙ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 22(22).

Останов, Ш. Ш. (2020). Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантириш. Психология. Илмий журнал.–Бухоро, (2), 175-184.

Olimov, L. Y. (2020). Umumiy psixodiagnostika.“. Durdoni” nashriyoti. Buxoro.

Рустамов, Ш. Ш. (2022). О формировании математической компетентности практический психологов. Science and Education, 3(2), 1359-1366.

Rustamov, S. (2021). ОСОБЕННОСТИ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРАКТИЧЕСКИЙ ПСИХОЛГОВ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

Roziyev, U. (2021). ХАРАКТЕРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ СОЦИОФОБИИ У ПОДРОСТКОВ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 7(7).

Аманов, Д. Р., & Рузиев, У. М. (2016). Социально-психологический климат в коллективе. NovaInfo. Ru, 3(57), 550-556.

ЎСМИРЛАР ГУРУҲИДА ПСИХОЛОГИК МУҲОҒАЗА МЕЗОНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШНИНГ АМАЛИЙ -МЕТОДИК АСОСЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.009>

*Ахмадов Назиржон Рахмат ўғли,
Бухоро давлат университети, Психология кафедраси ўқитувчиси
<https://orcid.org/0000-0002-1837-9878>*

Аннотация: Ушбу мақолада ўсмирлар гуруҳида психологик муҳоғаза мезонларини тадқиқ қилишнинг амалий -методик асослари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари бугунги кунда ўзига хос хулқ-атвори, «Мен» лиги намоён этилишида шахслараро муносабат, идентификация, рефлексивлик жараёнларининг яққол таъсири кўриниб турган ҳар бир ўсмирлар гуруҳида меъёридан ортиқ безовталиқ, ҳиссий зўриқиш, руҳий тушкунлик ва асабийлик ҳолатларини ўз вақтида пайқаш ва бартараф этиши учун тегишли чора-тадбирларни қўлламай туриб, таълим-тарбия самарадорлигига эришиб бўлмаслиги ҳақида фикр боради.

Калит сўзлар: адекватлиқ, ноадекватлиқ, экстрверт- беқарор, экстрверт –барқарор, интроверт –барқарор, интроверт –беқарор, психологик муҳоғаза

ПРАКТИЧЕСКИЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ КРИТЕРИЙ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЫ В ГРУППЕ ПОДРОСТКОВ

*Ахмадов Назиржон Рахматович,
Бухарский государственный университет, преподаватель кафедры
психологии*

Аннотация: В данной статье рассматриваются практические и методические основы изучения критериев психологической защиты в группе подростков. Кроме того, для своевременного выявления и устранения чрезмерной тревожности, эмоциональной напряженности, депрессии и нервозности в каждой группе подростков, личностное поведение которых сегодня ярко отражается в процессах межличностных отношений, идентификации, рефлексивности в проявлении «Я». существует мнение, что эффективность образования не может быть достигнута без принятия соответствующих мер.

Ключевые слова: адекватность, неадекватность, экстраверт-неустойчивый, экстраверт-устойчивый, интроверт-устойчивый, интроверт-неустойчивый, психологическая защита.

PRACTICAL AND METHODOLOGICAL BASES FOR STUDYING THE CRITERION OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION IN A GROUP OF ADOLESCENTS

*Akhmadov Nazirzjon Rakhmatovich,
Bukhara State University, Teacher of the Department of psychology*

Annotation: This article discusses the practical and methodological foundations for studying the criteria for psychological protection in a group of adolescents. In addition, for the timely detection and elimination of excessive anxiety, emotional tension, depression and nervousness in each group of adolescents, whose personal behavior today is clearly reflected in the processes of interpersonal relations, identification, reflexivity in the manifestation of «I». there is an opinion that the

effectiveness of education cannot be achieved without taking appropriate measures.

Keywords: adequacy, inadequacy, extravert-unstable, extravert-stable, introvert-stable, introvert-unstable, psychological defense.

Кириш: Психологик муҳофаза қилиш муаммоси ҳамиша инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Зеро, инсоннинг ҳар жиҳатдан ижтимоий тараққиёти, шахс сифатидаги фаоллиги ва ўзини ўзи ривожлантира бориши кўп жиҳатдан ушбу жараёнга боғлиқдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, шахслар ўзларининг маълум доирадаги психологик имкониятлари, ютуқлари, камчиликлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлсалар, бу уларнинг ҳаётда учрайдиган ҳар қандай муваффақиятсизликларни осонлик билан бартараф этишга, ўзимқониятларидан янада кенгроқ фойдалана олишга, бир сўз билан айтганда, ўзлари ҳақида янада теран, ижобий ва ўзига хос ижтимоий қийматга эга бўлган тасаввурларнинг шаклланишига кенг имкониятлар яратади. Ўсмирлик даври эса худди шундай имкониятлар кўламини янада кенгайтириш учун муҳим босқич ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда ёшлар ва уларнинг тарбиявий имкониятлари алоҳида қадрият сифатида тобора юксакларга кўтарилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўзига хос хулқ-атвори, «Мен» лиги намоен этилишида шахслараро муносабат, идентификация, рефлексивлик жараёнларининг яққол таъсири кўриниб турган ҳар бир ўсмирлар гуруҳида меъёридан ортиқ безовталиқ, ҳиссий зўриқиш, руҳий тушқунлик ва асабийлик ҳолатларини ўз вақтида пайқаш ва бартараф этиш учун тегишли чора-тадбирларни қўлламай туриб, таълим-тарбия самарадорлигига эришиб бўлмайди. Таълим-тарбия самарадорлиги заифлашган жойда эса шахс етарли даражада ривожланмайди.

Маълумки, ижтимоий психология фанида айнан психологик муҳофаза муаммосига бағишланган ва унинг барча йўналишларини батафсил баён этишга қодир илмий адабиётлар етарли бўлмаса-да, бугунги кунда фан оламида ва жамият тараққиётида психологик муҳофаза муаммосининг зарурлигини кўрсата олувчи ва унинг методологик илдизларини асослаб бера олувчи илмий тадқиқотларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Мазкур адабиётларни таҳлил қилар эканмиз, улардаги психологик муҳофаза методологиясига тааллуқли айрим умумий жиҳатларни ижтимоий психология фани нуқтаи назаридан тадқиқ қилишимизга тўғри келади.

Чунончи, барча тадқиқотчилар ҳам ижтимоий психологиянинг методологик тамойилларига амал қилган ҳолда шахс психологик муҳофазаси учун муҳим бўлган у ёки бу жиҳатни назарий-илмий тарзда асослаб берадилар. Булар ичида шахс психологик муҳофазаси учун муҳим назарий-илмий аҳамият касб этувчи ижтимоий психологик вазифаларни аниқлашга қаратилган тадқиқотларни Г.М.Андреева, М.Г.Давлетшин, Ю.М.Забродин, Д.Карнеги, В.М.Каримова, Б.Д.Паригин, Т.Б.Снигирева, А.В.Филиппов, П.Н.Шихирев, Ғ.Б. Шоумаров, В.А. Ядов, Э.Ғ. Ғозиев; шахс фаоллиги билан боғлиқ тадқиқотларни К.А.Абульханова-Славская, Л.П. Гримак, Б.Ф. Ломов, Н.С. Лейтес, Э.А. Голубева, Б.Р. Қодиров, А.И. Липкина, А.В. Петровский, С.Л. Рубинштейн; ижтимоий установка билан боғлиқ тадқиқотларни А.Г. Асмолов, Ш.А. Надирашвили, Д.Н. Узнадзе, П.Н. Шихирев.

Психологик муҳофаза мезонларининг танланиши ва тадқиқ қилиниши асосан тадқиқотимизнинг биринчи бобида батафсил қайд этилган психологик муҳофаза ҳақидаги назарий-методологик тушунчаларга таянади. Жумладан, ҳар бир мезон маълум даражада ўсмир шахсидаги психологик муҳофаза имкониятларининг у ёки бу жиҳатларини очиб беришга хизмат қилади.

Бинобарин, ҳар бир тадқиқотни олиб бориш, унинг натижаларини илмий

таҳлил қилган ҳолда тегишли ҳулосалар қилиш учун шартли равишда у ёки бу мезонлар қабул қилинади. Худди шу қабул қилинган мезонлар ёрдамида тадқиқот мақсади, вазибалари, илмий ҳулосалар очиб берилади. Шу анъанага амал қилган ҳолда олиб борилиши лозим бўлган тадқиқотимизнинг илмий салоҳиятини яққолроқ кўрсатиш мақсадида ўсмирлар учун характерли бўлган ўзини ўзи психологик муҳофаза қилиш жараёнини очиб берувчи мезонларни танлаш ва тадқиқ қилиш услуби белгилаб олинди. Албатта, ҳар бир мезоннинг танланиши юқоридаги бобнинг биринчи ва иккинчи параграфларида қайд этилган илмий-фундаментал ғоялар асосида шакллантирилди.

Тадқиқотнинг методлари:

Рикс -Уэссман шкаласи бўйича ўсмирлар гуруҳида ўзини ўзи ҳиссий баҳолашга асосланган адекват ва ноадекват психологик муҳофаза кўрсаткичларининг респондентлар умумий сонига нисбат тутган ўринлари

№	5-синф				9-синф			
	адекватлилик		ноадекватлилик		адекватлилик		ноадекватлилик	
	шкаласи	%	шкаласи	%	шкаласи	%	шкаласи	%
1	III	57,4	IV	49,0	IV	56,2	I	57,3
2	I	52,8	II	47,5	III	48,5	II	54,5
3	II	52,5	I	47,2	II	46,5	III	51,5
4	IV	51,0	III	42,6	I	42,7	IV	43,8

Бешинчи ва тўққизинчи синф ўқувчиларидан олинган эмпирик маълумотларни синчиклаб ўрганадиган бўлсак, ўзини ўзи ҳиссий баҳолашга асосланган психологик муҳофаза кўрсаткичларида турли хил қонуниятлар мавжудлигини кўраимиз.

1. Тадқиқот мақсадига мос қўлланилган асосий ва қўшимча усуллар ҳамда жадвалдаги маълумотлар шундан гувоҳлик берадики, ўсмирликнинг дастлабки даврида ҳам, охириги босқичида ҳам ўзини ўзи ҳиссий баҳолашга асосланган психологик муҳофаза ҳақидаги тасаввурларнинг “адекват” ва “ноадекват” кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутнинг унчалик катта эмаслигини таъкидлаш мумкин.

2. 5-синф ўқувчиларида ҳам, 9-синф ўқувчиларида ҳам “адекват” кўрсаткичлар кўлами талайгина миқдорни ташкил этиши, жумладан 5-синф ўқувчилари орасида ($n_1=2000$ га нисбатан) барча тўртала шкалани умумлаштирган ҳолдаги ўртача умумий кўрсаткич миқдори нисбатан кўпроқ миқдорни, яъни 53,4% ни ташкил этган бўлса, бу миқдор 9-синф ўқувчиларига нисбатан ($n_2 = 2000$) олганда эса 48,5% га камайганлигини кўриш мумкин. “Ноадекват” кўрсаткичлар миқдори эса 5-синф ўқувчилари орасида нисбатан камроқни яъни 46,6 % ни, 9-синф ўқувчилари орасида нисбатан кўпроқ миқдорни, яъни 51,5%ни ташкил этганлиги билан характерланади. Олинган бу кўрсаткичлар ўсмирлик даврида ўзини ўзи ҳиссий баҳолаш жараёни ва унинг психологик муҳофаза жараёнига нечоғлиқ мутаносиблик жиҳатлари ва унинг динамикаси ҳақида таҳлиллар олиб бориш имкониятини очиб беради.

3. Олинган маълумотларга асосланиб Рикс-Уэссман шкаласи бўйича ўзини ўзи ҳиссий баҳолашга асосланган “адекват” ва “ноадекват” психологик муҳофаза кўрсаткичларининг респондентлар умумий сонига нисбатан тутган ўринлари белгиланади. Жумладан, 5-синф ўқувчилари орасида белгиланган тўрт шкаладаги адекват кўрсаткичлар бўйича 1-ўринни III шкала ҳиссий кўтаринкилик кўрсаткичлари (57,4%) эгаллаган бўлса, 9-синф ўқувчилари орасида эса мазкур йўналиш бўйича 1-ўрин IV шкалага ўз-ўзига ишончлилик шкаласига тааллуқлилиги (59,9%) маълум бўлди. Шунингдек, 5-синфдаги адекват кўрсаткичлар кўламида 2-ўрин I шкалага (52,8%), 3-ўрин II шкалага (52,5%), 4- ўрин эса IV шкала (51,0%) га тўғри келди. 9-синф ўқувчилари орасидаги ўзини ўзи ҳиссий баҳолашга бўлган адекват кўрсаткичлари кўламида эса 2-ўрин III шкалага (48,5%), 3-ўрин II шкалага (46,5%) ва охириги

4- ўрин I шкалага (42,7%) тўғри келиши билан характерланади. Ўзини ўзи ҳиссий баҳолашга бўлган ноадекват кўрсаткичлар кўлами бўйича 5- синфда ўқувчилар орасида 1- ўрин IV шкалага, 2- ўрин II шкалага (47,5%), 3- ўрин I шкалага (42,7%), 4- ўрин III шкалага (42,6%) тўғри келган бўлса, бундай кўрсаткичлар 9-синфга келиб бир оз ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Яъни 1-ўрин I шкалага (57,3%), 2- ўрин II шкалага (54,5%), 3- ўрин III шкалага (51,5%) 4-ўрин IV шкалага (43,8%) тўғри келиши яққол номоён этилди. Олинган бу кўрсаткичлар ҳар бир ўсмирга индивидуал ёндашув имкониятларини излашда муҳим аҳамият касб этади.

Шахс динамик хусусиятлари доирасидаги психологик муҳофаза мезонлари номоён этилишининг ўртача умумий типик кўрсаткичлари (9 – синф)

Объект	Мезон																
	№1		№2		№3		№4		№5		№6		№7		Жами		
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	
I	A	20	28.5	40	57.1	30	37.5	50	45.0	40	57.1	30	46.7	20	40.0	23	44.8
	B	50	71.5	30	42.9	50	62.5	60	54.0	30	42.9	40	53.3	30	60.0	29	55.2
	жами	70	33.3	70	22.0	80	26.7	110	29.4	70	28.0	70	25.0	50	20.0	52	10.0
II	A	40	66.7	30	40.0	40	53.3	40	53.3	30	40.0	40	53.3	40	53.3	27	35.9
	B	20	33.3	40	60.0	20	26.7	30	40.0	30	40.0	20	26.7	30	40.0	28	36.8
	жами	60	28.6	70	23.1	60	20.0	70	23.1	60	20.0	60	20.0	60	20.0	55	18.2
III	A	20	66.7	50	57.1	40	47.6	50	58.8	30	35.3	40	47.6	30	35.3	42	50.0
	B	10	33.3	30	42.9	30	43.0	30	43.0	40	57.1	40	57.1	40	57.1	22	27.0
	жами	30	14.3	80	27.6	70	23.1	80	26.7	70	26.7	70	23.1	70	23.1	64	21.3
IV	A	20	40.0	40	48.0	20	24.0	40	48.0	20	24.0	30	36.0	20	24.0	44	55.0
	B	30	60.0	40	48.0	40	48.0	40	48.0	40	48.0	30	36.0	20	24.0	25	31.3
	жами	50	23.8	80	26.7	60	24.0	80	32.0	60	24.0	60	24.0	40	16.0	69	27.3
Жами	A	110	52.3	160	50.7	140	43.8	160	49.7	140	43.8	160	49.7	140	43.8	194	47.4
	B	100	47.7	140	49.3	150	46.2	150	46.2	140	43.8	140	43.8	140	43.8	106	26.6
Хаммаси:		210	100.0	150	100.0	100	100.0	100	100.0	100	100.0	100	100.0	100	100.0	200	100.0

- I. Экстреверт- беқарор
- II. Экстреверт -барқарор
- III. Интроеврт -барқарор
- IV. Интроеврт -беқарор

«А»- шахс динамик хусусиятлари доирасидаги адекват кўрсаткичлар миқдори

«Б»- шахс динамик хусусиятлари доирасидаги ноадекват кўрсаткичлар

миқдори

Авалло шуни айтиш керакки, ўсмирлар гуруҳида ҳар бир ўсмир шахсини психодиагностик ўрганиш натижаларига мувофиқ улардаги психотизм, невротизм ва депрессиянинг маълум даражада яққол намоён этилиши кузатилсада, ўсмирлар гуруҳининг фаолият самарадорлигига қараб фрустрацияга чидамлилиқни шакллантириш, муваффақиятсизлиқни енгиш орқали психологик муҳофаза механизmlарини ҳосил қилишнинг муҳим аҳамият касб этади. Тегишли таҳлиллар шуни кўрсатадики, психологик ҳимоя механизми ўсмир шахсини психофизиологик жиҳатларига, яъни олий асаб тизимининг қуввати, мувозанати, ҳаракати, лабиллиги, пластиклиги акс этган “Мен”ининг кучига боғлиқ. Бу “боғлиқлик”ни таҳлил қилиш орқали ҳар бир ўсмир учун характерли бўлган психологик муҳофаза механизmlари ҳақида тегишли маълумотга эга бўлиш мумкин.

Энди, бевосита қўлга киритилган эмпирик маълумотлар таҳлиliga ўтамыз. Келтирилган жадвалларда ўсмирларнинг ҳар бир динамик хусусият доирасидаги психологик муҳофаза кўрсаткичлари (“а-адекват”, б-ноадекват”) қийёсий тарзда яъни ўсмирликнинг бошланиши арафасида турган 5-синф ўқувчилари ҳамда ўсмирликнинг якуний босқичида турган 9-синф ўқувчилари мисолида ўрганилди. Ҳар бир ўсмир (респондент) билан тадқиқот максалига мос методика талаблари асосида индивидуал ишлар олиб борилди. Контент-таҳлил учун қўшимча саволномалар ва анкета сўровномалари ўтказилиб, унинг натижалари умумий методика натижаларига мос равишда тадқиқ қилинди. Маълумотларнинг ишончлилиқ даражаси эса математика-статистик мезонлар билан текширилди ва маълум ҳулосалар қилинди.

Тадқиқот давомида шу нарса аён бўлдики, бугунги кунда барча таълим муассасаларида ҳар бир ўсмир шахси ўзига хос ва ўзига мос индивидуал услубни намоён этган ҳолда маълум бир ўқув топшириқларини бажаради, ёки бўлмаса мавжуд индивидуал имкониятлари асосида ўқув фаолиятидаги айрим муваффақиятсизлиқлардан ўзини ҳимоя қилади. Лекин кўп ҳолларда ўсмир ўзидаги мавжуд динамик хусусиятларга мос (адекват) тарзда ҳаракат қила олмаслигидан қийналади. Бу ҳолатга катталар томонидан унчалик жиддий эътибор қаратилмаганлигининг оқибатида ўсмирда ўзини ўзи психологик муҳофаза қилиш механизми етарли даражада ишламаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан қуйидаги жадвалларда (3.14, 3.15) келтирилган маълумотлар тегишли ҳулосалар чиқариш имконини беради. Бинобарин, тақдим этилган кўрсаткичлар респондентларда намоён бўлувчи шартли равишда қабул қилинган иккита мезон, яъни “А” мезони шахс динамик сифатлари доирасидаги адекват кўрсаткичлар миқдорини билдирса, “Б” мезон кўрсаткичлари эса шахс динамик сифатлари доирасидаги ноадекват кўрсаткичлар миқдоридан гувоҳлиқ беради. Ҳар иккала мезон кўрсаткичлари шартли ва нисбий тарзда талқин қилинади ва бу талқиннинг ишончлилиги, ҳаққонийлиги эса олдиндан қўшимча усуллар, контент-таҳлиллар ва индивидуал савол-жавоблар ҳамда сўровномаларнинг натижаларига таянган ҳолда таъминланади.

Хулоса: Мамлакатимизда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотларнинг туб негизида энг аввало ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати, ақл-заковати, маънавий салоҳияти ва ўзига хос ижтимоий психологик тараққиётига хизмат қилувчи омиллар ётади. Зеро, бу омилларни ҳар жиҳатдан муҳофаза қилиш башариятнинг энг олий неъматини ҳисобланган шахсни муҳофаза қилиш демакдир. Шу билан бирга шахсдаги ўзини ўзи турли хил муваффақиятсизлиқдан, турли хил салбий ҳолатларга тушиб қолишдан ҳимоя қила олиш тизимини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва ривожлантириш масаласи ҳам ўта муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик керак бўлади. Тадқиқотимиз давомида олиб борилган барча илмий-услубий ишлар ва уларнинг эмпирик натижаларига асосланган илмий-назарий мушоҳадалар худди шу масаланинг моҳиятини ва аҳамиятини очиб беришга хизмат қилади. Чунончи ўтказилган барча назарий ва амалий тадқиқотлар асосан қуйидаги умумий ҳулосаларга қелишимизга сабаб бўлди:

1. Ижтимоий психологиядаги илмий-назарий ва методик адабиётлар

таҳлили шахс фаоллиги ва ижтимоий тараққиётининг таъминланиши учун муҳим йўналиш ҳисобланган ўсмирлик даври учун характерли бўлган ўзини ўзи психологик муҳофаза қилиш жараёнини махсус таҳлил қилишга бағишланган тадқиқотларнинг ниҳоятда тақчил эканлигини кўрсатади. Холбуки, ҳар қандай шахс, айниқса, ўсмирлик даврида унинг ижтимоий тараққиётига салбий таъсир этиши мумкин бўлган турли хил муваффақиятсизликлардан, ички зиддиятлардан, юқори даражадаги стресс ҳолатларига тушишдан вақтидаёқ ўзини ўзи психологик муҳофаза қила олишга тайёр бўлсагина, у етарли даражада фаолият ва фаоллик кўрсата олади. Бундай фаолият ва фаолликнинг таъминланиши эса ҳар бир ўсмирда шаклланаётган ўзини ўзи психологик муҳофаза қилиш жараёнига даҳлдор бўлган ўзига хос ижтимоий психологик ҳолатларни тадқиқот предмети сифатида ўрганишни, тадқиқ қилишни ва тегишли илмий-амалий хулосалар чиқаришни тақозо этади.

2. Ўсмирларда ўзини ўзи психологик муҳофаза қилиш жараёнига таъсир қилувчи ва айни пайтда тадқиқот предметиға айлантирилган мезонларнинг ҳар бири ўзига хос муҳофаза омили, белгиси, динамикаси ва иерархик тизимиға эға эканлиги ва бу умумий психологик муҳофазанинг бир–бириға боғлиқ иерархик занжирни мустаҳкамлашға ҳамда мукамаллаштиришға хизмат қилиши билан алоҳида характерланади. Шу нуқтаи назардан мазкур мезонлар талқини шахснинг ўзини ўзи психологик муҳофаза қилиш тизими ҳақида эмпирик маълумотлар бериш мумкинлигини исботлади. Жумладан: Ижтимоий ҳолат безовталиги (1-омил)нинг психологик муҳофаза мезони–адекват психологик ҳимоя, психологик муҳофаза белгиси ижтимоий меъёрий фаоллик, психологик муҳофаза иерархияси–А) мактаб ҳаёти билан боғлиқ фаоллик, Б) ўзини ўзи баҳолаш, В) шахслараро мулоқот билан боғлиқ эканлигини, ўзини ўзи ҳиссий баҳолаш (2-омил) нинг психологик муҳофаза мезони–меъёрий ҳиссий баҳолаш, психологик муҳофаза белгиси ўзини ўзи адекват бошқариш, психологик муҳофаза иерархияси–хотиржамлик, ўз–ўзига ишонч хусусиятларининг намоён этилиши билан; зиддиятли ҳолатдан сақланиш (3-омил)нинг психологик муҳофаза белгиси–индивидуал услубни намоён эта олиш, психологик муҳофаза иерархияси–баҳс–мунозара, ҳамкорлик, келишув, ўзини четға олиш, мослашиш каби хусусиятлар билан; фаолият ва индивидуал ёндашув (4-омил)нинг психологик муҳофаза мезони–адекват динамик сифатлари мутаносиблиги, психологик муҳофаза иерархияси эса ҳар бир динамик сифатға хос хусусиятларнинг намоён этилиши билан бевосита боғлиқ эканлиги тақдим этилган эмпирик маълумотлар таҳлилида ўз аксини топди.

Адабиётлар рўйхати:

Ахмадов, Н. Р. (2022). Психологические механизмы реабилитации процесса дезадаптации у подростков. *Science and Education*, 3(4), 1271-1277.

Ахмадов, Н. Р. (2020). Роль психологического здоровья студентов в учебный процесс. Психология XXI столетия. In Сб. научных статей по материалам международной конференции) (pp. 127-131).

G'aybulloyev, A. A. (2022). Sportchilarda irodaviy sifatlarni shakllanishining psixologik mexanizmalari. *Science and Education*, 3(4), 832-837.

Гайбуллаев, А. А. Особенности эмоционального состояния спортсменов. *Вестник интегративной психологии (Ярославль, выпуск 23, 2021.–С. 69-73.*

Nazarov, A. M. (2020). PSYCHOLOGICAL MECHANISM FOR IMPROVEMENT OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION OF SPORTSMEN. *Theoretical & Applied Science*, (1), 435-438.

Назаров, А. М. (2020). Психологическая защита личности в спортивной деятельности “Психология XXI столетия”. Выпуск, 1, 97-99.

Бафаев, М. М., Усманова, М. Н., & Остонов, Ш. Ш. (2014). Симптомы эмоционального выгорания современного педагога. *Наука. Мысль*, (6).

Бафаев, М. М., & Остонов, Ш. Ш. (2014). СОЦИАЛЬНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ КАК МЕХАНИЗМ ЗАЩИТЫ ОБЩЕСТВА. In *Формы и методы социальной работы в различных сферах жизнедеятельности* (pp. 24-26).



**АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАРНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИК ОМИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.008>

Рустамов Шавкат Шухратович,

Бухоро давлат университети, Психология кафедраси ўқитувчиси

<https://orcid.org/0000-0002-1194-4977>

Аннотация: Мазкур мақолада амалиётчи психологларнинг касбий компетентлигига таъсир этувчи математик омилларнинг психологик хусусиятлари ва унинг методологик асослари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари амалиётчи психологларнинг психологик маълумотларни қайта ишлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳамда ушбу усулларни таълим тизимида тарғиб қилиш ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: мантиқий фикрлаш, креативлик, математик компетентлик, интеллект, тафаккур, SPSS, Excell, матрицалар, дисперсия, медиана.

**МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ
ФАКТОРОВ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ
ПРАКТИКУЮЩИХ ПСИХОЛОГОВ**

Рустамов Шавкат Шухратович,

Бухарский государственный университет, Преподаватель кафедры

психологии

Аннотация: В этой статье мы поговорим о психологических особенностях математических факторов, влияющих на профессиональную компетентность практикующих психологов, и ее методологических основах. Кроме того, речь идет об использовании современных технологий при обработке психологических данных практикующих психологов, а также о продвижении этих методов в систему образования.

Ключевые слова: логическое мышление, креативность, математическая компетентность, интеллект, созерцательность, SPSS, отлично, матрицы, дисперсия, медиана.

**METHODOLOGICAL BASIS OF STUDYING THE FACTORS
OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF PRACTICING
PSYCHOLOGISTS**

Rustamov Shavkat Shukhratovich,

Bukhara State University, Teacher of the Department of psychology

Abstract: In this article we will talk about the psychological features of mathematical factors affecting the professional competence of practicing psychologists, and its methodological foundations. In addition, we are talking about the use of modern technologies in the processing of psychological data of practicing psychologists, as well as the promotion of these methods in the education system.

Keywords: logical thinking, creativity, mathematical competence, intelligence, contemplation, SPSS, excellent, matrices, variance, median.

Қириш. Жаҳонда ҳар бир мамлакатнинг таълим тизимида зехнли, иқтидорли, қобилятли ва ижодкор инсонларни ўқитиш ҳамда уларни

жамият тараққиётига тайёрлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Дунёнинг етакчи таълим муассасаларида, жумладан Халқаро психология фанлари иттифоқи – IUPsyS (International Union of Psychological Science) томонидан 2018-2023 йилларга мўлжалланган психологияни соҳасини янада такомиллаштириш концепциясида малакали психологларни тайёрлаш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда аниқ фанларни ўқитиш билан бир қаторда уларга мантиқий фикрлаш қобилиятларини оширишнинг самарали механизмлари ҳам йўлга муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг халқаро илмий марказларида амалиётчи психологларнинг математик компетентлиги, ижодий-яратувчанлиги, психологларни мантиқий фикрлашга йўналтирилганлиги, гуманитар фанларнинг математика соҳаси билан ўзаро интеграциялашганлигини ўрганиш, инновацион, техник тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари, психологик маълумотларни математик-статистик усуллар орқали қайта ишлашга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Глобаллашув ва ахборотлар кўламининг интенсивлашуви шароитида психология соҳаси бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда компьютер усулларида фойдаланиш тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг сабабларидан бири кенг кўламли илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришга, индивидуал тарзда диагностик ишларни олиб боришни тезлаштириш, осонлаштиришга имкон берувчи ташхис методикаларининг компьютер намуналарининг яратилиши бўлса, иккинчиси, статистик танламаларнинг репрезентативлигига, маълумотларнинг статистик таҳлили негизда чиқарилган хулосаларнинг асослилигига талабнинг кучайишидир.

Мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштириш, уни бугунги замон талаблари асосида ўқитишнинг илғор ёндашувларини жорий этиш бўйича олиб борилган ислохотлар натижасида мактаб амалиётчи психологларининг касбий компетентлигини математик билимларни эгаллаш орқали юксалтириш муҳим тадқиқот ўтказишга замин ҳозирлайди. Бундан ташқари фан техника тараққиёти, инсонларнинг сифатли ва аниқ маълумотга бўлган эҳтиёжларнинг ортиши илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Хорижлик олимларнинг тадқиқотларида мазкур муаммони ечишга бағишланган жуда кўплаб илмий қарашлар мавжуд бўлсада, улар томонидан қўлга киритган натижаларни маҳаллий шароитда тўғридан-тўғри қўллаш ижобий самара бермаслиги мумкин. Жумладан, А.Адлер, Дж.Равен, И.Борг, А.Кетле, Ф.Гальтон М.Муллер, Т.Стауфенбиел, В.А.Дюк, Р.Фишер, И.Ф.Гербарт, Дж.Гласс, В.Лефевр, Ю.Кул, М.Ф.Дробишларнинг олиб борилган илмий изланишларида амалиётчи психологлар математик компетентлик тўғрисида шарҳлар берилган.

Методика. Тадиқотимизнинг методикаси 1936 йилда Дж.Равен ва Л.Пенроуз томонидан умумий интеллектни аниқлаш учун мўлжалланган Progressive Matrices (Прогрессив матрисалар) тести ҳисобланади. Муаллифларнинг фикрича бу тест муайян шаклларни, уларнинг хусусиятларини, характерини, ўзаро муносабатларини ёки мажмуасини, муносабатлар йиғиндисини идрок қилиш ҳамда математик компетентлик қобилиятини ўрганишга мўлжалланган.

Натижалар ва Мунозара. Тадқиқот объекти сифатида биз халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган амалиётчи психологлар танлаб олинди. Тадқиқот объекти қуйидагича танлаб олинди.

1-жадвал

Асосий тадқиқот гуруҳи тўғрисида умумий маълумотлар


Худуд	3 йилгача меҳнат фаолиятига эга амалиётчи психологлар	5 йилгача меҳнат фаолиятига эга амалиётчи психологлар	Жами
Бухоро	83	48	131
Навобий	55	38	93
Қарши	52	29	81
Жами	190	115	310

Натижалар ва Мунозара. Тадқиқотимиз учун танланган ҳар бир объект ҳар томонлама тадқиқотимизнинг зарур динамика ва самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишга ҳамда тегишли илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишга замин ҳозирлайди. Бу эса Ўзбекистонда замонавий психологияни ривожланиши, мактаб амалиётчи психологларига бўлган ижобий муносабатни шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

2-жадвал

Амалиётчи психологлардан “Прогрессив матрицалар” тести орқали олинган умумий маълумотлар таҳлили

Гуруҳлар	Интеллект даражалари						Жами:
	паст	Фоиш	ўртача	Фоиш	юқори	Фоиш	
Назорат	61	38,1	79	49,3	20	12,6	160
Таҷриба	64	42,6	69	46,1	17	11,3	150
Жами:	125	40,3	148	47,7	37	11,9	310



2-Расм. Амалиётчи психологлар “Прогрессив матрицалар” тести орқали олинган умумий маълумотларнинг диаграмма кўриниши

Келтирилган натижалар (1-жадвал ва 1-расм) га кўра, амалиётчи психологларда интеллект даражаси таҷриба гуруҳида, паст даража (42,6%), ўртача (46,1%), юқори (11,3%) ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида эса паст даража (38,1%), ўртача (49,3%), юқори (12,6%) ни қайд этди.

Келтирилган кўрсаткичлар асосида амалиётчи психологлардаги интеллект даражалари таҷриба ва назорат гуруҳларда энг кўп фоишда ўртача даражада 47,7%, энг юқори даража 11,9% бўлса, энг куйи даража эса 40,3% эканлиги аниқланди. Бу эса амалиётчи психологларда математик матрицалар билан

ишлаш, турли кўринишдаги амалларни бажаришда бир қатор муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатди.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги методикаси сифатида “Математик компетенликни эксперт баҳолаш сўровномаси” саналади. Мазкур сўровнома шахсдаги турли кўринишдаги компетенлик омилларини аниқлаш учун хизмат қилади. Жумладан, социал психологик компетентлик, когнитив компетентлик, математик компетентлик, мантқий компетентлик ҳамда креатив компетентлик каби омилларни аниқлаш имконини беради. Ушбу сўровномадан мақсад мактаб амалиётчи психологларнинг нафақат математик компетенлигини, балки, унга ўзаро боғлиқ бўлган бошқа шахслилик хусусиятларини ҳам аниқлашдир. Тадқиқотимиз давомида мазкур сўровномани биз Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган амалиётчи психологларни фаолият давомийлигига қараб ҳам ўргандик. Яъни, 3 йилгача ва 5 йилгача иш фаолиятига эга бўлган амалиётчи психологлар алоҳида қилиб олинган натижалари статистик таҳлил қилинди.

Хулоса. Амалиётчи психолог касбий компетентлигини ривожлантиришда математик усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Биз томонимиздан олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, ушбу муаммонинг долзарблиги шу пайтга қадар етарлича ва тўлиқ ўрганилмаган.

2. Хозирги даврда ҳар бир амалиётчи психолог профессионал, ўз-ўзини ривожлантира оладиган, юқори билим ва қобилиятига эга бўлган, муаммоларга ижодий ёндаша оладиган, математик статистика усуллари ёрдамида психологик тадқиқот олиб бориш учун керакли малака ҳамда кўникмаларига эга бўлиш зарурати, унинг касбий компетентлигини ривожланишини асосий омили эканлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланди.

3. Тадқиқотда шу нарса аниқландики, “мотивацион” ва “интеллектуал” сифатлар амалиётчи психологларнинг касбий-математик компетентлигининг муҳим таркибий омили ҳисобланади. Ушбу компонентларни ривожлантириш эса мақсадли равишда, махсус шароитларда фаол психологик тренинг, индивидуал ва шахсий ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини ташхис қилиш орқали амалга оширилиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

Усманова, М. Н., Бафаев, М. М., & Остонов, Ш. Ш. (2014). Симптомы эмоционального выгорания современного педагога. Наука. Мысль: электронный периодический журнал, (10), 23-32.

Останов, Ш. Ш. (2020). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТЕХНИК АРТ-ТЕРАПИИ И АРТ-ПЕДАГОГИКИ В РАБОТЕ ПЕДАГОГА-ПСИХОЛОГА. Рекомендовано к печати Ученым советом Института психологии имени ГС Костюка НАПН Украины (Протокол № 64 от 28 декабря 2020), 135.

Nazarov, A. M. (2020). PSYCHOLOGICAL MECHANISM FOR IMPROVEMENT OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION OF SPORTSMEN. Theoretical & Applied Science, (1), 435-438.

Назаров, А. М. (2020). Психологическая защита личности в спортивной деятельности “Психология XXI столетия”. Выпуск, 1, 97-99.

Останов, Ш. Ш. (2020). Арт-терапия воситалари орқали талаба-ёшлар креативлигини ривожлантириш. Психология. Илмий журнал.–Бухоро, (2), 175-184.

Olimov, L. Y. (2020). Umumiy psixodiagnostika. “Durdona” nashriyoti. Buxoro.

Рустамов, Ш. Ш. (2022). О формировании математической компетентности практический психологов. Science and Education, 3(2), 1359-1366.

Rustamov, S. (2021). ОСОБЕННОСТИ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРАКТИЧЕСКИЙ ПСИХОЛОГОВ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).

Ахмадов, Н. Р. (2022). Психологические механизмы реабилитации процесса дезадаптации у подростков. Science and Education, 3(4), 1271-1277.

Ахмадов, Н. Р. (2020). Роль психологического здоровья студентов в учебный процесс. Психология XXI столетия. In Сб. научных статей по материалам международной конференции) (pp. 127-131).



ИДЕНТИФИКАЦИЯ ФАКТОРОВ СЕМЕЙНЫХ РАЗВОДОВ И ПУТИ ИХ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.007>

Хакимова Фазолат Хошимовна,
БГУ, преподаватель кафедры психологии

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта осие минтақасида асосан Ўзбекистонда оилавий муносабатлардаги қарашилар, ажримларга сабаб бўлувчи шахснинг психологик хусусиятлари, эр-хотин, қайнона келин муносабатлари, оилавий низоларда учинчи шахс аралашуви, оилавий низоларнинг болалар рухиятига, келажакка таъсири, оилавий ажримларнинг жамиятга таъсири ҳақида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Оила сиёсати, ижтимоий сиёсат, оилавий муносабатлар, фуқаролик жамияти институтлари, оилавий низолар

OILAVIY AJRALISH OMILLARINI ANIQLASH VA ULARNI OLDINI OLISH YO'LLARI

Hakimova Fazolat Xoshimovna,
BuxDU, psixologiya kafedrasi o'qituvchisi

Аннотация: В данной статье рассматриваются взгляды на семейные отношения в Средней Азии, преимущественно в Узбекистане, психологические особенности лица, вызывающего развод, отношения между супругами, свекровью, третьими лицами в семейных спорах, влияние семейных конфликтов на детская психика, будущее, влияние семейных разводов на общество.

Ключевые слова: Семейная политика, социальной политики, институтов гражданского общества, профилактики семейного неблагополучия, хорошие взаимоотношения.

IDENTIFICATION OF FACTORS OF FAMILY DIVORCES AND WAYS TO PREVENT THEM

Khakimova Fazolat Hashimovna,
BSU, lecturer of the Department of Psychology

Abstract: This article focuses on the views of family relations in Central Asia, mainly in Uzbekistan, the psychological characteristics of the person causing the divorce, the relationship between spouses, mothers-in-law, third parties in family disputes, the impact of family conflicts on children's psyche, future, the impact of family divorces on society.

Key words: Family policy, social policy, civil society institutions, prevention of family problems, good relationships.

Создание крепкой и счастливой семьи всегда являлось одним из главных ценностей, залогом счастливой жизни для граждан нашей страны. Следовательно общество стремится к сохранению этой ценности, прилагает огромные усилия для недопущения распространения распада браков, неполных семей, увеличения числа детей, лишенных родительских забот. Данная задача требует изучения и глубокого анализа факторов и причин семейных разводов, и по результатам этого анализа разработка действенных мер по их предотвращению.

Актуальность данной задачи также подтверждается Концепцией укрепления института семьи в Республике Узбекистан, которая определяет

проведение комплексных исследований и разработку мер по предотвращению семейных разводов и их социальных последствий одним из приоритетов государственной политики в области укрепления института семьи.

В целях реализации указанных задач Научно-практическим исследовательским центром «Оила» было проведено исследование, направленное на изучение причин и факторов семейных разводов, оценку роли и эффективности деятельности структур и институтов, ответственных за поддержку семей и укрепления института семьи на местах, а также разработка мер и рекомендаций по усилению потенциала укрепления семей, устранению факторов и рисков, обуславливающих росту семейных разводов по результатам данного исследования.

Результаты исследования показали, что основными причинами разводов являются отсутствие взаимопонимания и согласия, постоянные ссоры и конфликт между супругами (22,5%), отсутствие детей в семье/бесплодие (15,6%), постоянное вмешательство родственников супругов в их жизнь, конфликты с ними (15%), алкоголизм (11%). Среди причин развода также названы ситуации, свидетельствующие об ограничении свободы и возможностей супруги в семье, такие как установление супругом, его родственниками запрета ей работать/учиться, рукоприкладство, лишение прав в решении вопросов, касающихся различных аспектов жизни семьи. Почти 2% респондентов указали в качестве основной причины распада их семьи утрату связи с семьей, супруга/супруги, уехавший на работу за границу.

При этом местные эксперты, принимавшие участие в экспертном опросе, указывали на ряд факторов и предпосылок, которые, по их мнению, обуславливают ситуации, приводящие к распаду семей. В качестве таких основных факторов, за исключением объективных факторов (бесплодие, лишение свободы по решению суда), названы недостаточная подготовленность молодежи к семейной жизни, совместное проживание супругов с родственниками, материальные трудности в семье.

Недостаточная подготовленность молодежи к семейной жизни, помимо субъективных причин, в значительной степени обусловлена отсутствием системной и скоординированной работы уполномоченных организаций и учреждений на местах, ответственных за проведение данных работ по подготовке молодежи к семейной жизни, особенно молодых людей. Проведенный анализ также показал, что кроме фрагментарности, низкая эффективность деятельности ответственных организаций в данном направлении, особенно в сельских районах, обусловлена ее слабой обеспеченностью информационными и агитационными материалами, предназначенными для молодежи, вступающей в брак.

На фоне указанных проблем ведение качественного обучения по вопросам семьи в профессиональных учебных заведениях, общеобразовательных школах обретает крайне важное значение.

Результаты исследования позволяют сделать однозначный вывод о том, что без существенного расширения спектра работ по подготовке молодежи к семейной жизни, без обеспечения комплексности и системности этих работ, невозможно добиваться ощутимых результатов в сфере обеспечения устойчивости молодых семей.

Таким образом, проблемы разводов молодых семей в большей степени связаны с их морально-психологической, экономической неподготовленностью к ведению семьи и совместного быта, а не возрастом вступления в брак.

Согласно результатам исследования часть разводов случается вследствие экономических проблем семей, либо обстоятельств, обуславливающих их, в том числе долги семьи (домохозяйства), возникающие в результате



непосильных для семьи затрат на проведение свадьбы.

Работники загсов указывают на вступление в брак многих молодых людей, не достигших материальной независимости от своих родителей, родственников, как причину нестабильности их семей. Данная причина также перечисляется участниками исследования среди факторов, указывающих на необходимость расширения мер по подготовке молодежи к семейной жизни, особенно молодых людей, повышению их социально-экономической ответственности перед семьей.

Как было отмечено выше, значительная часть семей разводятся по причине отсутствия детей в семье/бесплодия одного из супругов. Исследование позволило выявить крайне тревожную тенденцию в данном вопросе: многие бездетные семьи не проходят все необходимое обследование и лечение, а предпочитают разводиться. В ходе опроса лиц, подававших заявление на расторжение брака по причине бездетности, выяснилось, что большинство из них не получили необходимые квалифицированные консультации специалистов и не обладают необходимой ориентацией, чтобы пройти комплекс медицинских процедур и лечения.

Исследования показали, что рост разводов в определенной степени имеет институциональные предпосылки, которые выражаются в низкой эффективности мер, проводимых разными уполномоченными организациями, учреждениями в сфере организации работ с проблемными семьями, оказавшимися на грани развода, оказания им содействия в решении проблем, являющихся причинами данной кризисной ситуации. Опрошенные специалисты в качестве основной причины низкой эффективности деятельности данных учреждений и их специалистов указывают на отсутствие, до недавнего времени, специального обучения по работе с семьями, оказанию им помощи и содействия в тяжелых семейных и жизненных ситуациях, организации работ, направленных на профилактику таких ситуаций.

По мнению большинства опрошенных экспертов низкая эффективность работы примирительных комиссий при органах самоуправления граждан является одним из серьезных факторов низкой результативности примирительных мер, также в ходе исследования выяснилось, что в некоторых махаллях не сформированы такие комиссии.

Крайне важной является собственная оценка респондентов своего решения о разводе, и его последствий, а также возможных условий сохранения семьи. В качестве условия сохранения семьи 24,8% респондентов назвали «если бы родственники супруга\супруги не вмешивались в нашу жизнь», 21,1% - «если бы была возможность жить отдельно», а также 9% - «если бы мне или супруге/супругу была оказана помощь в трудоустройстве и мы смогли бы исправить материальное состояние нашей семьи».

Безусловно, самым трагичным последствием разводов является дети разведенных пар, которые в большинстве случаев лишаются заботы и общества одного из родителей. По данным опроса 61,2% семей на момент развода имели детей. Опрошенные эксперты отмечают необходимость пересмотра механизмов реализации прав детей разведенных семей и полного обеспечения обязанностей родителей перед ними.

Проведенный анализ исследования позволил сформулировать следующие предложения и рекомендации.

а) разработка и утверждение единой концепции подготовки молодежи к семейной жизни, включающей в себя принципов формирования системы организации обучения по вопросам семьи и семейных ценностей в учебных заведениях;

б) проведение специального исследования вопросов доступности услуг по диагностике, лечению бесплодия, выработка предложений по повышению

их доступности, особенно в сельской местности; внедрение при районных, городских поликлиниках комиссий по рассмотрению и выдаче заключений о бесплодии, рассмотрение вопроса правомерности обязательности данного заключения при рассмотрении дел по причине бездетности;

с) разработка новой редакции Положения о примирительных комиссиях при органах самоуправления граждан, предусмотрев в нем практические механизмы обеспечения и мониторинга результативности их деятельности, права примирительных комиссий;

д) внедрение практики обязательного прохождения беседы с психологом обратившихся в загсы с заявлением о заключении брака;

е) формирование обоснованного государственного заказа на подготовку семейных психологов в вузах;

г) выделение государственных грантов на издание в крупных тиражах общепризнанной литературы по укреплению семей и сохранения семейных ценностей;

к) налаживание электронного обмена информацией между судами и загсами для унификации данных по расторжению браков, а также своевременного учета судебных решений о расторжении браков;

Работа с семьями в трудной жизненной ситуации может быть эффективна только лишь в том случае, если министерства и ведомства, которые призваны работать с семьями, будут действовать в координации друг с другом, а общественные организации и средства массовой информации, включая социальные сети, будут правильно интерпретировать ситуацию и содействовать государственным структурам.

На сегодня особую актуальность представляют вопросы проведения государственной политики в области социальной защиты населения и создания единого органа, координирующего всю работу с семьями. В этом направлении правительством Узбекистана разработан и представлен на обсуждение проект Указа Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы социальной защиты населения Республики Узбекистан», который станет правовой основой для дальнейших реформ в сфере повышения уровня и качества жизни людей, особенно малоимущих и уязвимых семей.

Литература:

Наkimova Fazolat Khoshimovna ПСИХИЧЕСКИЕ И ЭМОЦИОНАЛЬНЫЕ СОСТОЯНИЯ У ДЕТЕЙ вестник 23 (79), 358-361

Наkimova Fazolat Khoshimovna Психология: происхождение и структура научного факта Вестник интегративной психологии 19 (2), 115-119

Наkimova Fazolat Khoshimovna Мактабгача ёшдаги болаларнинг ижтимоий психологик мослашув шакилланишида психокоррекция методларининг турни Психология илмий журнали 4 (5), 128-130

Наkimova Fazolat Khoshimovna Мактабгача ва кичик мактаб ёшдаги болаларда мослаша олмасликнинг турли куринишларини психологик хусусиятлари. “Тафаккур ва талқин” 5 (2), 776-779

Наkimova Fazolat Khoshimovna Бола шахсининг шакилланишида оиланинг турни “Тафаккур ва талқин” 3 (2), 452-455

Наkimova Fazolat Khoshimovna МОСЛАША ОЛМАСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ МАКТАБГАЧА ВА КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТУРЛИ ПСИХОЛОГИК КУРИНИШЛАРИ психология 4 (21), 89-91

Life strategies of modern youth МА А'zamova, FK Hakimova, SFOGL Sirojov Science and Education 3 (2), 1067-1072

Повышение благосостояния семьи как фактор развития экономического воспитания ФХ Ҳакимова Science and Education 3 (4), 1710-1715



СПОРТЧИЛАРДА КАЗУСЛИ ВАЗИЯТЛАРДА ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ СИФАТЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.006>

Ғайбуллаев Алишер Асадович,

Бухоро давлат университети, Психология кафедраси ўқитувчиси

<https://orcid.org/0000-0001-7241-346X>

Аннотация: Ушбу мақолада спортчиларда казусли вазиятларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик механизмлари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари мамлакатимизда ёшларнинг жисмоний ва руҳий уйғунликда камол топиши, уларнинг психик барқарорлик ва иродавий сифатларини шаклланишида спорт ва жисмоний тарбия, спорт мактаблари ва тўғарақлари муҳим аҳамият касб этади. Спорт психологиясида казусли вазиятлар ва эмоционал ҳолат ўзгаришини тадқиқ этиши ва бу муаммонинг замонавий ечимларини ишлаб чиқиш хориж ва мамлакатимиз психологиясида ўта долзарб муаммо эканлиги ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: казусли вазият, хавотирланиш шкаласи, хавотирланиш даражаси, интеллект, тобелик-кучлилиқ

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЭМОЦИОНАЛЬНО-ВОЛЕВЫХ КАЧЕСТВ СПОРТСМЕНОВ В СЛУЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ

Ғайбуллаев Алишер Асадович,

Бухарский государственный университет, Преподаватель кафедры

психологии

Аннотация: В данной статье рассматриваются психологические механизмы формирования эмоционально-волевых качеств у спортсменов в ситуационных ситуациях. Кроме того, спорт и физическое воспитание, спортивные школы и секции играют важную роль в развитии молодежи нашей страны в физической и душевной гармонии, формировании у них психической устойчивости и силы воли. В спортивной психологии говорится, что изучение тематических исследований и изменений эмоционального состояния и разработка современных решений этой проблемы является весьма актуальной проблемой в психологии зарубежных и отечественных стран.

Ключевые слова: кейс-ситуация, шкала тревожности, уровень тревожности, интеллект, зависимость-сила.

PSYCHOLOGICAL MECHANISMS FOR FORMING EMOTIONAL-VOLITIONAL QUALITIES OF ATHLETES IN RANDOM SITUATIONS

G`aybullayev Alisher Asadovich,

Bukhara State University, Teacher of the Department of psychology

Abstract: This article discusses the psychological mechanisms of the formation of emotional and volitional qualities in athletes in situational situations. In addition, sports and physical education, sports schools and sections play an important role in the development of the youth of our country in physical and mental harmony, the formation of their mental stability and willpower. In sports psychology, it is said that the study of case studies and changes in the emotional state and the development of modern solutions to this problem is a very urgent problem in the psychology of foreign and domestic countries.

Key words: case-situation, anxiety scale, anxiety level, intelligence, addiction-

strength.

Кириш: Бугунги кунда спортнинг футбол турини оммавийлаштириш дунё ҳамжамияти ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Таъкидлаш жоизки, жаҳонда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш, иқтидорли болаларни футболга кенг жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини шакллантириш, психологик ҳолатни баҳолаш, организмни морфофункционал кўрсаткичларининг ривожланиш даражасини аниқлаш, жисмоний, техник- тактик тайёргарлигини оширишда қўлланиладиган восита ва услублардан амалиётга татбиқ этиш, ўқув машғулотларини илмий асосда ташкил қилиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жаҳон стандартларига мос, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш учун уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий–психологик жиҳатларига алоҳида ёндашув талаб этилади.

Мамлакатимизда ёшларнинг жисмоний ва руҳий уйғунликда камол топиши, уларнинг психик барқарорлик ва иродавий сифатларини шаклланишида спорт ва жисмоний тарбия, спорт мактаблари ва тўғарақлари муҳим аҳамият касб этади. Спорт психологиясида казусли вазиятлар ва эмоционал ҳолат ўзгаришини тадқиқ этиш ва бу муаммонинг замонавий ечимларини ишлаб чиқиш хориж ва мамлакатимиз психологиясида ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонлик олимлар Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, А.М.Жабборов, Ш.Р.Баротов, З.Т.Нишонова, Н.С.Сафоев, Д.Ғ.Мухамедова, Р.С.Самаров, З.Ғ.Гаппаров, М.Маматов, Р.А.Абдурасулов, З.Э.Ғазиева ва бошқалар томонидан казусли вазиятлар ва унда пайдо бўладиган ҳиссий-эмоционал кечинмаларни ўрганиш борасида муайян даражада тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакати олимлари И.П.Волков, Н.Б.Стамбулова, А.В.Алексеев, В.Ф.Сопов, Л.С.Выготский, Д.А.Леонтьев, А.В.Петровский, Р.М.Загайнов, В.Н.Лебедев, А.М.Столяренко, В.Н.Томалинцев, М.Ш.Магомед-Эминов, Л.А.Китаев-Смык, В.И.Медведев ва бошқаларнинг спорт психологияси бўйича олиб борган замонавий тадқиқотларида казусли, экстремал, стрессли вазиятлар, жароҳатли ҳодисалар ва жароҳатли кечинмалар оқибатларини ўрганиш муаммоларига эътибор қаратилган.

Хорижий олимлар томонидан казусли вазиятлар ва ушбу вазиятларда пайдо бўладиган эмоционал ҳолатлар борасида бир қанча изланишлар олиб борилган бўлса-да, аммо улар қўлга киритган натижаларни маҳаллий шароитда тўғридан-тўғри қўллаш ижобий самара бермаслиги мумкин. Мазкур муаммони ечишга бағишланган ишлар хорижлик олимларнинг бир қатор изланишларида баён этилган. Жумладан, умумий психология ва шахс психологиясида С.Л.Рубинштейн, А.Ц.Пуни, Л.Р.Правдина, В.Л.Маришук, Е.П.Ильин, М.А.Котик, П.А.Рудик, Ю.Л.Ханинларнинг олиб борган илмий изланишларида казусли вазиятлар феномени ва эмоционал кечинмалар тушунчаларига атрофлича шарҳ берилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда спортчилардаги хавотирланиш даражасини ўрганиш мақсадида Ч.Д.Спилбергер-Ю.Л.Ханин, Р.Б.Кеттелнинг “16-омилли шахс сўровномаси” методикасидан фойдаландик.

Маълумки шахслилик хавотирланиши хавфли вазиятларда субъектнинг жавоб бериш реакциясининг намоён бўлиши билан характерланади. Реактив хавотирлилик субъектдаги кучли кўзгалувчанлик, хавотирлилик, неврозлар билан характерланади. Жуда юқори реактив хавотирлик диққатнинг бузилишига олиб келади, баъзида эса нозик координациянинг бузилишига сабабчи бўлиши мумкин. Жуда юқори шахслилик хавотирланиши низолар,

эмоционал ва асаб бузилишлар ҳамда психосоматик касалликлар билан корреляция қилади. Хавотирлик ҳолати динамикасини баҳолашда шкаланинг биринчи ярмини ишлатиш мумкин.

Синалувчилар билан ўтказилган тадқиқотдан олинган натижалар таҳлиliga эътибор берадиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларни кузатишимиз мумкин. Синалувчиларнинг ёши 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўспирин ёшларни ташкил қилади. Уларнинг ўртача ёши 17 ёшдан иборат. Уларнинг натижаларидаги асимметрия кўрсаткичини нормал тақсимланишга яқинлигини кўришимиз мумкин. Хавотирланиш шкаласи орқали энг кичик балл 14 балл бўлса, энг юқори балл 50 баллни ташкил қилиши қайд этилди. Хавотирланиш даражасида ўзини ўзи баҳолаш шкаласининг ўртача қиймати 38,68 баллга тенглигини кўришимиз мумкин. Уларнинг натижаси бўйича стандарт оғиш кўрсаткичи 9,36 баллга тенг эканлиги маълум бўлди. Ассиметрия ва эксцесс кўрсаткичи бўйича олинган натижалар кучсиз ифодаланган асимметрия ва кучсиз ифодаланган эксцессни кўрсатади. Бу ҳолатлар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

1 - жадвал

Синалувчиларнинг ёшига нисбатан хавотирланиш даражасини текшириш бўйича олинган умумий натижаларнинг таҳлили (n=290)

	n	Минимал	Максимум	Ўртача	Стандарт оғиш	Ассиметрия	Эксцесс
Ёши	290	15	20	16,10	2,62	-0,05	-1,34
Хавотирланиш шкаласи	290	14	50	38,68	9,36	-0,49	-0,74

Натижаларнинг таҳлилида Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва Футбол академияси спортчиларининг ўзини ўзи баҳолаш шкаласи бўйича олинган натижалар таҳлилини кузатамиз. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўзини ўзи баҳолаш шкаласи бўйича ўртача 40,77 баллга тенглигини кўришимиз мумкин. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида хавотирлик даражасининг нисбатан юқори эканлигини уларнинг ҳаётларидаги мусобақалар ҳали олдинда бўлганлиги билан тушунтириш мумкин. Синалувчиларнинг натижаларига кўра, шуни кузатиш мумкинки, футбол академияси спортчиларида ўзини ўзи баҳолаш шкаласи бўйича олинган ўртача бали 36,67ни ташкил қилади. Уларнинг натижалари деярли нормал ҳолатга яқинлиги билан эътиборга сазовордир. Эҳтимол, ҳозирги кунда футбол ташкилотлари ўйинчиларининг руҳий ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бунинг сабабидир. Чунки ҳар бир спортчи бир йилда уч мартаба тиббий ва психофизиологик кўриқдан ўтиши талаб қилинади.

Уларнинг ҳолатларидаги ўзгаришлар қайд қилиб борилади ва ўзгаришлар мавжуд бўлган спортчилар билан алоҳида психолог мутахассислар индивидуал шуғулланадилар. Биз натижалар таҳлилини кузатганимизда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ва Футбол академияси спортчилари ўртасидаги кўрсаткичда ишонч тафовутлари мавжудлиги намоён бўлди. Бу

** $P \leq 0,01$ ли ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам биз юқоридаги тахминни ишлатишимизга тўғри келди. Қуйидаги жадвалда эса синалувчиларимизнинг олинган натижалари таҳлили яққол ифодаланган (2-жадвал).


Хавотирланишни даражасини текшириш бўйича БЎСМлар ва Футбол академияси спортчиларидан олинган натижаларнинг таҳлили (n=290)

Хавотирланишни даражасини текшириш бўйича БЎСМлар ва Футбол академияси спортчиларидан олинган натижаларнинг таҳлили (n=290)

Методика	Синалувчи спортчилар	n=290	Ўртача	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
Хавотирланиш даражаси	БЎСМлар	144	40,77	8,106	2,116	,037**
	Футбол академиялари	146	36,67	10,108		

Юқоридаги ҳолатларнинг яққолроқ кўриниши диаграмма ҳолатида куйидагича кўринишга эга бўлди.

Хавотирланишнинг текшириш бўйича БЎСМлар ва футбол академияси спортчиларидан олинган натижалар диаграммаси



Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида биз спортчиларнинг шахс хусусиятларини атрофлича ўрганиш мақсадида Р.Б.Кэттелл томонидан ишлаб чиқилган 16 фактор (омил)ли саволномани қўладдик. Ушбу методика бўйича олинган натижалар умумий кўриниши 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал
Р.Б.Кэттелл методикаси бўйича синалувчиларнинг умумий бирламчи маълумотлари (n=290)

Шахслилик хусусиятларини ўрганиш фактор (омил)лари	N	Ўртача	Стандарт оғиш	Ассиметрия	Экспесс
Одамови ва мулокотмандлик (А)	290	6,80	2,58	0,17	-0,43
Интеллект (В)	290	4,82	1,69	-0,29	0,00
Эмоционал бекарорлик-эмоционал баркарорлик (С)	290	5,83	2,24	0,13	-0,08
Бўйсунувчанлик-устунлик (Е)	290	6,17	2,32	0,44	-0,53
Ўзини тута олиш-экспрессивлик (F)	290	6,62	2,39	0,29	-1,01
Ҳиссиётга берилувчи-хатти-харакатнинг юкори меъёрлиги (G)	290	6,27	2,94	0,18	-0,96
Тобелик-кучлилиги (H)	290	6,23	2,30	0,29	-0,28
Эмоционал қўполлик-сезгирлик (I)	290	7,58	2,08	-0,29	-0,03
Ишонч-гумон (L)	290	7,12	2,26	0,10	-0,37
Амалийлик- ижодкорлик (M)	290	5,57	2,15	0,51	-0,56
Хақиқатқўйлик-дипломатлик (N)	290	7,22	2,45	-0,33	-0,19
Ўзига ишонч-ўзига ишонмаслик (O)	290	7,89	2,51	-0,00	-0,94
Консерватизм-радикализм (Q1)	290	7,58	2,21	-0,05	-0,11
Конформлик-ноконформлик (Q2)	290	5,96	2,35	0,39	0,16
Паст даражада ўзини назорат қилиш-Юкори даражада ўзини назорат қилиш (Q3)	290	8,10	2,66	-0,33	-0,60
Бўшашганлик-қўзғалувчанлик (Q4)	290	7,66	2,27	0,14	-0,96
Ўзини баҳолаш адекватлиги (MD)	290	6,51	2,84	0,37	-0,86

Биз натижалар таҳлили бўйича жамоалар орасидаги фарқли ҳолатларни таҳлил қилганимизда одамови ва мулоқотмандлик (А) ва интеллект (В) омиллари ўртасида ишонч даражасидаги фарқлар БЎСМ ва Футбол академияси спортчилари ўртасида деярли фарқлар кузатилмади. Эмоционал бекарорлик-эмоционал баркарорлик (С) омили бўйича ҳам гуруҳий фарқлар кузатилмади. Бўйсунувчанлик-устунлик (Е) омили бўйича БЎСМлар ва Футбол академияси ўртасида $** (P \leq 0,01)$ ишончли фарқлар мавжудлиги кузатилди. БЎСМ спортчилари орасида нимагадир тобе бўлиш ҳолатибироз юқорилигини кузатса, Футбол академияси спортчилари орасида эса мустақил бўлиш ҳолатининг юқорилигини кузатишимиз мумкин.

Хулоса: спортчи эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг ижтимоий-психологик механизмларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Казусли вазиятлар спортчи фаолиятини кескин ўзгартиришига қодир воқелик бўлиб, бундай вазиятлар мусобақа жараёни ва ўйин пайтидаги эмоционал бекарорликни, асабий тарангликни, айниқса, салбий эмоционал кечинмалар (стресс, аффект, депрессия ва бошқ.) юзага келишига имконият яратади. Казусли вазиятлар ички мураккаб эмоционал боғланишли тузилишга эга бўлиб, инсон шахсига мотивацион, иродавий, ахлоқий, когнитив, регулятив таъсир ўтказишнинг омилкор шакллари таъсирини тақозо этади. Бундай вазиятларни муваффақиятли енгиш ва унинг салбий таъсирини минимум даражага олиб тушиш ҳар бир инсон учун зарур билим, малака ва маҳоратни талаб этади.

Узоқ ва яқин хориж ҳамда мамлакатимиз психологиясида казусли вазиятлар ва эмоционал ҳолатларнинг юзага келиши, кечиши, йўналгани ҳамда субъект фаолиятида шаклланиши тадқиқ қилинган бўлса-да, аксарият муаллифлар эмоционал ҳолат сифатида стрессни келтириб чиқарувчи омиллар, уни бартараф этиш моделлари, стрессга мойиллиги бор шахсларнинг умумий жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилганлиги аниқланди.

Спортчиларда ўйиндан олдин ва ўйиндан кейинги хавотирланиш даражасининг ўзгарувчанлиги, хавотирланиш жараёнида ўзини ўзи назорат қилиш, кучли эмоционал ҳолатдан узоқлашиш, хавотирлик спортчи шахсининг хатти-ҳаракатларида аномал ҳолатларни келтириб чиқариши каби ҳолатларни ўрганишга мўлжалланган методлардан фойдаланиш учун спортчи шахсининг экспрессив-диагностика қилиш усуллари моҳияти изоҳланди.

Адабиётлар рўйхати:

G'aybulloyev, A. A. (2022). Sportchilarda irodaviy sifatlarni shakllanishining psixologik mexanizmalari. *Science and Education*, 3(4), 832-837.

Гайбуллаев, А. А. Особенности эмоционального состояния спортсменов. *Вестник интегративной психологии (Ярославль, выпуск 23, 2021)*.—С. 69-73.

Nazarov, A. M. (2020). PSYCHOLOGICAL MECHANISM FOR IMPROVEMENT OF PSYCHOLOGICAL PROTECTION OF SPORTSMEN. *Theoretical & Applied Science*, (1), 435-438.

Назаров, А. М. (2020). Психологическая защита личности в спортивной деятельности "Психология XXI столетия". Выпуск, 1, 97-99.

Бафаев, М. М., Усманова, М. Н., & Остонов, Ш. Ш. (2014). Симптомы эмоционального выгорания современного педагога. *Наука. Мысль*, (6).

Бафаев, М. М., & Остонов, Ш. Ш. (2014). СОЦИАЛЬНОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ КАК МЕХАНИЗМ ЗАЩИТЫ ОБЩЕСТВА. In *Формы и методы социальной работы в различных сферах жизнедеятельности* (pp. 24-26).

Rustamov, S. (2021). ОСОБЕННОСТИ МАТЕМАТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРАКТИЧЕСКИЙ ПСИХОЛОГОВ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz)*, 8(8).

Рустамов, Ш. Ш. Анализ психологических данных с помощью программы SPSS. *Информационная культура современного детства. Сборник статей Международной научно-практической конференции Россия, г. Челябинск*, 31.

Ахмадов, Н. Р. (2022). Психологические механизмы реабилитации процесса дезадаптации у подростков. *Science and Education*, 3(4), 1271-1277.

Ахмадов, Н. Р. (2020). Роль психологического здоровья студентов в учебный процесс. *Психология XXI столетия*. In *Сб. научных статей по материалам международной конференции* (pp. 127-131).

**ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ
ИНСОНЛАР ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАРИГА ТАЪСИРИ**

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.005>

Каримжанова Ёқутхон Уринбаевна,

Фаргона Давлат Университети Психология кафедраси ўқитувчиси

**РАЗВИТИЕ ВИЧ-ИНФЕКЦИИ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА
ЭМОЦИОНАЛЬНОЕ СОСТОЯНИЕ ЛЮДЕЙ**

Каримджанова Ёқутхон Уринбаевна,

Преподаватель кафедры психологии Ферганского государственного
университета

**THE DEVELOPMENT OF HIV INFECTION AND ITS IMPACT
ON PEOPLE'S EMOTIONAL STATES**

Karimjanova Yoqutxon Urinbaevna,

Lecturer at the Department of Psychology, Fergana State University

Аннотация: Ҳозирги кунда бутун дунёда ОИВ инфекцияси бор одамлар сони шиддат билан ўсмоқда. ОИВ инфекцияси бор инсонларнинг эмоционал ҳолатлари дунё миқёсидаги муаммога айланган. Ушбу мақолада инсонлардаги эмоционал ҳолатларнинг ОИВ инфекциясини ривожланишига таъсир хусусиятлари баён қилинган.

Калит сўзлар ва иборалар: стресс, депрессия, ОИВ (одамнинг иммунитет танқислиги вируси), психика, психология, психологик ёрдам, психологик ҳолат, психосоматика, инфекция, иммунитет, вирус.

Аннотация. Сегодня число людей, живущих с ВИЧ, во всем мире стремительно растет. Эмоциональное состояние людей, живущих с ВИЧ, стало глобальной проблемой. В данной статье описаны особенности влияния эмоциональных состояний на развитие ВИЧ-инфекции у человека.

Ключевые слова и фразы: стресс, депрессия, ВИЧ (вирус инфицированный человек), психика, психология, психологическая помощь, психическое состояние, психосоматика, инфекция, иммунитет, вирус.

Abstract: Currently, the number of people with HIV (human immunodeficiency virus) is increasing rapidly worldwide. Emotional states of people with HIV have become a global problem. The article discusses the influence of the emotional state on the development of HIV.

Keyword: stress, HIV, psyche, medicine, psychology, psychological help, mental condition, psychosomatic, influence, immunity, virus.

Мамлакатимизда инсон омили ва “Комил инсон” ғояси билан боғлиқ барча соҳалар йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши ва ривожланиши учун узлуксиз таълим тизимининг жорий қилинганлиги ва бу борадаги эришилаётган натижалар фикримиз далилидир. Таълим тизими билан бир қаторда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам жуда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган кадрлар тизими, энг охириги технологиялар асосидаги тиббиёт ускуналари, мамлакатимизда ўтказилаётган тиббиёт масалаларига бағишланган бутунжаҳон конференциялари ва бошқалар бунга мисолдир.

ОИВ (одамнинг иммунитет танқислиги вируси) инфекцияси – одамга ОИВ юқиши натижасида вужудга келадиган ўта хавфли юқумли касаллик ҳисобланади. ОИВ инфекциясининг соғ одамга юқиши туфайли, ОИВ



инфекцияси касаллиги ва инфекциянинг даволанмаслиги унинг терминал (оғир) даври ОИТС (Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми)ни вужудга келтиради. Яъни, ОИТС ОИВ инфекциясининг охирги клиник босқичидир. ОИТС-Орттирилган Иммуно Танқислиги Синдроми — ОИВ-инфекциясининг касалликлар ривожланадиган сўнгги даври ҳисобланади. Ҳимоя тизимининг кучсизланиб бориши, турли хил юқумли касалликларга чалиниш хавфини оширади. Масалан, соғлом одамларга қараганда, ОИВ юққанларда ўпка силининг ривожланиш хавфи юқорироқ бўлади. Шундай микроорганизмлар мавжудки, улар соғлом одам учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди. ОИВ инфекцияси юққанда эса, ҳаттоки бу микроорганизмлар ҳам касалликларни юзага келтириши мумкин. Пневмоцистли зотилжам, Капоши саркомаси (терининг ўсма касаллиги) каби кам учрайдиган касалликлар шулар жумласига киради. Бу касалликлар охир оқибат ўлимга олиб келади.

Инсонларда ОИВ инфекциясига қарши даво излаш билан дунё олимлари Энтони Фаучи, Алексей Валентинов, Станислав Владимиров, Джозеф Соннабенд, Руслан Имранов, шу жумладан Ўзбекистонлик тиббиёт фанлари профессори К.Х.Атабеков ва бошқалар изланишлар олиб боришмоқда.

Охирги пайтларда олинган далиллар шуни кўрсатадики, инсоннинг ҳаётий ҳолатлари баъзи касалликлар билан боғлиқдир. Масалан, Мерри Фридман ва Рей Розенманларнинг “А тип бўйича ҳулқ-атвор ва сизнинг юрагингиз” асарида инсоннинг ўзини тутиши (ҳолати) билан юрак касалликлари ўртасидаги боғлиқлик курсатилган. Улар доимий босимда юрадиган ва ўзларининг ҳаётдаги ўрни учун курашувчи инсонларни “А гуруҳидаги одамлар” деб номлашган. Шу асосда инсонларда ОИВ инфекцияси билан эмоционал ҳолат ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини кўрсатувчи изланишлар америкалик олимлар томонидан олиб борилган. Уларнинг тадқиқотларига кўра ўзининг ҳаётдан қониқадиган, мамнун, хурсанд ва иродаси мустаҳкам ОИВ инфекцияли инсонлар бошқа ҳаётдан қониқмайдиган, норози, хафагарчиликка мойил, иродаси суст инсонларга нисбатан касалликларга камроқ чалинишлари аниқланган.


2013 йилда тадқиқотчи олима О.В.Кольцова ўз изланишлари натижасига кўра шундай хулосага келдики, салбий эмоционал омиллар ва ҳолатлар ОИВ инфекцияли беморларнинг касаллик ривожланишининг тезлигига таъсир этади. Буни исботлаш мақсадида олима ўзининг тажриба ўтказган беморлари мисолида қуйидагиларни келтириб ўтган. ОИВ инфекцияси эркакларга нисбатан аёллар ва болаларда тезроқ ривожланади. Чунки аёллар ва болалар стресс, депрессия ҳолатларига тушган вақтларида, уларда иммунитет пасайиши ва бошқа касалликларга кўпроқ чалиниши хавфи юқорилиги алоҳида таъкидланган.

Юқоридаги фикрларни Санкт-петербург университети профессори Рыбников Виктор Юрьевич, Россия Давлат Педагогика Университети олими Алехин Анатолий Николаевич, Санкт-Петербургдаги психология фанлар номзоди Шаболтас Алла Владимировналар ҳам ўз изланишларида таъкидлаб ўтишган.

Ҳозирги даврда ОИВ нинг келиб чиқиши ва даво чораларини қўллашда психология фани ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Буни тасдиқлаш мақсадида ОИВ инфекцияли инсонларда бошқа касалликларни ривожланиб кетиши руҳият билан боғлиқлигини тадқиқ қилувчи адабиётларни таҳлил қилдик. Назарий маълумотларнинг амалий асосини ўрганиш мақсадида Фарғона вилояти ОИТСга қарши кураш марказида ОИВ инфекцияли беморлар ва болаларнинг ота-оналари билан анкета савол-жавоблари асосида суҳбатлашилди. Беморларда Т.Холмс ва Р.Райх томонидан тузилган “Ҳаётий ўзгаришлар” шкаласи тести ўтказилди ва қиёсий таҳлил қилинди.

Эксперимент гуруҳи учун ОИВ инфекцияси бор одамлардан 20 та, назорат гуруҳи учун ОИВ аниқланмаган соғлом 20 та одамлар танлаб олинди. Тадқиқотнинг бориши қуйидагича олиб борилди. Бу методика 43 та турли хил ҳаётий ўзгаришларни ўзида мужассамлаштирган жараёнлардан иборат бўлиб, ҳар бир жараён белгиланган баллга эга. Агар юқори натижалар қайд этилса, синалувчилар ўтган йиллар давомида эмоционал ва жисмоний бузилишларга сабаб бўлган кучли стрессга тўқнаш келган ҳисобланади.

№	Соғлом одамлар	ОИВ инфекцияси бор одамлар
1	140	350
2	132	409
3	170	448
4	105	450
5	210	397
6	93	447
7	182	203
8	145	344
9	124	441
10	73	447
11	161	131
12	190	277
13	156	397
14	107	448
15	146	372
16	198	395
17	139	416
18	148	319
19	127	440
20	98	285



Юкорида ўтказилган экспериментдан қуйидагича хулоса қилсак бўлади:

Соғлом одамларнинг умумий баллари сони - 2844 га тенг;

ОИВ инфекцияси бор одамларнинг жами баллари эса – 7466 га тенг. Демак, 1)

$$2844:20=142,2$$

$$2) 7466:20=373,3$$

Олинган натижалар ОИВ инфекцияси бор инсонларда ўртача арифметик қиймат

142.2 га, Соғлом инсонларда эса ўртача арифметик қиймат

373.3 га тенг эканлигини кўрсатди.

№	Одамлар	Жами умумий ўртача баллар
1	Соғлом одамлар	142,2
2	ОИВ бор одамлар	373,3



ОИВ инфекциясини ривожланишини психология билан боғлиқлиги нуқтаи-назаридан адабиётлар, ўтказилган анкета савол-жавоблар, суҳбатларни таҳлиллари натижаси инсондаги руҳий ҳолатлар касаллик ва саломатлик орасидаги восита бўлиши мумкин экан. Ижобий ва салбий эмоционал ҳолатлар учун асосий ва муҳим сабаб инсоннинг психикасидир. Салбий эмоционал ҳолатларга берилувчанлик кўп инсонларга хос. Инсон қандай ҳолатга кўпроқ берилиши унинг ирода кучига ҳам боғлиқ. Инсоннинг руҳий ҳолатлари ижобий ва салбий кўринишларда бўлиб баъзи ҳолатлар инсон фаолиятини жадаллаштирувчи, фаоллаштирувчи бўлса, баъзилари фаолиятни маълум вақтгача чалкаштириши ёки тўхташиб қўйиши ҳамда стресс натижасида депрессия ҳолатига тушириб қўйиши ҳам мумкин.

Юқоридаги ҳолатлар ва олиб борилган изланишларни таҳлил қиладиган бўлсак, ОИВ инфекцияли беморларда салбий эмоционал ҳолатлар ОИВнинг ривожланишини тезлашишига ўз таъсирини кўрсатади. Ижобий эмоционал ҳолатлар эса ОИВ инфекциясининг ривожланишини секинлашишига олиб келади.

Демак, инсонларда ОИВ инфекциясининг ривожланиши объектив, кансероген ва бошқа омиллар билан бир қаторда психологик омилларга ҳам боғлиқ бўлишлигига биз юқоридаги тадқиқотларда гувоҳ бўлдик. Юқоридаги назарий ва амалий кузатувлар натижаси шуни кўрсатадики, инсоннинг саломатлик ва касалликка нисбатан муносабати уни у ёки бу ҳодисага нисбатан мойиллигини вужудга келтиради. Тиббиётда аниқлангандек, ОИВ инфекцияли беморларда ва бошқа деярли барча касалликларнинг келиб чиқиши психосоматик (Психосоматика (юнонча “руҳ” ва “тана” деган маъноларни билдиради) бу психологик омилларни танадаги касалликларга таъсир кўрсатишидир) омилларга асосланади. Яъни, одамнинг касалликка чалиниши руҳият билан боғлиқлиги ҳам тиббий, ҳам психологик нуқтаи-назардан тасдиқланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ОИВ инфекцияси бор инсонлар касаллигининг психопрофилактикаси сифатида қуйидаги тавсияларни ҳавола этишимиз мумкин:

ҳар қандай ҳолатда ҳам руҳий мувозанатни, ҳиссий барқарорликни, осойишталикни сақлаш;

атрофдаги ҳар қандай, у ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий ҳодисалар бўлсин улардан ўта таъсирланмаслик;

доимо ижобий кайфиятни ярата олиш кўникмасини шакллантириш;

ўзини адекват англаш, тўғри йўналтира олиш ва эмоцияларини бошқара олиш малакасини ривожлантириш;

соғлом кун тартибига риоя қилиш ва бўш вақтини эмоционал ёқимли кечинмали машғулотларга сарфлаш;

ҳаётни, атрофдагиларни одатийлигича қабул қилиш;

ҳаётни севиш, шукроналик ҳиссини туйиш, ҳар бир дақиқанинг тақдорланмас эканлигини англаган ҳолда завқланиб яшаш;

ҳар бир инсон ўзидаги ижобий эмоционал ҳолатларга кўпроқ эга бўлиши учун ўз иродавий кучини шакллантириши, ривожлантириши ва мустаҳкамлаши лозим;

ҳар қандай ҳолатда ҳам, яъни инсонда оив инфекцияси бўлишидан қатъий назар ҳаёт давом этишини тўлақонли ҳис қилиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Мирослава Андрущенко и др.г. Настольная книга для позитивных людей. Укр., -2008.

2.Хайдаров Ф., Халилова Н. Умумий психология (дарслик) Т. Низомий номидаги ТПДУ – 2010.

3.Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни С а қ л а ш Вазирлигининг 123-сонли буйруғи – 2015.

4.Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. – Т.: 2010.



КУРАШЧИЛАРНИ МУСОБАҚАЛАРГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛЛАРИ ВА МУСОБАҚАГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.004>

Ходжанов Азиз Рахимович,

*“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети
“Профессионал таълим ва жисмоний маданият” кафедраси доценти*

Аннотация: Ушбу мақола курашчиларни мусобақаларга психологик тайёрлашнинг ўзига хос йўллари ва мусобақага психологик тайёргарлик жараёнининг хусусиятлари ҳақида бўлиб, курашчиларни мусобақага тайёрлашда умумий психологик тайёргарлик спорт машғулоти ўқув-тарбиявий ва таълим вазифалари, бундан ташқари умуман спортчиларни мусобақалашини фаолияти экстремал шароитларига мослашини, ўзини бошқариши маҳоратини такомиллаштириши ва мана шу шароитларда яхши спорт натижаларига эришишига интилишини ривожлантириши вазифалари ёритилган.

Калит сўзлар: Курашчилар, спорт психологик, мусобақа, фаолият, тайёргарлик.

СПЕЦИФИЧЕСКИЕ СПОСОБЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ БОРЦОВ К СОРЕВНОВАНИЯМ И ОСОБЕННОСТИ ПРОЦЕССА ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ К СОРЕВНОВАНИЯМ

Ходжанов Азиз Рахимович,

*Национальный исследовательский университет «Ташкентский
институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»
доцент кафедры «Профессиональное образование и физическая
культура»*

Аннотация: В данной статье речь идет о специфических способах психологической подготовки борцов к соревнованиям и особенностях процесса психологической подготовки к соревнованиям, именно в этих условиях выделена задача развития стремления к достижению высоких спортивных результатов.

Ключевые слова: борцы, спортивная психология, соревнование, деятельность, тренировка.

SPECIFIC METHODS OF PSYCHOLOGICAL PREPARATION OF WRESTLERS FOR COMPETITIONS AND FEATURES OF THE PROCESS OF PSYCHOLOGICAL PREPARATION FOR COMPETITIONS

KHojanov Aziz Rakhimovich,

*National Research University «Tashkent Institute of Irrigation and
Agricultural Engineering», docent of the Department «Vocational Education and
Physical Culture»*

Abstract: In this article we are talking about specific methods of psychological preparation of wrestlers for competitions and the features of the process of psychological preparation for competitions, it is in these conditions that the task of developing the desire to achieve high sports results is highlighted.

Key words: wrestlers, sports psychology, competition, activity, training.

Ҳозирги замон психологияси онгни борлиқни одамнинг бошида акс эттириш сифатида ва шу билан бир вақтда унга одамнинг муносабати сифатида қарайди. Борлиқни ва ўзини акс эттириш образлар, фикрлар ва сезгилар шаклида инсон хаёлида юзага келади ва мавжуд бўлади. Муносабатлари эса ҳар бир одамнинг ривожланиш тарихида шаклланган индивидуал-танлов хусусиятига ва у ёки бу эмоционал кўринишга асосланган борлиқнинг турли томонлари билан боғлиқ унинг ижтимоий тарбияси ва тажрибаси сифатида иштирок этади (В.Н.Мясишев).

Одамнинг уни ўраб турган ижтимоий ва табиий муҳит билан ўзаро алоқаларида уни акс эттириш ва унга муносабат ҳар доим биргаликда иштирок этади ва маълум ҳаракатларида амалга оширилади. Акс эттириш ва муносабатлари бирлигида у ёки бу объектни акс эттириш дастлабки ҳисобланади. Аммо бир марта юзага келиб муносабатлари ана шу объектни ўзини ёки унга ўхшаш объектни такрорий акс эттиришга маълум таъсир кўрсатади. Айтилганга энг умумий шаклда нотўғри фикр тушунтиришга хизмат қилиши мумкин.

Одамнинг хулқи, унинг аниқ ҳаракатлари фақат ташқи муҳитдан келиб чқаётган. Организмнинг ички муҳити ҳолати ва ўзгаришларининг бевосита таъсири билан эмас, балки илгари тажрибасида юзага келган муносабати ёки муносабатлар тизими билан ҳам белгиланади. Шу билан бир вақтда муносабатлар одам хаёлида борлиқни акс эттириш асосида ҳам юзага келади ва ўзгаради.

Психологик тайёргарлик табиий таркибий қисми бўлиб, машғулотлар ҳамма даври ва босқичлари мазмунига киради. Мусобақаланиш фаолиятига умумий тайёргарликни ва аниқ бир мусобақага махсус тайёргарлик кўрсатилади.

Умумий психологик тайёргарлик спорт машғулотлари ўқув-тарбиявий ва таълим вазифаларини, бундан ташқари умуман спортчиларни мусобақаланиш фаолияти экстремал шароитларига мослашиш, ўзини бошқариш маҳоратини такомиллаштириш ва мана шу шароитларда яхши спорт натижаларига эришишга интилишини ривожлантириш вазифаларини ҳал этади.

Спортчини ҳар бир мусобақада иштирок этишга тўла тайёрлигини шаклантиришда таркибий қисми бўлиб киради (4.2.га қаранг), лекин унда психик тайёрлик ҳолатини яратишга аниқ йўналтирилган.

Умумий психологик тайёрлиги мазмуни куйидагиларни назарда тутади:

Маънавий эстетик тарбиялаш – спортчиларда ғоявий йўналган шахсни, интизомлиликни, уюшқоқликни, жамоатчиликни шаклантиришга, мусобақанинг ноқулай шароитларида ўзини эркин бошқара олиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган.

Интеллектуал сифатларини – ақлининг аналитик-систетиклигини ва танқидийлигини, фикрлаши чуқурлиги, мустаҳкамлиги, чаққонлигини, ижодий тасаввурини такомиллаштириш.

Иродавий тайёрлаш – ҳар бир спорт тури учун одатий бўлган иродавий сифатлари тузилишини такомиллаштириш: тўсатдан юзага келадиган тўсиқларни енгиб ўтишга тайёрлаш; ўзини тез тутиб олиш, юзага келган вазиятни тўғри баҳолаш, аниқ қарорлар қабул қилиш ва уларни тўғри амалга ошириш маҳоратларини ривожлантириш;

Мусобақалар давомида спортчига халал берувчи ташқи ва ички омилларга нисбатан тўсиқларга чидамлилигини ошириш; диққатини жамланганлигини, кучлилигини ва мустаҳкамлилигини ошириш; чидамлилик ва ўзини тута билишини ривожлантириш. Машқларни бажаришга йўналтириш – машқларни бажариш керак бўладиган шароитларни аниқлаш мақсадида назорат-тахминий фаолиятни такомиллаштириш; машқни бажаришга идеомоторли

тайёргарлик услубларини такомиллаштириш; машқни бажаришдан аввал диққатни жамлаш индивидуал давомийлигини аниқлаш ёки аниқлаштириш ва мустаҳкамлаш, ҳаракатларни бажаришга тайёрлик ҳолатини аниқлаш маҳоратини такомиллаштириш;

Машқни бажарилишини танкидий баҳолаш ва кейинги ҳаракатларини режалаштириш қобилиятини ривожлантириш – ҳаракатланиш, кўриш, эшитиш ва бошқа сезгиларини аниқлигини ривожлантириш, махсус сезгиларини шакллантириш – “сувни хис этиш”, “планкани хис этиш” ва бошқалар. Машқни бажариш давомида олаётган ахборотларини таҳлил қилиш ва бажараётган ҳаракатига керакли тузатишлар киритиш маҳоратини такомиллаштириш;

Ички ёмон ҳолатларида ўзини бошқариш услублари билан қуроллантириш – эмоционал кескинлик ёки тушқунлик, ривожланадиган толиқиш ва бошқаларда ўзини назорат қилишга ўрганиш; мускулларини ихтиёрий бўшаштириш, нафас олишини бошқариш, диққати ва фикрларини ўзгартириш, ирлдавий кучларини ташкил қилиш ва жамлаш услубларини эгаллаб олиш;

Нерв-психик бардамликни сақлаб қолиш ва тиклаш усуллари билан қуролланиш – сўз билан ўзига таъсир кўрсатиш турли усуллари аўтоген, психобошқариш машқлари услубларини идеомотор машқ билан ва спортчи шахси индивидуал-психологик, типологик хусусиятларига биноан машғулот билан биргаликда турли хил усуллари эгаллаб олиш.

Психологик тайёргарлик мураббий ва спортчининг биргаликдаги ижодий ҳаракатлари билан, айтиш мумкинки, ҳатто кўп жиҳатдан спортчининг кучлари билан амалга оширилади, чунки у мусобақаларда яхши натижаларга эришишга мустақил курашади. Мураббий энг яқин йўналтирувчи бўлиши керак, лекин спортчи ўрнига ўйловчи шериги бўлиши керак эмас. Мусобақаларга психологик тайёрланиш мураккаб жараёни мусобақалар бошланишидан олдин бўлган вақт давомида амалга ошириладиган маълум ўзаро боғланган звенолар тизимидан иборат бўлади.

Спорт ҳаракатини бажаришга бевосита тайёргарлик – мусобақага бутун психологик тайёргарликнинг яқунловчи ва жуда масъулиятли вазиятидир.

Айнан мана шу қисқа вақт давомида спортчи юқори кўрсаткич билан спорт ҳаракатини бажариш учун ўзининг бор кучини, бутун имкониятларини жамлаши керак бўлади.

Кўпинча, айтайлик оғир атлетикача штангани кўтаришда нол баҳо олгани ҳақида, чунки у диққат-этиборини, кучини жамлай олмагани ҳақида эшитамиз, ўқиймиз. Бу эса ушбу машқни бевосита бажаришдан олдин тўла тайёргарликни амалга ошира олмаганини англатади. Бундай тайёргарлик одатда энгил атлетикада, спорт ва бадий гимнастикасида, акробатикада, сувга сакрашда, чангида трамплиндан сакрашда, спалом ва чангида тезлик билан тушишда, ҳамма турдаги қуроллардан ва камондан ўқ отишда, фигурали учишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Назорат-йўналтириш босқичи – бу айнан мана шу мусобақада бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар учун аниқ шароитлар ҳақида тўла ахборот тўплаш босқичи. Ҳар бир спортчида машқни бажариш техникаси ва типовой шартлари (мисол учун, югуриб узоқликка сакраш, диск улоқтириш, аниқ бир снарядга гимнастик комбинацияни бажариш, фигурали учишда мажбурий дастур фигурасини бажаришда) олдиндан мустаҳкам дастурлаштирилган ва машқнинг ўзи ёдлаб олинган ҳаракат ҳисобланади. Аммо мусобақанинг мавжуд аниқ бир вазиятида спортчи машқни бажариш одатий шароитларидан уларни ажратиши ва ушбу шароитларга биноан машқни бажариш техникасини деталларини мослаштириши ҳамда бу мумкин бўлса яхши натижага эришиш мақсадида уни бажариш шароитларини мослаштириш ҳақида қарор қабул

қилиши керак бўлади. Айнан мана шунинг учун ушбу босқич назорат-йўналтириш номини олди. Шундай қилиб, мана шу бутун бир жараённинг умумий механизмини А.А.Ухтомский бўйича маълум тартибда доминант жараённинг кучини жамланиши сифатида, диққатнинг ҳаракатни бошлашга тайёрлиги вазиятини кутишда тўла жамланганлигида психологик намоён бўладиган жараён сифатида тушуниш мумкин.

Баҳолаш босқичи. Бу босқичда унинг номи кўрсатиб турганидек спортчи ҳозиргина бажарган ҳаракатини баҳолайди. Онгнинг мазмуни бўлиб бу ерда эришилган натижа ва спортчи асосан гавдасининг ҳамда вақт давомида, фазодаги ҳаракатлари, ҳолати ва ҳаракатланиши ҳақидаги проприоцептив сигналлари ва ҳаракатни бажариш ташқи шароитлари ҳақидаги кўриш сигналлари орқали олинган онг учун тушунарли бўлган белгилари бўйича ахборотлар (И.М.Сеченов) билан ҳаракатни бажариш боришини хаёлан кузатиш хизмат қилади.

Мана шу интеллектуал фаолликка бой жараёнда ҳаракатни бажаришдаги хатолари баҳоланади ва уларни қайта бажариш керак бўлган ҳолларда ҳаракатни бажариш жараёнининг ўзига ва мумкин бўлган жойларда фаолият ташқи шароитларига ҳам керакли тузатишлар (мисол учун, сакрашда югуриш белгилари аниқлаштириш) киритиш ҳақида қарор қабул қилинади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Баротов Ш.Р. Ўсмирларни касб танлашга йўналтириш тизими ва унинг ижтимоий-психологик асослари. «Педагогик маҳорат» журнали. Бухоро, 2004, 1-сон 33-37 бетлар.

2. Баротов Ш.Р. Психология ва таълим самараси. «Бошлангич таълим» журнали. Тошкент, 2001, 2-сон, 24-25 бетлар.

3. Машарипов. Й Бобур ва спорт. Бобур ва унинг замондошлари ижодини урганиш масалалари.-Самарканд: 1983, 82-85-бетлар.

4. Исмоилов.Р, Шоломицкий.Ю. Ўзбекистонда физкультура тарихи. Тошкент Укитувчи, 1969, 6-12-бетлар.



РЕКЛАМАНИ ИДРОК ҚИЛИШДА ШАХС ИЖТИМОЙ УСТАНОВКА КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.6.6.003>

Омонов Шерали Иброхим ўғли,

Фаргона давлат университети психология кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация Ушбу мақолада реклама воситалари ва истеъмолчиларнинг уларга нисбатан муносабати, рекламани идрок қилинишида шахснинг ижтимоий установка компонентларига (когнитив, аффектив, конатив) боғлиқлиги ишончли тадқиқот методларидан фойдаланган ҳолда очиб берилган.

Калит сўзлар : реклама , ижтимоий установка, когнитив, аффектив, конатив компонентлар, телевизион реклама, ташқи тасвирий реклама, эмоция.

ВЛИЯНИЕ ОТДЕЛЬНЫХ КОМПОНЕНТОВ СОЦИАЛЬНОГО ИНСТИТУТА НА ВОСПРИЯТИЕ РЕКЛАМЫ

Омонов Шерали Иброхимович,

*преподаватель психологии Ферганского государственного
университета.*

Аннотация. В данной статье описаны средства рекламы и потребительское отношение к ним, зависимость личности от компонентов социальных установок (познавательных, аффективных, конативных) при восприятии рекламы с использованием надежных методов исследования.

Ключевые слова: реклама, социальная установка, когнитивный, аффективный, волевой компоненты, телевизионная реклама, наружная реклама, эмоция.

THE EFFECT OF INDIVIDUAL SOCIAL INSTITUTION COMPONENTS ON PERCEPTION OF ADVERTISING

Omonov Sherali Ibrokhim oglu,

teacher of psychology at Fergana State University.

Abstract This article describes the means of advertising and consumer attitudes towards them, the dependence of the individual on the components of social attitudes (cognitive, affective, conative) in the perception of advertising, using reliable research methods.

Keywords: advertising, social setting, cognitive, affective, conative components, television advertising, outdoor advertising, emotion.

Бугун биз яшаётган ахборот асрини рекламасиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига реклама шиддат билан кириб келмоқда. Кўча-кўй, автотранспорт воситалари, телевидение ва радио, газета ва журналларда доимо рекламага дуч келамиз. Юқорида айтиб ўтганимиздек, реклама ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб бормоқда. Ҳозирда мамлакатимизда тузилган “Реклама индустрияси миллий ассоциацияси” тадбиркорларнинг реклама саноатидаги фаолиятини ривожлантириш ва замонавий реклама индустриясини йўлга қўйиш, уларнинг самарали фаолиятини ташкил қилиш, хорижий ҳамкорлар билан ҳар томонлама фойдали савдо алоқаларини йўлга қўйиш каби мақсад ва вазифаларни бажариб келмоқда. Реклама мазмун моҳиятига кўра, ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги алоқачи вазифасини бажаради. Бу эса янги

маҳсулотлар ва хизматлар ҳақида маълумотга эга бўлиш имконини янада оширади. Реклама жамиятда фақатгина иқтисодий соҳагагина таъсир этмай балки ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Хусусан, ҳар томонлама юксалиб бораётган жамиятимиз фуқароларининг онги, фикрлаши, хулқ-атвори ва маълум баҳолашлар тизими, истеъмолчилик дидининг шаклланишида рекламанинг ўрни беқиёс.

Реклама оммавий (ёки гуруҳий) фаолиятни йўналтириш қобилиятига эга бўлган ахборот таъсирининг замонавий ижтимоий технологияси, ижтимоий-психологик тадқиқотлар предмети сифатида қизиқиш уйғотади. Реклама ахборот соҳасидаги хулқ-атвор намуналарини тарғиб қилади ва унинг воситасида, жамиятда муайян қадриятлар ва стереотиплар шаклланиб боради. У истеъмол маданиятини ва умумий хулқ-атвор меъёрларини жамиятда тарқалишига имкон беради. Маълум объектни идрок этиш ва баҳолашда одамлар ўз баҳоларини онгли равишда мавжуд бир манзара, тасвир, стандартлар билан боғлайдилар. Юқоридаги мулоҳазалар реклама соҳаси қадриятлар тизими шаклланишида тобора фаол аҳамият касб қилаётганининг оқибатидир.

Бугунги кунда реклама қанчалик танқид қилинмасин, у савдо айланмасини тезлаштирувчи тараккиёт двигатели, истеъмолчиларга ахборот етказишнинг энг самарали усули бўлиб қолмоқда. Истеъмолчиларга маълумот етказишнинг энг кенг тарқалган усули телевизион реклама, ташқи тасвирий реклама бўлиб, телевидениеда эфирда ва фильмлар орасида қайта-қайта реклама роликлари номайиш этилади. Кўпчилик ташқи тасвирий рекламани қиммат ҳисоблашсада, баъзи компаниялар истеъмолчилар билан ишлашнинг энг самарали восита сифатида эътироф этишади. Шунинг учун ҳам кўплаб ташқи реклама тасвирлари, телевидение рекламалари, радио ва газета - журналлардаги, шунингдек, интрнет ва ижтимоий тармоқ рекламалари ҳар қадамда биз билан бирга. Ҳаттоки, босма нашрлар реклама маълумотлари йўловчи ва юк ташувчи транспорт воситаларини ҳам тўлдирган. Буларнинг барчаси кўпчиликка ёқмайди, лекин айти пайтда замонавий иқтисодиётни рекламасиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Тадқиқотимиз давомида реклама воситалари ва истеъмолчиларнинг уларга муносабати турли психологик методикалар орқали ўрганилди. Реклама идрок этувчиларининг когнитив, аффектив ҳамда хулққа оид установакаларини ўрганиш мақсадида ишлаб чиқилган, “Рекламанинг менинг ҳаётимдаги ўрни” ижтимоий-психологик сўровномасидан (муаллифлик сўровномаси) фойдаландик.

Тадқиқотда 191 та тадбиркорлар (84 нафар аёл, 107 нафар еркак) ва 160 та талабалар (51 нафар аёл, 109 нафар еркак), жами 251 нафар синалувчи иштирок етди. Ўтказилган сўровнома ва контент - таҳлил натижаларини солиштириб, реклама истеъмолчиларининг берган жавобларига қараб, ижтимоий установакалари ажратилди. Ижтимоий установака деганда, инсоннинг қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга оширишдаги ички тайёрликни, кишининг тевақатрофдаги одамларга ва объектларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, уларни идрок қилиш, уларга баҳо бериш ва уларга нисбатан ҳаракатининг тайёрлик ҳолати тушунилади. Бирок, истеъмолчиларда ижтимоий-психологик установакаларнинг шаклланиши ташқи таъсир остида юз бериши мумкин. Бу ҳолда установакалар ўзи эҳтиёжга қараб қолади. Инсонга ҳар қандай таъсирни ўрганишда, ижтимоий установакалар назарияси нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин. Агар установакалар табиий бўлса, уларни табиий деб қараш мумкин. Ўтказилган тадқиқот натижасида истеъмолчиларда когнитивдан (Г.Оллпорт ижтимоий установаканинг уч компонентли тизими асосида) кўра аффектив установакалар устуворлиги маълум бўлди. Айтиқса ёш аёллар

аудиториясида хис-туйғуларга берилган ҳолда реклама маҳсулотларини қабул қилиш ва уларни сотиб олишга иштиёқи кучлилиги аниқланди. Бу албатта муаммо ҳисобланади. Эмоцияларга берилиб, когнитив компонентга эътиборнинг пастлиги бу этнопсихологик ўзига хос муаммо сифатида кўриш мумкин. Мазкур муаммони бартараф этиш лозим. Бунинг учун реклама истеъмолчиларида когнитив установкакаларни ривожлантирилишига аҳамият берилиши лозим. Ҳар қандай рангли, чиройли тавсирга эга бўлган реклама маҳсулотларини сотиб олишда эмоцияларга эмас, балки шу маҳсулотнинг фойдалилиги, яроқлилиги, сифатлилиги бўйича билимларга таяниб сотиб олиниши иқтисодиёт ривожланиши учун муҳим. Мижозларга ҳиссий ва физиологик механизмлар орқали таъсир кўрсатиш реклама берувчилар учун керак, чунки улар кўпинча ахлоқий ва иқтисодий мақсадларга эриша олмайдилар. Ўтказилган тадқиқот методикалари психологик таҳлили ўтказилиб, синалувчиларда ўтказилган сўровнома, контент таҳлил жавоблари ўрганилди ва натижалар когнитив, аффеktiv, конатив компонентли тизимига кўра ажратилди. Бу компонентлар:

Когнитив компонент – бу ижтимоий установка объектини англаш, у ҳақида фикр билдириш, ғояларни тўғри суриш билан боғлиқ жиҳатлар;


Аффеktiv компонент – бу объектга нисбатан ҳиссий муносабатлар, уни эмоционал баҳолаш, ёқтириш-ёқтирмаслик билан боғлиқ субъектив ҳолатлар;

Хулқ-атвор компоненти (ёки конатив) – объектга нисбатан реал хатти-ҳаракатни тушунтирувчи жиҳатларни англатади.

Бу компонентлар ўзаро боғлиқ бўлсада, реал ҳаётда, амалда у ёки бу компонентнинг аҳамияти устунроқ бўлади. Реклама идрок қилувчиларда бу жиҳатлар ўрганилганда ҳам айрим фарқлар мавжудлигига аҳамият қаратдик. Олинган натижаларни миқдор таҳлили, бизга қуйидаги маълумотларни олишга имкон берди.

Тадбиркорлар ва талабаларнинг рекламани идрок этишида ижтимоий устоновкаларнинг намоён бўлиши фарқлари.

1-диаграмма.




